Nevertheless, over the past 13 years, the amount of the average payment through the terminal per card has increased significantly - from 207 thousand soums to 2.7 million soums. In 2018, the total amount of payments through the terminal amounted to 53 trillion sum. Although the Parliament approved the "Law on Electronic Digital Signatures" in 2005, which became the basis for legal Internet transactions, the lack of regulation is still the main barrier to the development of electronic commerce in the Republic of Uzbekistan. Currently, the website, designed to discuss draft regulatory acts (regal.gov.uz), has posted a bill to amend and amend the Law on Electronic Commerce, which introduces improved regulations in the field of electronic commerce. In 2017, Uzbekistan began its journey to the e-government system with the development of a public services web portal.

In 2018, 127 online services were offered from various government agencies, and the number of applications reached 3.2 million. However, out of 32 million, the number of users was only 57.7 thousand people. Starting in 2019, getting public services online is 10% cheaper. The United Nations E-Government Index reflects how a country uses information technology to provide access and integration for its people. In 2018, the indicators for Uzbekistan are almost equal to the average for the CIS and exceed the global average. Among 193 countries in the ranking, Uzbekistan ranks 81th.

Finally, the inflated cost of the Internet, insufficient coverage and low international Internet bandwidth are the result of a monopolized telecommunications industry. The market form of telecommunications in developing countries is often an oligopoly or even a monopoly. In Uzbekistan and other CIS countries, the telecommunications industry is mainly limited to one leading company, which is endowed with special powers and resources (for example, Rostelecom, Ukrtelecom, Kazakhtelecom, Aztelecom, etc.). An important step towards a digital economy will be the abolition of the state monopoly on international gateways, which is scheduled for 2020. Liberalization of the telecommunications industry will allow Uzbekistan to provide its citizens with safe and affordable Internet services and benefit from the digital economy.

The digital economy has emerged as a result of the emergence, rapid development and widespread dissemination of electronic computing, information technology and the Internet; At present, in many developed countries, the digital economy is being introduced into all industries, target laws and programs are being developed and approved that will become the springboard for the development of the digital economy; target indicators for the long-term development of the country are listed. The government of Uzbekistan has included a digital economy program in the strategic development plan of the state, the purpose of which is to create a full-fledged digital environment and digital field in the republic. According to the government, it is precisely the "digitalization" of the economy that will allow the

country to resolve the issue of global competitiveness and national security as soon as possible.

The message of the President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev Oliy Majlis dated December 28, 2018 notes: "... we should start developing in 2019 the National Concept of the Digital Economy, which provides for updating all areas of the economy based on digital technologies, and implement the program on this basis" Digital Uzbekistan-2030 ". "Digital economy" is the provision of digital space for all spheres of the country's life. The main objective of the program is to create legal, technical, organizational and financial conditions for the development of the digital economy in the country and its subsequent integration with the digital economies of foreign countries. The digital economy will ensure gross domestic product growth of at least 30 percent and dramatically reduce corruption. This is confirmed by analytical studies of reputable international organizations." The country has embarked on the development of a program for the country's transition to a digital format in the economy. The stages of this program will last until 2030. Developed countries of the world are characterized by dominance in the economy of the service sector and the emergence of information technologies on their basis.

However, society is not standing still, its further development and the increasing dominance of the services sector over production have led to the fact that information technology and the IT sector have begun to play a key role in this movement, which greatly simplify the very mechanism by which a person receives any service. The advent of the Internet and the reduction in the cost of access to the global network have become a real information (digital) revolution that has changed the life of mankind in general, and the economy in particular. The digital economy, namely the emergence of new opportunities, certainly has a positive effect on human life. Thanks to the development of digital technologies, the consumer can quickly get the services he needs, save money by buying products in online stores at lower prices. In the end, the consumer can even start his own business online, become an entrepreneur without leaving home.

The World Bank in its review in 2016 noted that the digital economy contributes to the growth of labor productivity, increase the competitiveness of companies, reduce production costs, create new jobs, overcome poverty and social inequality. The development of modern society is such that only the digital environment will allow the economy of Uzbekistan to integrate into the global space, since the business sector, in cooperation with citizens, has long been using digital technologies, including digital currency. The development of the digital economy implies total globalization, an extremely high competitive environment, the availability of qualified personnel and high-quality education, a new quality of life, business and public services, the deployment of a modern Internet infrastructure in modern cities, increasing the digital literacy of the population and systematic training of IT specialists in all areas of economics. An important criterion for the digital economy is to improve the quality of state and municipal services, and reduce the cost of the state in providing them. At the same time, the state must guarantee the stability and security of the infrastructure, ensure a high

level of education of the population, including digital literacy, connect the digital economy with all industrial spheres, and most importantly, integrate the international digital industry into the national infrastructure.

For this purpose, the Republic should work on the creation of technology parks, research and production clusters and other innovative projects, the widespread and affordable training of citizens of digital literacy, the introduction of digital technologies, ensuring the coverage of the country with the Internet with a network of 5G or higher, and the introduction of electronic document management in activities enterprises. All these measures will require huge financial investments from the state, trained specialists to educate employees of enterprises and the population in the basics of the digital economy, but this is a dictate of the time and the requirements of advanced information technologies that will be put at the service of the people. Thus, the Digital Uzbekistan-2030 program is not just another major state project of the country, it is an important aspect of the innovation activity of the Republic of Uzbekistan, the main goal of which is not only to achieve a high level of development, but also to integrate and interact with developed countries of the world.

Г.П. Ғуломова– Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат туризми" кафедраси катта ўқитувчиси, и.ф.н.

МИЛЛИЙ ИННОВАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Аннотация. Мақолада миллий инновация тизимлари концепциясининг шаклланиши, унинг замонавий иқтисодий назариядаги аҳамияти, миллий инновация тизимининг иқтисодий тушунча сифатида назария ва амалиётга кириб келиш тарихи ўрганилган. Миллий инновация тизимига турли муаллифларнинг қарашлари таҳлил этилган. Миллий инновация тизими концепциясининг ривожланиш босқичлари ажратиб берилган.

Калит сўзлар: миллий инновация тизимлари, инновация сиёсати, инновацион билим, технологиялар трансфери, техноиқтисодий парадигма, венчур фондлар, инновация диффузияси, инновацион кадрлар, инновацион иқтисодиёт.

Аннотация. В статье исследуются вопросы формирования концепции национальных инновационных систем, ее значение в современной экономической теории и история внедрения национальных инновационных систем в экономическую теорию и практику. Анализируются разные авторские взгляды на национальную инновационную систему. Выделены этапы развития концепции национальной инновационной системы.

Ключевые слова: национальные инновационные системы, инновационная политика, инновационные знания, трансфер технологий, технико-экономическая парадигма, венчурные фонды, распространение инноваций, инновационный персонал, инновационная экономика.

Abstract. The article examines the formation of the concept of national innovation systems, its importance in modern economic theory and the history of the introduction of

national innovation systems in economic theory and practice. The author analyzes different viyews on the national innovation system. The stages of development of the concept of a national innovation system are highlighted.

Keywords: national innovation systems, innovation policy, innovative knowledge, technology transfer, technical and economic paradigm, venture capital funds, the spread of innovation, innovative personnel, innovative economy.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсишни, аҳоли фаровонлиги ва иқтисодиёт тармоқлари рақобатбардошлигини таъминлаш жамиятнинг инновацион ривожланиши жараёнида юз берувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатларни шакллантиришни талаб этади. Бундай муносабатлар глобаллашув жараёнининг муҳим талабларидан бўлган миллий инновация тизимини ривожлантириш йўли билан шакллантирилади. 2018 йил 21 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” Фармони эълон қилиниб, унда “Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шарти” эканлиги белгилаб қўйилди[1] [1,3].

Ҳозирги даврда Ўзбекистонннинг инновация сиёсати инновацияларни жорий этиш механизмини такомиллаштириш, миллий инновация тизимини ривожлантириш орқали мамлакатнинг иқтисодиётини инновацион ривожлантиришга эришиш мумкин.

Инновация иқтисодий тушунча сифатида дастлаб Й.Шумпетер томонидан киритилган. Турли олимлар, асосан хорижий олимлар (шу жумладан, Н. Мончев, И. Перлаки, В. Хартман, Б. Твисс ва бошқалар.), бу тушунчани ўз тадқиқотларининг объекти ва предметига боғлиқ ҳолда таърифлашган. Масалан,Б. Твисснинг фикрича, ихтиро ёки ғояни иқтисодий таркибга эга бўлиш жараёни инновация ҳисобланади [2] . Б. Сантони ҳисоблашича [9, 27], инновация – бу шундай ижтимоий-техник иқтисодий жараёнки, агар, ғоя ёки ихтиролар амалиётда қўлланилса, у ҳолда янги замонавий қурилма ва технологияларнинг яратилишига олиб келади [3] . Миллий инновация тизими тушунчаси Б.-А. Лундвалл и К.Фримен томонидан қўлланилган. МДҲ мамлакатларида россиялик иқтисодчи олимлардан Сергеев В.М., Алексеенкова Е.С. ва В.Д.Нечаевлар хорижий мамлакатлар миллий инновация тизимини таҳлил этганлар. Ўзбекистонлик иқтисодчилардан миллий инновация тизими Р.О.Алимов, А.Ф.Расулев, А.М.Қодиров, И.С.Тухлиевлар томонидан амалга оширилган.

Инновация фаолияти жуда кўплаб иштирокчиларнинг қатнашувини

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 - 2021 йилларда «Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон Фармони.
[2] Твисс Б. Управление научно-техническими нововведениями. – М.: Экономика, 1989. – 217 с.
[3] Санто Б. Инновация как средство экономического развития / Общ. ред. Б.В.Сазонова. – М.: Прогресс, 1990. – 296 с.

талаб этувчи мураккаб жараён бўлиб, бундай мураккаблик миллий инновация тизими тушунчаси билан боғлиқдир. Миллий инновация тизими тушунчаси XX асрнинг 80-йилларида Буюк Британиялик иқтисодчи-олим Кристофер Фримен томонидан таклиф этилган ва унинг фикрича "миллий инновация тизими хусусий ва давлат ташкилотлари ва муассасалари тармоғи бўлиб, уларнинг фаолияти ва ўзаро таъсири натижасида янги технологиялар вужудга келади, импорт қилинади ва янгиланади ҳамда тарқатилади"[1].

Шуни таъкидлаш керакки, худди шу даврда ғарбда миллий инновация тизими концепцияси шакллана бошлади. Концепция шаклланиши тарихини ўрганиш уни учта босқичга ажратишга асос бўлди:

- биринчи босқич концепция вужудга келган давр бўлиб, у ўтган асрнинг 80-йилларидан 90-йилларнинг бошларигача давом этди. Бу даврда К.Фриман, Б.А.Лундвалл, Р.Нельсон, Ч.Эдквистларнинг илмий ишларида технологик ривожланишни ўрганиш асосида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигига баҳо беришнинг назарий жиҳатлари ишлаб чиқилди. К.Фримен фикрига кўра, Кондратьев-Шумпетернинг ҳар бир циклида жаҳон иқтисодиётидаги тармоқлардан бирининг устувор ўрнини белгилаб берувчи битта «техноиқтисодий парадигма» ҳукмронлик қилади. Мазкур парадигма жаҳон хўжалигининг етакчи мамлакатлари эга бўлган энг яхши амалий билимлар тизимини ўз ичига олади. Ҳар бир парадигма шаклланиш, юксалиш ва жаҳон хўжалигини янада ривожлантириш учун зарур барча технологик билимлар тугаб бўлган инқироз фазасини бошдан ўтказади. Ривожланиш даражасига кўра нисбатан паст ўринни эгаллаган мамлакат учун жаҳон хўжалигида техноиқтисодий парадигма алмашинаётган даврда технологик қуролланиш жиҳатидан анча юқори турган мамлакатларга етиб олиш ва бирданига юқори тараққиёт даражасига кўтарилиш учун имконият юзага келади. Фан ва юқори технологик тармоқларни ривожлантиришда оммавий илмий кашфиётлар ҳамда товар ва хизматларнинг янги истиқболли бозорларини яратиш билан чекланиб қолмай, балки биринчи навбатда, иқтисодиётда бевосита тараққий этишнинг янги механизми сифатидаги, унинг доирасида мунтазам ва тўхтовсиз равишда иқтисодий жиҳатдан муваффақиятли янгиликлар кластерлари юзага келадиган ва фаолият юритадиган миллий инновация тизимларини (МИТ) яратиш энг самарали натижа бўлиб ҳисобланади. Бундай тизимларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун нафақат кучли илм-фан ва таълим тизими, балки институционал шароитларнинг бутун бир мажмуи талаб этилади.

- иккинчи босқич 1993-2000 йилларни қамраб олиб, бу даврда концепциянинг илмий ва сиёсий доираларда тарқалиши ва диффузияси даври бўлди. Унга миллий инновация тизими концепциясига ва алоҳида мамлакатлар миллий инновация тизимларини таҳлил этишга бағишланган ишларнинг кўпайиши, халқаро ташкилотлар томонидан МИТ

[1] Freyeman C. Technical Innovation, Diffusion, and Long Cycles of Economic Development. The Long-Wave Debate / Ed. by T. Vasko. Berlin: Springer. 1987. P.295–309.

методологиясининг шаклланиши ва қўлланилиши хос бўлди.

- учинчи босқич концепциянинг «мунозарали» ривожланиш босқичи бўлди. Бу боқич 2000 йилдан кейинги даврни қамраб олиб, ҳозиргача давом этиб келмоқда. Бу даврга хос хусусият концепциянинг назарий масалаларига эътиборнинг кучайиши ҳамда миллий давлатларнинг иқтисодий сиёсати учун назарий асос сифатида фаол қўлланилишидир.

МИТ концепцияси ЕИ нинг бир қатор аъзо-мамлакатларида, шунингдек, АҚШ ва Японияда кенг ривожланган. Концепциянинг асосий ғоялари, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, 90-йилларнинг бошларидаёқ шакллантирилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- замонавий иқтисодиёт ривожланишини таъминловчи, рақобатни шакллантирувчи энг муҳим омил инновациялар ва бизнесга хизмат қилувчи илмий тадқиқотлардан иборат эканлиги тўғрисидаги ғоялар;
- инновация фаолияти мазмуни ва таркибига таъсир кўрсатувчи асосий омил институционаллик эканлиги тўғрисидаги ғоялар;
- илм-фан иқтисодиёт ривожланишида ҳал қилувчи ўринга эга эканлиги ҳақидаги ғоялар.

Миллий инновация тизими концепциясини Ўзбекистон шароитларига мослаштириш имкониятларини баҳолаган ҳолда, мамлакатимиз олимлари томонидан қатор хулосалар чиқарилганлигини таъкидлаш зарур.Уларнинг фикрига кўра, миллий инновация тизими инновацион фаолият субъектлари мажмуидан, улар ўртасидаги билимларнинг юзага келиши, тарқалиши ва улардан фойдаланиш жараёнларини таъминлаб берувчи муносабатлардан ташкил топади. Инновация тизимининг асосий элементлари қаторида инновация инфратузилмаси, молиявий инфратузилма, илмий салоҳият каби кичик тизимларни санаб ўтиш мумкин[1] [14,127].

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда миллий инновация тизими қуйидаги тўрт ташкил этувчи бирлиги ва улар ўртасидаги ўзаро таъсир этиш муносабатларидан иборат деб ҳисоблаш мумкин:

- билимлар шаклланувчи тузилма (университетлар, илмий институтлар, алоҳида мутахассислар ва турли институтлар ҳамда университетлар тадқиқотчиларининг ўзаро таъсирини таъминлаб берувчи расмий ва норасмий мураккаб ижтимоий тизимлар);
- технологиялар трансфери тизими. Одатда янги ғоялар тезлик билан ишлаб чиқаришга жорий этилмайди. Илмий ғояларни яратиш тизими билан технологик ўзлаштириш тизими ўртасида боғланиш кўп ҳолларда махсус билан ва малакани талаб этади. Янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этишда инновациялардан фойдаланиш ҳуқуқини сотиб олиш билан боғлиқ ахборот ассиметрияси муаммоси мавжудлиги жиддий тўсиқ бўлади. Бу муаммони ҳал этиш учун илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланувчилар билан инновациядан фойдаланиш ҳуқуқини сотиб олувчи иқтисодий фаолият субъекти ўртасида воситачи ролини ўйновчи махсус тузилмалар зарур

[1] 15. Қодиров А.М. ва б. Миллий иқтисодиётни модернизатсиялаш шароитида саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш. / Монография. Тошкент, ИҚТИСОДИЁТ – 2013. – 123-б.

бўлади. Бундай вазифани кўп ҳолларда грант берувчи нотижорат фондлари, махсус тижоратлаштириш марказлари бажаради;

-молиялаштириш тизими. Бу тизим банк кредитлари, венчур молиялаштириш, бизнес-фаришталар, турли хил фондлардан ташкил топади.

Давлат томонидан инновация фаолиятини қуллаб-қувватлаш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- инновация фаолиятини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий асосни шакллантириш ва такомиллаштириш;
- давлат бюджетидан инновация лойиҳалари ва дастурларини молиялаштириш;
- кичик инновацион тадбиркорликни ривожлантириш учун инновация инфратузилмаси объектларини шакллантириш;
- давлат эҳтиёжлари учун фан сиғими юқори бўлган инновация маҳсулотлари ва кафолатли жорий этиш ҳамда тарқатиш мақсадида илғор техникани сотиб олиш;
- қонун доирасида инновация фаолиятини олиб борувчи, инновация лойиҳа ва дастурларига инвестиция киритувчи миллий ва хорижий инвесторлар учун имтиёзли шароит яратиш.

Юқорида санаб ўтилган барча воситаларни қўллаш инновацион билим ва технологияларни яратиш, сақлаш ва тарқатиш бўйича фаолиятларни амалга ошувчи илмий-инновацион соҳани бошқаришнинг барча субъектларини бирлаштирувчи миллий инновация тизимни шакллантиришни талаб этади.

Д.М.Артикова – старший преподаватель кафедры «Менеджмент» Бухарского инженерно-технологического института
С.Н. Юлдашева– старший преподаватель кафедры «Менеджмент» Бухарского инженерно-технологического института
А.Аслонов, А.Фармонов – магистранты Бухарского инженерно-технологического института

ОСОБЕННОСТИ ФОРМИОВАНИЯ ЭФФЕКТИВНОЙ СИСТЕМЫ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Аннотация: в статье рассматриваются некоторые вопросы становления и развития цифровой экономики в мире, необходимость активной цифровизации национальной экономики Узбекистана. Проанализированы некоторые шаги правительства страны по внедрению цифровой экономики. Предложены направления по активизации внедрения цифровой экономики в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: цифровая экономика, рыночная экономика, информация, экономика Узбекистана.

Аннотация: мақолада дунёда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш масалалари ҳамда Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни фаол ракамлаштириш

зарурияти кўрсатилади. Рақамли иқтисодиётни қўллаш бўйича мамлакат хукуматининг баъзи харакатлари таҳлил қилинади.Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни тадбиқ қилиш йўналишлари таклиф қилинади.

Калит сўзлар: ракамли иқтисодиёт, бозор иқтисодиёти, ахборот, Узбекистон иқтисодиёти.

Abstract: The article discusses some issues of the formation and development of the digital economy in the world, the need for active digitalization of the national economy of Uzbekistan. Some steps of the country's government to introduce the digital economy are analyzed. Directions for enhancing the implementation of the digital economy in the Republic of Uzbekistan are proposed.

Keywords: digital economy, market economy, information, economy of Uzbekistan.

В Год развития науки, просвещения и цифровой экономики приоритетное внимание уделяется вопросам развития цифровой экономики, широкого внедрения цифровых технологий во всех отраслях и сферах жизнедеятельности.

Для цельного понимания следует отметить, что термин **«цифровая экономика»** для современной науки относительно новое понятие. Долгие годы экономика рассматривалась под традиционным углом, где существовали устоявшиеся модели межличностных взаимоотношений и процедур. Но бурное развитие информационно - коммуникационных технологий, их глобальное проникновение во все без исключения сферы жизнедеятельности коренным образом поменяло модели коммуникаций. Благодаря стремительному развитию ИКТ теперь стало возможным совершать все необходимые бизнес-операции и вести документооборот дистанционно с высокой долей эффективности. И уже на данном этапе это происходит и дешевле, и значительно быстрее.

Также в современном публичном дискурсе очень часто применяется термин **«информационное общество»** - тот вид общества, где информация и знания являются наиболее ценным товаром. Именно они, а не исчерпаемые ресурсы являются движущей силой развития экономики. Цифровые технологии в свою очередь выводят их ценность на более высокий, качественный уровень. Происходит это за счет снижения общих экономических издержек с широкими возможностями масштабирования и универсальной передачи данных. При этом темпы экономического роста возрастают многократно. Причем как сущность цифровая экономика не ограничивается только коммерческими отношениями, но и затрагивает все сферы жизни общества начиная от получения государственных услуг и заканчивая индивидуальными заказами и приобретением товаров и услуг в интернете. В масштабах всей отрасли одним из главных программных документов, определяющих вектор развития ИКТ-сферы на ближайшую перспективу, является постановление Президента Республики Узбекистан **«О мерах по широкому внедрению цифровой экономики и электронного правительства».** Согласно ему намечено увеличить долю цифровой

экономики в ВВП страны к 2023 году в **2 раза** и объем услуг в данной сфере **в 3 раза** с доведением их экспорта до **100 миллионов долларов**.

Соответственно в период **2020-2022 годов** запланирована реализация **268 проектов** по самым различным направлениям хозяйственной и экономической деятельности.

Развитие цифовой экономики в свою очередь требует наличияразвитой телекоммуникационной ифраструктуры и обеспечение достаточной скорости интернета.Реализация политики в области цифровой экономики предполагает прежде всего создание полноценного виртуального экономического пространства, способного обеспечить запросы потребителей электронных услуг. Сегодня министерством по развитию информационных технологий икоммуникаций Республики Узбекистаносуществляется целый комплекс мероприятий, направленных на дальнейшее развитие отечественного телекоммуникационного рынка. И за последние два года произошел качественный скачок в развитии телекоммуникационной отрасли.

Только в прошлом году в ходе развития телекоммуникационной инфраструктуры по республике было установлено **490 тысяч** портов широкополосного доступа, и таким образом общее количество портов абонентского доступа достигло **2,5 миллиона** единиц. Помимо этого, проложено около **9 тысяч километров** оптоволоконных линий включая дополнительное увеличение общей инфраструктуры телекоммуникаций во всех регионах страны.

Развитые страны мира характеризуются доминированием в экономике сферы услуг и появлением на их базе информационных технологий. Появление Интернета и снижение стоимости доступа в глобальную сеть стали настоящей информационной (цифровой) революцией, которая изменила жизнь человечества в целом, и экономику в частности. С переходом крупных мировых экономик к пятому технологическому укладу и началом формирования компонентов шестого, критически возрастает роль информации как фактора производства. В связи с этим, конкурентоспособность региональной экономики сегодня во многом определяется уровнем ее информатизации. Драйверами роста экономики

Узбекистана, определяющими ее отраслевую структуру, являются высокотехнологичные отрасли, такие как разработка программного обеспечения, научно-исследовательская деятельность, а также в целом все наукоемкие производства, формирующие базис нового технологического уклада региональной экономики. Учитывая все эти факторы, в Республике Узбекистан также активно внедряются элементы цифровой экономики в национальную экономику.

Президент ШавкатМирзиёев в ежегодном послании парламенту заявил о необходимости разработать Национальную концепцию по переходу экономики на цифровые рельсы. «Нам необходимо разработать Национальную концепцию по переходу экономики на цифровые рельсы. На этой основе необходимо внедрить программу «Цифровой Узбекистан-2030», -

сказал президент. Он подчеркнул, что мир стремительно меняется, и если не начать работы в этом направлении, страна еще больше отстанет. «Мы ставим большие цели - нужно довести долю цифровой экономики до 30%», - заявил Ш. М.Мирзиёев.

В 2017 году в индексе информационно-коммуникационного развития среди 176 стран Узбекистан занимает 95-е место и доля информационных технологий в ВВП страны составляет всего 2,2%. Для сравнения: в Южной Кореи — 9%, Японии — 5,5%, Китае и Индии — 4,7%.

В Республике Узбекистан осуществляется ряд государственных программ для развития цифровой экономики, однако существует комплекс проблем, препятствующих более интенсивному продвижению цифры в экономику.

В связи с этим, считаем решением указанных проблем будет активное вовлечение иностранных экспертов, международного передового опыта стран с значительной долей цифровой экономике в ВВП страны. По нашему мнению, выбор одного из трех подходов позволит эффективно реализовать основы цифровой экономики в Узбекистане.

Вместе с этим, правительству целесообразно обратить внимание и на технологический аспект цифровой экономики: расширение радиуса покрытия сетей фиксированной и мобильной связи, обеспечение ценовой доступности услуг, увеличение и диверсификация каналов международной связи.

Основные приоритеты: снижение налогов на персональные устройства для повышения их ценовой доступности;

В заключении следует отметить, что, в условиях развития ИКТ в Узбекистане было бы целесообразней использовать разные подходы на разных стадиях цифровизации экономики Узбекистана.

Ш.А. Бахронов– СамИСИ ассистенти,
У.Х. Холбоев– СамИСИ ассистенти

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖЛАНИШИДА КОРХОНАЛАРНИНГ ЎРНИ

Аннотация: Мақолада корхоналар фаолияти уларнинг ташкилий-иқтисодий шакллари, бошқарилиши ва миллий иқтисодиёт қурилишида аҳамият даражаси кўрсатилган.

Калит сўзлар: концентрациялаш, ихтисослаштириш, кооперациялаш.

Аннотация: В статье показано значение деятельности предприятий в их организационно-экономических формах, управлении и построении народного хозяйства.

Ключевые слова: концентрация, специализация, сотрудничество.

Abstract: The article shows the importance of the activities of enterprises in their organizational and economic forms, management and construction of the national economy.

Keywords: concentration, specialization, cooperation

Аввалги маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитларида собиқ СССР иқтисодиёти ягона халқ хўжалиги мажмуаси сифатида тавсифланган. Унда барча иттифоқдош республикаларнинг бутуниттифоқ иқтисодиётини ривожлантиришдаги мажбурий иштироки ва “Марказ” томонидан белгилаб берилган йўналишлар асосида ўз миллий иқтисодиётини ҳам ривожлантириши акс эттирилган.

Бирлик, бирдамлик, яхлитлик аслида ҳаётнинг ижобий категориялари ҳисобланади. Бироқ давлат бошқарув ҳолатидан ва биринчи ўринда республикаларнинг имкониятлари ва манфаатлари нуқтаи назаридан қараганда бундай “бирлик” республикаларга ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим масалаларини мустақил ҳал қилиш имконини бермасди. Республикаларнинг миллий иқтисодиётларига киритилувчи инвестициялар асосан умумиттифоқ “қозони”дан олинарди ва кўпинча қолдиқ тамойили асосида амалга ошириларди. Бир қанча тармоқлар ва йирик ишлаб чиқариш бирлашмалари бир вақтнинг ўзида ҳам республика, ҳам бутуниттифоқ вазирликларига ва маҳкамаларига бўйсунар эди.

Иттифоқдош республикалар СССРнинг ягона халқ хўжалиги мажмуаси таркибида сўнгги бор қатнашган 1990 йил бўйича статистик маълумотлар Ўзбекистон иқтисодиётининг аҳволи ва тузилмавий тузилиши тўғрисида маълум бир тушунча беради: жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларида марказга бўйсинувчи корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар салмоғи 33%, саноат ва ишлаб чиқаришда машғул бўлган ходимлар миқдорида - 35%, саноат ва ишлаб чиқариш асосий фондларида 65%ни ташкил қилган бўлса, республик ҳукуматига бўйсунувчи корхоналар эса мос равишда 67%, 65% ва 35%ни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши миллий иқтисодиётимизда миқдор ва сифат ўзгаришларига сабаб бўлди. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти жамиятни демократиялаштириш, иқтисодиёт салоҳиятларини мустаҳкамлаш ва мамлакатни ривожланган давлатлар қаторига киритишга йўналтирилган, бозор муносабатларига ўтишнинг мамлакатимиз учун махсус ишлаб чиқилган модели асосида ривожланиб бормоқда. Бу модел Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти томонидан илгари сурилган иқтисодиётни ислоҳот қилишнинг бешта муҳим тамойилига асосланган ҳамда хўжалик фаолияти юритувчи субъектларнинг эркинлиги, хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ҳимоя қилувчи зарурий қонун ҳужжатлари билан белгилаб берилган.

Иқтисодиётнинг ривожланиши учун талаб қилинувчи ушбу вазифаларнинг амалга оширилишида корхоналарга катта роль ажратилиб, улар иқтисодиётнинг асосий ишлаб чиқариш бўғини бўлиш билан бирга маҳсулот ишлаб чиқариш, аҳолига хизмат кўрсатиш туфайли истеъмолчиларнинг талабларини ҳам қондирадилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида маъмурий буйруқбозлик хўжалигидан фарқли ўлароқ иқтисодий фаолият маркази барча иқтисодиётнинг асосий бўғини бўлмиш – корхоналар томонига силжиб ўтади.

Корхона – ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бош бўғини бўлиб, унда илмий иқтисодиётнинг асосий иқтисодий масалалари ҳал этилади.

Маҳсулотлар яратиш ва хизматлар кўрсатиш муайян технологик жараёнлар, меҳнат қуроллари материаллари, одамларнинг билими ва кўникмалари ижтимоий меҳнат тақсимоти ва кооперациялашга асосланган ҳода мустақил амалга ошириладиган тизимга айтилади.

Корхона иш ўринларини беради иш ҳақи тўлайди солиқлар тўлаш йўли билан давлат ва ижтимоий дастурларни амалга оширишда қатнашади.

Айнан корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнлари ва ишчини ишлаб чиқариш воситалари билан ўзаро алоқаси амалга оширилади.

Корхона ўз фаолиятини ўзи бошқаради, ишлаб чиқарилган маҳсулотни олинган соф фойдани солиқ ва бошқа тўловларни тўлагандан сўнг қолган қисмини тасарруф этади.

Корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ва ассортименти, хилма-хиллиги, хом ашё етказиб берувчилар ва ҳаридорлар баҳоларни шакллантириш, ресурслардан тежамли фойдаланиш, кадрларни қўллаш, юқори унумли техника ва технологиядан фойдаланиш масалалари ҳал этилади.

Корхона фаолиятининг самарадорлиги ишлаб чиқаришни қуйидагича ташкил этиш шаклларига эга:

Концентрациялаш, бир жойга жамлаш;

Ихтисослаштириш;

Кооперациялаш;

Ишлаб чиқаришни мураккаблаштириш каби усуллардан фойдаланишга боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан, **корхона** бу - *ҳуқуқий шахс мақомига эга, мустақл равишда хўжалик фаолияти юритувчи субъект бўлиб, ўзига тегишли бўлган мол-мулкидан фойдаланиш асосида истеъмолчилар (харидорлар) талабини қондириш ва даромад (фойда) олиш мақсадида маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқаради ва сотади ёки айирбошлайди.*

Корхона – ижтимоий талабларни қондирувчи ва соф фойда олиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқарувчи, ишлар бажарувчи, хизмат кўрсатувчи мустақил хўжалик юритувчи иқтисодиёт субъектидир.

Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқ ва соҳаларида турли хил мулкчилик шаклига эга бўлган 300 мингта хўжалик фаолияти юритувчи субъект мавжуд бўлиб, улардан қарийб 280 мингини кичик корхоналар ҳамда микрофирмалар ташкил этади. Корхоналарнинг энг катта қисми савдо ва умумий овқатланиш (34%), қишлоқ хўжалиги (41%), саноат (9,4%) ва қурилиш (56%) соҳаларида рўйхатга олинган. Жами корхоналар миқдорида нодавлат секторининг салмоғи катта бўлиб, 82 %ни ташкил қилади.

Ҳар бир мамлакатнинг саноат қуввати ҳамда фан-техника тараққиёти ва иқтисодиётни модернизациялаш кўрсаткичларини биринчи ўринда йирик корхоналар белгилаб беради. Шу сабабли “кичик” иқтисодиётни ривожлантириш, яъни кичик ва ўрта корхона ҳамда микрофирмаларга кенг йўл очиб беришда йирик корхоналарнинг ўрни ва ролини унутмаслик даркор. Чунки бу корхоналарда ишловчи ходимлар сони катта бўлишдан ташқари, фан-техника ютуқларини ҳаётга татбиқ этиш, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнатни рағбатлантириш ҳамда дўстона, шерикчилик алоқаларини (жумладан, хорижий корхона ва фирмалар билан) ривожлантиришга кенг имкониятлар мавжуд. Шу сабабли йирик, ўрта ва кичик корхоналарнинг оптималлиги жамоатчилик ишлаб чиқариши талаблари ва миллий иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболларидан келиб чиққан ҳолда фан ва хўжалик амалиётининг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бу вазифани иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғи ва соҳасида ҳал қилишнинг йўллари ўхшаш бўлмаслиги ёки бир хил тавсифга эга бўлмаслиги мумкин. Ҳар бир алоҳида юзага келган иқтисодий ҳолатда мавжуд шароитлар ва ривожланиш афзалликларига мос ҳолда ҳаракат қилиш зарур.

Корхоналарнинг фаолияти миллий иқтисодиёт ва унинг тармоқларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Корхоналар қанчалик яхши, самарали ва рентабелли ишласа, бутун иқтисодиётнинг, жумладан, уларнинг ўзларининг ҳам кўрсаткичлари юқори бўлади. Бозор иқтисодиёти корхоналар фаолиятини эркинлаштиради, уларнинг мустақиллигини мустаҳкамлайди ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва рентабелликнинг юқори кўрсаткичларига эришишга кенг имкониятлар яратади, деб ҳисобланади. Балки ҳақиқатдан ҳам шундайдир. Бироқ корхона, айниқса, давлатга тегишли бўлган корхона қандай ишлаши, унинг жамиятга келтирувчи фойдаси, рентабеллик даражаси, ходимларнинг бандлиги қандай бўлиши фақат корхоналарнигина эмас, давлатнинг ҳам кўз олдида бўлиши зарур. Худди шунинг учун ҳам давлат корхоналарга катта имкониятлар яратиб бериш билан бирга уларни белгиланган тартибда назорат қилиб ҳам боради. Давлат корхоналар “тақдирига”, уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти якуний натижаларига бефарқ қараб тура олмайди. Банкротга учраган корхоналар, зарар келтирувчи ишлаб чиқариш, иқтисодий ночорлик - буларнинг барчаси корхона жамоаси учун ҳам, давлат учун ҳам оғир юк ҳисобланади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиёти шароитларида барча корхоналар ҳам рақобатчиликни енгиб, самарали ишлаб кета олмайди ҳамда даромад ёки фойда ололмайди. Натижада минглаб корхоналар ташкил қилиниб, хўжалик фаолияти доирасига қўшилади ва деярли шунчаси турли сабабларга кўра тугатилади. Шу сабабли банкротлик, корхоналарнинг тугатилиши бозор иқтисодиёт шароитларида одатий ҳол бўлиб, бу аҳволга тушиб қолишдан эҳтиёт бўлиш керак бўлсада, лекин бундан фожеа ҳам ясаш керак эмас.

Халқ орасида “Камбағал ва касал бўлгандан кўра бой ва соғлом бўлган афзал” деган гап бор. Шу гапга амал қиладиган бўлсак, яхшиси корхонани

банкрот бўлишга олиб келмаслик, унинг иқтисодий мустақиллиги, меҳнат қобилияти ва даромадлигини таъминлаш учун барча зарур чораларни қўллаш зарур. Корхонанинг меҳнат қобилияти ва даромадлиги миллий иқтисодиётга қўшиладиган ҳисса бўлишдан ташқари республикамизда тобора кўпайиб бораётган аҳолини иш билан таъминлашда ҳам аҳамият касб этишини унутмаслик муҳим. Кўриниб турибдики, исталган корхонанинг миллий иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, олинадиган фойда ёки даромад миқдоридан ташқари бу корхонанинг аҳолини иш билан таъминлашдаги иштирокига ҳам боғлиқ бўлади. Аҳолини иш билан таъминлар экан, корхоналар ўзларининг бевосита ишлаб чиқариш функцияларини бажаришдан ташқари ишсизликнинг камайишига, демак, тўғри, меҳнат фаоллигининг ортиши ва ижтимоий аҳволнинг яхшиланишига ҳам сабабчи бўлади.

Бу ерда ҳамма нарса фақат корхонаннинг ўзига боғлиқ эмаслиги кўриниб турибди, албатта. Чунки корхона ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида хом ашё, материал, асбоб-ускуна ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари етказиб берувчи ёки маҳсулот истеъмолчилари сифатида ҳаракат қилувчи бошқа корхоналар билан ўзаро алоқага киришади. Бу муносабатларда ҳар бир камчилик ва нуқсонлар, жумладан, хом ашё, материал ва асбоб-ускуналарни вақтида етказиб бермаслик, ўз вақтида ҳақ тўламаслик, қарзларни тўлаш муддатларининг ўтказиб юборилиши ва бошқа хўжалик юритиш қоидалари ва мажбуриятларининг бузилиши корхона иқтисодий аҳволининг ёмонлашишига, унинг ночорликка учрашига олиб келади. Шу сабабли корхоналар фаолиятини самарали ва юқори рентабелли даражада амалга ошириш зарурияти, барча корхоналар ишлаб чиқаришни керакли тарзда ташкил қилиш ҳамда ўз ҳамкорлари ва давлат олдидаги мажбуриятларни қатъий тарзда бажариш интизоми билан узвий боғлиқдир.
Ўзбекистонда кўплаб кичик, ўрта ва йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларини – оғир саноатдан енгил саноатгача, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашдан илмий ишлаб чиқаришгача қамраб олган. Улар ўз фаолиятида ишлаб чиқаришнинг барча омилларидан - ер, табиий ва меҳнат ресурслари, техника ва технологиялар, инвестициялар, ҳозирги замон фани томонидан ишлаб чиқаришнинг асоси ёки мамлакатнинг миллий бойлиги деб аталувчи замонавий ахборот тизимидан фойдаланади. Маълумки, бойлик ёки салоҳият бир нечта авлод ва бутун жамиятнинг хатти-ҳаракатлари эвазига яратилади. Корхоналарнинг вазифаси ушбу бойликни асраб-авайлаш ва ундан самарали фойдаланишда ифодаланади. Хўжалик юритишнинг мазкур тамойилларидан бир оз бўлсада четга чиқиш жамоатчилик ишлаб чиқариши самардорлигининг пасайишига, хўжасизлик ва исрофгарчиликка олиб келади. Корхоналар ҳам бундан мустасно эмас.

II ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИ, ФАРОВОНЛИГИ, ЯШАШ СИФАТИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

Г.М. Шадиева– Тошкент Давлат транспорт университети, “Иқтисодиёт” кафедраси профессори, и.ф.д.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА ОҚИЛОНА ОВҚАТЛАНИШНИНГ ЎРНИ

Аннотация: Ушбу мақолада умумий овқатлантиришни ривожлантиришда ишлаб чиқариш корхоналарида оқилона овқатланишнинг ўрни ҳамда овқатланиш гигиенасининг асосий талаблари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: оқилона (рационал) овқатланиш, овқатланиш гигиенаси, энергетик қиймат.

Аннотация: В статье представлена информация о роли рационального питания в развитии общего питания на промышленных предприятиях и основных требованиях пищевой гигиены.

Ключевые слова: рациональное питание, гигиена питания, энергетическая ценность.

Abstract: The article provides information on the role of rational nutrition in the development of general nutrition at industrial enterprises and the basic requirements of food hygiene.

Key words: rational nutrition, food hygiene, energy value.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида умумий овқатланиш тармоғида хусусийлаштириш жараёни тезлашди. Корхоналар мулкчилик шаклларини ўзгартириб, аксиядорлик, масъулияти чекланган жамиятларга, хусусий корхона, фирма ва бошқа мулкчилик шаклларига ўтказилди. Шаҳар ва туман марказлари, гузарлар, йирик қишлоқларда кўплаб хусусий ресторан, кафе, ошхона, деҳқон бозорларида миллий таомлар расталари ва бошқа фаолият кўрсата бошлади. Ўзбекистонда 877,3 минг ўринга эга бўлган 17,5 минг Умумий овқатланиш корхоналари мавжуд. Буларнинг 0,6 мингтаси давлат, 16,9 мингтаси нодавлат корхоналаридир. Ҳар бир овқатланадиган ўринга 35 киши, ҳар бир корхонанинг хизмат кўрсатиш имкониятига 1428 киши тўғри келади.

Умумий овқатланишнинг ривожланишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 й. 13 февралдаги "2003—2006 йилларда чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармокларини ривожлантиришга дойр қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги ва бошқа карорлари муҳим рол ўйнади.

Умумий овқатланиш корхоналарининг анча қисми "Узбекбирлашув", "Узбектуризм", Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги ва бошқаларга қарайди, касалхоналар, санатория ва дам олиш уйларига, мактаб-

лар, мактабгача болалар муассасалари ва бошқаларга хизмат кўрсатади.

Умумий овқатланишни ривожлантиришнинг асосий йўналиши овқатланиш ўринлари сонини кўпайтириш, юқори сифатли тайёр маҳсулотлар ва музлатилган таомлар ва оқилона овқатланишни ташкил этиш.

Рационал (оқилона) овқатланиш: деганда, одатда, биз асосий озиқ моддалари (оқсиллар, ёғлар, углеводлар)нинг истеъмол қилинаётган овқат таркибида бир-бирига тўғри (1:1:4) нисбатда бўлишини тушунамиз. Оқилона овқатланиш, бу — миқдор ва сифати жиҳатдан тўла озуқавий қийматли, бир меъёрга асосланган, кишиларнинг ёши, меҳнат ва бошқа фаолият турларини ҳисобга олган ҳолда юксак иш қобилиятини, соғлиқни сақлашга имкон яратадиган тўғри овқатланиш тартибидир.

Рационал овқатланиш учун энг аввало, овқат рационида оқсиллар, ёғлар, уғеводлар, минерал элементлар, витаминлар, туз, сув мик-дори кишиларнинг ёши, бўйи, вазни, касб-кори, физиологик ҳолати (масалан, ҳомиладорлик, эмизилди даври), соғлиғи ва иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда меъёрда бўлиши лозим. Кунлик овқат рационининг энергетик қиймати ва тўйимлилиги муҳим миқдорий кўрсаткич ҳисобланади. Овқатланиш режими, яъни тартиб мароми бир кунда истеъмол қилинадиган овқатни кун бўйича мақсадга мувофиқ тўғри тақсимлашни, овқатланиш вақтини муайян соатга мўлжаллаб, қатъий тартиб бўйича овқатланишни кўзда тутади.

Овқат билан бирга қабул қилинадиган ёғлар организмда қисман ёғ захираси ҳосил қилишга сарфланади. Ёғларга бо‘лган эҳтиёжнинг қондирилиши ёғнинг тури ва сифатига боғлиқ. Ҳайвон ва ўсимлик ёғлари бир-бирининг ўрнини боса олади. Овқат рационидаги ёғлар меъёри одамларнинг ёши, меҳнат фаолияти ва иклимий хусусиятларга қараб белгиланади. Ўзбекистон аҳолиси учун таклиф этилган овқат меъёрларида калорияларнинг 30% ини ёғлар ҳисобига қондириш кўзда тутилган. Суткалик овқат рационидаги ёғларни нормалашда ҳар 1000 ккал га 35 г ёғ мўлжалланади.

Овқат рационига кирадиган ёғларнинг сифат таркиби маълум аҳамиятга эга. Овқатга ҳар хил ҳайвон, парранда ва балиқлар ёғи, шунингдек, ўсимлик мойи қўшиш фойдали. Кунлик рационда 70—85 г ча ҳайвонлар ёғи (шулардан, 40 грамми табиий ҳолда, қолгани ҳар хил озиқовқат, табиий маҳсулотлар таркибида) бўлиши лозим. Овқат рациони таркибига ба’зи ёғсимон моддалар — холестерин ва летситин ҳам киради.

Овқатланиш жараёнида организм ҳаёт фаолияти учун муҳим озиқ моддалар (оқсил, ёғ, углевод, витаминлар, минерал тузлар)ни олиб туради. Булар эса ўзлаштирилиши жараёнида организмнинг энергияга бўлган эҳтиёжини қондириб боради. Бирор хил озиқ-овқат махсулоти организмда ўзлаштирилганида ажралиб чиқадиган энергия миқдори шу маҳсулотнинг калориясидир. Турли озиқ моддалар ва энергияга бўлган эҳтиёж одамнинг ёши, жинси ҳамда меҳнат тарзига қараб ҳар хил бўлади. Меҳнат фаолияти характерини ҳисобга олган ҳолда овқат рационини тўғри тузиш учун овқатланиш гигиенаси соҳасидаги мутахассис олимлар катта ёшдаги кишиларнинг ҳаммасини 4 гуруҳга бўлишади. Биринчи гуруҳга жисмоний куч сарф

қилмайдиган ёки кам жисмоний куч сарфлаб ишлайдиган кишилар: аклий меҳнат ходимлари, ишда асабига зўр келадиган ходимлар; бошқариш пултларининг ходимлари: диспетчерлар, барча хизматчилар киради. Иккинчи гуруҳга механизациялаштирилган корхона ходимлари ва жисмоний зўриқмасдан ишловчи ходимлар: ҳамширалар, санитаркалар, сотувчи, алоқачи, тикувчи, автоматлаштирилган жараёнларда банд ишчилар ва бошқа киради. Учинчи гуруҳга меҳ-нат шароитлари қисман механизациялашти-рилган корхоналар ва хизмат кўрсатиш соҳасида анча жисмоний куч сарфлаб ишлайдиган ходимлар, станокчи, тўқувчи, поябзалчи, метро поезди, автобус, трамвай, троллейбусларнинг ҳайдовчилари, умумий овқатланиш корхоналари ходимлари (маъмурий бошқарма аппаратидан ташқари) ва бошқа киради. Тўртинчи гуруҳга ярим механизациялаштирилган ёки механизациялаштирилмаган корхоналарда ўртача оғир ва оғир меҳнат қиладиган ходимлар: кон ишчилари, шахтёрлар, юк автомобиллари ҳайдовчилари, металлурглар, темирчилар, қишлоқ хоʻжалиги ходимлари ва механизаторлар, ёғоч тайёрлашда банд бўлган ишчилар ва бошқа киради. Овқат рационини тўғри тузиш учун, албатта, озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркибини билиш лозим. Овқатланиш гигиенасига қўйиладиган асосий талаблар:

1. Суткалик рационнинг энергетик қиймати ва кун давомида энергия сарфи миқдори тенглиги (сарф миқдори кишининг ёши, жинси, турмуш тарзи ва касбига боғлиқ).
2. Истеъмол қилинадиган озиқ-овқат пропортсиялари ва организмнинг хусусиятлари мос келиши. Овқатланишнинг асосий компонентлари (оқсил, ёғлар ва углеводлар) нисбати ўртача **1 : 1 : 4** бўлиши керак, кўп жисмоний фаолликда **1 : 1 : 5**, ақлий фаолият меҳнат билан шуғулланувчиларда **1: 0,8: 3**.
3. Соғликка зарар келтирмайдиган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш (кимёвий моддалар ва бошқаларсиз).

Овқатланишларни кун давомида тақсимлаш — оптимал вариант 4-5 соатлик интерваллар билан кунига 4 марта овқатланиш. Бунда нонушта суткалик рационнинг 25 фоизини, тушлик — 35%, иккинчи тушлик — 15% ва кечки овқат — 25 фоизини ташкил этиши керак.

4. Санитария-епидемиология нуқтаи назаридан овқатланишнинг бехатарлилигига риоя қилиш.

Ушбу соханинг долзарблиги шундаки – умумий овқатланиш соҳасига эътибор тобора ортиб бормоқда. Бу эса хар қандай корхонада оқилона овқатланишга янада жиддий эътибор бериш ва маъсулият билан ишлашни талаб қилади. Энг аввало ҳар-бир ишлаб чиқариш корхоналарида овқатланишни тартибга солиб чиқиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Худайшукуров Т.А., Шукуров И.Х. Оқилона овқатланиш асослари. Ўқув қўлланма. Самарқанд 2009 йил
2. Умумий овқатланиш - Википедия
3. Oʻzbek Milliy Entsiklopediyasi. Биринчи жилд. Тошкент, 2000-йил
4. www.кутубхона.уз
5. Соғлом.уз

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.,
Т.О.Мамаюнусов – СамИСИ магистранти

КЛАСТЕР ИҚТИСОДИЁТИМИЗГА ВА АҲОЛИГА НИМА БЕРАДИ?

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакат ва жамиятнинг мукаммал инновацион қиёфасини яратишда кластер усулидан фойдаланишга катта эътибор қаратилаётганлиги ва бу мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида янги имкониятлар яратилиши ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Кластер, арзон озиқ-овқат, “Силикон водийси”, ишлаб чиқариш интеграцияси, инновацион технологиялар, тизимли занжир.

Аннотация: Данная статья посвящена использованию кластерного метода для создания идеального инновационного образа страны и общества, а также создания новых возможностей в социально-экономической жизни страны.

Ключевые слова: кластер, дешевая еда, «Кремниевая долина», производственная интеграция, инновационные технологии, структурная цепочка.

Abstract: This article is devoted to the use of the cluster method to create an ideal innovative image of the country and society, as well as create new opportunities in the socio-economic life of the country.

Key words: cluster, cheap food, Silicon Valley, industrial integration, innovative technologies, structural chain.

Дунё тажрибасига таянган ҳолда 2010 йилларда мамлакатимиз учун ҳам кластерлар аҳамияти катта деган хулосага келиб, аҳолини сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни йўлга қўядиган “Боғдан дастурхонгача” кластерининг назарий маслаларини ишлаб чиқиб, амалий жиҳатдан асослаган ҳолда ишлаб чиқган эдик. Унинг самарадорлигини исботлаш қанчалик қийин бўлганлигини ўзимизга маълум. Кейинчалик давлатимиз раҳбари бунга аҳамият бера бошлади ва ниҳоят ҳозирги кунда мазкур йўналишда катта юксалиш йўлига кириб олинди. Чунуи халқаро экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бугунги кунда дунёдаги илғор давлатлар иқтисодиётининг қарийб 50 фоизи кластер усулига ўтган. Масалан, Европа Иттифоқида 2 мингдан зиёд кластерлар мавжуд бўлиб, уларда ишчи кучининг 38 фоизи қамраб олинган. Дания, Финляндия, Норвегия, Швеция саноатида тўлиқ кластер усули татбиқ қилинган. АҚШда эса мамлакатдаги мавжуд корхоналарнинг ярмидан зиёди шу тизимда ишлаб, улар томонидан тайёрланаётган товарлар ялпи ички маҳсулотнинг 60 фоизини ташкил қилади [1] . Ўзимизда ҳам мазкур масала жадал ривожланиш босқичида, кластерлар олдин аграр соҳада бошланган бўлса, ҳозир турли тармоқларда ташкил қилинмоқда.

Ҳозирги кунда “Силикон водийси” номи билан дунёга машҳур кластери тажрибасидан ибрат олса арзийди. Ушбу кластер таркибига 87 мингта компания, 40 та тадқиқот маркази ва ўнлаб университетлар фаолият юритадиган мазкур инновацион кластер инфратузилмасига 180 та венчур

[1] Саиджон МАХСУМОВ. https://xs.uz/uzkr/post/klaster-raqobatda-yutib-chiqishning-eng-oqilona-joli

фирмаси, 47 та инвестиция ва 700 та тижорат банки хизмат кўрсатиб келади[1]. Бизда ҳам алоҳида тармоқларда ва тармоқлар аро кластерлар ташкил қилинмоқда. Масалан тўқимачилик кластерида агрор сектор, саноат индустрияси, уларни сотиш билан шуғулланадиган савдо хизматлари бирлашган. Бизда ҳам жаҳоннинг энг илғор мамлакатлари сингари иқтисодиётимиз ҳам кластерлаштириш йўлидан бормоқда.

Бу иқтисодиётимиз ва ижтимоий ҳаётимиз учун нима беради. Булар:

Биринчидан, иқтисодиётимиз самарали иқтисодий ривожланиш босқичига ўтади. Чунки, иқтисодиётимизда саноат учун хам ашё ўзида ишлаб чиқилади, ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш ҳам ўзида амалга оширади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишни ҳам ўзи ташкил қилади. Ҳамма жараёнлар битта хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга оширлиши ҳисобига ишалаб чиқарувчи томонидан сифатга ва арзонликка эришилади.

Иккинчидан, маҳсулотлар ҳаракатининг тизимли занжири ташкил қилиниши эвазига турли йўқотишлар камаяди ва хом ашёга муҳтожлик, унинг келишини кутиб яшашдек ҳолатларга ҳам барҳам берилади.

Учинчидан қишлоқ жойларга саноатнинг кириб бориши эвазига қишлоқ аҳолисининг меҳнатида туб ўзгаришлар содир бўлади. Улар фақат агрор меҳнатга суяниб қолмасдан, индистуриал меҳнатга ҳам кўникиб боради ва бу мос равишда инновацион ғояларнинг, интеллектуал мулкнинг ҳам айнан қишлоқларда шаклланиш имкониятини яратади.

Тўртинчидан, аҳолини иш билан таъминлашнинг янги имкониятлари яратилади ва энг кўп иш кучи мавжуд бўлган қишлоқ аҳолисининг бандлиги таъминланади. Бу ўз навбатида аҳолининг фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатининг кўтарилишига олиб келади.

Бешинчидан кластерга асосланган корхоналарнинг барқарор фаолияти таъминланади. Чунки, кластер келажакдаги кучли, муросасиз рақобат муҳитида ютиб чиқишнинг энг оқилона йўли эканлиги халқаро тажрибадан аниқ бўлди.

Олтинчидан, кластерга асосланган иш юритиш механизми ҳар қандай шароитга мослаша олади, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий муаммоларни изчиллик билан самарали ечиб беради, нафақат муайян ҳудуд, балки давлатнинг халқаро майдондаги рақобатдошлигини мустаҳкамлайди, нуфузини оширади.

Еттинчидан, кластерда бир қанча соҳа мутахассислари кооперкцияси ташкил бўлиб, инновацион иқтисодиётга ўтишнинг муҳим босқичига йўл очади. Чунки ушбу тизим илм-фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, янги инновацион технологияларни амалиётга жадал жорий этишга хизмат қилади.

Саккизинчидан, айни пайтда мамлакатимизда ташкил қилинаётган пахта-тўқимачилик кластерлари сони кўпайиб бораётганини мисол қилиб олишимиз мумкин. Ушбу кластер келгусида пахта етиштирувчи 133 тумандан 70 таси тўлиқ кластер тизимига ўтилиши, янги тузилаётган кластерлар

[1] Ўша жойда.

томонидан 41 корхона ташкил этилиб, 25 мингга яқин иш ўринлари яратилиши режалаштирилаётгани ҳам диққатга сазовардир.

Бугунги кунда Самарқанд вилоятида 44 та кластер фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 15 таси ғаллачилик, 13 таси мева-сабзовотчилик, 10 таси пахта-тўқимачилик, 5 таси кортошкачилик қолганлари бошқа соҳалар билан шуғулланади. Аграр соҳадаги корхоналарга бириктирилган ер майдони 151972 гекторни, кластерларга ажратилган қисми 11698 гектарни ташкил қилади. Унда етиштирилган ҳосил миқдори 1 084 537 тоннани ташкил қилган бир паллада, кластерлар томонидан яратилган маҳсулот ҳажми 106 679 тонна эганлигига гувоҳмиз.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистонда ҳам мамлакат ва жамиятнинг мукаммал инновацион қиёфасини яратишда кластер усулидан фойдаланишга катта эътибор қаратилаётгаанлиги туфайли мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида янги инновацион кластерли йўналиш яратилади. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги мамлакатимиз парламентига йўллаган Мурожаатномасида белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилишига хизмат қилади.

Ш.С. Олтаев– СамИСИ катта ўқитувчиси, и.ф.н.

МАМЛАКАТИМИЗДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ ЎРНИ

Аннотация. Ушбу мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда инновацион фаолиятнинг ўрни ва аҳамияти ёритилган. Кичик бизнес субъектларида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва объектив зарурияти кўрсатилган. Шунингдек, кичик бизнес корхоналарида инновацион фаолиятни ривожлантириш йўналишлари келтирилган

Калит сўзлар: хусусий тадбиркорлик, инновация, кичик бизнес, тадбиркорлик, инновацион фаолият, инновацион маҳсулот, инновацион тадбиркорлик.

Abstract. This article discusses the role and importance of innovative activities in the development of small business and private entrepreneurship. The peculiarities and objective necessity of the development of innovative activity in small business entities are shown. There are also directions for the development of innovative activities in small businesses

Keywords: private entrepreneurship, innovation, small business, entrepreneurship, innovative activity, innovative product, innovative entrepreneurship.

Аннотация. В статье рассматривается роль и значение инновационной деятельности в развитии малого бизнеса и частного предпринимательства. Показаны особенности и объективная необходимость развития инновационной деятельности в субъектах малого предпринимательства. Также есть направления для развития инновационной деятельности в малом бизнесе.

Ключевые слова: частное предпринимательство, инновации, малый бизнес, предпринимательство, инновационная деятельность, инновационный продукт, инновационное предпринимательство.

Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалалари бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланди . Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш иқтисодий фаолликни ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш ҳамда аҳолининг самарали бандлигини таъминлашда асос бўлиб хизмат қилади. Чунки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик таркибий ўзгаришларни амалга ошириш даврида бозор конъюнктурасининг ўзгаришларига ва истеъмолчилар эҳтиёжларига тезда мослаша олиши ва ҳаракатчанлиги билан ўзига хос аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг фаолиятига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадидаги чора-тадбирлар йил сайин кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда аҳоли даромадларини кўпайтириш ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили, мамлакат тараққиёти йўлидаги фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Бизнинг бош вазифамиз - тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратишни таъминлашдир. Бизнес билан шуғулланаётган ҳар бир кишида давлат томонидан қўллаб-қувватланишига астойдил ишонч бўлиши шарт. Одамлар бизнес билан шуғулланишдан манфаатдор бўлиши зарур. Халқ бой бўлса мамлакат ҳам бой бўлади”[1].

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ҳамда “билимларга асосланган иқтисодиёт”га ўтиш шароитида замонавий иқтисодий жараёнларнинг инновацион йўналтирилганлиги кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантиришни ҳам талаб этмоқда. Мамлакатимизда кичик бизнес корхоналари фаолияти эркинликлари ва қулай ишбилармонлик муҳитининг мавжуд эканлиги ҳамда юқори иқтисодий манфаатдорликка эришиш имкониятлари тадбиркорларнинг ўз фаолиятини ташкил этиш, кенгайтириш ва ўзгартиришларда инновацион лойиҳаларни жорий этишга бўлган интилишларини кучайтирмоқда.

Кичик бизнес корхоналари илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштиришда муҳим ўринга эгадир. Зеро, хориж тажрибасининг гувоҳлик беришича, дунё мамлакатларида яратиладиган инновация ва инновацион маҳсулотларнинг асосий қисми айнан кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда[2].

Кўплаб нашрларда қайд этилишича, дунёдаги ривожланган мамлакатлар бугунги юксак тараққиёт даражасига илм-фан ва техника соҳасидаги энг сўнгги инновацияларни ишлаб чиқариш жараёнига тез суръатларда жорий этиш ҳисобига эришмоқдалар.

Кичик бизнес корхоналарининг инновацион фаолиятини ривожланти-

ришдан мақсад бутун ишлаб чиқариш тизимини янгилаш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, илмий-техник, интеллектуал ва иқтисодий салоҳиятдан самаралироқ фойдаланиш асосида соҳа рақобатбардошлигини оширишдан иборатдир.

Мамлакатимизнинг таниқли иқтисодчи олимларидан бири М.Қ.Пардаев ўзининг асарларида инновацияларнинг айнан иқтисодий асосини таъкидлаб, “Тадбиркорлар инновация ёрдамида янги хизматлар ёки бизнес турини амалга оширади”, деган ғояни илгари сурган. Шу билан биргаликда олим “Тадбиркорлик инновацияни бошқариш жараёни бўлиб, тадбиркор эса ҳар бир имкониятдан максимал фойдаланувчи шахс” деб тушунтиради[4].

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида инновацион фаолликни ривожлантириш ҳамда тармоқ корхоналарида замонавий инновацион технологияларни кенг жорий этиш қуйидагилар ҳисобига муҳимдир:

биринчидан, кичик бизнес корхоналарининг бозор ўзгаришларига тезда мослашувчанлиги сабабли инновацияларни жорий этишда таваккалчилик даражасининг паст бўлиши;

иккинчидан, корхоналарда замонавий илм-фан ютуқларидан фойдаланиш улар фаолиятидаги харажатларни камайтиради ва самарадорликни оширади;

учинчидан, кичик бизнес корхоналарининг янгиликни тезда ўзлаштира олиш қобилияти уларга инновацияларни тижоратлаштиришдан юқори даромад олиш имкониятини бера олиши ва бошқалар.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ўсишига замин яратиб ишлаб чиқарилган рақобатбардош маҳсулотларни жаҳон бозорига чиқариш имкониятига эга бўлади, деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Т.:Ўзбекистон. 2017. 453-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3697-сонли қарори.
4. М.Қ.Пардаев, Ж.И.Исроилов “Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари”. Монография. Тошкент: ”Фан ва технологиялар”, 2007 йил.

С.А. Шералиева– Навоий давлат педагогика институти, Иқтисодий билим асослари кафедраси ўқитувчиси

ИННОВАЦИОН – ИНВЕСТИЦИЯ: ҲУДУДИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАР

Аннотация: мазкур мақолада ҳудудларга инвестиция жалб қилиш кўламини кенгайтиришнинг ташкилий – иқтисодий механизмлари, илмий-услубий жиҳатлари баён этилган. Ҳудудлар бошқарувида, инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш иқтисодий салоҳиятни тўғри баҳолаш ва ундан тўғри ва оқилона фаолият олиб бориш таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: инвестиция, инновация, ҳудудий тенденция, стратегия, хусусий маблағ, тадбирларни молиялаштириш, замонавий усул ва воситалар.

Аннотация: В статье подчеркивается важность повышения инвестиционной активности в регионах, анализируются организационно-экономические механизмы и особенности расширения масштабов привлечения инвестиций в соответствующие сектора экономики.

Ключевые слова: инвестиции, инновации, региональные тенденции, стратегии, частное финансирование, финансирование мероприятий, современные методы и инструменты.

Abstract: The article discusses the importance of increasing invest activeness in the regions and organizational - economic mechanisms and specifications of enlarging the scope of invest implementation in the particular sector of economics have been analyzed.

Keywords: investment, innovation, private tendency, strategy, private equity, event financing, modern methods and means.

Бизга маълумки, мамлакатимиз ва унинг ҳудудлари иқтисодиётини ривожлантиришда, инвестициялардан мақсадли фойдаланиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Иқтисодиётда маъмурий буйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан мутлақо воз кечилиб, бозор ислоҳотлари босқичма-босқич амалга оширилгани ва пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини, инфляцияни прогноз кўрсаткичлари даражасида сақлаб қолишни таъминлади ҳамда қулай инновацион - инвестицион шароитлар яратилишига хизмат қилди. Айни вақтда, мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминловчи юқори технологияли ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва ташкил этишга қаратилган инвестиция сиёсатини янада фаоллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли “ 2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасини

инновацион ривожланиш стартегиясини тасдиқлаш тўғрисда”ги Фармонига асосан мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлик даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш зарурлигини асосий мақсад қилиб қўйди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2021 йилга мўлжалланган ҳисоботига кўра, мамлакатимизда хорижий инвестициялар ҳажми 10.5 млрд долларни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб, инновациялар, илмий-тадқиқот, тажриба конструкторлик ва технологик ишларга давлат ва хусусий маблағлар киритилишини кўчайтириш, бу соҳадаги тадбирларни молиялаштиришнинг замонавий усул ва воситаларини жорий этиш, шунингдек, мулкчилик ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, рақобатбардош бозорлар ташкил этиш ва бизнес юритиш учун тенг шароит яратиш, барқарор фаолият юритадиган ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани яратиш Стратегияни асосий омилларидан бири эканлигини белгилаб берилди. Мамалакатимизда инвеститция бозорини ривожлантириш жамиятдаги сиёсий барқарорлик, иқтисодиётнинг умумий аҳволи, мамлакатнинг валюта, молия ва кредит тизимларидаги ҳолати, божҳона тартиби ва иш кучидан фойдаланиш тартиби таъсир этади. Шунга кўра Ўзбекистон ҳудудларида инвеститция муҳит жозибадорлигини оширишга қаратилган стратегияларни ишлаб чиқиш йўналишлари белгилаб олиш лозим. 2000 йилда мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 744520,0 млн сўмни ташкил этгани ҳолда, ҳудудлар кесимида энг катта улуш Тошкент шаҳрига 24,5 %ни, ундан Қашқадарё вилоятига 16,9 %ни тўғри келганини айтиш мумкин. Бу ҳам бўлса, ҳудудларнинг инвестицион салоҳияти, у ерда мавжуд бўлган табиий- иқтисодий ресурсларнинг мавжудлиги инфратузилмаларнинг ривожланганлиги, шунингдек, ҳудуднинг инвестицион жозибадорлиги юқорилиги билан изоҳланади.

2016 йилда жон бошига тўғри келадиган умумий даромадларнинг ўртача қиймати 4693,1минг сўмни ташкил этиб, ҳудудлар кесимида ушбу кўрсаткичдан юқори бўлган вилоятлар қўйидагилардир: Бухоро вилояти ─ 5332,9 минг сўм, Навоий вилояти ─ 7549,5 минг сўм, Сирдарё вилояти ─ 4744,1 минг сўм, Тошкент вилояти ─ 5200,2 минг сўм, Тошкент шаҳри ─ 9768,3минг сўмдир. Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳукумат томонидан олиб борилаётган ҳудудларни ривожлантириш стратегияси ўзгариб туриши ҳам ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсатгичларига сезирали таъсир кўрсатмоқда.

Шунингдек, 2017 йилда хорижий инвестициялар иштирокидаги 185 та корхона фаолият юритаётган бўлса, шундан, 183таси ҳудудларга бўйсинади, жумладан, Тошкент шаҳри 61, Тошкент 59, Самарқанд 17, Наманган 11, Бухоро 5 та ва Жиззах 5 таси вилоятларига тегишли корхоналардир.

Инвеститция бозорини ривожлантириш учун ҳудудларда айрим муаммоларни ечимини сифатли таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Жумладан:

- Республика ҳудудларининг инвестиция бозорини жозибадорлигини

ошириш, янгича усул ва воситалар ёндашуви ҳисобланган маркетинг тамойилларини шакллантириш;

- инновацион маркетинг сиёсатини юртитиш стратегиясини ишлаб чиқиш, инвестицион соҳа фаолиятини жонлантиришда сезирали натижаларга эришишда устувор иқтисодий воситага айланиши зарур;
- ҳудудларда инвеститцион имиджини ривошлантиришнинг концептуал тамойиларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- мамлакатнинг сиёсий ҳолати, мавжуд бўлган табиий ресурслар заҳираси, инвесторлар учун яратилган имтиёзлар, инфратузилма ҳолати бўйича янгича стратегияни тўғри белгилаш зарурдир.

Айтиш лозимки, ҳудудларда инвеститция бозорини ривожлантириш ҳудудларнинг маъмурий-иқтисодий бошқаруви сиёсатини юритишда иқтисодий салоҳият оқибат сифатида кўриб чиқилади ва ундан самарали фойдаланиш билан ҳудуднинг келажакдаги мавқеи аниқланади. Шунинг учун ҳам ҳудудларнинг бошқарувида, инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш иқтисодий салоҳиятни тўғри баҳолаш ва ундан тўғри ва оқилона фаолият олиб бориш кўзда тутилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, худудларни инвестиция бозорини ривожлантириш ҳамда фаолият турини амалга ошириш учун ҳар томонлама қўлайликлар, шарт-шароитларни янада яхшилаш мақсадида амалдаги меъёрий хужжатларни янгилаш ва қайта ишлаб чиқиш, шунингдек, соҳани самарали ривожлантиришга қаратилган стратегик дастурларни қайта кўриб чиқиш мазкур фаолиятга ёрдам беради.

Ҳозирги вақтда инвестиция сиёсатининг стратегик вазифалари рақобатли муҳит яратилган шароитларда амалга оширилиб, бунда корхона, тармоқ ва минтақалар ўртасида инвестицияларни жалб қилиш учун жиддий кураш олиб борилади. Бу эса, ўз навбатида, ҳудудий тузилмаларнинг инвестицион фаоллигини оширишдан ташқари, уларнинг инвестицион рискларини оширади ҳамда бу рискларнинг минималлашуви ёки ҳеч бўлмаганда суғурталанишини талаб қилади. Бу вазифа қанчалик яхши бажарилса, инвестиция фаолияти самарадорлиги, шунингдек, инвестиция ресурсларини асраш ва инвесторлар фаолиятининг узоқ муддатлилиги кафолатлари ҳам шунчалик юқори бўлади, инвестицион жозибадорлик ошади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномаси.2017 йил 22 декабрь
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли “ 2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожланиш стартегиясини тасдиқлаш тўғрисда”ги Фармони
3. А.Р.Бозоров. «Халқаро молия ва ҳисоб» электрон журнали. №2.2016й
4. Х.Н.Хамроев. Зонал сиёсат. Монография.Т:, «Фан»,-2008й
5. М.А. Раимжонов. «Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш» (Автореферат)-Т:,2012 й
6. ЎлмасовА, Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси.-Т,:Шарқ. 2006 йил
7. Интернет сайтлари. Lex.uz сайтлари

У.Ч. Худойқулов– СамДАҚИ, “Иссиқлик газ таъминоти, вентиляция ва сервис” кафедраси катта ўқитувчиси

САМАРҚАНД ШАҲРИДА ТАБИИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақола аҳоли, ташкилот ва корхоналарнинг табиий газ таъминотини такомиллаштириш масаласига бағишланган. Унда муаллифнинг Самарқанд шаҳрида кунлик газ сарфининг ойлар ва кунлар бўйича ўзгаришини тадқиқ қилиш натижалари келтирилган.

Калит сўзлар: газ таъминоти, газ таъминоти тизими, истеъмол нотекислиги, истеъмол меъёри.

Аннотация. Данная статья посвящена вопросу совершенствования газоснабжения населения, предприятий и организаций. В ней приводятся результаты исследования автора суточного расхода газа в городе Самарканде по месяцам и дням.

Ключевые слова: газоснабжение, система газоснабжения, неравномерность газопотребления, нормы потребления.

Abstract. This article is devoted to the issue of improving gas supply to the population, enterprises and organizations. It presents the results of the author's study of the daily gas consumption in the city of Samarkand by months and days.

Keywords: gas supply, gas supply system, uneven gas consumption, consumption rates.

Коммунал-маиший хизматлар аҳолининг турмушида энг асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Айниқса табиий газ билан таъминлаш хизматларини ташкил қилиш турмуш сифатининг даражасини белгиловчи мезонлардан ҳисобланади. Шу билан биргаликда, куз-қиш мавсумида шаҳар аҳолисини ўйлантирадиган биринчи муаммо ҳам хонадонларга газ етказилишига ишонч хосил қилишдир. Сир эмаски, бугунги кунда ушбу муаммо ўз ечимини топган деб ҳисобланмайди.

Иккинчи томондан табиий газ миллий бойлик бўлиб, уни самарасиз сарфлаш нафақат иқтисодий жиҳатдан катта йўқотишларга олиб келади, балки келажак авлоднинг ҳақидан фойдаланиш ҳолатига олиб келади. Шунинг учун газни етказиб беришда “қанча кўп бўлса шунча яхши” тамойили бўйича фикрлашдан йироқ бўлиш лозимлигини барчамиз яхши тушунамиз.

Газ таъминоти тизимини такомллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш хорижий олимларнинг изланишларида ҳам ўз аксини топмоқда. Охирги йилларда аҳоли пунктларини газ билан таъминлаш тизимларини, газни етказиб бериш техник тизимларини такомиллаштиришга қатор тадқиқотлар олиб борилган. Бизнинг изланишларимиз мамлакатимизда аҳоли яшаш пунктларида, хусусан шаҳарларда газ таъминоти тизимини такомиллаштириш муаммосига бағишланган.

Ўзбекистонда табиий газни истеъмолчиларга етказиб бериш асосан қувурлар орқали амалга оширилади. Қувурлар газ босими бўйича юқори, ўрта ва паст босимли бўлса, тизимдаги ўрни бўйича магистрал ва тақсимловчи турларга бўлинади. Хизмат кўрсатиш доираси бўйича уларни “Узтрансгаз”

АЖ, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ ва якуни истеъмолчилар тасарруфидаги қувурларга ажратиш мумкин. Табиий газ етказиб бериш бўйича қувурлар тизимининг ҳар бир участкасида масъулият шу ташкилотлар зиммасида бўлади.

Аҳоли яшаш пунктларида, хусусан шаҳарларда газ таъминоти қувурлари ва техник инфратузилмаси “Ҳудудгазтаъминот” АЖнинг маҳаллий бўлимларига қарашли бўлади. Ушбу ташкилотларнинг вазифаларига нафақат табиий газни етказиш, ҳисобга олиш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш, балки қувурлардан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш ва назорат қилиш, истеъмолчиларга қўшимча хизматлар кўрсатиш ҳам киради.

Самарқанд шаҳрида газ таъминотини ташкил қилиш “Ҳудудгазтаъминот” АЖнинг Самарқанд шаҳар бўлими амалга оширилади. Ташкилотнинг хизмат кўрсатиш ҳудудида 121 мингдан ортиқ хонадонлар ва ўнлаб саноат корхоналари бўлиб, кенг тарқалган газ таъминоти қувурлар тизими мавжуд. Истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида ташкилотда қувурлар ҳолатини назорат қилиш тизими шакллантирилган. Аҳолининг ўсиши, газ истеъмоли йўналишларининг кенгайиши, тадбиркорликнинг жадал ривожланиши газ таъминоти тизимининг мураккаблашишига олиб келмоқда. Ушбу тизимнинг асосий вазифаси – газни истеъмолчиларга етарли ҳажмда етказиш масаласи мазкур мақоламиз предметидир.

Самарқанд шаҳрида табиий газ истеъмолини таҳлил қилишда бизлар аввало охирги йилларда сарфланган табиий газ умумий миқдорини ўрганамиз (1-жадвал).

1 - жадвал

Самарқанд шаҳрида истеъмолчилар томонидан табиий газнинг сарфланиши, млн.куб.м.

Истеъмолчиларнинг турлари	Йиллар				
	2015	2016	2017	2018	2019
Жами Самарқанд шаҳри бўйича, шу жумладан:	514,0	510,3	525,2	551,3	534,1
1.Корхона ва ташкилотлар	106,3	121,0	154,1	152,7	154,0
2.Аҳоли истеъмоли учун	407,7	389,3	371,1	398,6	380,1

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхона ва ташкилотлар томонидан газдан фойдаланиш ҳажмлари мунтазам равишда ошиб бормоқда. Таҳлил қилинган давр ичида табиий газнинг сарфи 106,3 млн. кубометрдан 154 млн.кубометргача (144,8%) ошган. Аҳоли томонидан эса 2018 йилгача истеъмол ҳажми ошиб бориб 2019 йилда камайиши кузатилмоқда (398,6 дан 380,1 млн.кубометргача). Бунинг иккита сабаби мавжуд, яъни шаҳарнинг олтита узоқ жойлашган маҳалласини баллонли суюлтирилган газ таъминотига ўтказиш ҳамда истеъмолчиларни табиий газ ҳисоб назоратининг автоматик тизими (ТГҲНАТ) хизматига улаш натижасида газ сарфини иқтисод қилишдир.

Табиий газ сарфининг муҳим кўрсаткичи – бу истеъмолнинг бир маромдалик (ритмлилик) кўрсаткичидир. Бунинг учун Самарқанд шаҳрида 2019 йилнинг ойлари бўйича табиий газ сарфини таҳлил қилиш мақсадга

мувофиқдир. Маълумотларининг таҳлили Самарқанд шаҳри бўйича газ сарфи белгиланган меъёрдан ортиқ эканлигини кўрсатиб берди (2-жадвал).

Жадвал маълумотларининг таҳлили қуйидаги дастлабки хулосаларга асос бўлмоқда. 2019 йил давомида деярлик барча ойларда ҳақиқий кунлик газ сарфи меъёрдан ортиқ бўлган. Фақат август ва сентябрь ойларида ҳақиқий кунлик сарфи меъёрдан бироз кам бўлган. Газ сарфининг четланишини кўрадиган бўлсак энг катта фарқ октябр, феврал ва март ойида кузатилган. Табиий газнинг энг катта кунлик сарфи қиш ойларига, яъни январ (1867 куб.м), феврал (1931 куб.м.) ва декабр (1889 куб.м.) ойларига тўғри келали. Газнинг энг кам сарфи май, июн, июл ва сентябр ойларида кузатилган.

2 - жадвал

2019 йилда Самарқанд шаҳри бўйича табиий газ етказиб берилишининг ўртача кунлик миқдори (куб.м.)*

Ойлар	Етказиб бериш меъёри, $м^3$	Ҳақикий етказиб берилган, $м^3$	Фарқи +,-
Январ	1816	1867	+ 51
Феврал	1680	1931	+ 251
Март	552	817	+ 265
Апрел	660	749	+ 89
Май	304	336	+ 32
Июн	388	412	+ 24
Июл	350	380	+ 30
Август	635	627	- 8
Сентябр	403	396	- 7
Октябр	475	912	+ 437
Ноябр	1350	1418	+ 68
Декабр	1775	1889	+ 114

*- жадвал муаллиф томонидан “Ҳудудгазтаъминот” АЖ Самарқанд шаҳар бўлими маълумотлари асосида тузилган.

Шуниси эътиборлики, табиий газ истеъмолининг ёздаги кунлик меъёри қишникидан 4-5 баробар камдир. Табиий газ истеъмолини меъёрлаштиришнинг ўзига хослиги шундаки, улар маълум муддатга тасдиқланади ва шу вақт ичида деярлик ўзгармайди. Ойлар бўйича истеъмол нотекислигини юқоридаги омиллар таъсири сабабли бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ушбу жадвалнинг маълумотларига асосланиб бизлар табиий газ сарфида қонуниятларни аниқлаш вазифасини кўриб чиқдик. Кунлик газ сарфи нотекислигини аниқ баҳолаш учун бизлар математик статистика услубиётидан фойдаландик ва қуйидаги натижаларни олдик. (3-жадвал).

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, газ етказиб беришнинг ҳақиқий ҳолати режалаштирилгандан анча фарқ қилади, яъни газ таъминотида ритмлилик даражаси қониқарли эмас. Ўртача четланиш миқдорлари жуда катта интервалда ўзгариб бормоқда. Шундан хулоса қилиш мумкинки,

3-жадвал

2019 йилда табиий газни истеъмол қилиш меъёридан математик ўртача четланишнинг ва дисперсиясининг ойлар бўйича миқдори.

Ойлар	Танлама ўртача четланиш ($\bar{\chi}_B$)	Дисперсия (D_B)
Январ	4,933	7,865
феврал	21,075	86,369
Март	55,33	794,941
Апрел	21,0	244,0
Май	14,83	75,871
Июн	14,5	10,575
Июл	12,095	28,660
Август	19,353	125,366
Сентябр	13,33	317,261
Октябр	98,7	3354,81
Ноябр	16,165	41,142
Декабр	10,0	2095,0

истеъмолчиларга газ етказиб меъёрларини ишлаб чиқиш ва қўллаш соҳасида такомиллаштириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаган.

Юқоридаги газ таъминотидаги четланишларнинг келиб чиқиш омилларини таҳлил қилишни ўрганиш уларнинг иккита асосий манбасини аниқлашга имкон берди: истеъмолнинг нотекислиги омиллари ҳамда меъёрларни белгилашдаги омиллар.

Истеъмол нотекислигининг асосий омиллари аҳоли ва ташкилот мутахассисларининг газдан фойдаланиш маданиятининг пастлиги, ҳамда газ истеъмоли меъёрларига риоя қилиш муаммоси билан боғлиқдир.

Истеъмол меъёрларини белгилаш омиллари газ таъминотининг иккита тизим ўртасида ахборот алмашиш тартибининг номукаммаллиги билан боғлиқдир. Газга бўлган эҳтиёж кескин ўзгарганда тизимнинг реакцияси етарли бўлмаганлиги четланишларни келтириб чиқаради. Бизнинг фикримизча, ушбу масалада ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш катта самара бериши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги “Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 6010-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 сентябрдаги “Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш” лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4840-сон Қарори.

3. Боярко А.В. Совершенствование управления развитием услуг газоснабжения населения (на примере Республики Башкортостан). Автореферат. - Екатеринбург, 2004 г. – 24 с.

4. Джафаров Т.В. О повышении надёжности систем газоснабжения. – Нефтегазовое дело, 2009. http://www.ogbus.ru.

5. Жила В.А. Газоснабжение: Учебник. -М.: Изд-во АСВ, 2014. – 368с.

6. Фокин С.В. Системы газоснабжения: устройство, монтаж и эксплуатация: учебное пособие / С.В. Фокин, О.Н. Шпортько. — 2-е изд., перераб. и доп. — Москва: КНОРУС, 2019. – 284 с.

Ш. Ш. Файзиева–доцент, к.э.н. КарИЭИ
Ш.А. Юлдашева– ассистент КарИЭИ

ВЛИЯНИЕ ПОСТРОЕНИЯ ДЕШЕВОГО ЖИЛЬЯ НА ОБНОВЛЕННЫЕ МОДЕЛЬНЫЕ ПРОЕКТЫ В СЕЛЬСКИХ МЕСТАХ НА БЛАГОПОЛУЧИЕ НАСЕЛЕНИЯ

Аннотация: Мақолада қишлоқ жойларда аҳолига арзон уй-жой қуриш орқали аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш ва фаровонлигини ошириш масалалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: уй-жой, аҳоли турмуш даражаси, фаровонлик, қишлоқ жойлар

Аннотация: В статье анализируются вопросы улучшения условий жизни и благосостояния населения за счет обеспечения доступным жильем в сельской местности.

Ключевые слова: жилье, уровень жизни, благосостояние, сельская местность.

Abstract: The article analyzes the issues of improving the living conditions and welfare of the population by providing affordable housing in rural areas.

Keywords: housing, living standards, welfare, rural areas

Территориальная целостность города объединяет все типы предприятий, организаций и хозяйствующих субъектов, независимо от их ведомственной формы собственности, как единую производственную и социальную инфраструктуру. Процессы совместного использования труда и природных ресурсов, территории, дорог, коммуникаций, хозяйственных объектов обеспечивают целостность города.

Расположение производительных сил, жилых районов и транспортных систем влияет на организацию и эффективность работы коммунальных служб. В каждой городской, районной администрации есть службы, регулирующие и координирующие деятельность жилищно-коммунального хозяйства. Например, в Ташкенте система коммунальных услуг регулируется Главным управлением коммунальных услуг при администрации города Ташкента. В рыночной экономике деятельность этих служб направлена не на административное управление коммунальной системой, а на создание конкурентной среды между предприятиями и организациями в этой сфере, организацию их деятельности на договорной основе.

Также будут приняты необходимые меры, чтобы цены на жилье не росли и были доступными. В частности, с 2020 года 16 тысяч семей получат субсидии из бюджета на сумму первоначального взноса и процентов по кредиту. Эти субсидии покрывают 10% первоначальной стоимости жилья, 12% для Ташкента и более 10% для других городов. Эта новая система будет внедрена в следующем году в качестве пилотного проекта в Андижанской, Наманганской, Ферганской, Бухарской, Самаркандской, Ташкентской областях и столице. В остальных областях старый порядок будет сохранен, и новая система будет конкурировать с ним.

Также было уделено внимание вопросу реформирования жилищной системы в сельской местности. В связи с этим, для обеспечения конкуренции

и качества было принято решение постепенно передать клиентскую функцию от инжиниринговой компании «Кишлок курилиш инвест» в частный сектор. В 2020 году из 12 тысяч домов 8 тысяч будут построены по действующему порядку, а 4 тысячи - частным сектором. В этой связи Министерству финансов и Министерству экономики и промышленности поручено разработать новый порядок строительства жилья частным сектором.

Подчеркнута необходимость широкого использования инновационных строительных материалов для удешевления и улучшения качества жилья. Например, если вместо кирпича использовать газобетон и пенобетон, то расход газа при производстве сократится в 8 раз, а накопление тепла увеличится в 5 раз.

В соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан о программе доступного жилья в сельской местности на 2017-2021 годы проведена масштабная работа по строительству индивидуального жилья в сельской местности на основе типовых проектов. Только за период с 2009 по 2016 год построено 69 557 благоустроенных домов общей площадью 9 573 000 квадратных метров в 1308 микрорайонах в сельской местности. Улучшились жилищные условия более 83,5 тысяч семей в сельской местности. Принятые меры способствовали обеспечению семей современным, качественным, комфортным жильем, формированию в селе новой инженерно-коммуникационной, социальной и рыночной инфраструктуры, подняли имидж села на новый уровень и на этой основе улучшили уровень жизни и мировоззрение жителей села. Вместе с тем, исследование данного направления показало необходимость разработки принципиально новых подходов, направленных на повышение эффективности строительства с учетом реальных потребностей и покупательной способности населения, а также национального менталитета и особенностей условий жизни в сельской местности.

В целях кардинального повышения уровня современного и комфортного жилья для населения в сельской местности:

• улучшение социально-бытовых условий, удовлетворение потребностей сельского населения в современном, качественном, комфортном, доступном жилье;

• совместное развитие инженерно-коммуникационной инфраструктуры и транспортных сетей в жилых массивах, отведенных под жилищное строительство в сельской местности;

• снижение стоимости проектно-изыскательских и строительно-монтажных работ, а также строительства домов за счет оптимизации конструктивных и архитектурно-планировочных решений;

• расширение использования новых видов энергосберегающих материалов и оборудования;

• развитие местной строительной индустрии, увеличение потенциала подрядных организаций, укрепление их материально-технической базы;

• обеспечение рационального использования земельных ресурсов,

выделяемых под жилищное строительство;

• целесообразно введение более благоприятных условий для предоставления гражданами льготных кредитов на индивидуальное жилищное строительство в сельской местности.

Строительство жилых домов, инженерных и транспортных коммуникаций, объектов социальной и рыночной инфраструктуры в соответствии с параметрами Программы; Основное внимание уделяется снижению стоимости строительно-монтажных работ, устойчивому и сбалансированному развитию местной строительной отрасли, усилению возможностей подрядчиков по повышению качества. С учетом того, что маржа коммерческих банков, участвующих в строительстве жилья в стране, составляет 4% годовых, кредитные линии будут открываться в национальной валюте сроком на 15 лет, включая 5-летний льготный период по ставке 3% годовых. целевое строительство домов в рамках проекта.

В заключение можно сказать, что в рамках программы доступного жилья в сельской местности на 2017-2021 годы до 1 января 2022 года по договорам с подрядчиками - СК «Кишлок курилиш инвест» дома, объекты водоснабжения в районах. а за объем работ по строительству автомобильных дорог - от уплаты всех видов налогов и обязательных отчислений в государственные целевые фонды, от уплаты единого налога, от уплаты всех видов налогов и обязательных отчислений в государственные целевые фонды, от строительства жилых домов, инженерных и транспортных коммуникаций и инфраструктуры. по объему выполненных проектно-изыскательских работ - также рассматривается освобождение от налога на добавленную стоимость. А также играет особое роль влияние построения дешевого жилья на обновленные модельные проекты в сельских местах на благополучие населения.

G.U.Shomiev – Assistant professor at ARCPESNR

KEY PERFORMANCE INDICATORS AS EFFECTIVE METHOD OF HUMAN CAPITAL EVALUATION IN SPHERE OF HEALTH CARE SERVICE IN UZBKEISTAN

Аннотация. Мақолада тиббий хизматлар самарадорлиги ва сифатини баҳолашда самарадорликнинг калит кўрсаткичлари ва уларнинг инсон капитали ва Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги роли тўғрисида фикр юритилган.

Ключевые слова. Самарадорликнинг калит кўрсаткичлари, сифат, тиббий хизматлар.

Аннотация. В данной статье рассматривается вопросы применения ключевых показателей эффективности для повышения качество медицинских услуг, а также для формирования человеческого капитала и социально – экономического развития Узбекистана.

Ключевые слова. Ключевые показатели эффективности, качество, медицинские услуги.

Abstract. In this thesis considering the key performance indicators of medical staff for increasing the health care service quality, which is very important today for human capital and socio-economic development of Uzbekistan.
Key words. Key performance indicators, quality, health care service.

International experience proves that the implementation of a KPI system in a wide variety of industries can increase human capital and the results of companies' activities by 10-30%, primarily due to the fact that it orients the work of employees towards a specific result [1].

The practical implementation of performance-based budgeting in the activities of medical organizations involves the formation of a system of key indicators to assess its effectiveness and efficiency.

A Key Performance Indicator is a measurable value that demonstrates how effectively a staff or company is achieving key business objectives. Organizations use KPIs at multiple levels to evaluate their success at reaching targets. High-level KPIs may focus on the overall performance of the business, while low-level KPIs may focus on processes in departments such as sales, marketing, HR, support and others [2].

The goal of any healthcare provider is to constantly offer better services to their clients. It's vital to understand how efficiently you are operating while finding areas to improve your services. Key performance indicators in healthcare present you with a visual and easy-to-digest means of analyzing your operations. Comprehending each patient's stay, how long they must wait for services, and how they perceive you can lead to valuable and actionable results [3].

All KPIs can be divided into three groups: performance, efficiency and quality. This structure was determined by summarizing the best implemented systems in large enterprises in various industries.

In various sources, including regulatory documents, one can find approaches to the classification of indicators of efficiency and effectiveness of the activities of institutional units in the healthcare sector. Their use can serve as a basis for assessing the achievement of target values of performance indicators in order to determine the effectiveness of medical services.

One of the important functions of KPIs in healthcare is informational and diagnostic. It involves first tracking various methods and manipulations, and then comparing the results to identify the most effective tools. Methods that produce good results can and should be scaled up successfully. The second strong argument in favor of implementing KPIs is that clear quantitative indicators help to give the consumer clear information about service providers [4].

In 2019, 60 percent of deaths were caused by cardiovascular disease, which could have been prevented by primary care. In half of patients with oncology, the disease is detected after the second or third stage. In this regard, there is a need to review the quality and efficiency of medical services.

Healthcare service intelligence has four basic methods used for measuring performance nano economic level as below:

- costs, doctor's service fees, support staff wages, practice expenses, administrative expenses;
- profits, amount in surplus after all expenses are paid;
- quality, aspect of meeting patients' expectations;
- time, efficiencies relating to the number of patients seen per hour/day[5].

Today, healthcare professionals are not only scientifically and patient-driven, but they need to focus on the management of a whole data spectrum on how to provide the best possible care, ensure sustainable hospital performance and effectively manage costs. That's why creating a professional healthcare dashboard will help managers to optimize these processes and deliver considerable value for both hospitals and patients. To be able to succeed, professionals need the right tools, the right healthcare analytics tools, and, most importantly, the right metrics to track. When all these elements are consolidated and structured, generating comprehensive healthcare reports is the final stage of increasing efficiency. There is most important healthcare service KPIs in microeconomic level as below:

- average hospital stay: evaluate the amount of time your patients are staying;
- bed occupancy rate: monitor the availability of hospital beds;
- medical equipment utilization: track the utilization of your equipment;
- patient drug cost per stay: improve cost management of medications;
- treatment costs: calculate how much a patient costs to your facility;
- patient room turnover rate: balance the turnover with speed and quality;
- patient follow-up rate: measure the care for your patients over time;
- hospital readmission rates: track how many patients are coming back;
- patient wait time: monitor waiting times to increase patient satisfaction;
- patient satisfaction: analyze patient satisfaction in detail;
- staff-to-patient ratio: ensure you have enough staff to care for your patients;
- canceled/missed appointments: keep track of patients' appointments;
- patient safety: prevent incidents happening in your facility;
- wait time: identify rush hours in your emergency room;
- costs by payer: understand the type of health insurance of your patients[6].

Thus, it is necessary to develop a system for assessing key performance indicators in the field of medical services at the nano and micro levels, it is necessary to model using a system-dynamic approach that allows taking into account the dynamics of the most important characteristics of medical services. In particular, it is necessary to use such indicators as the duration of treatment, depending on the clinical and statistical group, indicators of surgical activity, costs when the duration of hospitalization is exceeded, the percentage of deaths within a certain time from the start of treatment.

The issues of reforming the existing health care system and the search for mechanisms for the provision of medical care and the activities of organizations providing medical services, in particular, in our country have been actively discussed for several decades. First of all, these challenges are caused by the quality of medical services in the country, especially the indicators of infant mortality and mortality of the population of working age, which require more

careful consideration of the problems of the system of providing medical services at the legislative level.

References:

1. Shmelyov O.Yu. KPI – bazis motivatcii. Vek kachestva. 2010. № 5. S. 38-39
2. https://www.klipfolio.com/resources/articles/what-is-a-key-performance-indicator
3. https://www.sisense.com/kpi-library/healthcare-kpis/
4. Dovlatyan G.P., Shapovalova E.S. Issledovanie chelovecheskogo kapitala kak instrument obespechivayushhego konkurentosposobnost vnutrennekh sredstv predpriyatiya. Sovremenniye fundamentalnye i prikladnye issledovaniya. 2012. №.1 S. 124.
5. https://www.vshouz.ru/news/analitika/8084/
6. https://www.datapine.com/kpi-examples-and-templates/healthcare#average-treatment-costs

О. Н. Холмуродов– ҚарМИИ катта ўқитувчиси

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИ, ФАРОВОНЛИГИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: мақолада рақамли иқтисодиёт тушунчаси, рақамли иқтисодиётга берилган таърифлар, рақамли иқтисодиётга хос бўлган технологик ўзгаришлар, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши аҳоли бандлигига таъсири, ялпи миллий маҳсулотдаги ахборот коммуникация технологиялари соҳасининг улуши, тармоқ рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш ва хизмат кўртиш соҳалари ёритиб берилган.

Аннотация: в статье описаны понятие цифровой экономики, определения цифровой экономики, технологические изменения, присущие цифровой экономике, влияние развития цифровой экономики на занятость, доля информационно-коммуникационных технологий в ВВП, повсеместное использование цифровых технологий и услуг.

Abstract: the article describes the concept of digital economy, definitions of digital economy, technological changes inherent in digital economy, the impact of digital economy development on employment, the share of information and communication technologies in GDP, the widespread use of digital technologies and services.

Калитли сўзлар: рақамли иқтисодиёт, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши, хизмат кўрсатиш, мамлакат иқтисодий кўрсаткичлари.

Ключевые слова: цифровая экономика, развитие цифровой экономики, услуги, экономические показатели страны.

Keywords: digital economy, development of digital economy, services, economic indicators of the country.

Башарият иқтисодиёт тармоқлари ўзгариши, бу жараённинг рақамлашуви, мобиллашуви, соҳага сунъий интеллектнинг жорий этилиши билан боғлиқ муҳим даврни бошдан кечирмоқда. 2022 йилга келиб дунё ЯИМнинг қарийб чорак қисми рақамли секторга тўғри келиши прогноз

қилинаётган бир шароитда янги иқтисодиётни ривожлантириш зарурати янада ойдинлашади. Ривожланган давлатларда рақамли иқтисодиётни жорий этишга аллақачон киришилган. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва технологияларнинг ривожланиши шароитида Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётига рақамли иқтисодиётни ривожлантирмасдан эришиб бўлмайди.

Кўпгина хорижий иқтисодчи олимлар рақамли иқтисодиётни яъни, бу давлат, ишбилармон доиралар ва фуқаролар ўртасидаги глобал ахборот маконида фаолият кўрсатадиган, ишлаб чиқариш ва чиқаришнинг рақамли турлари ва шаклларини яратадиган, тармоқ рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш орқали рағбатлантируччи ижтимоий, маданий, иқтисодий ва технологик муносабатлар тизимидир деб таърифлайдилар.

А.В.Кешелеванинг фикрича рақамли иқтисодиётнинг асосий хусусиятлари қуйидагилар билан белгиланади:

- иқтисодий фаолиаят “рақамли" иқтисодиёт платмаформаларига қаратилган;
- шахсийлаштирилган хизмат кўрсатиш моделлари;
- ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги тўғридан-тўғри ўзаро муносабатлар;
- баҳам кўриш иқтисодиётининг тарқалиши;
- алоҳида иштирокчилар ҳиссасининг роли.

Қисқача айтганда, рақамли иқтисодиёт (веб, интернет иқтисодиёти, электрон иқтисодиёт) – бу электрон бизнес ва электрон тижорат билан боғлиқ рақамли технологияларга ва улар томонидан ишлаб чиқарилган ва сотила-диган рақамли товарлар ва хизматларга асосланган иқтисодий фаолиятдир.

Маълумки, Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ этиш, лебираллаштириш ва модернизациялаш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш бўйича ҳар томонлама чуқур ўйланган, узоқ истиқболга мўлжалланган сиёсат амалга оширилмоқда. Иқтисодиётни модернизациялаш ва рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим манбаи ва омили ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси бугун айнан ушбу соҳа ялпи ички маҳсулотни шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, кишиларнинг фаровонлигини оширишда етакчи ўрин тутишини кўрсатмоқда.

Иқтисодиёти жадал суръатлар билан ривожланаётган Ўзбекистон Республикасида ҳам мазкур соҳага катта эътибор қаратилмоқда ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий устиворликларни босқичма-босқич амалга ошириш хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишига асос бўлмоқда.

Шунинг учун рақамли иқтисодиёт шароитида ижтимоий хизматлар соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига оилалар фаровонлигини ошириш ва иш билан бандлик масаласини таъминлаш даркор.

Қашқадарё вилоятининг 2019 йилдаги иқтисодий фаолиятнинг асосий турлари бўйича кўрсатилган хизматлар турларини таҳлил қиладиган бўлсак, хизмат кўрсатишда энг катта улуш молия хизматлари (143,1 фоиз), бошқа

хизматлар (124,6 фоиз), соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (121,3 фоиз), ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлари (113,0 фоиз), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (110,4 фоиз), транспорт хизматлари (108,9 фоиз), шу жумладан, автотранспорт хизматлари (108,6 фоиз), савдо хизматлари (106,3 фоиз), ижара ва лизинг бўйича хизматлар (104,3 фоиз), шахсий хизматлар (103,7 фоиз), компютерлар, шахсий фойдаланиш буюмлари ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматларида (101,4 фоиз) ўсиш юқори бўлган. Савдо хизматлари (96,4 фоиз), таълим соҳасидаги хизматларга (93,8 фоиз) тўғри келган.

Қашқадарё вилоятининг 2019 йилда иқтисодий фаолиятнинг асосий турлари бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми
(*млрд. сўм ҳисобида*)

	млрд.сўм	Олидинги йилга нисбатан, фоиз ҳисобида
Хизматлар – жами	**8 800,9**	**111,1**
жумладан асосий турлари бўйича:		
ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлари	440,5	113,0
молия хизматлари	1 206,5	143,1
транспорт хизматлари	1 994,4	108,9
шу жумладан: автотраспорт хизмати	1 890,7	108,6
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	266,0	110,4
савдо хизматлари	2 897,6	106,3
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	265,6	96,4
таълим соҳасидаги хизматлар	262,6	93,8
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	120,4	121,3
ижара ва лизинг бўйича хизматлар	237,7	104,3
компьютерлар, шахсий фойдаланиш буюмлари ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	310,6	101,4
шахсий хизматлар	308,3	103,7
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	126,3	89,3
бошқа хизматлар	364,4	124,6

Манба: Қашқадарё вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

Шу ўринда бизнинг фикримизча, рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун қуйидаги йўналишлар ҳаётга тадбиқ эътилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- хизмат кўрсатиш соҳасида дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва технологик майдончалар яратиш орқали «рақамли тадбиркорлик»ни ривожлантириш;

- хизмат кўрсатиш соҳасида рақамли технологияларни қўллаш ва улардан фойдаланиш, уларнинг мавжудлиги ва сифати, уларга ўз фаолиятларини бошлаб олиши учун зарур бўлган бошланғич маблағ билан таъминлашда рақамли имтиёзли банк кредитларини йўлга қўйиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли иқтисодиётда хизмат соҳалари орқали тадбиркорликни ривожлантириш, бандлик муаммосини айниқса, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, аҳолининг даромадини сезиларли даражада кўпайтириш, бутун мамалакатимиз аҳолисининг фаровонлигини ошириш имкониятини яратади. Бу биринчидан, аҳолини иш билан таъминлаш орқали оилаларнинг муҳим даромад манбаи ва мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асоси бўлса, иккинчидан, мамлакатимиз бозорини хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш орқали аҳолининг турмуш даражасининг ошишига сабаб бўлади.

Ш.С. Олтаев– СамИСИ катта ўқитувчиси, и.ф.н.

Хизматлар соҳасидаги аксарият фаолият турларининг ўзига хос хусусияти - бу маҳаллийлаштиришнинг юқори даражаси, маълум бир ҳудудга (ҳудуд, туман, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари) боғлиқлиги ҳисобланади. Шу сабабли, фаолиятнинг ҳажми, жойлашиши, фаолият турлари ва кўлам-лари, мулкчилик шакллари, корхона ва хизмат кўрсатиш ташкилотларининг иш услублари, уларнинг модернизация қилишдаги роли ва ривожланиш потенциали минтақа иқтисодиётидаги инновацион ўзгаришларнинг эҳтиёж-лари, устуворликлари ва стратегияси билан ўзаро боғлиқ бўлиши керак.

Кўрилаётган даврда, ресурслардан самарали фойдаланиш натижасида ҳудудлар бўйича Тошкент шаҳри кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмини ўсишига таъсир кўрсатди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ушбу ҳудудда кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 8 800,2 млрд. сўмга ошди ва 57 611,3 млрд. сўмга етди.

Ҳудудлар кесимида кўрсатилган хизматлар

(2020 йил январь-сентябрь ойлари учун)

	Жами			**Аҳоли жон бошига**		
	млрд. сўм	Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да		минг сўм	Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да	
		2020 й.	2019 й.		2020 й.	2019 й.
Ўзбекистон Республикаси	**157085,3**	**101,8**	**112,7**	**4600,7**	**99,9**	**110,7**
Қорақалпоғистон Республикаси	4 574,5	103,5	114,9	2398,5	102,0	113,2
вилоятлар:						
Андижон	8 214,7	104,5	111,9	2607,9	102,5	109,8
Бухоро	6 853,7	103,0	111,6	3547,8	101,6	109,8
Жиззах	3 518,5	102,9	116,2	2526,6	100,7	113,8
Қашқадарё	7 233,7	102,7	112,1	2192,6	100,8	109,8
Навоий	4 129,7	104,3	112,8	4116,5	102,5	110,8
Наманган	6 345,5	103,3	111,1	2241,0	101,2	108,8
Самарқанд	10 138,9	102,3	109,4	2597,7	100,3	107,2
Сурхондарё	5 645,4	102,3	111,1	2131,8	100,1	108,7
Сирдарё	2 301,6	105,9	121,1	2702,7	104,0	118,9
Тошкент	11 930,5	103,2	108,4	4030,7	101,6	106,9
Фарғона	9 650,3	103,1	110,0	2554,7	101,2	108,0
Хоразм	4 711,2	102,3	114,0	2512,2	100,7	112,1
Тошкент шаҳри	57 611,3	106,9	116,7	22047,1	103,6	114,4

2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” дастурида ҳам хизматлар соҳсини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги таклифларни келтиришимиз мумкин:

- хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулот-

ни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш;

- саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш;

- аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишда давлат-хусусий шериклигини камайтириш;

- аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

- аҳолини коммунал-маиший хизматлар билан таъминлаш даражасини ошириш ва замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш орқали қишлоқ жойларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш;

- аҳолига транспорт хизмати кўрсатишини тубдан яхшилаш, йўловчи ташиш хавфсизлигини ошириш;

- театр ва томоша масканлари, маданий-маърифий ташкилотлар ва музейлар фаолиятини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

Миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлашда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш натижасида, мамлакатда янгидан – янги қўшимча иш ўринлари яратилади ва бу ўз навбатида, аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қилади.

Ф.А. Ишонкулова – Старший преподаватель СамИЭС

ПРИЧИНЫ И ПОСЛЕДСТВИЯ ИЗМЕНЕНИЯ УРОВНЯ ЗАНЯТОСТИ НАСЕЛЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА

Аннотация: В этой статье исследованы причины и последствия изменений уровня занятости возникшие за последние годы и на фоне пандемии в нашей стране.

Ключевые слова: уровень занятости, макроэкономическая нестабильность, стабильность, трудоустройство, активная часть населения, рабочие места, пособие по безработице, политика занятости, уровень безработицы.

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатимизда бандлик даражасининг охирги йиллар ва пандемия вақтида келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари устида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: бандлик даражаси, макроиқтисодий ўзгарувчанлик, барқарорлик, ишга жойлашиш, аҳолининг фаол қисми, иш ўринлари, ишсизлик нафақаси, бандлик сиёсати, ишсизлик даражаси.

Abstract: This article examines the causes and consequences of changes in employment levels that have arisen in recent years and against the background of a pandemic in our country.

Key Words: employment level, macroeconomic instability, stability, employment, active part of the population, jobs, unemployment benefits, employment policy, unemployment rate.

Основным показателем макроэкономической нестабильности и циклического развития является безработица. Она стала неотъемлемой частью современной экономики, которая вызывает не только экономические и политические последствия, но и серьезные нравственно-психологические, социальные проблемы. Конечно, процессы занятости и безработицы должно регулировать государство, для этого оно проводит политику занятости. Для сохранения стабильности, любая экономическая система стремится поддерживать безработных граждан путем материальных выплат, оказывать содействие в трудоустройстве, обеспечивать полную занятость дееспособного населения. В Узбекистане большая часть населения 60% составляет активную экономическую часть населения, которая обладает всеми возможностями, чтобы трудиться.

Из-за пандемии в мире потеряно 500 миллионов рабочих мест, ежемесячно мировая экономика несёт ущерб в 400 миллиардов долларов.

Вынужденная бездеятельность значительной массы трудоспособного населения и каждого человека в отдельности ведет к появлению жизненной депрессии, потери квалификации и практических навыков, снижаются моральные устои, растет преступность, теряется самоуважение, распадаются семьи, растет социальная напряженность в обществе, которая характеризуется также повышением числа самоубийств и психических заболеваний. В конечном итоге подрывается и физическое здоровье общества. В связи с потерей работы многие семьи оказываются за чертой бедности. Бедность – это такое экономическое состояние людей, которые не имеют минимума (по нормам страны) средств к существованию. Число бедных изменяется с изменением экономической фактуры в стране.

Однако,социальные последствия безработицы имеют не только отрицательные, но и положительные стороны.

Положительные: повышение социальной ценности рабочего места; увеличение личного свободного времени; возрастание свободы выбора места работы; увеличение социальной значимости и ценности труда.

Экономические последствия безработицы. Первое, к чему приводит безработица – это недостижение потенциального уровня ВВП, то есть недосоздание продукции.

Среди факторов, влияющих на динамику безработицы, можно выделить следующие:

– Технико-экономические факторы – темпы и направления НТП, обуславливающие экономию рабочей силы. Разрушение наукоемких российских производств, проведение конверсии без учета экономических и социальных последствий на всех уровнях создали угрозу массового банкротства предприятий и лавинообразного высвобождения рабочей силы.

– Экономические факторы – состояние национального производства, инвестиционной активности, финансово-кредитной системы; уровень цен и инфляции.

– Демографические факторы, основывающиеся на том, что в результате

сдвигов экономики, изменяется уровень рождаемости, смертность и средняя продолжительность жизни экономически активного населения.

– Организационно-экономические факторы - изменение организационно-правовых форм предприятий, в ходе приватизации государственной собственности, акционирования предприятий, структурной перестройкой, существенно влияет на безработицу, так как усиливает процессы выталкивания работников из данного предприятия и притяжения в другие производства, в другие местности, то есть колебания рынка труда. Но пандемия дала почувствовать более серьёзное негативное влияние во всём мире.

По итогам 2019 года средний уровень безработицы в Узбекистане составил 9%. По мировым меркам, это считается низкий показатель. Если смотреть по регионам, то самый высокий показатель в Кашкадарьинской, Самаркандской, Сурхандарьинской, Ферганской и Сырдарьинской областях. Здесь уровень безработицы составляет 9.3%. Легче всего найти работу в Ташкенте и потому уровень безработицы составляет 7.4%. Уровень безработицы сложно контролировать полноценно, ведь расширяется сфера неформального трудоустройства. В ней сейчас заняты почти 8 млн.узбеков, которые принимаются на сезонные и временные работы.

Результаты проведённого исследования за 2020 год показали, что уровень безработицы во время пандемии среди экономически активного населения республики вырос с 9.3% составил 14-15%.Общее количество безработных в стране, по итогам первого полугодия составило 1.9%

Узбекистанцы, которые долгое время находились дома, теперь не могут трудоустроиться и заняты поиском источником дохода. И к большому сожаленью это не всегда удаётся.

Азиатский банк развития предоставил Узбекистану 93млн. долларов на сокращение безработицы, стимулирования экономического роста и создания рабочих мест.

С 1 марта текущего года впервые будут объявлены минимальные потребительские расходы населения, а также планируется увеличить размеры пособия по безработице и объёмы средств , выделяемые на поддержку малоимущего населения. «В сфере сокращения бедности мы будем внедрять комплексные подходы и новые нестандартные методы»- сказал Президент Республики Узбекистан Ш.Мирзиёев в своём послании парламенту.[1]

Список использованной литературы:

1. Послание президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева Олий Мажлису 29 января 2020 год.
2. Макконнелл, К.Р. Экономикс, М.: Республика 2010. // URL: http://institutiones.com/download/books/805-economics.html
3. Кейнс, Д.М. Общая теория занятости, процента и денег // URL: http://socioline.ru/files/5/316/keyns.pdf
4. Трудовой кодекс Республики Узбекистан Ташкент 1995 год
5. Государственный комитет Статистики Республики Узбекистан 2020 год

[1] Послание Олий Мажлису Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева Ташкент 29 декабря 2020 год

У.Х. Абдуганиев– магистрант Института финансовых технологий и экономической безопасности (НИЯУ МИФИ) , ассистент кафедры «Экономическая безопасность» ТГЭУ.

РОЛЬ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В СНИЖЕНИИ КОРРУПЦИОННЫХ РИСКОВ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

Аннотация: в данной статье рассматривается понятие коррупции и ее влияние на экономическую безопасность. Проанализирована важность использования цифровых технологий в обеспечении экономической безопасности развитых стран, рассмотрены современные технологии и интернет-продукты, снижающие риск коррупции.

Ключевые слова: коррупция, экономическая безопасность, коррупционные риски, цифровизация, цифровые технологии.

Аннотация: ушбу мақолада коррупция тушунчаси, унинг иқтисодий хавфсизликка таъсири кўриб чиқилган. Ривожланган мамлакатлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда рақамли технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти таҳлил қилинган ҳолда, коррупция рискини қисқартиришга олиб келувчи замоновий технологиялар ва интернет маҳсулотлар ҳақида маълумот берилган

Калит сўзлар: коррупция, иқтисодий хавфсизлик, коррупция рисклари, рақамлаштириш, рақамли технологиялар.

Abstract: This article discusses the concept of corruption and its impact on economic security. The importance of using digital technologies in ensuring the economic security of developed countries is analyzed, modern technologies and Internet products that reduce the risk of corruption are considered.

Keywords: corruption, economic security, corruption risks, digitalization, digital technologies.

Коррупция - одно из древнейших явлений в системе общественных отношений и фактор, влияющий на социальный порядок, регулирующий жизнь людей. Это явление постоянно меняется и развивается, поскольку мы видим, что по мере усложнения политического и экономического порядка он проявляется в новых формах.

В современном мире коррупция - серьезная и актуальная проблема практически для всех стран. В преамбуле к Конвенции ООН против коррупции говорится, что « серьезностью порождаемых коррупцией проблем и угроз для стабильности и безопасности общества, что подрывает демократические институты и ценности, этические ценности и справедливость и наносит ущерб устойчивому развитию и правопорядку»[1]. На сегодняшний день локальная проблема стала транснациональным явлением, затрагивающим общество и экономику всех стран.

Сегодня проблема коррупции, искоренение различных ее проявлений и борьба с ее распространением, разработка и реализация эффективной антикоррупционной политики является очень важным вопросом для любого государства. Согласно зарубежным исследованиям, использование цифровых

[1] Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции
Принята резолюцией 58/4 Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 года

технологий в государственном управлении и обществе является эффективным инструментом в борьбе с коррупцией.

В результате нашего исследования мы обнаружили, что эффективное использование цифровых технологий сегодня и цифровизация всех слоев общества приведет к сокращению преступлений, связанных с коррупцией, и различных бюрократических препятствий. Кроме того, цифровизация не только экономит время, но и повышает эффективность государственных служащих.

Преобладание коррупции в обществе приводит к возникновению угроз экономической безопасности и расширению сферы их влияния. Ко 2-му десятилетию 21 века развитие ИТ-технологий находится на очень высоком уровне, создавая множество возможностей для человечества. Успешное внедрение и высокая эффективность процессов цифровизации в развитых странах также создают широкие возможности для экономической безопасности. По данным ПРООН, цифровизация и цифровые преобразования значительно продвинули и трансформировали государственный сектор с огромным потенциалом и широкими преимуществами повышения эффективности и результативности государственного управления и предоставления услуг, а также повышения прозрачности, подотчетности, доступности и участия граждан. Кроме того, цифровизация помогает автоматизировать многие процессы государственного управления и налаживать бесконтактные отношения. На наш взгляд, формирование этих бесконтактных отношений приводит к резкому снижению мелкомасштабных коррупции.

В мировой практике применение ИТ-технологий и продуктов для снижения коррупционных рисков экономической безопасности, дает хорошие результаты.

По данным Базельского института управления, электронное правительство имеет следующие инструменты:[1]

- **Электронная коммуникация с правительством** (*E-Communication with Government*). Платформы (обычно на основе электронной почты), которые обеспечивают прямой доступ к правительственным ведомствам для получения информации и советов. Использование этой услуги государствами приводит к удаленной организации связи между государственными органами и частными лицами, а также к сокращению коррупции, мошенничества и других подобных факторов.
- **Электронная таможня** (*E-Customs*) Использование информационных технологий для выполнения таможенного контроля с использованием электронных каналов связи, заменяющих таможенные процедуры в бумажном формате. Объем электронной таможни может широко варьироваться и может включать в себя любое или все из следующего: информация о тарифах и пошлинах, подготовка, подача и отслеживание

[1] Basel Institute on Governance, New perspectives in e-government and the prevention of corruption. Working Paper 23 (2017). URL: https://www.baselgovernance.org/publications/working-paper-23-new-perspectives-e-government-and-prevention-corruption.

таможенных деклараций. В налоговой и таможенной сферах, составляющих государственный бюджет, цифровые технологии не только контролируют, но и помогают в управлении процессами. Использование этих двух услуг государствами является эффективным инструментом борьбы с теневой экономикой, которая является неотъемлемой частью экономической безопасности. Это также способствует снижению фактора коррупции в налоговой и таможенной системе. На практике упрощение таких услуг сокращает затраты времени и устраняет коррумпированные ограничения.

- **Электронная подача налогов / электронных налогов** (*E-Filing of Taxes / E-Taxes*) Процесс подачи налоговой декларации через Интернет с использованием программного обеспечения для подготовки налогов, утвержденного соответствующим государственным органом страны.
- Электронное выставление счетов (E-Invoicing). Электронная передача информации о выставлении счетов (выставление счетов и оплата) между деловыми партнерами (поставщиком и покупателем). Это часть эффективной финансовой цепочки поставок, которая связывает внутренние процессы предприятий с платежными системами.
- **Электронное лицензирование** (*E-Licensing*). Процесс физических / юридических лиц / других организаций, подающих онлайн-заявку на получение определенной лицензии от зарегистрированного (государственного) агентства.
- **Электронные закупки** (*E-Procurement*). Информационный и / или транзакционный интернет-портал, облегчающий оформление заявок, заказ и покупку товаров и услуг. Он используется в публично-частном интерфейсе, а также в транзакциях между бизнесом. Как правило, он охватывает все этапы закупок, от требований к первоначальной идентификации до оплаты и управления контрактами в конце процесса закупок.
- **Электронные торги** (*E-Tendering*). Полный процесс тендера - от рекламы до получения и подачи информации о тендере - осуществляется в режиме онлайн. Обеспечение эффективных безбумажных транзакций, облегчение оперативного обмена информацией.
- **Службы единого окна** (*Single Window Services (SWS)*). Стороны, участвующие в торговле и транспорте, могут подавать стандартизированную информацию и документы в единую точку входа, выполняющую все требования, связанные с импортом, экспортом и транзитом. Электронная информация облегчает разовую подачу данных.
- **Услуги по упрощению процедур торговли** (*Trade Facilitation Services (TFS))* Возможности TFS включают:
  - Онлайн-доступ к информации о процедурах экспорта и импорта, в некоторых случаях ускоренный выпуск товаров даже до таможенного оформления;
  - Упрощенные требования и формальности для выпуска и таможенной очистки товаров, в том числе сотрудничество в разработке процедур, позволяющих подавать данные об импорте или экспорте в одно агентство;

- Улучшение методов работы, прозрачность и эффективность таможни;
- Сокращение, упрощение и стандартизация необходимых таможенных данных;

На наш взгляд, широкое использование этих инструментов будет способствовать эффективному функционированию государственного управления, а также экономической эффективности и, в частности, предотвращению коррупции, тем самым обеспечивая экономическую безопасность.

З.М. Абдуллаева– СамДУ 1-босқич магистранти

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА АЁЛЛАР БАНДЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: Мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида аёллар бандлигини таъминлаш бўйича муаллифнинг тадқиқотлари умумлаштирилиб, аёллар бандлиги бўйича таклиф ва хулосалар келтирилган

Калит сўзлар: иш билан бандлик, аёллар бандлиги, аёллар меҳнат бозори, аёллар дафтари, гендер тенглик.

Аннотация: В статье обобщается авторское исследование занятости женщин в цифровой экономике, предлагаются предложения и выводы по вопросам занятости женщин.

Ключевые слова: трудоустройство, женская занятость, женский рынок труда, женская тетрадь, гендерное равенство.

Abstract: The state summarizes the author's study of women's employment in the digital economy, offers proposals and conclusions on women's employment.

Keywords: employment, female employment, female labor market, women's notebook, gender equality

Инновацион ва рақамли иқтисодиёт жадал ривожланиб бораётган янги Ўзбекистонда аёллар бандлиги ва уларнинг жамиятдаги ролини ошириш муаммоси марказий масалалардан бири бўлиб келмоқда. Аёлларнинг иш билан бандлиги ва уларни профессионал фаолиятга тайёрлаш ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга. Дунёнинг кўп ерида аёллар орасида ишсизликнинг юқори даражада эканлиги кузатилмоқда. Аёллар орасида ишчи кучи иштироки даражаси эркакларникидан пастроқ. Хусусан, сўнги 5 йил ичида аёллар иқтисодий фаолиятининг ўртача жаҳон даражаси 50% ни ташкил этган. Сўнгги 5 йил ичида Қозоғистондаги аёллар фаолияти тахминан 65% ни ташкил этган.Ўзбекистондаги вазият ҳам бундан мустасно эмас. Сўнгги 5 йил ичида ўртача аёлларнинг иқтисодий фаоллиги даражаси 48%ни ташкил этди, эркаклар орасида бу кўрсаткич 76% ни ташкил этди. 2019 йил кўрсаткичларига кўра эса Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаол аҳолиси 14,8 млн. кишини ташкил этган, шундан 56,7 фоизи (8,4 млн. киши) эркаклар, 43,3 фоизи (6,4 млн. киши) аёллар[2].

Президентимизнинг Олий Мажлисга 2020-йил 29-декабрдаги Мурожаатномасида хотин-қизларга муносабат, аёлларга муносиб ҳаёт

шароитларини яратиб бериш, уларнинг муаммоларини тизимли ўрганиш, меҳнат фаолияти ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш масалаларига жиддий эътибор қаратилди.

Пандемия туфайли дунё миқёсида ярим миллиард инсон иш ўрнини йўқотди. Албатта, бунда энг катта зарарни хотин-қизлар, фарзандли ва боқувчисини йўқотган аёллар кўрди, десак бу ҳам хато бўлмайди. Юртимизда хотин-қизлар бир неча йўналишларда қўллаб-қувватланмоқда.

Биринчидан, Ўзбекистоннинг барча туман ва шаҳарларда, ҳар бир маҳаллада эҳтиёжманд оилалар ва ёшлардан ташқари, аёллар билан манзилли ишлашга қаратилган “темир дафтар” тизими орқали қисқа муддатда 527 минг фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Иккинчидан, сўнгги 4 йилда кичик ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси икки баробар ортиб, 60 фоизга етказилгани, боғчалар сони ҳам уч баробар кўпайиб 14 мингга етказилгани ҳам уйда асосан бола тарбияси билан машғул бўлиб қолаётган аёлларимизга катта енгиллик беради.

2023 йил якуни билан мактабгача таълим қамровини 75 фоизга етказиш ғояси жуда катта режадир. ЮНИСЕФ ҳамда Жаҳон банки билан ҳамкорликда имконияти чекланган болалар учун мактабгача таълимни уйда бериш модели йўлга қўйилиши хотин-қизларимизга янги имконият эшикларини очади.

Учинчидан, ёшларимизни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 25 фоизга етказилди.

Еътиборли томони уларнинг аксарияти қиз болалар экани бизни чексиз қувонтиради. Олий маълумотли дипломга эга ҳар бир қиз ҳаётда ўз ўрнини топиши, келгусида ижтимоий фаол инсонга айланишини даврнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

Бундан ташқари, эҳтиёжманд оилаларнинг мингга яқин қизлари илк бор олий ўқув юртларига алоҳида давлат грантлари асосида қабул қилингани давлатнинг эътиборга муҳтож оилаларга кўрсатаётган чексиз рағбати ифодасидир. Бу йил улар миқдори икки ҳисса оширилиши эса ҳаётга катта умид билан боқаётган бундай тоифадаги қизларимиз қалбини тоғдай кўтарди.

Тўртинчидан, хорижда адашиб, ўз йўлини йўқотган ва қийин аҳволга тушиб қолган фуқароларимизнинг конститутсиявий ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида навбатдаги “Меҳр-3” операцияси амалга оширилди. Суриядан яна 98 нафар фуқаро, асосан аёллар ва болалар Ватанимизга олиб келингани бунинг яққол тасдиғидир.[3]

Улар шунчаки олиб келингани йўқ, балки бу ерда ҳам чуқур психологик ёрдам кўрсатилиб, қобилиятига яраша ишга жойлаштирилиб, мавжуд муаммоларига ижобий ечим топилмоқда.

Албатта, Ўзбекистон Раҳбарининг гендер тенгликни таъминлаш борасидаги ҳаракатлари жорий йилда ҳам изчил давом эттирилади. Албатта, илмий доиралар вакиллари ҳам уларни тўлиқ ижросини таъминлаш учун қўл қовуштириб ўтирмасдан, янада фаоллик ва жонбозлик кўрсатиши зарур.

Шуни таъкидлаш керакки,Ўзбекистондаги аёлларнинг иқтисодий фаол-

лиги даражаси бошқа давлатларга қараганда паст.Бунга бир қанча мавжуд муаммолар сабаб бўлади. Жумладан, ёш хусусиятлари, билим-кўникма даражаси, ташқи таъсирлар, оилавий шароит,психологик вазиятлар ва бошқалар.

Бу ҳол маълум даражада аёлларнинг ўз хулқ-атвор хусусиятлари билан боғлиқ: биринчи иш жойида иш ҳақи юқори бўлмаслиги сабабли улар муқим ишлаб қолишдан моддий манфаатдор бўлмайдилар; барқарор даромад олишга ундовчи сабаб йўқ бўлиб, ушбу вазият ёшларни ота-оналари кўпчилик ҳолларда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари билан боғлиқ ва ҳоказо. Бунинг устига улар кўпинча ўзларининг дастлабки меҳнат тажрибаларини муайян ишда эмас, балки иш жойларини ўзгартириш йўли билан профессионал фаолиятнинг ҳар хил турларида орттиришга ҳаракат қиладилар. Бунда аёллар меҳнат бозорига таъсир қиладиган институционал, ижтимоий-психологик, ташкилий, иқтисодий ва демографик омиллар мавжуд бўлиб уларга тўхталиб ўтамиз.

Институционал омилларга, энг аввало, аёллар меҳнат бозорини шакллантиришнинг ҳуқуқий базасини яратиш киради. Мамлакатда Ўзбекистон Республикасида “Ёшларга доир давлат сиёсати тўғрисида”, “Таълим тўғрисида” қонунлар, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” мавжуд бў лса ҳам, бугунги кунда аёллар меҳнат бозорига доир махсус ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўларди.

Мазкур қонунда аёлларнинг иш билан бандлигини таъминлаш махсус жамғармасини ташкил этиш, аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш, шу жумладан иш билан бандлигини таъминлашга оид дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш тамойиллари ўз ифодасини топиши мумкин.

Ижтимоий-психологик омиллар, аёлларни касбга йўналтириш, уларнинг касбий тайёгарлиги, меҳнат фаолиятига кў никтириш, ишни таълим олиш билан қўшиб олиб бориш имкониятларини яратиш каби масалаларни қамраб олади.

Ташкилий омиллар, ҳудудий аёллар иш билан бандлигига кўмаклашувчи марказлар фаолияти билан боғлиқдир. Улар аёлларни мазкур ҳудудда мавжуд бўш иш ўрнилари тўғрисида тезкор хабардор қилиб боришлари, ишсиз аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини, жумладан зарур ҳолларда уларни янги касбларга ўқитишлари, ижтимоий ишларга жалб қилишлари талаб этилади.

Иқтисодий омиллар**,** ҳудудда ишлаб чиқариш кучларининг, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначиликнинг ривожлантирилганлиги, инвеститсия фаоллигига тааллуқлидир.

Демографик омиллар, мамлакат ҳамда унинг ҳудудларида аҳоли сони, унинг табиий ў сиши,меҳнат ресурслари, иқтисодий жиҳатдан фаол аҳоли миқдорига бевосита таъсир кўрсатувчи энг муҳим омиллардан биридир.

Бу омиллар таъсирида аёллар иш билан бандлиги соҳалари эркакларга нисбатан фарқ қилади. Бунга бир қанча сабабларни кўрсатишимиз мумкин. Биринчидан, олий таълим соҳасида аёлларга нисбатан эркаклар кўпроқ миқдорни ташкил этади. Бу эса улар саводхонлиги даражаси паст кўрсаткич-

далигини кўрсатади. Иккинчидан, мактабгача тарбия муассасаларининг етарли мавжуд эмаслиги ва иқтисодий жиҳатдан ноқулайлиги. Мавжуд мактаб муассасалари аёлларни узоқ муддатли эҳтиёжлардан халос қилиши мумкин: туғиш пайтида иқтисодий фаолиятдан чиқиб кетиши натижасида аёллар иш билан бандлиги қисқаради ва улар орасида нофаоллик кў паяди. Учинчидан, тўғри касб танламаслик ва психологик жиҳатдан номутаносиблик. Бунинг оқибатида аёл ва қизлар ўртасида кўплаб ишсизлик ҳолатлари учрайди. Бу каби сабабларни кўплаб келтириш мумкин. Хўш уларга қай тарзда ечим топиш энг самарали усул ҳисобланади?

Маълумки, юртимизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар рўйхати, яъни “темир дафтар” тузилган эди. Энди худди шунингдек ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят кесимида “ёшлар дафтари” ва “аёллар дафтари” шакллантирилади. Бу рўйхатлар “темир дафтар”дан алоҳида бўлади. Унга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бор бўлган ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар киритилади. Бунинг натижасида улар билан тизимли, манзилли иш йўлга қўйилади.

Ишсиз ёшлар ва хотин-қизларда мотивация уйғотиб, касбий кўникмалар шакллантириш, психологик, ҳуқуқий, тиббий ва молиявий кўмак бериш бунда муҳим ҳисобланади. Масалан, оилавий психолог хизмати ва туман адлия бўлими орқали ҳуқуқий маслаҳатларни бепул ташкил қилиш мумкин. Ёлғиз кекса аёллар билан патронаж ҳамширалар, ёшлар, маҳалла ва оила бўлимлари ишлаши керак. Ишсиз ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш ҳокимнинг инвестиция бўйича ўринбосари, туман ва шаҳар бандлик бўлими, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш маркази, Бош вазир қабулхоналари ва банкларнинг энг муҳим вазифаси бўлиши керак. Ўз меҳнати, иродаси билан катта ютуқларга эришган машҳур шахслар билан учрашувлар ташкил этиб, ёшлар ва хотин-қизларга кучли мотиватсия бериш, чет тили, касб-ҳунар ва бизнесга ўргатадиган аудио ва видео материаллар тайёрлаб тарқатиш ҳам яхши самара беради. Бу борада 2020-йил 9-октабрда ташкил этиган “Хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича янги иш тизими белгилаш” бўйича видеоселекторда юртбошимиз Ш.Мирзиёев томонидан фикрлар ва вазифалар билдирилди.

“Ёшлар ва хотин-қизларни меҳнат бозорида талаб юқори касб-ҳунарларга тайёрлашни тизимли йўлга қўйсак, уларнинг муносиб иш топишига кўмаклашсак, кўплаб ижтимоий ва иқтисодий муаммолар ҳал бўлади. Бунинг учун нафақат давлат таълим муассасалари, балки мингдан зиёд нодавлат касб-ҳунар таълими марказларини ҳам жалб қилиш зарур”, – дейди Шавкат Мирзиёев. Бундан келиб чиққан ҳолда,ҳозирги рақамли иқтисодиёт ривожланиб бораётган янги Ўзбекистонда аёллар бандлигини ошириш масаласида уларни уйда ў тирган ҳолда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиб ўз хизматларини интернет орқали онлайн тарзда таклиф этишини киритишимиз мумкин. Яъни, улар тикувчилик, касаначилик, пиширик пишириш,таржимонлик,ҳисобчилик, ёки бошқа шу турдаги касб-

ларни бола парвариши билан параллел олиб боган ҳолда ва оилавий шарт–шароитлардан келиб чиққан ҳолда курерлик,елтиб бериш хизматларидан фойдаланган ҳолда йўлга қўйишлари мумкин. Бунда, аёллар ташкилоти, ўқув курслари, қайта тайёрлов курсларининг роли беқиёс ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш лозимки, бу қўйилган таклиф ва мақсадларга бирданига эришиб бўлмайди. Лекин юртбошимиз томонидан олиб борилаётган изчил давлат сиёсатига бир ёқадан бош чиқариб ҳар бир фуқаро маъсулият ва катта эътибор билан қараса хотин-қизлар бандлиги қисқа йилларда юқори даражада таъминаниши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Ш.Мирзиёевнинг 2020-йил 29-декабрдаги мурожаатномаси

2.“Ёшларни меҳнат бозорига тайёрлаш йўллари ва воситалари” Ф.Турғунбоев. Битирув малакавий иши. Фарғона 2017

3. “Занятость женщин, молодежи, внешняя трудовая миграция и неформальная занятость в Узбекистане: состояние, проблемы и их причины” учебное пособие. Д.Кабулова Ташкент 2018

4. Gender.stat.uz

5. Iiv.uz

6.yedu.uz

Н.Б. Рузиева– СамИЭС PhD-докторант

ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ОТРАСЛЕЙ СФЕРЫ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ

Аннотация: Статья посвящена выявлению возможностей развития экономики и повышения благосостояния населения в современных экономических условиях на базе инновационных преобразований сферы услуг. Рассмотрены направления развития инновационной деятельности сферы услуг.

Ключевые слова: экономика, инновации, сфера услуг, качество жизни населения, инноваций в сфере услуг.

Annotaciya: Maqola xizmat koʻrsatish sohasidagi innovatsion transformatsiyalar asosida zamonaviy iqtisodiy sharoitlarda iqtisodiy rivojlanish va aholi farovonligini oshirish imkoniyatlarini aniqlashga bagʻishlangan. Xizmat koʻrsatish sohasidagi innovatsion faoliyatni rivojlantirish yoʻnalishlari koʻrib chiqildi.

Kalit soʻzlar: iqtisodiyot, innovatsiya, xizmat koʻrsatish sohasi, aholi turmush darajasi, xizmat koʻrsatish sohasidagi innovatsiyalar.

Abstract. The article is devoted to identifying opportunities for economic development and improving the well-being of the population in modern economic conditions on the basis of innovative transformations of the service sector. The directions of development of innovative activity in the service sector are considered.

Keywords: economy, innovation, service sector, quality of life of the population, innovation in the service sector.

В настоящее время инновации приобретают все большую значимость, их главной задачей является достижение предприятиями конкурентных преимуществ и более полное удовлетворение спроса потребителей в

высококачественных товарах и услугах. Внедрение инноваций становится важным фактором обеспечения экономического роста и повышения уровни жизни населения в Республике Узбекистан. Целью, государственной политики, в области развития инновационной системы страны являются - механизмы и основные меры по ее реализации. В настоящее время, определены основные направления инновационной политики, в области развития инновационной системы, рассматриваемой как совокупность субъектов и объектов инновационной деятельности, взаимодействующих в процессе создания и реализации инновационной продукции. Осуществляющая свою деятельность в рамках проводимой государством политики в области развития инновационной системы - это составная часть государственной научно-технической и промышленной политики.

Мировой опыт показывает, что инновационная экономика базируется на тесном взаимодействии различных сфер и отраслей экономики, оптимизации деятельности предприятий и организаций на основе создания и внедрение новой техники и технологии в производстве и оказания услуг, использования современных методов при осуществлении инновационной деятельности в различных сегментах сферы услуг.

Важную роль в удовлетворении потребностей общества играет сфера услуг. С инновациями напрямую связаны развитие сферы услуг и повышение ее эффективности, удовлетворения потребностей общества. Также одним из главных показателей развития сферы услуг является конкурентоспособность услуг, которая непосредственно связана с уровнем инновационной деятельности на каждом сервисном предприятии. Главной целью инновационной политики любого предприятия сферы услуг - это создание и развитие базы для проведения эффективных преобразований его экономики, когда на первый план выходит инновационный бизнес как объект управления.

На малых и средних предприятиях как об этом свидетельствует практика, инновации в сфере услуг не получили должного развития. Потому, что не у каждого предприятия есть достаточно средств, для их внедрения, а также наемные работники предпринимательских структур, как правило, не заинтересованы в использовании инновации и не рассматривают их как непрерывную цепь нововведений технического, экономического, социального и организационного характера. В качестве инновации в сфере услуг, можно понимать - результат деятельности (сервисный продукт, технология или ее отдельные элементы, новая организация сервисной деятельности и т.д.), который способен более эффективно удовлетворять потребности потребителей.

Как правило, инновационная деятельность, характеризуется достаточно высокой степенью неопределенности и риска, поэтому важными принципами системы финансирования инноваций являются множественность источников. Источниками финансирования инновационной деятельности могут быть предприятия, финансово-промышленные группы, малый инновационный бизнес, инвестиционные и инновационные фонды, органы местного управления, частные лица и т.д. Все они участвуют в хозяйственном процессе и тем или

иным образом способствуют развитию инновационной деятельности.

Инновационная деятельность может успешно развиваться как за счет частного, так и государственного финансирования. Все зависит не от характера источника инвестиций, а от его эффективности. Важную роль играет законодательная база, регулирующая отношения участников инновационного процесса, развитое информационное и материально-техническое обеспечение научных исследований, сотрудничество между субъектами инновационной деятельности, а также инновационный климат в стране.

Инновационная деятельность в сфере услуг должна быть связана с прогнозируемым результатом, который приводит к изменениям как внутри предприятия-товаропроизводителя, так и во внешней среде. Например, рост платежеспособного спроса сопровождается повышением требований к потребительским свойствам выпускаемой продукции, что вынуждает предприятия расширять и обновлять ее номенклатуру, вносить соответствующие изменения в конструкцию и дизайн товаров, перестраивать маркетинговые сети, разнообразить ассортимент услуг на потребительском рынке. Расширение потребностей в сфере услуг обусловливает трансформации в производственном процессе товаропроизводителей, в информационных системах. Развитие сферы услуг формирует новую конкурентную среду и новые потребности в товарах и услугах.

Можно выделить изменения, происходящих на предприятиях сферы услуг под воздействием инновационной деятельности:

- изменения, происходящие во внешней среде;
- изменения, связанные с потребностями самого предприятия в модернизации процесса его функционирования в сфере услуг;
- изменения, стимулирующие внутренние преобразования, порожденные результатами функционирования предприятия во внешней среде;

Все изменения направлены на обеспечение устойчивого и стабильного развития деятельности предприятия. Если результат инновационной деятельности рассматривать как последовательную цепочку потребностей, то возможно осуществить все типы изменений.

Предложение и рекомендации: при организации инновационной деятельности предприятий, представляющих сферу услуг, необходимо обеспечивать:
во-первых: определение стратегических приоритетов в преобразовании данной сферы;
во-вторых, разработку стратегии деятельности предприятий в длительной перспективе;
в-третьих, формирование инновационного персонала с определением зон ответственности за результаты работы;
в-четвертых, осуществление контроля развития услуг на потребительском рынке.

Реализация выделенных направлений, по нашему мнению, создаст условия для расширения рынка услуг, усилит конкурентные позиции и преимущества предприятий сферы услуг.

Д.М.Маликова – СамИСИ, «Банк иши» кафедраси ассистенти

КОНСАЛТИНГ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Аннотация: Мақолада инновацион консалтингнинг моҳияти, консал-тинг атамасининг талқини, инновацияларни жорий этишда консалтинг хизматларнинг аҳамияти ва консалтинг хизматларининг имкониятлари келтирилган.

Калит сўзлар: консалтинг, хизмат кўрсатиш, инновация, инновацион консалтинг хизматлари

Аннотация: В статье представлены сущность инновационного консалтинга, интерпретация термина консалтинг, значение консалтинговых услуг во внедрении инноваций и возможности консалтинговых услуг.

Ключевые слова: консалтинг, оказание услуг, инновация, инновационные консалтинговые услуги

Abstract: The paper presents the essence of innovative consulting, the interpretation of the term consulting, the importance of consulting services in the implementation of innovations and the possibilities of consulting services.

Keywords: consulting, service provision, innovation, innovative consulting services

Жаҳонда хизмат кўрсатиш соҳаси замонавий иқтисодиётнинг жадал ривожланаётган соҳасидир. Кўпгина дунё мамлакатлари амалиётида консалтинг хизматлари бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик субъектларининг самарали ишлаши ва ривожланишининг муҳим омили ҳисобланади. Умумий қиймати тахминан 290 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган глобал консалтинг хизматлари бозори профессионал хизмат кўрсатиш соҳасидаги энг катта ва етук бозорлардан биридир[1]. Сўнгги йилларда глобал консалтинг хизматлари бозори йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Мамлакатнинг ривожланиши, унинг жаҳон иқтисодиётига интеграцияси учун бозор иқтисодиёти фаолиятини белгилаб берувчи соҳа ва тармоқларда кўрсатиладиган, хусусан консалтинг хизматлари кўламини кенгайтириш муҳим ва долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар хизматлар кўрсатиш соҳасини тез суръатларда ва ҳар томонлама ривожлантиришни тақозо этади. Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш[2] устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Мамлакат иқтисодиётида хизматлар бозори муҳим ўрин тутади.

Хизмат кўрсатиш соҳасига халқаро корпорациялар, банклар, авиаком-паниялар, компьютер марказлари, телекоммуникация, суғурта, юридик ва консалтинг фирмалари, давлат ва нодавлат тузилмалари ҳамда нотижорат

[1] https://www.consultancy.org/consulting-industry/global

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатла стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 7 феврал

ташкилотларини киритишимиз мумкин.

Мамлакатнинг ривожланиши, унинг жаҳон иқтисодиётига интеграцияси, айниқса, бозор иқтисодиёти фаолиятини белгилаб берувчи соҳа ва тармоқларда кўрсатиладиган хизматлар кўламини кенгайтиришни талаб этади.

Бозор иқтисодиётини модернизация қилиш ҳар бир иқтисодий субъект томонидан рақобатбардошликка эришиш учун доимий равишда инновацион фаолиятни амалга оширишни талаб қилади. Рақобатнинг кучайиши шароитида хизматлар бозорининг ривожланиши нафақат бозор ҳақида маълумот ва янги билимларни, балки учинчи шахсларнинг консалтинг хизматларидан фойдаланишни ҳам талаб қилади.

Хизматлар кўрсатиш бозорида консалтинг муҳим ўрин эгаллайди. Консалтинг сўзи инглизча “консалт” сўзидан олинган бўлиб, “маслаҳатлашиш”, “маслаҳат бериш” деган маъноларни англатади. Консалтинг бу маслаҳатчи томонидан ҳақ эвазига мижозга маслаҳат хизматларини кўрсатиш фаолиятидир[1].

Маҳаллий ва хорижий адабиётларда консалтинг олимлар томонидан турлича талқин этилади. Консалтингнинг ягона умумқабул қилинган таърифининг мавжуд эмаслиги боис, унинг таърифини шакллантиришга ҳаракат қиламиз.

М.Кубрнинг фикрича, профессионал маслаҳат бериш (консультация) бу мижозга амалий маслаҳатлар бериш ва ёрдам кўрсатилишини таъминлаб берувчи хизмат ёхуд услубдир[2].

Фриц Стееле эса, консалтингга қуйидагича таъриф беради: “Маслаҳат бериш жараёни деганда мен бир масала ёки бир неча масалаларнинг мазмуни, жараёни ёки таркибий тузилиши юзасидан ҳар қандай кўрсатилган ёрдамни тушунаман, бунда консультант масаланинг ечилиши учун ўзи жавоб бермайди, бироқ бунга масъул бўлганларга ёрдам беради”[3]. Питер Блокнинг фикрича, вазиятни ўзгартириш ёхуд яхшилашга ҳаракат қилинганда, лекин бунда амалга оширилаётган тадбирларни бажарилишида бевосита қатнашмаган шахс консультант деб аталади.

Консалтинг фаолияти – консалтинг хизматларини кўрсатувчилар томонидан тижорат асосида амалга оширилади. Кучли рақобат шароити консалтинг хизматларининг сифати ва самарадорлигига юқори талабларни қўяди ва хизматнинг мижоз манфаатларига қаратилишига ундайди. Дарҳақиқат, бозор иқтисодиёти шароитида консалтинг тадбиркорликнинг бир шакли тарзида намоён бўлади. Шу аснода, консалтингнинг таърифини шакллантиришга ҳаракат қиламиз, консалтинг – бу мижозга унинг фаолияти самарадорлигини ошириш имкониятини берадиган ахборот ва тавсиялар кўринишидаги пуллик хизматлардир.

Инновацион консалтинг, бизнинг фикримизча, корхоналарни ривожл-

[1] http://economic-definition.com/Services_and_manufacturing/Konsalting_Consulting__eto.html
[2] Kubr M. Management consulting. 4-th edn./M. Kubr. – Geneva, International Labour Organization, 2002. – Б. 3 – 904 б.
[3] Steele F. Consulting for organisational change / F. Steele. – Amherst, MA: University of Massachusetts Press, 1975.

антириш ва бозорда инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш мақсадида корхоналарнинг илмий-техник фаолиятига йўналтирилган инновацион менежментга оид бошқарув консалтингининг ихтисослаштирилган бир тури ҳисобланади.

Инновация – фуқаролик муомаласига киритилган ёки шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган, қўлланилиши амалиётда катта ижтимоий-иқтисодий самарага эришишни таъминлайдиган янги ишланма. Янги ишланма – мавжуд ўхшаш интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан янги белгиларга эга бўлган, амалда қўллаш мумкин бўлган ва амалиётда ундан фойдаланганда катта ижтимоий-иқтисодий самарага эришишни таъминлай оладиган интеллектуал фаолият натижаси (ишлаб чиқариш, маъмурий, тижорат ёки бошқа хусусиятга эга янги ёки мукаммал технология, хизмат ва ташкилий-техник ечим)[1].

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, инновацион консалтинг хизматларининг жорий этилиши қуйидагиларга имкон беради:

• янги ишланмаларни тижоратлаштириш;

• жараён иштирокчиларидан ва ташқи манбалардан маблағларни жалб қилиш;

• ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларгача инновацияларни олдиндан режалаштирилган натижалар билан етказилишини таъминлаш;

• инновацияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда қўшимча экспертлар ролини ошириш;

• консалтинг компанияларининг тўпланган маълумотлар базаси асосида инновацияларни амалга ошириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун илғор хорижий технологиялардан фойдаланиш.

M.R.Sobirova – SamISI, MMN-119 guruh magistranti

OILAVIY KORXONALARNI RIVOJLANTIRISHNING KONSEPTUAL YO‘NALISHLARI

Annotatsiya: Maqolada oilaviy tadbirkorlikning, oilaviy biznes va xususiy tadbirkorlikning ijtimoiy samaradorligini ta’minlashda manfaatlar ustuvorligi masalasi tahlil etilgan. Mamlakatimizda tadbirkorlikning,uning jamiyat rivojlanishiga ta’siri kabi masalalar aniq ma’lumotlar asosida yoritilgan. Unda oilaviy biznesning jamiyat hayotidagi o‘rni va roli aholi farovonligining asosiy kaliti ekanligi ham ko‘rsatib berilgan. Bir so‘z bilan aytganda, inson hayot faoliyati, uning shaxsiy manfaati tadbirkorlik faoliyati zaminida ijtimoiy ahamiyat kasb etishi ko‘rsatib o‘tilgan.

Kalit so‘zlar: tadbirkorlik, savdogarlik, ishbilarmonlik, hunarmandchilik, xususiy mulk, mulkdor, kichik biznes, farovonlik, halollik, to‘g‘ri so‘zlilik, oilaviy tadbirkorlik, inson tabiati, xalq farovonligi, ijtimiy – ma’naviy taraqqiyot,tijoratchilar, mulkdorlar,kasb-hunar axloqi, bozor iqtisodiyoti, rejali taqsimot, kasanachilik, ijtimoiy – iqtisodiy taraqqiyot.

Аннотация: В статье, написанной на основе законов о предпринимательстве, сделано попитка кратко показать историю возникновения и сущность семейного

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида” ги Қонуни, ЎРҚ-630-сон, 24.07.2020 й.

бизнеса и предпринимательства. Особо отмечено социальное значение семейного бизнеса как основы благо состояния человека и общества в целом, где человеческая деятельность, личные и общественные интересы должны совпадать, переплетаться в ходе своего развития.

Ключевие слова: предпринимательство, занятие ремеслом, частная собственность, собственник, малый бизнес, честность, правдивость, семейное предпринимательство, природа человека, благосостояние народа, социально – духовное развитие, коммерсанты, класс собственников, профессиональная этика, риночная экономика, плановое распределение, народные промыслы, социально – экономическое развитие.

Abstract: This article is devoted to the arising and developing of business undertakings, analysis the social efficiency of providing benefits of steadfast matters the family business and free enterprise. This particular article describes factual materials such as the history of enterprise in our country and its influence on developing society life. In general, it was shown that family business was the key plenty of population and the place and the part in society life. In general, it was explained to gain in social importance on activity of enterprise human vital activity, its personal life.

Keywords: businessman, merchant, skills, usury, occupation craft, private property, owner, small business, key of well-being, profpity, truthful, family business is a key to peoples prosperity, family enter premiership, human nature, peoples, economical – enlightmat development comers man, property owners class, professional ethics marketing, economy planned destitution, handcraft, socio – economical development.

Oilaviy biznes va xususiy tadbirkorlik sohasini rivojlantirish aholi farovonligini va ish bilan bandlik masalasining ham hal bo‘lishini ta’minlovchi muhim omillardan biridir. Mamlakatda ushbu sohaning yalpi ichki mahsulotdagi 2010- yilda 30 foizni, 2015- yilda 38,3 foizni, 2016- yilda 395 foizni, 2019- yilda 60,5 foizni tashkil qilgan ,iqtisodiyotlarida band bo‘lgan aholining 70 foizdan ko‘prog‘i aynan shu sohada faoliyat ko‘rsatmoqda. Shulardan keli chiqib, Prezidentimiz ushbu sohani jadal rivojlantirish zarurligini ta’kidlamoqdalar va bunga katta e’tibor qaratilmoqda. Zero, xizmatlar sohasining oqsashi aholining iste’mol harajatlari tarkibiga ham o‘zaro katta ta’sir qiladi.

2016-2021 yillarda Prezident qaroriga binoan, mamlakatimizda xizmatlar ko‘rsatish va servis sohasini rivojlantirishning asosiy konseptual yo‘nalishlari quyidagilardan iborat:

1. Xizmatlar ko‘rsatish sohasida tadbirkorlikning faolligini yanada kuchaytirish uchun qulay shart- sharoit yaratish, xususan, bu boradagi rasmiyatchilik to‘siqlarini bartaraf etish vazifasi qo‘yilgan.
2. Xizmatlar hajmini yuqori sur’atlarda o‘sishini ta’minlash va ularning yalpi ichki mahsulotdagi ulushini 2021- yilda 70 foizga yetkazish.
3. Xizmatlar va servis sohasida band bo‘lgan aholining sonini muntazam oshirib boorish.
4. Qishloq joylarda servis va xizmatlar sohasini jadal rivojlantirish, xususan, qishloq aholisiga ko‘rsatilayotgan xizmatlar, birinchi navbatda, komunal maishiy, uy – joylarni ta’mirlash va qurish, suvdan foydalanish, veterenariya, qishloq xo‘jalik mahsulotlarini tayyorlash va mashina tractor parklari sohasidagi xizmatlar hajmi va turlarini yanada oshirib boorish
5. Mamlakatimizda an’anaviy xizmatlar turlarini rivojlantirish, ayrim bugungi kun

talabiga javob beradigan, ammo unutilib ketilgan xizmat turlarini izlab toppish va ularni tiklash.

6. Xizmatlarning yangi istiqbolli turlarini, xususan, yuridik, konsalting, bank, moliya, sug‘urta, lizing va boshqalarini jadal rivojlantirish.
7. Mamlakatimiz xizmatlar eksportini ko‘paytirish uchun ushbu soha korxonalarining xalqaro bozordagi xizmatlar darajasi va sifatini oshirishga erishish.
8. Eng muhimi, xizmatlar ko‘rsatish va servis sohasidaishlaydigan kadrlarni tayyorlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirishni har tomonlama qo‘llab- quvvatlash.

Prezidentimizning ushbu qaroriga asosan aholiga, ayniqsa, ayniqsa, qishloq aholisiga, O‘zbekiston Respublikasi Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligi huzuridagi aholi bandligini rivojlantirish “ jamg‘armasi mablag‘lari hisobidan shu soha bilan shug‘ullanadigan tadbirkorlik subyektlariga imtiyozli kreditlar ajratish va shu asosda aholining bandlike darajasini oshirish vazifasi ham yuklatilgan.

Demak, yuqoridagilardan xulosa qilib, yutuq va kamchiliklarini o‘rgangan holda servis sohasida oilaviy korxonani rivojlantirishning asosiy konseptual yo‘nalishlari sifatida quyidagilarni tavsiya qilib keltirishimiz mumkin:

- Xizmat sohasida oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirishni mamlakat miqiyosida ustuvor vazifa sifatida belgilab, alohida oilaviy tadbirkorlikni shakllantirish va rivojlantirish to‘g‘risida me’yoriy hujjatlar tizimini yaratish lozim;
- Hududlarda yangi ish o‘rinlarini ochishda asosiy e’tibor xizmat sohasida oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirish hisobidan amalga oshirilishi, buning uchun esa boshlanish davrida ayrim imtiyozlarning joriy qilinishi ko‘zda tutilmog‘i maqsadga muvofiq;
- Xizmat sohasidagi oilaviy tadbirkorlikni qishloq joylarda rivojlantirishga, ayniqsa, agroxizmatlar ko‘lamini kengaytirishga alohida ahamiyat berilishi bugungi kun talabiga mos keladi;
- an’anaviy, unutilib ketgan xizmatlarni qayta yo‘lga qo‘yish, tiklash, kashtachilik, o‘ymakorlik, hunarmandchilik kabi tadbirkorlikni ham oilaviy tadbirkorlik shaklida rivojlantirish;
- oilaviy tadbirkorlik doirasida ijtimoiy xizmatlarni (oilaviy bolalar bog‘chalari,oilaviy ixtisoslashgan hunarmandchilik yoki xizmatning boshqa turlarini o‘rgatadigan maktablar, oilaviy tibbiy xizmatlar, oilaviy kutubxonalar kabi) rivojlantirish masalasiga ham alohida ahamiyat berilishini taqozo qiladi

Xulosa qilib aytganda, tadbirkorlikni rivojlantirish, bandlike muammosini, ayniqsa, xotin-qizlar, qishloq yoshlarini ish bilan ta’minlash, oilalarning daromadini sezilarli darajada ko‘paytirish, butun mamlakatimiz aholisining farovonligini oshirish imkoniyatini yaratadi. Bu birinchidan, aholini ish bilan ta’minlash orqali oilalarning muhim daromad manbai va mulkdorlar sinfini shakllantirishning asosi bo‘lsa, ikkinchidan, mamlakatimiz bozorini xizmatlarga bo‘lgan ehtiyojini qondirish orqali aholining turmush darajasining oshishiga sabab bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasining “Oilaviy tadbirkorlik to‘g‘risida”gi qonuni; O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2012-y,17 – son, 188 – modda.
2. Oblomurodov N.N. “Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik asoslari” o‘quv qo‘llanma, T.2011.
3. Qulmamatov O.A. “Tadbirkorlik faoliati asoslari” ma’ruzalar matni, T.2015. Ziyonet axborot ta’lim tarmog‘i, www.ziyonet.uz.

III ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ, РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”

М.Қ. Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.
Ҳ.А.Рахимов – СамИСИ катта ўқитувчиси, PhD.

ИНФРАТУЗИЛМА ТУШУНЧАСИ, УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Аннотация: мақолада инфратузилма тушунчаси, уларнинг турлари ва уларнинг туризм соҳасини ривожлантириш имкониятлари ёритилган. Бунда асосий эътибор Ўзбекистонда жойлаштириш воситалари сонининг барқарор ўсиши кузатилганлиги тегишли маълумотлар асосида кўрсатиб берилган. Туризм соҳасини ривожлантириш учун бу ерда ўзига хос инфратузилма, яъни жойлаштириш воситаларининг ўзгариш тенденцияси билан боғлиқ масалалари ҳам қараб чиқилган.

Калит сўзлар: туризм, туристик хизматлар, туристик инфратузилма, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, ижтимоий инқратузилма,ҳудудий инфратузилма, инфратузилма самарадорлиги.

Аннотация: в статье освещены понятие инфраструктуры, её виды и возможности развития сферы туризма. Здесь приведены сведения касающиеся устойчивого роста средств размещения в Узбекистане. Также здесь рассмотрена своеобразная инфраструктура развития сферы туризма, т.е. вопросы связанные с тенденцией изменения средств размещения.

Ключевые слова: туризм, туристические услуги, туристическая инфраструктура, инфраструктура производства, социальная инфраструктура, региональная инфраструктура, эффективность инфраструктуры.

Abstract: The article describes the concept of infrastructure, their types and opportunities for the development of their tourism industry. At the same time, the main focus is on the stable growth of the number of accommodation facilities in Uzbekistan. For the development of the tourism industry, issues related to the specific infrastructure, the changing trend of accommodation facilities, are also considered here.

Keywords: tourism, tourist services, tourist infrastructure, production infrastructure, social infrastructure, regional infrastructure, infrastructure efficiency.

Кириш. Мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2-декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш бўйича” ПФ – 2666 сонли ва “Ўзбекистон Республикаси сайёҳлик индустриясини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”, ПФ-7861 сонли қарорлари мамлакатимизда туризмни янада ривожлантириш йўлларини кенг очиб берди. Шунингдек,

соҳанинг ривожланишида инфратузилманинг ҳам роли катта эканлигини кўриш мумкин. Туризм иқтисодиётининг тез суръатлар билан ўсиб бораётганлиги, янги меҳмонхоналарнинг қурилиб ишга туширилаётганлиги, янги ишчи ўринларининг яратилаётганлиги, малакали мутахассисларнинг ортиб бориши, мамлакатимизга туристлар оқимининг йилдан-йилга кўпайиб бораётганлигини соҳага янада эътиборни қаратишни тақозо қилади.

Таҳлил ва натижалар. Ҳар қандай соҳанинг тўлақонли фаолиятини таъминлаш учун уларга ёрдамси соҳалар, яъни инфратузилмалар лозим бўлади. Масалан инсоннинг яшаши учун уй керак. Бу асосий восита, неъмат. Аммо тўлақонли яхши ва сифатли яшаши учун эса, уйни совуқда қиздирадиган, иссиқда совутадиган ускуналар, овқат пишириш учун тегишли шароитлар ва ҳ.к. керак бўлади. Мана шуларнинг мажмуи инсоннинг яшаши учун тегишли инфратузилмани ташкил қилади. Агар унинг маъносига аҳамият бериладиган бўлса, **инфратузилма** лотинча infra сўздан олинган бўлиб, *остида* деган маънони англатар экан[1]. Ушбу ибора ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларда инсон ҳаёти учун зарур бўлган меъёрий шароитни таъминлашга қаратилган турли-туман ёрдамчи соҳалар, ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар мажмуи тушунилади.

Инфратузилма бир қанча йўналишлари бўйича тавсифланади. Бу қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Инфратузилмани тавсифлаш белгилари ва турлари

Т/р	Инфратузилманинг тавсифлаш белгилари	Инфратузилманинг турлари
1.	Ишлаб чиқариш инфратузилмасига кўра	• юк ташиш транспорти, • электр ва иссиқлик таъминоти, • йўл хўжалиги, • сув хўжалиги, • омбор хужалиги, • илмий конструкторлик хизмати, ахборот хизмати.
2.	Ижтимоий-маиший инфратузилмага кўра	• аҳолига кўрсатиладиган хизматлар, аҳолининг эҳтиёжини қондирувчи соҳалар бўйича: • маориф, • соғлиқни сақлаш, • жисмоний тарбия ва спорт, • маиший хизмат ва б.
3.	Пул тўланиши нуқтаи назаридан	• пулли, • бепул, • имтиёзли.

[1] https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/infratuzilma-uz/

4.	Иқтисодий мазмунга кўра	• бозор инфратузилмаси, • нобозор инфратузилма.
5.	Ҳудудлар бўйича инфратузилма	• туманлар, • вилоятлар, • иқтисодий районлар.
6.	Соҳалар бўйича инфратузилма	• саноат ишлаб чиқариши, • қишлоқ хўжалиги, • транспорт, • хизмат кўрсатиш ва ҳ.к.
7.	Иқтисодиётнинг даражаси бўйича	• микроиқтисодиёт, • мезоиқтисодиёт (тармоқлар), • макроиқтисодиёт
8.	Самарадорлиги бўйича инфратузилма	• иқтисодий самарадорлик, • ижтимоий самарадорлик, • маънавий-маърифий самарадорлик, • ҳуқуқий самарадорлик

Кўриниб турибдики, бирорта соҳа инфратузилмасиз ривожланиши мураккаб. Туризмнининг фаолиятини юритиш ва унинг ривожланишини таъминлаш учун ҳам тегишли воситалар, яъни инфратузилма керак бўлади. Мазкур соҳанинг энг керак жиҳатлари, яъни туризм инфратузилмасининг йўналишларидан бири туристларни етарли жойлаштириш масалалари билан таъминлашга боғлиқдир. 2020 йилда содир бўлган коронавирус билан боғлиқ глобал пандемия бутун дунёда мураккаб вазиятни юзага келтириб, жаҳон иқтисодиётининг деярли барча соҳаларига таъсир кўрсатди. Унинг салбий таъсири айниқса туризм соҳасида ҳам сезиларли таъсирини кўрсатди. Шунга қарамасдан, Ўзбекистонда туристларни қабул қилишга мўлжалланган номерлар фонди сонининг барқарор ўсиши кузатилмоқда. Жумладан, 2020 йилда жойлаштириш воситалари сони 3 мингтадан кўпроққа ошди. 2016-2020 йилларда Ўзбекистондаги умумий номерлар фонди 18,1 мингтадан 29,2 мингтага ошди, умумий ўсиш кўрсаткичи эса 11 минг номерга, яъни 1,6 баравар ошди. Ўсишнинг ўртача суръати йилига 10-11 фоизни ташкил қилди[1].

Жойлаштириш воситаларининг 2016-2020 йиллардаги ўсиш тенденцияси 2021 йилда номерлар фондининг ўсиши учун асос бўлди. Бу эса соҳадаги номар фондларини 2021 йилда прогноз қилиш имконини берди. Ушбу кўрсаткич 2021 йилда 32 243 тага етиши кўзда тутилган. Бу қуйидаги расмда келтирилган (1-расм).

Мазкур расмдан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда жойлаштириш воситалари сонининг барқарор ўсиши кузатилмоқда. Аммо таъкидлаш жоизки, туризмнинг ривожланиши бевосита туристларнинг келиши ва номерлар фонди тўлиши билан бевосита боғлиқ. Таъкидлаш жоизки, 2019

[1] C:\Users\toshiba\Desktop\Ўзбекистонда жойлаштириш воситалари сонининг барқарор ўсиши кузатилмоқда.html. 27.01.2021



1-расм. Мамлакатимизда 2016-2020 йилларда номерлар фондининг ўсиш тенденцияси ва 2021 йилга мўлжалланган прогноз миқдори[1]

йилда номерлар фонди тўлишининг ўртача даражаси 60 фоизни ташкил қилди, бу жуда юқори кўрсаткич ҳисобланади. Нархлар ошишини инобатга олганда эса меҳмонхона бизнесида юқори рентабеллик ва инвестициялар қопланишини таъминлаш имконини берди. Аммо коронавирус билан боғлиқ жаҳондаги вазият туфайли номерлар фонди тўлиши йилига ўртача 10-15 фоизга пасайишни қайд этилди[2]. Яқин кунларда меҳмонхона бизнеси юқори рентабеллик ва самарадорлик кўрсаткичларига қайтади. Ўзбекистонда 2019 йил якунига кўра 1482 та туритик компания мавжуд эди. 1188 та жойлаштириш воситалари, 6,7 млн. сайёҳлар қайд этилган бўлса, 2020 йилга келиб, уларнинг миқдори кескин камайиб кетди.

Ўтган йиллардаги ўсиш суратларидан келиб чиқиб, таҳлил қилинадиган бўлса, 2020 йилда номерлар фонди ошди, туристик компаниялар сони ҳам сақланиб қолди. Аммо номерлар фондининг тўлиш даражасининг камайиб кетиши соҳа корхоналарини, хусусан инфратузилма субъектларини ҳам оғир молиявий аҳволга олиб келди. Инфратузилма хизматлари қандай бўлишидан қатъи назар, моддий шаклга эга бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, улар ҳаётий эҳтиёжларни қондиради. Шу туфайли инфратузилма зарурий шарт бўлганидан унинг ишлаб туришини таъминлашга иқтисодий ресурсларнинг бир қисми жалб этилади. Шу туфайли инфратузилмадан фойдаланишнинг ҳам самарадорлигини баҳолаш лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, охирги пайтларда турли вазиятга қарамасдан Ўзбекистонда жойлаштириш воситалари сонининг барқарор ўсиши рўй бермоқда. Аммо номерлар фонди тўлишининг ўртача даражаси 2019 йилда 60 фоизни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб, бу 10-15 фоизга

[1] Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш қўмитаси маълумотлари. C:\Users\toshiba\Desktop\ Ўзбекистонда жойлаштириш воситалари сонининг барқарор ўсиши кузатилмоқда.html. 27.01.2021
[2] C:\Users\toshiba\Desktop\Ўзбекистонда жойлаштириш воситалари сонининг барқарор ўсиши кузатилмоқда.html. 27.01.2021

пасайганлигига ҳам гувоҳ бўлдик. Келажакда меҳмонхона бизнесида юқори рентабеллик ва инвестициялар қопланишини таъминлаш имкониятига эга бўлиш учун нархлар ошишини инобатга олганда хизматлар сифатини муттасил ошириб бориш масаласига алоҳида аҳамият бериш лозим. Фикримизча, оқилона тадбирлар олиб бориш натижасида меҳмонхона бизнесида коронавирус билан боғлиқ жаҳондаги вазият туфайли вақтинча пасайган бўлсада, келажакда юқори рентабеллик ва самарадорлик кўрсаткичларига эришади.

Ф.А.Ахмедшина – доктор исторических наук, профессор Джизакский государственный педагогический институт

ГЛОБАЛЬНЫЕ ТЕНДЕНЦИИ ЗАНЯТОСТИ В ТУРИЗМЕ: ГЕНДЕРНЫЕ АСПЕКТЫ

Аннотация. Статья посвящена гендерным аспектам занятости в туризме. Особое внимание уделено анализу показателей роста туристической отрасли в общемировом масштабе, а также по регионам. В статье приведены данные Всемирной туристической организации ООН (UNWTO) за последние несколько лет. В глобальном масштабе женщины составляют большинство работников туристической отрасли, особенно в низкооплачиваемой части этого сектора. В статье раскрываются особенности женской занятости во время пандемии коронавирусной инфекции COVID-19.

Ключевые слова: туризм, внутренний туризм, международный туризм, гендерный аспект, потеря экспортных доходов, UNWTO, пандемия COVID-19.

Аннотация.Мақола туризмда бандликнинг гендер қирраларини ўрганишга бағишланган.Асосий эътибор туризм тармоғининг умумжаҳон ва минтақавий даражадаги ривожланиш кўрсаткичларини таҳлил қилишга қаратилди.Мақолада охирги бир неча йилга доир БМТ Умумжаҳон туристик ташкилотининг (UNWTO) мавзуга оид маълумотлари келтирилган.Глобал масштабда аёллар туристик тармоқ ходимларининг,айниқса,кам даромад секторларида кўпчилигини ташкил этади.Мақолада коронавирус инфекцияси COVID-19 пайтида аёллар бандлигининг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган.

Калит сўзлар: туризм, ички туризм, халқаро туризм, гендер қирралар, экспорт даромадлар, UNWTO, пандемия COVID-19.

Abstract: This article is devoted to the gender aspects of employment in tourism. Particular attention is paid to the analysis of the growth indicators of the tourism industry on a global scale, as well as by region. The article presents data from the United Nations World Tourism Organization (UNWTO) over the past few years. Globally, women make up the majority of workers in the tourism industry, especially in the low-paid portion of the sector. The article reveals the features of female employment during the COVID-19 coronavirus infection pandemic.

Keywords: tourism, domestic tourism, international tourism, gender, loss of export earnings, UNWTO, COVID-19 pandemic.

В условиях глобализации туризм превратился в неотъемлемую часть жизни общества, выполняя экономическую, социальную и гумани-

тарную **функции в** мировом масштабе.До пандемии туризм являлся высокодоходным и устойчивым сектором мировой экономики, создавая миллионы рабочих мест, стимулируя экспорт и улучшая благосостояние людей.

По данным ежегодного исследования Всемирного совета по туризму и путешествиям (WorldTravel&TourismCouncil, WTTC) в 185 странах и 25 географических или экономических регионов мира, с участием экспертов OxfordEconomics, за 2019 год рост сектора туризма и путешествий составил 3,5%, девятый год подряд опережая мировую экономику (2,5%),увеличил вклад в мировой ВВП на 8,9 трлн долл. США, составляя 10,3% мирового ВВП. В этом секторе были заняты 330 миллион человек, каждое десятое в мире. Исследование показала, что за последние пять лет в этом секторе было создано каждое четвертое новое рабочее место в мире.[1]В2019 году состоялся 1,5 миллиарда международных туристических поездок по всему миру[2].

Очень много женщин заняты в туристическом секторе. Так,женщины составляют больше половины работающих в сфере туристской индустрии против 39 процентов в остальных отраслях. Выше и число женщин на посту министра туризма: 23 процента. В остальных областях женщины-министры составляют 20,7 процента [3] В разное время министрами туризмаЕгипета,Греции, Болгарии, Испании, Грузии, Туниса, Иордании, Израиля, Бурятии (РСФСР) стали женщины профессионалы своего дела[4].Все это помогает разрушить существующие гендерные стереотипы. В Марокко, например, женщинам - впервые - выдали лицензии на работу экскурсоводами. В Великобритании вдвое увеличилось число женщин-летчиков. Женщина впервые заняла пост руководителя Ассоциации владельцев отелей в Уганде[5].Самая благоприятная ситуация в области представленности женщин в индустрии туризма сложилась в Европе.

В докладе Евростата за 2015 год отмечается, что из 3,3 млн человек, занятых в странах ЕС в сфере турагентскихтуроператорских услуг, в сфере размещения и в сегменте воздушного транспорта почти 60% сотрудников – женщины.При этом лишь каждый второй работник имеет постоянную занятость, 24% имеют частичную занятность, а 21% работает по временным контрактам.Больше всего женщин в сфере туризма в странах ЕС трудится в Латвии (72%), Литве (68%), Польше и Словакии (67%), а также Эстонии (66%). Меньше всего – в Турции (29%), Люксембурге (32%) и Мальте (41%).Согласно исследованию, женщин больше в традиционных для туризма областях и в сфере размещения, и меньше – на руководящих должностях или

[1]Экономическое влияние сектора туризма и путешествий в 2019 году и последствия кризиса 2020 годаhttps://www.tohology.com/hospitality/industry/economic-impact-of-travel-tourism/

[2]По данным Всемирной туристской организации, в 2019 году в мире зарегистрировано 1,5 миллиарда международных туристических поездокhttps://www.tohology.com/hospitality/industry/unwto-statistika-mezhdunarodnyh-poezdok/

[3]Женщины завоевывают индустрию туризма – новое исследование Всемирной туристской организацииhttps://news.un.org/ru/story/2019/11/1366721

[4]Женщины, руководящие туризмом в разных странахhttps://www.tourprom.ru/news/41563/

[5]Женщины завоевывают индустрию туризма – новое исследование Всемирной туристской организацииhttps://news.un.org/ru/story/2019/11/1366721

в советах директоров компаний. Женщины занимают только одну из трех высококвалифицированных должностей в индустрии гостеприимства.[1]
В гостиничном секторе по-прежнему сохраняется разница между оплатой труда мужчин и женщин: сильный пол зарабатывает в среднем на 23% больше. Еженедельник TravelWeekly опубликовал данные о том, что разница в доходах женщин и мужчин, работающих в туристической сфере, увеличилась в пользу последних.[2]

В результате пандемии корона вирусной инфекции COVID-19 мировая экономика погрузилась в самую глубокую рецессию за последние восемьдесят лет[3]. Больше всего пострадала экономика тех стран которые сильно зависят от туризма или экспорта энергоресурсов и металлов.[4]

Мишель Тертилт, экономист из Мангеймского университета (Германия), с коллегами на примере работников и работниц США выяснили, что в США в марте потеряли работу 1,4млн. человек, что стало крупнейшим всплеском, начиная с 1975 года. Женщины пострадали больше - безработица выросла на 0,9% (у мужчин - на 0,7%).Анализ показал,что среди мужчин больше тех, кто имеет возможность работать из дома - 28% (22% среди женщин).Закрытие на время карантина тех предприятий, персонал которых не может работать дистанционно, ударило прежде всего по женщинам. В исследовании подчеркивается, что" очень много женщин работает в ресторанах, в сфере туризма. Но по всему миру рестораны и бары закрыты, и почти никто не путешествует". Под удар прежде всего попали низкооплачиваемые, молодые представительницы рабочего класса, а также родители-одиночки. В США таких 20 млн, и три четверти из них – женщины. Многие " не смогут работать. Даже если такая женщина - медсестра или врач, даже если она работает в важной для общества сфере, все равно - если у нее дома ребенок, она не сможет оставить его одного"."Особенно это касается матерей-одиночек… Они сейчас не могут нанять няню или попросить посидеть с ребенком бабушку или соседку. Так что они теряют работу"[5].

Как отмечается в докладе структуры «ООН-женщины» и Программы развития ООН (ПРООН) пандемия COVID-19 резко увеличит уровень бедности среди женщин и разрыв между мужчинами и женщинами, живущими в бедности. По прогнозам экспертов, к 2021 году на 100 мужчин в возрасте от 25 до 34 лет, живущих в крайней бедности (менее чем на два доллара в день), будет приходиться 118 женщин, оказавшихся в таких же условиях. К 2030 году разрыв увеличится до 121 женщины на 100 мужчин.

[1]В СФЕРЕ ТУРИЗМА ЖЕНЩИН БОЛЬШЕ, ЧЕМ МУЖЧИН, НО ПЛАТЯТ ИМ МЕНЬШЕНТТРS://WWW.ATORUS.RU/NEWS/PRESS-CENTRE/NEW/34039.HTML
[2]Гендерное неравенство в туризме: кто зарабатывает большеhttps://www.tourdom.ru/news/gendernoe-neravenstvo-v-turizme-kto-zarabatyvaet-bolshe.html
[3]Всемирный банк, 2020 год. “COVID-19 и человеческий капитал»”. Доклад об экономике региона Европы и Центральной Азии, осень 2020 года. Всемирный банк, Вашингтон, округ Колумбия. Doi: 10.1596/978-1-4648-1643ttps://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/34518/211643RU.pdf?sequence=5&isAllowed=y
[4]Туризм на 2021 год получил мрачные прогнозы от UNWTOhttps://www.tourprom.ru/news/49151/
[5]Covid-19: насколько по-разному пандемия влияет на мужчин и женщин. И почемуhttps://www.bbc.com/russian/vert-fut-52328525

По словам экспертов, женщины были заняты в некоторых из наиболее пострадавших от пандемии сферах, таких как туризм, общественное питание, предоставление услуг по дому и другие. Соответственно, они были особенно уязвимы для увольнений и потери средств к существованию. Данные доклада показывают, что к 2021 году пандемия приведет к крайней бедности 96 миллионов человек, 47 миллионов из которых — женщины и девочки[1].

Глобальная пандемия (COVID-19) отрицательно сказалась на туристической сфере и в Узбекистане. Если экспорт туристических услуг в 2019г. составил 1 313 млн долл. США при количестве туристов 6 748 тыс. человек, то в 2020 году туристические потоки ввиду введенных ограничений на перемещение сократились. Как считают специалисты при сценарии быстрого восстановления объем туристических услуг может сократиться не так значительно (10-15%). Однако, при более тяжелом сценарии, объем может сократиться на 30-40%[2]. По данным Роскомтуризма за 2020 год ввели в эксплуатацию 3 тыс. гостиничных номеров ,однако в связи с пандемией произошло снижение уровня загрузки номерного фонда до 10-15% в год.[3]

Как предсказывают аналитики всемирных туристических организаций после пандемии начнется новый этап развития как международного, так и внутреннего туризма. Ожидается рост внутреннего туристского бизнеса, ускорение процессов цифровизации туристских сервисов, более активное внедрение современных технологий в эту сферу. Это потребует принятия государством конкретных мер по поддержке, оказанию помощи субъектам туристского бизнеса в республике, что несомненно будет способствовать более быстрому выходу из сложившейся ситуации. Для увеличения потенциала туристского сектора в расширении возможностей женщин:

-необходимо создать благоприятные условия для более широкого развития бизнеса в туризме, что может положительно влиять на сокращение миграции и развитие местных ресурсов;

-во всех регионах республики, в том числе в сельской местности необходимо изучить существующий туристический потенциал, который может стать приоритетным для устойчивого развития внутреннего туризма;

-обратить серьезное внимание на создание и развитие туристской инфраструктуры, соответствующей международным стандартам.

Таким образом, развитие сферы туризма, более полное использование его потенциала будет способствовать устойчивому развитию сельских и природных территорий, слабо вовлеченных в экономику регионов, сохранению их природных ресурсов и культурного наследия, созданию новых рабочих мест, росту малого и среднего предпринимательства женщин и молодежи, обеспечивая увеличение доходов жителей.

---

[1]Пандемия увеличит уровень бедности среди женщин — ПРООНhttps://www.gazeta.uz/ru/2020/09/03/women/

[2]Как вирус COVID-19 может повлиять на экономику Узбекистана – умеренный сценарийhttps://www.rbasia.uz/vliyanie-covid19-uzbekistan

[3]Несмотря на коронакризис, в Узбекистане за год ввели в эксплуатацию 3 тыс. гостиничных номеровhttps://kun.uz/ru/news/2021/01/28/nesmotrya-na-koronakrizis-v-uzbekistane-za-god-vveli-v-ekspluatatsiyu-3-tys-gostinichnyx-nomerov

Г.Д. Хасанова– Бухоро муҳандислик-технология институти, “Менежмент” кафедраси доценти, и.ф.н., доцент
Н.Ф.Нарзуллаева– Бухоро муҳандислик-технология институти,
М10-20 МНДТ гуруҳи магистранти

ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Аннотация: Мақолада инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида туризм соҳасини ривожлантириш тенденциялари Бухоро вилояти мисолида ёритиб, таҳлил қилиб берилган. Шунингдек, Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: инновация, рақамли иқтисодиёт, туризм, дам олиш соҳаси, туристик жараён, Буюк ипак йўли, меҳмонхона, кичик корхона, микрофирма, туризм инфратузилмаси.

Аннотация: В статье рассматриваются и анализируются тенденции развития туризма в условиях инновационной и цифровой экономики на примере Бухарской области. Также были даны предложения по развитию туризма в Узбекистане.

Ключевые слова: инновации, цифровая экономика, туризм, индустрия досуга, туристический процесс, Великий Шелковый путь, гостиница, малое предприятие, микрофирмы, туристическая инфраструктура.

Abstract: The article examines and analyzes the trends in the development of tourism in the conditions of innovative and digital economy on the example of the Bukhara region. Proposals for the development of tourism in Uzbekistan were also given.

Keywords: innovation, digital economy, tourism, leisure industry, tourism process, Great Silk Road, hotel, small enterprise, micro-firms, tourist infrastructure.

Бугунги кунда туризмнинг дунё иқтисодиётидаги ўрни мастаҳкамланиб, муҳим макроиқтисодий тармоқлардан бири сифатида жадал ривожланиб бормоқда. Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш бўйича кўплаб чора-тадбирлар ўтказилмоқда. Туризмни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукумат қарорлари, фармонлари ва кўплаб ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4095-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5781-сонли Фармони ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳаси жаҳон туристик жараёни-

нинг ажралмас таркибий қисми бўлиб, БТТ экспертларининг башорати унга тўла тааллуқлидир. Таҳлил шуни кўрсатадики, кейинги йиллардаги барча сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий барқарорликларга қарамасдан, мамлакат туризм саноати давлат инвестицияларисиз ва дотацияларисиз маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб бораётган халқ хўжалиги тармоқларидан биридир. Ўзбекистон замонавий туризм саноатини ривожлантириш учун барча зарур нарсаларга эга. Буюк Ипак йўли устида жойлашган Ватанимиз қулай табиий иқлим шароитларига, халқаро туризмни ривожлантириш учун юқори салоҳиятга эга.

Ўзбекистонда туризм соҳасининг ривожланишини биргина Бухоро вилояти мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, Бухоро вилоятида туристик фаолиятни амалга оширувчи фирма ва ташкилотлар сони 37 тани ташкил қилиб, 2019 йилда улар томонидан 12,4 минг нафар ташриф буюрувчига хизмат кўрсатилди. Улар томонидан 7064 та сайёҳлик йўлланмалари сотилган бўлиб, унинг қиймати 7240,9 млн. сўмни ташкил қилди.

2019 йилга келиб Бухоро вилоятида меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони 173 тага етди. Меҳмонхоналарда жойлаштирилган шахслар сони 220,6 минг кишини ташкил этди.

1-жадвал

Туриш муддати бўйича меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларида жойлаштирилган шахсларнинг тақсимланиши (киши)

		Жойлаштирилган шахслар, жами	Ўзбекис-тондан	МДҲ мамла-катларидан	Узоқ хорижий мамлакатлардан
Жами	2019 йил	220580	65568	30196	124816
	2018 йил	190183	65160	25964	99059
	2017 йил	143993	79006	18571	67357
1-3 кун тунаш	2019 йил	215483	63159	29329	122996
	2018 йил	182720	62433	24605	95682
	2017 йил	138017	55579	17693	65784
4-7 кун тунаш	2019 йил	4358	2007	723	1628
	2018 йил	5794	2020	696	3078
	2017 йил	4332	3111	532	1027
8-28 кун тунаш	2019 йил	669	371	140	158
	2018 йил	1514	616	631	267
	2017 йил	1560	18158	344	538
29-91 кун тунаш	2019 йил	63	26	4	33
	2018 йил	155	91	32	32
	2017 йил	82	2158	2	6
92-182 кун тунаш	2019 йил	7	5	1	1
	2018 йил	-	-	-	-
	2017 йил	1	-	-	1

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, туриш муддати бўйича меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларида жойлаштирилган шахслар 2019 йилда ўтган йилларга нисбатан кўпайганлигини кўриш мумкин.

Бунда узоқ хорижий мамлакатлардан келган меҳмонлар сони етакчилик қилаётганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, 1-3 кунга тунашга келган меҳмонлар сони бошқа кунлар сонига нисбатан ортганини кўриш мумкин (жами жойлаштирилган шахслар сони: 215483 киши).



1-диаграмма. Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларида жойлаштирилган шахсларнинг тақсимланиши (фоизда)

1-диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларида жойлаштирилган шахслар ичида узоқ хорижий мамлакат фуқаролари етакчи ўринни, Ўзбекистон фуқаролари иккинчи ўринни ва МДҲ мамлакат фуқаролари учинчи ўринни эгалламоқда.

2-жадвал

2019 йилда ҳудудлар бўйича кичик корхона ва микрофирмаларнинг меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари фаолияти

Шаҳар ва туманлар	Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони, бирлик	Улардаги объектлар, бирлик	Номерлар (хоналар)	Жойлар	Жойлаштирилган шахслар сони, киши	Тунаб қолишлар сони, бирлик
Бухоро вилояти	167	170	2391	4957	220286	408013
шу жумладан:						
шаҳарлар:						
Бухоро	142	145	2190	4435	213818	395559
Когон	1	1	18	30	-	-
туманлар:						
Олот	7	7	55	148	1037	1584
Бухоро	1	1	22	50	695	2523
Вобкент	2	2	6	16	100	676

Ғиждувон	4	4	35	95	3376	5394
Жондор	1	1	5	8	195	195
Когон	3	3	33	105	668	697
Қоракўл	-	-	-	-	-	-
Қоровулбозор	2	2	10	30	-	-
Пешку	-	-	-	-	-	-
Ромитан	1	1	3	10	397	1385
Шофиркон	3	3	14	30	-	-

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2019 йилда ҳудудлар бўйича кичик корхона ва микрофирмаларнинг меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларида Бухоро шаҳри энг юқори кўрсаткичларга эга бўлган. Шунингдек, Ғиждувон ва Олот туманларида ҳам жойлаштирилган меҳмонлар сони бошқа туманларга нисбатан кўпайганлигини кўриш мумкин.

3-жадвал

2019 йилда ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари фаолияти

	Ихтисослаш-тирилган жойлаштириш воситалари объектлари сони, бирлик	**Номерлар (хоналар) сони, бирлик**	**Жойлар сони, бирлик**	**Жойлаш-тирилган шахслар сони, киши**	**Тунаб қолиш-лар сони, жами**
Бухоро вилояти:	6	320	636	9320	144500
шу жумладан:					
шаҳарлар:					
Бухоро	3	271	524	9020	127237
туманлар:					
Вобкент	1	10	50	-	-
Қоровулбозор	1	4	12	-	-
Шофиркон	1	35	50	300	17263

3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Бухоро вилояти бўйича ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари объектлари сони 6 тани ташкил этади. Шундан, Бухоро шаҳрида 2019 йилда жойлаштирилган шахслар вилоятга нисбатан 96,7 % ни, тунаб қолишлар сони эса 88 % ни ташкил этмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, мамлакатимизда туризм соҳасини янада ривожлантириш учун фикримизча, қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим бўлади:

1) Ўзбекистоннинг туризм инфратузилмаси, туризм хизматлари сифати ва унинг даражаси, шунингдек, тармоқни бошқариш тизими инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида замонавий талабларга мос фаолият юритиши учун шароит яратиш;
2) Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва аҳолини иш билан таъминлаш учун миллий хўжаликда ишлаб чиқарилган хизматларни экспорт қилиш ва хорижнинг молиявий манбаларидан фойдаланиш ёки хорижий техника ва технологиялардан фойдаланиш;

3) Туризм индустрияси субъектлари фаолияти учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш;
4) Туризмни ривожлантиришдаги барча тўсиқ ва ғовларга барҳам бериш;
5) Туризмнинг янги салоҳиятли турлари – зиёрат қилиш, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик, болалар, ёшлар ва оилавий туризмни жадал ривожлантириш;
6) Республика минтақаларида туризм инфратузилмасининг замонавий объектлари, энг аввало, меҳмонхоналар, транспорт-логистика тузилмалари, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, ушбу мақсадлар учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш;
7) Рақобатбардош туризм маҳсулотларини ишлаб чиқиш, минтақаларда янги туризм йўналишларини яратиш, уларни жаҳон туризм бозорларига олиб чиқиш;
8) Туризм тармоғи учун малакали кадрларни сифатли тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш стратегиялари ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш ва уни рўёбга чиқаришга доир аниқ чора-тадбирлар дастурини қабул қилиш ва амалиётга жорий этиш асносида қуйидаги йўналишларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир:

1. Туризмни ривожлантиришнинг концептуал асосларини яратиш.
2. Туризмнинг ҳозирги ҳолати ва келажаги таҳлили ва асосий муаммолари.
3. Устувор ҳаракатлар, стратегия ва концепцияни шакллантириш ёндашувлари ва уларни амалга ошириш механизмлари.
4. Дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўналишлари.

Д.З.Норқулова – СамИСИ, “Туризм” кафедраси мудири, (PhD),
А.Н.Холиқулов – СамИСИ, “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси мудири, и.ф.н., доцент
Т.Ш.Эвадуллаев – СамИСИ, магистранти

САМАРҚАНДДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ: ИМКОНИЯТЛАР, МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

Аннотация: мақолада юртимизда зиёрат туризмни ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳотлар ёритиб берилган. Муаллифлар Самарқанд вилоятида зиёрат туризмини ривожлантириш имкониятлари, муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан таҳлилий фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтган.

Калит сўзлар: туризм, зиёрат туризми, зиёратгоҳ, Самарқанд.

Аннотация: в статье освещаются реформы проводимые в нашей стране по развитию паломнического туризма. Авторы приводят свои аналитические виденья на возможности, проблемы и пути решения для развития паломнического туризма в Самаркандской области.

Ключевые слова: туризм, паломнический туризм, святыня, Самарканд.

Abstract: The article highlights the ongoing reforms in our country for the development of pilgrimage tourism. The authors give their analytical views on the possibilities, challanges and opportunities for the development of pilgrimage tourism in the Samarkand region.

Keywords: tourism, pilgrimage tourism, shrine, Samarkand.

Маълумки, қадимдан сайёҳларни буюк алломалар яшаган ва ижод қилган ҳамда уларнинг фаолияти натижасида бунёд этилган қадимий обидаларга бой бўлган масканлар оҳанграбодек ўзига жалб қилиб келади. Самарқанд ҳам шак-шубҳасиз ўзининг буюк тарихи, меъморий обидалари, бетакрор табиати ва халқимиз урф-одатлари, анъаналари билан сайёҳларни ўзига ром этган юрт сифатида дунёга машҳур шаҳарлар сафига киради.

Бугунги кунда туризм индустрияси жуда ҳам тез суръатларда ривожланиб, саёҳат ва тарихий туризм, таълим туризми, зиёрат туризми, экотуризм, спорт, ва тиббиёт туризми каби йўналишларда халқаро туризм бозорида рақобат кундан кунга ошиб бормоқда. Таҳлилчилар маълумотига кўра туризм соҳасида битта иш ўрнини яратилиши ўзаро боғлиқ соҳаларда бешта иш ўрни вужудга келишига сабаб бўлади[1].

«2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да ҳам туризм индустриясини жадал ривожлантириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилди.[2]

Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши эса туристик корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш, халқаро стандартлар асосида бухгалтерия ҳисобини юритишни, молиявий натижалар ҳисоботини ишлаб чиқишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришни тақозо этади[3].

Диёримиздан чиққан алломаларнинг ислом дини ва илм-фаннинг турли соҳалари ривожига қўшган ҳиссаси, уларнинг илмий-маънавий мероси ҳамда Марказий Осиё ҳудудининг ислом цивилизациясининг шаклланишида тутган ўрни, халқимизнинг бой тарихи ва меҳмондўстлиги зиёрат туризмини ривожлантиришга асос бўлади. Жумладан, Самарқанд шаҳридаги “Шоҳи Зинда”, “Имом Мутуридий” ва Пайариқ туманида жойлашган “Имом Бухорий” зиёратгоҳлари бугунги кунда нафақат Марказий Осиё халқлари балки ислом дунёси учун энг муқаддас зиёратгоҳлардан ҳисобланади. Бу тарихий-меъморий мажмуаларга ҳар куни минглаб зиёратчи ва сайёҳлар оқимининг келиши фикримизни тасдиқлайди. Охирги уч йил давомида

[1] Жумаева Ш.Б., Мардонова Р.Р. Тошкент вилоятида зиёрат туризми: имкониятлар, муаммолари ва ривожланиш истиқболлари. Ўзбекистонда туризм ва рекреацияни ривожлантиришнинг географик муаммолари ва имкониятлари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Чирчиқ шаҳри, 2019 йил 11-12 октябрь. Б.78-80.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

[3] М.Темирханова. Туризм корхоналарида молиявий натижаларни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали материаллари. № 2, март-апрель, 2019.

дунёнинг турли шаҳарларидан келаётган зиёратчилар сони ошганлигини эътиборга олиб, Самарқандда зиёрат туризмини ривожлантириш ҳамда кўплаб сайёҳлар оқимини жалб этиш учун етарли даражада имкониятлар бор десак муболаға бўлмайди. Чунки бугунги кунда халқаро туризмнинг энг сердаромад йўналишларидан бири бу зиёрат туризмидир.

Зиёрат туризми – туризм саноатида янги йўналишлардан бири бўлиб, мамлакатимизда асосан ислом динига эътиқод қиладиган саёҳатчиларга қаратилган бўлишига қарамай, ушбу йўналишда таклиф этилаётган хизматларнинг мўътадил нархлари, хавфсизлиги, покизалиги, оилавий саёҳат учун қулайлиги боис мусулмон бўлмаган саёҳатчилар учун ҳам жозибадор ҳисобланади.

Статистик маълумотларга кўра, 2017 йилда Ўзбекистонга 2 миллион 700 минг, 2018 йилда 5 миллион 300 мингдан ортиқ туристлар ташриф буюрган. Мазкур соҳани янада ривожлантириш мақсадида 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Мазкур концепцияга кўра 2025 йилга келиб хорижлик сайёҳлар сонини 9-10 миллион нафарга ошириш, турли кўргазмалар, танловлар ўтказиш, Ўзбекистонни фестиваллар мамлакатига айлантириш, шу тариқа ивент-туризмни ривожлантириш режалаштирилган.

Самарқандага ташриф буюраётган сайёҳ ва зиёратчилар орасида қўшни республикалар ҳамда Россия, Туркия, Индонейзия, Малайзия, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони Подшоҳлиги каби давлатлардан зиёратчилар ташриф буюришмоқда.

Қуйида Самарқанд шаҳридаги “Шоҳи Зинда”, “Имом Мутуридий” ва Пайариқ туманида жойлашган “Имом Бухорий” зиёратгоҳларига охирги уч йилда ташриф буюрган зиёратчилар ҳисобини таҳлилилий кўриб чиқамиз[1].

“Шоҳи Зинда” зиёратгоҳи бўйича:

Йиллар тақсимоти	**Хорижий зиёратчилар сони**	**Маҳаллий зиёратчилар сони**	**Жами зиёратчилар сони**
2018 йил	79262	756480	835742
2019 йил	94 300	876 600	970900
2020 йил	4694	132620	137314

“Имом Мутуридий” зиёратгоҳи бўйича:

Йиллар тақсимоти	**Хорижий зиёратчилар сони**	**Маҳаллий зиёратчилар сони**	**Жами зиёратчилар сони**
2018 йил	1673	5795	7468
2019 йил	2628	7282	9910
2020 йил	133	1535	1668

Амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан бир қаторда вилоятда зиёрат туризмини ривожланишига салбий таъсир қилувчи объектив ва субъектив муаммолар ҳам мавжуд:

[1] Жадваллардаги статистик маълумотлар мазкур ташкилотларнинг ҳисобхоналаридаги қайдлардан олинди.

“Имом Бухорий” зиёратгоҳи бўйича:

Йиллар тақсимоти	Хорижий зиёратчилар сони	Маҳаллий зиёратчилар сони	Жами зиёратчилар сони
2018 йил	30021	1086935	1116956
2019 йил	30927	861559	892486
2020 йил	2220	188587	190807

•Вилоятнинг туристик ресурсларини реклама, тарғибот ва ташвиқот ишларининг пастлиги.

• Зиёратгоҳлар жойлашган ҳудуд инфраструктурасидаги муаммолар: зиёратгоҳларга олиб борувчи йўлларнинг асосий қисми таъмирлашга муҳтож, ичимлик суви ва табиий газ муаммолари. (Мотуридий зиёратгоҳига тегишли)

• Зиёратчилар ва сайёҳларга хизмат кўрсатувчи мехмонхоналар сони ва хизматлар сифати, нархини қайта кўриб чиқиш.

• Муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларнинг тарихий-меъморий қиёфасини ва табиат билан уйғунлигини йўқотмаслиги учун реконструкция, ободонлаштириш ишларини мутахассис олимлар билан ҳамкорликда амалга оширишни йўлга қўйиш.

Самарқанд вилоятида зиёрат туризмини ривожлантириш истиқболли режасида қуйидагилар амалиётга татбиқ этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди:

1. Туристик ресурслар тўғрисида сайтлар ва мобил дастурларни ишлаб чиқиш орқали тарғибот ишларини кучайтириш.

2. Самарқанд вилоятида туризм индустрияси бўйича инвестицион лойиҳалар сонини ошириш.

3. Минтақавий ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали туристлар оқимини кўпайтириш. Масалан, Буюк Ипак йўли кесимида: Тожикистон, Туркманистон, Афғонистон, Қозоғистон ва Қирғизистон -Ўзбекистон қўшма турларини ташкил этиш.

4. Туризм соҳаси билан боғлиқ кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш буйича дастурлар ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

5. Зиёрат туризми йўналишини қўшимча йўналишлар билан бойитиш яъни экотуризм, гастрономик туризм, шоппинг ва бошқалар билан уйғунлаштириш.

Жаҳонда туризм соҳасида халқаро стандартлар асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш, уларнинг молиявий ҳисоб ва ҳисоботини такомиллаш-тириш, туристик корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳамда инфратузилмасини баҳолаш йўналишлари асосий масалалардан бири бўлиб ҳисобланмоқда. Туристик корхоналарда молиявий натижалар ҳисоботни халқаро стандартлар асосида шакллантириш, уларда ахборот таъминотини яратиш имкониятини вужудга келтирмоқда. Шуларни ҳисобга олганда мамлакатимизда туризм хизматлари бозорини ривожлантириш, молиявий натижалар хисобот тизимини халқаро методология асосида ҳисоблашнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда фаолият юритаётган туризм корхоналарида молия-

хўжалик фаолиятини тўғри ташкил этиш ҳамда улардаги пул оқимларини самарали бошқариш муҳим ҳисобланади. Туризм йўналишидаги моддий ва номоддий ресурслар ҳақидаги маълумотларни шакллантириш учун уларда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларни тузиш талаб этилади. Бу жараёндаги дастлабки вазифалардан бири - бу туризм корхоналарида молиявий хўжалик фаолиятини таҳлил қилиб бориш ва уни шакллантиришдан иборатдир. Бугунги кунда туризм соҳасида фаолият юритаётган корхоналарда ҳисоб сиёсати тушунчаси, унинг зарурати, моҳияти ва аҳамияти ҳамда қандай қилиб шакллантириш мумкинлиги ҳақида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки амалий тавсияларни етарли даражада деб бўлмайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Самарқанд вилоятида зиёрат туризмини ривожлантириш учун барча имкониятлар етарли. Бундан ташқари вилоятда экотуризм, саёҳат туризми, спорт туризми, тиббиёт туризмини ривожлантириш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Агарда биз вилоятдаги бор имкониятдан фойдалансак, шаҳримизга келадиган сайёҳлар сонининг ўсиши аҳолини иш билан таъминланишига, валюта тушумининг кўпайишига хизмат қилади.

Шу билан биргаликда вилоятдаги барча туристик ташкилотлар ва зиёрат туризм масканларида молиявий хўжалик фаолияти таҳлили мунтазам равишда олиб борилиши лозим. Ушбу таҳлилий маълумотлар хулосасига кўра, сайёҳлар сони ва туристик ташкилотлар тушуми белгиланиб бориши таъминланади. Биз юқорида учта зиёратгоҳга 2018-2020 йиллар давомида келган хорижий ва маҳаллий зиёратчилар оқимини йиллар кесимида статистик маълумотлар асосида таҳлилий кўриб чиқдик. Хулосаларимиз шуни кўрсатадики, зиёратчилар сони йилдан-йилга ортиб борган. Аммо 2020 йилга келиб дунё аҳолисини ташвишга солган, иқтисод, сиёсат, туризм, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларга ҳам салбий таъсир кўрсатган пандемик ҳолат шаҳримизнинг туризм соҳасини ҳам четлаб ўтмаган.

Sh.Turdiyeva – SamISI magistranti,
S.Haydarov – SamISI kata o‘qituvchisi, PhD

MUZEY WEB SAYTLARINING KAMCHILIKLARI VA RIVOJLANTIRISH YO‘LLARI

Annotatsiya: Ushbu maqolamizda veb sayt haqida tushuncha,muzey veb saytlarni kamchiligi, muzey veb-saytlarinig o‘ziga xos xususiyatlari va qulayliklari, muzey veb saytlarini rivojlantirish muhimligi

Kalit so‘zlar:muzey-veb saytlari, onlayn buyrutma,virtual tur,

Abstract: In this article we will explain the concept of the website, the lack of museum websites, the specific features and conveniences of museum websites, the importance of developing museum websites.

Key words: museum websites, online booking, virtual tour

Аннотация: В этой статье мы объясним концепцию веб-сайта, отсутствие музейных веб-сайтов, особенности и удобства музейных веб-сайтов, важность разработки музейных веб-сайтов.

Ключевые слова: сайты музеев, онлайн-бронирование, виртуальный тур

Bugungi global taraqqiyot sharoitida internet tarmog‘ining ahamiyatini oshirishning yanada zamonaviy, innovatsion usullarini izlab topish, internet tezligiga har tomonlama ko‘maklashish, ularni hayotga keng joriy etish. Davlat faoliyatining muhim strategik yo‘nalishlaridan biriga aylanmoqda. Xususan, muzeylar sohasida ham hozirgi kunning enternet tezligi oshirish yutuqlaridan foydalangan holda yangi yo‘nalishlarda ish olib borish dolzarb ahamiyat kasb etadi. Internet – dunyo bo`ylab joylashgan va yagona tarmoqqa birlashtirilgan minglab kompyuter tarmoqlarining majmuidir. WWW ya’ni World Wide Web internetning bir qismi bo`lib, butunjahon o`rgimchak to`ri ma’nosini anglatadi. WWW da axborot maxsus sahifalarda, ya’ni veb-sahifalarda joylashadi. Veb-sahifaga matn, rasm, tovush, videotasvir va hokazo ko`rinishdagi axborotlarni joylashtirish mumkin. Bitta tashkilot yoki xususiy shaxsga tegishli va mazmuniga ko`ra o`zaro bog`langan bir nechta Veb-sahifalar majmui Veb-sayt deyiladi.[1]

Muzey ekspozitsiyasi kompozitsiyasini tashkillashtirilgan, sharhlar bilan boyitilgan, texnik va badiiy bezatilgan muzey predmetlarini maqsadli va ilmiy asoslangan namoyishi hisoblanadi[2]

XXI asr internet asri bo‘lmoqda va jadallik bilan har bir sohani u siz tassavur etib bo‘lmaydi. Shu qatori muzeylarda ham o‘z veb-saytlarni ochish va unda ko‘pgina yangiliklarni joriy qilib borish muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki ko‘pgina insonlar tv yoki jurnallardan emas, osongina qulidagi smartfon va shu kabi vositalar orqali o‘z ehtiyojlaridagi xohishni enteret orqali qidirib topib ko‘rmoqda. Shunday ekan, muzeylarga tashriflar sonini ko‘paytirish uchun veb-saytlarini jozibador va qiziqarli tarzda yangiliklarni va xizmatlarni joylashtirib borishi lozim. Bu borada ko‘pgina dunyo muzeylarining veb-saytlarida ilg‘or yangiliklarni joriy qilmoqda. Shu qatori «Aloqa tarixi muzeyi» 2009-yil 24-oktabrdan o‘z faoliyatini yuritib kelayotgan bo‘lsa, uning www.aloqamuzeyi.uz veb-sayti 2010-yil 28-iyuldan rasmiy faoliyatini boshlagan.

Muzey veb-saytlari uchun ruknlarga qo‘yiladigan talablar doirasida, mazkur www.aloqamuzeyi.uz veb-saytida:

- «Onlayn buyurtma»,
- «Virtual tur»,
- «Qabul qilingan buyurtmalar»,
- «Bog‘lanish»,
- «Onlayn viktorina»,
- «E’lonlar»,
- «Sayt bo‘ylab qidiruv»,
- «Tuzilishi va rahbariyat»,
- «Galereya»,
- «Yangiliklar»,
- «Aloqa tarixi» ruknlari mavjud.

Bundan tashqari, imkoniyati cheklanganlar uchun, ko‘rish qobiliyatida nuqsoni borlarga yangillik sifatida «Ko‘zi ojizlar uchun» qismi hamda mobil

[1] http://gurlan41.uz/yangiliklar/

[2] [2] Л. Г. Гужова, Н. В. Мягтина. Музееведение. — В.: Владим. гос. ун-та, 2010. — Б. 95).

qurilmalardan foydalanuvchilar uchun mobil versiyalari faoliyat yuritib kelmoqda.

Har bir veb-saytning Interaktiv xizmatlari tashrifchilarga qator qulayliklar yaratib kelmoqda. Bunday xizmatlar sirasiga «Qayta aloqa» xizmatidan tashqari, muzeylardagi interaktiv xizmatlar sifatida bir qator xizmatlar joylashtirilgan, jumladan, «Aloqa tarixi muzeyi» veb-sayti orqali istalgan guruh bilan keluvchi tashrifchi interaktiv xizmatdan foydalangan holda, onlayn buyurtma berish imkoniyatiga ega. Mazkur xizmat 2014-yil aprel oyidan amal qilib kelmoqda.

Shuningdek, O‘zbekiston muzeylari saytlari orasida ilk marotaba 2014-yil iyul oyidan boshlab, Onlayn viktorina ta’limiy, interaktiv tizimi tashrifchilar e’tiboriga havola etib kelinmoqda. Mazkur dastur muzey pedagogikasining elementlaridan biri hisoblanib, «Muzey interaktiv ish varag‘i» deb nomlangan.



Dastur mualliflari: Z. Xodjimuratova, M. Abdullayeva, Yu. Jo‘rayeva, Z. Abdusamatovalardir.[1]

2015-yil 12-mayda Intellektual mulk agentligi tomonidan DGU 03185 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Interaktiv ish varag‘i orqali istalgan veb-sayt tashrifchisi o‘zining sohaga oid, muzey bo‘ylab olgan ma’lumotlarining egallangan darajasini baholab ko‘rish imkoniyatiga ega bo‘ladi. Mazkur xizmatdan foydalanuvchi o‘zining yoshi tasnifidan kelib chiqqan holda vazifalarni yechishi mumkin.

Hozirgi kun muzeylarining zamonaviy veb-saytlarini virtual turlarisiz tasavvur etib bo‘lmaydi. Muzey saytida 2012-yildan boshlab 3Dda tayyorlangan virtual tur tashrifchilar e’tiboriga havola etib kelinmoqda. Unda muzey ko‘rgazmasining xaritasiga muvofiq virtual turlar joylashtirilgan. Bu esa o‘z navbatida, masofadan turib, muzey zallari, ekspozitsiyalari va eksponatlari bilan yaqindan tanishish imkoniyatini beradi. Ularni Internetdan kuzatgan insonda bu uskunalarni bir bor bo‘lsa ham o‘z ko‘zi bilan ko‘rib, ushlab his qilish istagini uyg‘otib, o‘z o‘rnida, muzeyga tashrif buyurishga undaydi.

2016- yil «Aloqa tarixi muzeyi» O‘zbekiston Respublikasi Madaniyat va sport ishlari vazirligi tomonidan muzeylar o‘rtasida an’anaviy tarzda har yili o‘tkazib kelinayotgan «Muzey — xalq tarixining ko‘zgusi» respublika tanlovida «Yilning eng yaxshi veb-sayti» nominatsiyasida g‘oliblikni qo‘lga kiritishga muyassar bo‘ldi.

[1] www.aloqamuzeyi.uz

Muzey veb-sayti taqdim etadigan, yuqorida sanab o‘tilgan imkoniyatlar mazkur tanlovda g‘oliblikka erishishda asosiy omillardan bo‘lib xizmat qildi. Bu esa o‘z navbatida, muzey veb-saytini yana yangi imkoniyatlar bilan boyitib, takomillashtirish borasida izlanishlarga undaydi.

Shunday ekan, mazkur yangilikni namuna sifatida boshqa muzeylarda ham tashkil qilish kerak.Buning uchun quyidagi ishlarni amalga oshirish lozim.

- Har bir hududning markaziy bosh muzeyida marketing bo‘limi xodimlari bu borada izlanish olib borish. Chunki shu soha vakilining vazifasi hisoblanadi.
- Agarda veb-sayt yaratishda kadrlar yetishmasa, Axborot texnologiyalar Instituti o‘qituvchi va talabalaridan yordam surash. Bu narsa har ikki tomonga qulaydir. Muzey uchun moddiy jihatdan boshqa dasturchilardan qulay narxlarda tayyorlab berilishi va institut uchun bir yangi loyihaning yaratilishi hisoblanadi.
- Veb-saytda muzeyning joylashgan joyi va muzey haqidagi qisqa ma’lumot tomoshabinni zeriktirib quyadi. Veb-saytda onlayn buyrutmaning bo‘lishi muhimdir. Chunki mijoz uchun qulay va tezkor usul hisoblanadi.
- Virtual turni kiritish. Bu so‘zning nomidan o‘quvchini qiziqtirib quyadi. Busiz hozirgi kunda muzeylarni tassavur etib bo‘lmaydiva pandemiya sharoitida ko‘pgina muzeylarning virtual tizimi ishlab chiqildi va uni veb-saytga kiritish muomma bo‘lmaydi.
- Galeriya haqida ma’lumot muzey-veb saytlarida juda qisqa berilgan.buni iloji boricha barcha muzeydagi galeriyalarni kiritish muhimdir
- Imkoniyati cheklanganlar «Ko‘zi ojizlar uchun» qismi hamda mobil qurilma-lardan foydalanuvchilar uchun mobil versiyalarini yaratish maqsadga muvofiqdir.
- Muzey-veb saytlarida yangiliklar bo‘limini yaratish va muzeyda bo‘layotgan yangiliklarni yoritib borish. Har qanday kuzatuvchi uchun muzey bo‘yicha ma’lumotlar so‘ralgan muzey ishi oid materillarni berishni osonlashtirib quyish kerak.

Demak, muzey veb saytini rivojlantirsak muzeyga qiziqishning ortishiga va muzeyga bo‘lgan eskicha qarashlarnig o‘zgarishiga ,muzeyga tashrif buyuruvchilar soning oshishi olib keladi. Bu o‘z navbatida turistlar qiziqishi va ko‘payishiga qanchadir miqdorda o‘z hissasini qo‘shadi. Bu orqali buyuk tariximizning yanada dunyo buylab tanilishiga hissa qo‘shadi

I.X.Nasimov – “Ipak yo‘li” turizm xalqaro universiteti, PhD, dotsent
A.A. Nuritdinov– “Ipak yo‘li” turizm xalqaro universiteti magistranti

TURIZM – MAMLAKATIMIZ IQTISODIYOTINING KELAJAGI

Annotatsiya Maqolada turizmning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning o`ziga xos katalizatori sifatida transport va aloqa, savdo, qurilish, qishloq xo`jaligi, xalq iste’moli mollarini ishlab chiqarish va iqtisodiyotning boshqa shu kabi muhim sektorlarining rivojlanishiga katta ta’sir ko`rsatishi hamda eksportga yo`naltirilgan iqtisodiyotni rivojlantirishning asosiy yo`nalishlaridan biri – turizm industriyasi ekanligi, shuningdek, turizm – bu ishbilarmonlik sohasining muhim xususiyatlaridan biri bo`lib xorijiy turistlar doimiy oqimini jalb qiluvchi soha ekanligi tadqiq etilgan.

Kalit so‘zlar: Globallashuv, integratsiya, turizm, milliy, modernizatsiyalash, ishbilarmonlik, ehtiyojlar, xizmat ko`rsatish, xalqaro, o‘smirlar, yoshlar, xavfsizlik.

Аннотация: В статье изучено, что туризм как специфический катализатор социально-экономического развития оказывает существенное влияние на развитие транспорта и коммуникаций, торговли, строительства, сельского хозяйства, производства потребительских товаров и других важных секторов экономики, а также экспорта. Также изучено, что одним из основных направлений экономического развития является туристическая отрасль, а туризм - одна из важных особенностей делового сектора, которая привлекает постоянный поток иностранных туристов.

Ключевые слова: глобализация, интеграция, туризм, национальный, модернизация, бизнес, потребности, услуги, международный, подростки, молодежь, безопасность.

Abstract: The article shows that tourism as a specific catalyst for socio-economic development has a significant impact on the development of transport and communications, trade, construction, agriculture, consumer goods and other important sectors of the economy, as well as exports. It has been studied that one of the main directions of economic development is the tourism industry, as well as tourism is one of the important features of the business sector, which attracts a constant flow of foreign tourists.

Keywords: Globalization, integration, tourism, national, modernization, business, needs, services, international, teenagers, youth, security.

“Turizm — iqtisodiyotning muhim tarmoqlaridan biri. Mavjud imkoniyatlardan samarali foydalangan holda, ushbu tarmoqni yanada takomillashtirish zarur, buni davrning o`zi taqozo etmoqda”

Sh.M.Mirziyoyev[1]

Jahondagi globallashuv sharoitida turizm muhim ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy omillardan biriga aylandi. Iqtisodiyotning ushbu sektorida umumiy daromad hajmi trillionlab dollami tashkil etmoqda, har yili butun dunyoda bir milliarddan[2] ziyod kishi sayohat qilmoqda. Turizm nafaqat savdo xizmatlarining bir

[1] uza.uz/oz/pol itic&'turizmni-yanada-rivoj iantirish-masalalan-muhokama-qilin<ii-03-10-2017
[2] BMT Jahon sayyohlik tashkiloti bosh kotibi Taleb Ritaining YUNVTO Ijroiya kengashi 99-sessi- yasining ochiltsh

turi sifatida, balki bugun turizm bozorlarining barqaror rivojlanishi yangi ishchi o‘rinlami yaratishga va unga turdosh bo‘lgan tarmoqlami rivojlantirishga imkoniyat yaratmoqda. Shu tufayli turizm faoliyatini ravnaq toptirish masalasi 2017— 2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishlari bo‘yicha Harakatlar strategiyasining iqtisodiyotni rivojlantirish va liberallashtirishning ustuvor yo‘nalishlarida ham o‘z aksini topgani bejiz emas. O‘zbekiston zamonaviy turizm industriyasini rivojlantirish uchun barcha zaruriy manbalarga ega boiib, Buyuk Ipak yoii ustida joylashgan.

Vatanimiz - qulay tabiiy-iqlim sharoitlariga, boy tarixiy, madaniy merosga va ayni paytda ham ichki, ham xalqaro turizmni rivojlantirish uchun yuqori salohi-yatga ega. Mamlakatni modernizatsiyalash bosqichida turizm va mehr - do‘stlik industriyasi sohasidagi yechimini kutib turgan masalalar qatorida, turizm indus-triyasi mehnat bozorida ishlovchi xodimlarga qo‘yiladigan malakaviy talablarga javob bera oladigan zamonaviy kadrlami tayyorlash dolzarb masala boiib turibdi.

Bugungi kunda turizm dunyo iqtisodiyotida o`z o`rniga ega bo`lgan tarmoqlardan biriga aylandi. Avvallari turizmga aholining sayohat qilishi va dam olishini ta’minlovchi oddiy infratuzilma sifatida qaralgan bo`lsa, ayni paytda u mamlakat iqtisodiyotining muhim tarmog`i sifatida shakllanib, rivojlanishiga katta e’tibor berilmoqda. Turizm inson hayoti va faoliyatining ko`p sohalarini qamrab oladi. Turizm ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning o`ziga xos katalizatori sifatida transport va aloqa, savdo, qurilish, qishloq xo`jaligi, xalq iste’moli mollarini ishlab chiqarish va iqtisodiyotning boshqa shu kabi muhim sektorlarining rivojlanishiga katta ta’sir ko`rsatadi. Eksportga yo`naltirilgan iqtisodiyotni rivojlantirishning asosiy yo`nalishlaridan biri – turizm industriyasidir. Turizm – bu ishbilarmonlik sohasining muhim xususiyatlaridan biri bo`lib xorijiy turistlar doimiy oqimini jalb qiladi.

So`nggi yillarda globallashuv va xalqaro integratsiya jarayonlarining chuqurlashuvi turizm rivojlanishiga ijobiy ta’sir ko`rsatmoqda. XX asrning so`nggi choragida jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlarda yuz bergan tub o`zgarishlar natijasida mamlakatlar o`rtasida savdo-iqtisodiy, ilmiy-texnikaviy va madaniy aloqalar sezilarli darajada faollashdi. Jahonning turli mamlakatlarida iqtisodiy taraqqiyotning yuksalishi kishilarning turli maqsadlarda bir mamlakatdan ikkinchisiga qatnab turish ko`lamining kengayishini taqozo etadi. Bu esa turizmni milliy iqtisodiyotning eng istiqbolli tarmoqlaridan biriga aylantirmoqda.

Umuman olganda, turizm ikki yoqlamali mazmunni, ya’ni ishlab chiqarish va ijtimoiy mazmunni kasb etadi. Turizm maqsadida sayohat qiladigan insonning jismoniy va ruhiy kuchlarini qayta tiklanish darajasi turizmning ishlab chiqarish mazmunini namoyon etadi. Ayni bir vaqtda, insonning mehnatga qobiliyatini qayta tiklanish motivi turizmning harakatlantiruvchi kuchi sifatida ijtimoiy mazmunga ham ega bo`ladi. Aks holda, insonning turizm sayohatlardan qoniqmaslik holati yuzaga keladi, bu esa, o`z navbatida jamiyat iqtisodiy faoliyatining asosiy maqsadi bo`lgan kishilar farovonligining oshishiga ham salbiy ta’sir ko`rsatadi.

Turizmdagi ehtiyojlar manbaini bilish orqali turizmning insonlarni barcha

---

marosimidagi nutqi. // Mohiyat, 2014,3 oktabr, № 40.

ma’lum ehtiyojlari iyerarxiyasidagi o`rnini aniqlash mumkin. Bunga mos ravishda, insonlarning turizm sayohatlarga bo`lgan ehtiyojlarini qondira oladigan, bu bilan mamlakat iqtisodiyotiga ta’sir ko`rsatadigan ishlab chiqarish tarmoqlarini rivojlantirish mumkin. Biz bilamizki, O`zbekiston qadimiy va noyob bir mamlakat bo`lib, uning hududida eng qadimgi yodgorliklar va madaniyatlar yuzaga kelgan, rivojlangan, o`z jozibadorligi jihatdan dunyodagi dam olish va sayohatlar uchun eng yaxshi maskanlardan qolishmaydigan ulkan turizm salohiyatiga egadir.

Mamlakatimizda mavjud 7 mingdan ziyod nodir tarixiy yodgorliklar va ulug`vor hamda betakror arxitektura namunalari, so`lim qo`riqxonalari va milliy bog`lari, uning boy va rangbarang tabiati, milliy madaniyati, san'ati va hunarmandchilikning ko`p asrlik an'analari, jahonga mashhur milliy taomlarimiz va pazandachilik sohasidagi an'analarimiz O`zbekistonning logotipi va Sharq mehmondo`stligining ramzi hisoblanadi. Shunga qaramay, O`zbekistonning turizm infratuzilmasi, turizm xizmatlari sifati va uning darajasi, shuningdek tarmoqni boshqarish tizimi globallashuv va keskin raqobat sharoitida zamonaviy talablarga mos kelmaydi. Turizmning mamlakat iqtisodiyotiga qo`shayotgan hissasi, xizmat ko`rsatish sohasini rivojlantirish va aholini ish bilan ta'minlash jahondagi o`rtacha ko`rsatkichlardan orqada qolmoqda.

Turizm – mamlakatimiz iqtisodiyotining ertangi kunidir**.**

Toshkentda Turistik brend elchilari xalqaro forumi 13 noyabr kuni “Ipak yo‘lida turizm” XXV Toshkent xalqaro turistik ko‘rgazmasi doirasida O‘zbekiston Respublikasining turizm brendi elchilari xalqaro forumi bo‘lib o‘tdi. Xalqaro forumda O‘zbekistonning Rossiya Federatsiyasidagi turistik brend elchisi – mashhur aktyor Yuriy Stoyanov, Isroildagi turistik brend elchisi – taniqli aktyor, “Xanda” teatri badiiy rahbari Xay Davidov, Qozog‘istondan – Lazzat Axanova hamda Buyuk Britaniyadan – nufuzli marketolog Sofi Ibbotson ishtirok etdi. Ta'kidlash joizki, O‘zbekistonda turizm sohasini rivojlantirishga doir muhim choralardan biri xorijiy mamlakatlarda turistik brend elchilari institutining joriy qilinishi bo‘ldi. Shu kunga qadar o‘z mamlakatlarida taniqli bo‘lgan shaxslar, jamoat arboblari turistik brend elchilari maqomini qo‘lga kiritishgan. Elchilar faoliyatining asosiy yo‘nalishi O‘zbekiston turistik salohiyatini targ‘ib qilish hamda respublikaning tanilishini oshirish hisoblanadi. O‘zbekiston turistik brend elchilari xalqaro forumi mamlakatimizda birinchi marta o‘tkazilgani bilan ham ahamiyatlidir. Ilk forumning o‘tkazilishi XXV Toshkent xalqaro turistik ko‘rgazmasiga to‘g‘ri kelgani ham o‘ziga xos ramziy ahamiyat kasb etdi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, turizmni rivojlantirish strategiyasini amalga oshirish turli vazifalarni hal qilishni talab qiladi:

- qulay va qulay turistik muhitni shakllantirish;
- O‘zbekiston Respublikasining turistik mahsulotining ichki va jahon bozorida raqobatbardoshligini oshirish;
- ijtimoiy, sog‘lomlashtirish, bolalar, o‘smirlar va yoshlar turizmini rivojlantirish;
- turizm sohasida boshqaruv va statistika hisobini yuritish tizimini takomillashtirish;

- turizmni rivojlantirish hisobiga O‘zbekiston Respublikasi hududlari aholisining iqtisodiy o‘sishi va hayot sifatini ta'minlash;
- turizmda har tomonlama xavfsizlik va turistik xizmatlarning barqaror rivojlanishi;
- O‘zbekiston Respublikasining turizm mahsulotini ichki va xalqaro turizm bozorida reklama qilish;
- O‘zbekistonning YUNESKO ro‘yxatidagi tarixiy shaharlari tomonidan taqdim etiladigan sayyohlik xizmatlarini turizmni boshqarish tizimiga va O‘zbekiston Respublikasining professional turizm hamjamiyatiga qo‘shilishi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati.

1.O‘zbekiston Respublikasining «Turizm to‘g‘risida»gi Qonuni. -T.: 1999 yil 20 avgust.
2. «2005 yilgacha bo‘lgan davrda O‘zbekistonda turizmni rivojlantirish Davlat dasturi to‘g‘risida»gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 1999 yil 15 apreldagi PF-2286-sonli Farmoni.
3. Mirzayev M.A., Aliyeva M.T. Turizm asoslari. O‘quv qo‘llanma.-T.: O‘zbekiston faylafuslar jamiyati, 2011.
4. Tuxliyev N., Abdullayeva T. Osnovi bezopasnosti v turizme.- T.: Gos.nauch.izd-vo O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2008.
5. www.gdnet.org
6. www.stat.uz
7. www.uzbektourism.uz

К.А. Маматкулова– старший преподаватель кафедры «Обучения языкам», СамИЭС

ЭКОТУРИЗМ: ПРИНЦИПЫ, МЕТОДЫ И ПОДХОДЫ ДЛЯ ПОДДЕРЖАНИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО РАВНОВЕСИЯ

Аннотация: В работе затрагиваются вопросы концептуального определения экотуристической деятельности, становления и развития концепций экотуризма в отечественной и зарубежной науке и практике. Особое внимание уделяется анализу основных определений и принципов экотуризма**.**

Ключевые слова: экологический туризм, путешествие, рекреция, тур-реализм, принципы, концепция, комфорт, культура, общественное сознание.

Annotasiya: Maqolada ekoturizm faoliyatini kontseptual belgilash, mahalliy va xorijiy fan va amaliyotda ekoturizm tushunchalarini shakllantirish va rivojlantirish masalalari yoritilgan. Ekoturizmning asosiy ta'riflari va tamoyillarini tahlil qilishga alohida e'tibor beriladi.

Kalit so‘zlar: ekologik turizm, sayohat, dam olish, tur-realizm, tamoyillar, tushuncha, qulaylik, madaniyat, jamoat ongi.

Abstract: The work touches upon the issues of the conceptual definition of ecotourism activities, the formation and development of ecotourism concepts in domestic and foreign science and practice. Particular attention is paid to the analysis of the basic definitions and principles of ecotourism.

Key words: ecological tourism, travel, recreation, tour-realism, principles, concept, comfort, culture, public consciousness.

Международный туризм в наши дни – составляющая большого бизнеса. Каждый год в путешествие за границу отправляется около 800 млн.человек. Кроме того, почти 2.8 млрд. человек проводят отпуск в своей стране. По оценкам ВТО, доходы отрасли составляют в общей сложности более 1,5 трлн. долл. в год. При этом люди начинают всё чаще задумываться об экологических последствиях путешествий. Но что означает понятие «экологический туризм»?

Термин «экотуризм» на Западе был официально использован на одной из конференций мексиканским экологом Эктором Себальосом-Ласкурайном в первой половине 80-х годов XX в. Он отражал идею гармонии между рекреацией и экологией и приобрел большую популярность. Одним из вариантов этого определения является экотуризм как активная форма рекреации, основанная на рациональном использовании природных благ. Он предполагает отказ от культа комфорта, массовых коммуникаций, доступности и потребления все более многочисленных туристических благ (в отличие например от тур-реализма, который подразумевает погружение в природу и культуру с сохранением высокого уровня комфорта). А взамен прививает другую систему ценностей, которыми становятся созерцание природы, духовное обогащение от общения с ней, сопричастность к охране природного наследия и поддержке традиционной культуры местных сообществ.

Экотуризм также включает в себя следующие специфические принципы, которые отличают его от более широкой концепции устойчивого туризма:

- Активное содействие сохранению природного и культурного наследия.
- Привлечение местных и коренных сообществ к планированию, развитию и осуществлению экотуристской деятельности, которая способствует повышению их благосостояния.
- Разъяснение туристам значения природного и культурного наследия посещаемых турцентров.
- Направленность на индивидуальных путешественников и организованные туристские группы небольшого размера.

Когда говорят о путешествиях в природу, то часто применяют термин экотуризм. Между тем, экотуризм, с одной стороны, - это ниша на туристическом рынке, имеющая высокие темпы роста, а с другой, концепция, положение которой шире понятия совместимости (имеется в виду положительное воздействие человека на природу). Экотуризм является составной частью природного туризма, который по объему больше чем ниша рынка и не концепция, а конкретный вид туризма, воздействие которого может быть очень различным (от явно негативного до нейтрального и положительного).

Сегодня туризм стал важной частью экономики более 125 стран. Подчёркивая пользу туризма, пресс-релиз ооновской Всемирной туристской организации отмечал, что туризм способен устранить бедность посредством

развития мелкого и среднего туристического бизнеса, Он создаёт новые рабочие места и формирует у людей «Экологическое, культурное и общественное сознание». Но неужели туризм может всего этого достичь? И как он способствует разрешению экологических проблем?

В начале 1980-х годов некоторые учёные и кинематографисты проявили особый интерес к охране влажнотропических лесов и коралловых рифов, а также животных, которые их населяют. Их статьи и документальные фильмы привлекли к этим жемчужинам природы многих людей. В ответ на появившийся спрос мелкий бизнес, который сперва работал на тех ученых и кинематографистов, стал обслуживать и поток туристов, озабоченных спасением туристов.

Экотуризм мгновенно завоевал популярность и стал быстрорастущей индустрией. Защита природы стала очень выгодным занятием. Журналист Марта Хони говорит: «В некоторых странах экотуристические агентства, растущие как грибы после дождя, стали приносить больше дохода, чем экспорт костаринских бананов, танзанийского и кенийского кофе, а также индийского текстиля и украшений».

Таким образом, туризм дал ценный экономический стимул для спасения животных и растений. Как сказала Хони «благодаря экотуризму в Кении один лев приносит ежегодный доход в 7000 долларов, а стадо слонов – 61 0000 долларов». Гавайские коралловые рифы приносят доход в 360 миллионов долларов в год! Программа ООН по окружающей среде выступила отчёт «Экотуризм: принципы, методы и подходы для поддержания экологического равновесия». В нём говориться: «Многие туристические агентства и фирмы широко пользуются термином «экотуризм»; этим словам также широко пользуются государственные учреждения, рекламируя достопримечательности своей страны. Однако все они даже не пытаются следовать основным принципам (экотуризма)». Как же определить, что предлагаемые путешествие в полном смысле слова экотуры?

Меган Эплер Вуд, автор этого отчёта, указывает не некоторые признаки настоящего экотура. По её словам, до поездки участникам нужно предоставить: информацию о природных и культурных особенностях района; советы относительно одежды и поведения; детальные сведения географического и социально-политического характера; возможность общаться с местным населением (помимо коммерческих контактов). Гарантируется, что парки и получают входную плату в полном размере, а проживание в гостиницах – отвечает требованиям защиты местной экологии.

Экотуризм – это обычно больше, чем просто организованный выезд на природу. Он определяется как «целенаправленные путешествия в природные территории с целью глубокого понимания местной культуры и природной среды, которые не нарушают целостность экосистем, при этом делают охрану местных ресурсов выгодной для местных жителей».

Следует ли экотуризм всем этим высоким идеалам? Мартин Викельски из Принстонского университета говорит: «Экотуризм – один из основных

факторов, благодаря которым сохранились Галапагосские острова». В Руанде (Африка) благодаря экотуризму удалось спасти популяцию горных горилл и предоставлен местным жителям источников дохода в качестве альтернативы браконьерству. В других африканских странах заповедные зоны тоже поддерживаются за счёт туристов. Во всём мире экотуризм содействует природы и развитию общества. Индустрия туризма бесспорно выгодна. Но всегда ли туризм - это безусловное благо? Как будет развиваться международный туризм в будущем?

Развитие туризма может не только угрожать окружающей, но и создавать ряд других проблем. Давайте коротко рассмотрим некоторые из них, а также обсудим, какие в будущем откроются возможности для путешествия на нашей удивительной планете, для знакомства с чудесами природы и с главной драгоценностью Земли – доброжелательными людьми.

Огромный наплыв туристов создаёт сегодня множество проблем. «Из-за потока посетителей в Индии разрушается Тадж-Махал, - пишут Ликориш и Дженкинс. – По той же причиной под угрозой оказались египетские пирамиды». По мнению этих авторов, бесконтрольное развитие туризма приводит также к уничтожению или задержке роста растений: толпы туристов вытаптывают заповедные зоны. Кроме того, к исчезновению многих видов то, что туристы собирают редкие ракушки и кораллы или их на продажу несут местные жители.

Туристы загрязняют окружающую среду. По оценкам Программы ООН по окружающей среде, каждый турист ежедневно производит примерно один килограмм твёрдых отходов и мусора. Страдают даже самые отдалённые районы. В недавнем отчёте организации: «Рейнфорест Экши Нетуорк» говорилось: «На излюбленных туристических маршрутах в Гималаях вдоль тропинок разбросан мусор, и туристы уничтожают альпийские леса, добывая топливо для подогрева пищи или воды, чтобы подмыться».

К тому же туристы часто потребляют слишком много природных ресурсов, в ущерб местным жителям. Например, в книге «Туризм и экономика» Джеймс Мак пишет: «На Гренаде туристы расходуют в семь раз больше воды, чем местное население. На Гавайях туристы прямо или косвенно потребляют 40 процентов общего количества энергии, тогда как туристом там является каждый восьмой». («Tourism end the Economy»).

Хотя на поездки в развивающиеся страны туристы тратят большие деньги, лишь небольшая доля этих средств идёт на нужды местного населения. По оценкам всемирного банка, всего 45 процентов дохода от туристического бизнеса остаётся в принимающих странах – большая часть денег уходит обратно к заокеанским туроператорам и владельцам гостиниц. Относительно состоятельные западные туристы, которые приезжают в развивающиеся страны, могут в некоторой, а чаще в большей степени, пагубно влиять на местную культуру. Например, туристы часто перевозят с собой предметы роскоши. Для местных жителей это немыслимое богатство. У многих из них появляется желание пользоваться теми же благами, но они

могут себе такого позволить, не меняя традиционного уклада жизни. Это толкает их на антиобщественные поступки. Джеймс Мак назвал некоторые потенциальные проблемы. Он заметил, что рост туристического бизнеса может «вести к утрате культурной и национальной самобытности порождать конфликт среди коренного населения из-за использования земли и природных ресурсов, принадлежащих местным общинам, а также порождать преступность, проституцию и другие виды деструктивного поведения». Часто на курортах отдыхающие чувствуют себя более свободными и совершают поступки, которые никогда не позволили бы себе дома, в кругу семьи и друзей. Поэтому безнравственное поведение туристов стало серьезной проблемой. Наша изумительная планета – наш дом – полна настоящих чудес. Её украшают восхитительные закаты, звёздный небосвод и удивительно разнообразный мир растений и животный. Каждый уголок нашего земного дома красив по-своему. И всё же, как прекрасно, когда нам выдаётся возможность путешествовать и полюбоваться невиданным доселе чудесами природы. И даже восхищаясь великолепными ландшафтами, многие путешественники признаются, что самые яркие впечатления у них остались от знакомства с людьми других культур. Часто во время путешествий люди убеждаются: всё плохое, что они слышали о том или ином народе – неправда. Путешествие учат понимать людей других рас и культур и развивать драгоценные узы дружбы. Многие туристы усвоили важный урок: не богатство делает людей счастливыми. Гораздо ценные отношение с другими людьми, старая дружба и новые друзья. Сегодня не все имеют возможность путешествовать по миру. Измениться ли что-нибудь в будущем? Сможет ли путешествовать большинство людей, если не каждый?

Для более глубокого понимания сущности анализируемого понятия приведем 10 заповедей экотуриста, сформулированных специалистами Международной Организации Экотуризма:

1) помнить об уязвимости Земли;
2) оставлять только следы, уносить только фотографии, убивать только время;
3) познавать мир, в который попал: культуру народов, географию;
4) уважать местных жителей;
5) не покупать изделия производителей, подвергающих опасности окружающую среду;
6) всегда следовать только протоптанными тропами;
7) поддерживать программы по защите окружающей среды;
8) где возможно, использовать методы сохранения окружающей среды;
9) поддерживать (патронировать) организации, содействующие защите природы;
10) путешествовать с фирмами, поддерживающими принципы экотуризма.

Подводя итог всему сказанному выше, следует отметить, что туристский потенциал природных и природно-культурных резервов нашей Планеты поистине колоссален. Грамотное и в то же время нерасточительное

использование экотуристского потенциала заповедников и национальных парков – залог их дальнейшего успешного развития. Экотуристские перспективы национальных парков и заповедников мы видим в наиболее планомерном использовании их ресурсов, выражающемся, прежде всего, в проектировании и разработке экологических и эколого-культурных туристских маршрутов.

Список использованной литературы:

1. Данные по международному туризму. International Tourism Charter. URL: www.intertourceter.com (Дата обращения 23.02.2013).
2. Environmental signals (EEA) 2011. Environmental assessment report N 8. European Environment Agency, Copenhagen.
3. Каверина Т.П., Квартальнов В.А. Туризм как вид деятельности. – М.: РМАТ, 1996, с. 284.
4. Храбовченко В.В. Экологический туризм. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 208 с.

M.X.Xamitov – SamISI katta o`qituvchisi

TURIZM VA MEHMONXONA FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDA MARKETING STRATEGIYALARIDAN FOYDALANISH XUSUSIYATLARI

Annotatsiya: Ushbu maqolada milliy iqtisodiyotni rivojlantirishda turizm sohasining o`rni, turizm va mehmonxona faoliyatini rivojlantirishda marketing strategiyalaridan foydalanishning o`ziga xos xususiyatlari o`rganilgan.

Kalit so`zlar: turizm, iqtisodiyot, marketing, turistik mahsulot, turoperator, strategiya, marketing strategiyasi.

Аннотация: В статье исследуется роль туризма в развитии национальной экономики, особенности использования маркетинговых стратегий в развитии туризм и гостиничной деятельности.

Ключевые слова: туризм, экономика, маркетинг, туристический продукт, туроператор, стратегия, маркетинговая стратегия.

Abstract: The article examines the role of tourism in the development of the national economy, especially the use of marketing strategies in the development of tourism and hotel activities.

Keywords: tourism, economics, marketing, tourist product, tour operator, strategy, marketing strategy.

Turizm sohasida marketing faoliyati yalpi mahsulotni o‘rganishga qaratilgan. Bunda katta ahamiyatga turistik firmaning katta daromad olishi va iste’molchilar talabini yaxshiroq qondirish orasidagi zarur ta’minotini yaratib beruvchi axborot aloqalari bo‘ladi.

Turizm sohasida tadbirkorlik faoliyati, ko‘p jihatdan raqobatchilikni yuqori darajasi bilan bog‘liq. Firma aktivligi aniq indikatori sifatida, u ko‘plab marke-ting tavsiflarini belgilab beradi: sotish hajmi va sharoitlari, narxlar, reklama uslub-

lari, sotishni rag‘batlantirilishi. Bundan tashqari, raqobatchilar orasidagi o‘zaro munosabatlar orqali bozorda yuz berayotgan o‘zgarishlar tez va aniq namoyon bo‘ladi, chunki aynan raqobatchilik bozor jarayonlarining asosiy dvigatelidir. Shunday qilib, turistik firmalar bozorda taklif etilayotgan mahsulotlarni doimo yaxshilab borishi zarur. Mijozlar talablarini tez va maksimal darajada qondira oladigan mahsulotlarni taklif etuvchi turistik firma, katta daromad bilan taqdirlanadi.

O‘zbekiston turizm bozorida marketingni o‘ziga xos o‘rni shundaki, ko‘plab o‘zbek turistik operatorlari o‘z marketing tadbirlarini reklama kampaniyalarini o‘tkazish bilan cheklashadi. Ammo zamonaviy sharoitlarda turizm korxonasi daromadini oshirish uchun asos sifatidagi doimiy mijozlar sonini saqlab qolish va oshirish, faqatgina raqobatbardosh ustunliklar yaratilishi, mijozlarda aynan mazkur firma xizmatlarini olishdan manfaat uyg‘otish, hamda aniq va ravshan marketing dasturini yaratish lozim. Muvaffaqiyatga faqatgina marketing konsepsiyasini noan’anaviy ravishda, ijodiy qo‘llayotgan turistik firmalar erishishi mumkin, zero ular o‘zgarib borayotgan tashqi bozor sharoitlariga ko‘nikish yo‘llarini izlab, iste’molchilar bozoriga ta’sir o‘tkazish lozimligini unutishmaydi.

O‘zbekiston Respublikasida xorijiy fuqarolarga turistik xizmat ko‘rsatishning o‘sish tendensiyasi kuzatilmoqda, 2005 yilga nisbatan (330 ming) respublikamizda xorijiy fuqarolarga xizmat ko‘rsatish davlat tomonidan belgilangan chora-tadbirlarni hayotga tatbiq etilishi natijasida 2019 yilda 8,5 martaga (2793 ming) oshganligini ko‘rishimiz munkin (1-rasm). Bu holat kelajakda O‘zbekistonda kiruvchi va chiquvchi turizm bozori asosida turistik biznes nafaqat turizm industriyasi, balki milliy iqtisodiyotning turizmga turdosh bo‘lgan bir qator boshqa sohalarning rivojlanishini ham ta’minlaydi. Bu sohalarda hamda turistik infratuzilmaga tegishli korxonalarda yangi ishchi o‘rinlarining yaratilishiga yordam beradi.



1- rasm. O‘zbekiston Respublikasida xorijiy fuqarolarga xizmat ko‘rsatish hajmining 2005-2019 yillar davomida o‘sish dinamikasi[1]

[1]www.uzbektourism.uz

Bugungi kunda O‘zbekistonning turizm infratuzilmasi, turizm xizmatlari sifati va uning darajasi, shuningdek tarmoqni boshqarish tizimi globallashuv va keskin raqobat sharoitida zamonaviy talablarga mos kelmaydi. Turizmning mamlakat iqtisodiyotiga qo‘shayotgan hissasi, xizmat ko‘rsatishda servis darajasini rivojlantirish va aholini ish bilan ta’minlash jahondagi o‘rtacha ko‘rsatkichlardan ancha orqada qolmoqda.

Milliy iqtisodiyotdagi ushbu xolatni tartibga solish va xorijiy mamlakatlar tajribasidan keng foydalanish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoevning 2016 yil 2 dekabrdagi “O‘zbekiston Respublikasining turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qabul qilgan farmoni tarixiy ahamiyatga ega bo‘lib, iqtisodiyotda birinchi marotaba turizm sohasiga strategik sektor maqomini berilishi bilan ajralib turibdi va ushbu sohaning milliy iqtisodiyotdagi o‘rnini belgilovchi asosiy hujjatlardan biriga aylandi. Bunday yondashuv turizmni barcha hududlarini va o‘zaro bog‘liq tarmoqlarni kompleks ravishda jadal rivojlantirishning yetakchi kuchiga aylanishi lozim bo‘lgan iqtisodiyotni diversifikatsiyalash, tarkibiy o‘zgartirish va barqaror rivojlanishning qudratli vositasiga aylantirdi.

Hozirgi paytda turizm faoliyatini ravnaq toptirish 2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishlari bo‘yicha Harakatlar strategiyasining iqtisodiyotni rivojlantirish va liberallashtirishning ustuvor yo‘nalisharida ham o‘z aksini topgani bejiz emas. Zero bu soha besh yil ichida davlat siyosatida ustuvorlik kasb etadi.

Iqtisodiyotda barcha isloh qilish jarayoning boshlang‘ich nuqtasi strategiyani tanlab olishdan iboratdir. Bu g‘oyat mas’uliyatli va murakkab masala. Umumiy strategiyaga ega bo‘lmay, pirovard maqsadni ko‘rmay turib, iqtisodiy isloh qilishning ta’sirchan chora-tadbirlarini belgilab bo‘lmaydi.

Bugungi kunda har qanday firma odatda, bir necha marketing strategiyalarini qo‘llashi mumkin. Bu jarayonda zarur bozor sharoitlarini, xizmat ko‘rsatishni va boshqarishni tashkil etishga bo‘lgan talablarni va barqarorsizlik omillarini hisobga olish lozim bo‘ladi. Ushbu omillar bo‘yicha turli xil strategiyalar 1- jadvalda taqqoslangan.

1- jadval

Raqobat ustunligini belgilashda turli xil marketing strategiyalarini taqqoslash[1]

Strategiya	Ustunlik	Bozor sharoitlari	Ishlab chiqarish va boshqarishni tashkil etish	Barqarorsizlikka olib keluvchi omillar
Mahsulot tannarxini pasayishi	Sotuvlar hajmini o‘sishi, foydaning ko‘payishi, kirish to‘siqlarining o‘sishi, ta’mi-	Bozordagi katta ulush, mahsulotga narx bo‘yicha elastik talab, narx raqobati,	Ishlab chiqarishning optimal o‘lchami, yuqori darajadagi texnologik tayyorgarlik,	Texnologik yangiliklar, raqobatdoshlar tomonidan o‘xshatishlar, talabdagi

[1] Tuxliyev I.S. «Turizmda strategik marketing»: o‘quv qo‘llanma – S.: SamISI, 2010 – 138 b.

	not narxlari oshgandagi qo‘shimcha zaxiralar		mahsulot tannarxining qattiq nazorati	o‘zgarishlar, yangi mahsulotlar
Mahsulot differen-siatsiyasi	Sotuvlar hajmini o‘sishi, foydaning ko‘payishi, kirish to‘siqlarining o‘sishi, ta’minot narxlari oshgandagi qo‘-shimcha zaxiralar	Tovarning farqli tomonlari tushunarli va iste’molchilar tomonidan qadrlanadi, raqobat asosan narxga bog‘liq emas, differen-siatsiya strategiyasi tarmoqdagi kam sonli firmalar tomonidan qo‘llaniladi	Ishlab chiqarish egiluvchanligi-ning, yuqori darajadagi konstruktorlik tayyorgarligining mavjud-digi, tajriba-viy ishlab chiqarishning rivojlanishi, kuchli marketing xizmati	Tovar imidjini yaratishga yuqori harajatlar narxlar oshishi, raqobatdoshlar tomonidan o‘xshatishlar
Bozorni segmentlash	Sotuvlar hajmini o‘sishi, qushimcha foyda olish, muayyan segmentga majmuaviy xizmat ko‘rsatish	Aniq belgilangan iste’molchilargu ruhlari, raqobatdoshlar segmentlarda ixtisoslashuvda n foydalanmay-dilar	Egiluvchan ishlab chiqarish, ishlab chiqarishning mayda seriyalik turi	Analogik tovarlarga narxlarning pasayishi raqobatdoshlar segmentining bir qismigagina o‘z e’tiborini qaratadilar
Bozor ehtiyojlariga tezda javob qaytarish	Foydaning o‘sishi, mijozlar zaruriyatlarini hisobga oladigan korxona imidjini yaratish	Mahsulotga bo‘lgan talab noelastik, kirish va chiqish to‘siqlarining pastligi to‘siqlari, kam sonli raqobat-doshlar, bozor barqarorsizligi	Yuqori rentabelli va qisqa muddatli mahsulotlarga yo‘naltirilgan marketing xizmati	Yuqori umumiy harajatlar, tashqi muhit barqarorsizligi bankrot bo‘lish ehtimolining yuqoriligi

Sohani rivojlantirish strategiyasini tanlashda uni sohada yuzaga kelgan iste’mol tarkibiga etibor berish zarur bo‘ladi. Strategiyani tanlash deyilganda, iste’mol tarkibini istalgan yo‘nalishga o‘zgartirish uchun shart-sharoitlar yaratishda zarur bo‘lgan hatti-harakatlarni tanlash tushuniladi.

Turizm va mehmonxona faoliyatining raqobat ustunligini boshqarish uchun marketing strategiyasini shakllantirishda quyidagi masalalar taklif qilindi:

- mehmonxona va turistlarni joylashtirishning boshqa vositalaridagi xizmat ko‘rsatuvchi hodimlarning sohasi bo‘yicha malakasini oshirish;

- iqtisodiy bazaning asosi bo‘lgan sektorlardan investitsiyalarni faol jalb etish;
- turizm va mehmonxona xo‘jaligini rivojlantirishni qo‘llab-quvvatlashning dasturiy chora-tadbirlarini ishlab chiqish;
- turistik-rekreatsiya bozorining amal qilishi masalalariga mintaqaviy va mahalliy hokimiyat organlari rahbarlari e’tiborini oshirish va ular tomonidan takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar qabul qilish;
- ananaviy mehmondo‘stlik raqobatbardosh turistik mahsulot ishlab chiqishni va tashqi bozorga chiqarishni rag‘batlantirish;
- sog‘lomlashtirish va dam olish xizmatlarining yetishmasligi tufayli yangi, zamonaviy turizm sitilarini tashkil qilish.

G.R.Tursunova – SamISI, «Turizm» kafedrasi katta o‘qituvchisi

TURISTIK UYLARNING PAYDO BO‘LISH TARIXI VA RIVOJLANISHI

Annotasiya: Ushbu maqolada dunyoda turistik uylarning paydo bo‘lish tarixi va rivojlanishi, ularning ko‘rinishi va dizayni, turistik uylarning yaratuvchilari, ularning turlari va turistlar uchun mavjud sharoitlari, shuningdek, Class A, Class B va Class C kategoriyalari haqidagi ma’lumotlar batafsil yoritib berilgan.

Kalit so‘zlar: turistik uylar, Raymond Frank, Frank Motor Homes kompaniyasi, Germaniya, Buyuk Britaniya, AQSH va Kanada, yotoqxona, oshxona, yuvinish xonasi, Class A, Class B va Class C kategoriyalari.

Аннотация: В этой статье подробно рассказывается об истории и развитии туристических домов по всему миру, их внешнем виде и дизайне, о создателях туристических домов, их типах и условиях для туристов, а также о категориях Класса А, Класса В и Класса С.

Ключевые слова: туристические дома, Раймонд Франк, компании Frank Motor Homes, Германия, Великобритания, США и Канада, спальня, кухня, ванная, категории класса А, класса В и класса С.

Abstract: This article details the history and development of tourist houses around the world, their appearance and design, the creators of tourist houses, their types and conditions for tourists, as well as the categories of Class A, Class B and Class C.

Keywords: tourist houses, Raymond Frank, Frank Motor Homes company, Germany, UK, USA and Canada, bedroom, kitchen, bathroom, class A, class B and class C.

Turistik uylar – bir matorli, o‘z ichida turar joyi mavjud bo‘lgan o‘zi yurar avtoulovdir.

Turistik uylarning tarixi o‘tgan asrning 10 – 20 - yillariga to‘g‘ri keladi. Pierce – Arrow kompaniyasi birinchilardan bo‘lib, «Madison Square Garden» avto shousida The Touring Landau mashinasining namoyishini o‘tkazdi. Shu paytdan boshlab turistik uylarni ishlab chiqarish boshlandi. Turistik mashinalarni sayyohlar sotib ola boshladi va shu mashinalar orqali sayohat qilish rivojlana boshladi.

Birinchi jahon urushi boshlanganidan so‘ng, turistik uylarni ishlab chiqarish to‘xtab qoldi. 1950 – yillarda bir qator kompaniyalar tomonidan turistik uylarni

ishlab chiqarish qayta yo‘lga qo‘yildi. Shundan boshlab dezaynerlar ularning har xil ko‘rinishlarini taklif qila boshladi.

Raymond Frank bu mashinalarni birinchi bo‘lib «motorli mashina» deb atadi. U o‘zining oilasi uchun turistik uyni ishlab chiqardi va Floridaga sayohat qildi. 1960-yilgacha Franklar oilasi 7 ta shunday mashinalarni ishlab chiqardi va Frank Motor Homes kompaniyasiga asos soldi.

Tez orada boshqa kompaniyalar ham turistik uylarni ishlab chiqarishni kuchaytira boshladi. 1958 - yilda ularning taniqlisi «Winnebago» kompaniyasi John Hansonn tomonidan tashkil etildi. Hanson kompaniyasi «Biror narsaga ega bo‘lishning eng arzon yo‘li bu - uni o‘zing yaratishingdir» degan shior bilan ishlay boshladi. Shu tariqa turistik uylarni ishlab chiqarish rivojlana boshladi. John Honson kompaniyasi 1969 - yilda 23100 ta turistik uylarini sotgan bo‘lsa 2014 - yilda esa 43900 ta turistik uy sotildi.

Quyida dastlabki (1922 - yil Germaniya) turistik uylardan biri ko‘rsatilgan.



1-rasm. Dastlabki turistik uy, Germaniya

Hozirda turistik uylardan foydalanish Buyuk Britaniya, AQSH va Kanadada yaxshi rivojlangan. Hozirgi zamonaviy turistik uylarning ko‘rinishi va dizayni zamonaviylashib, qulay sharoitlar tashkil etilmoqda. Ularda yotoqxona, oshxona, yuvinish xonasi, hojatxona va boshqa qulayliklar yaratilgan.



2-rasm. Zamonaviy turistik uyning ko‘rinishi

Bundan tashqari ularning antiqa turlari ham mavjud:



3-rasm.Antiqa turistik uyning ko‘rinishi

Turistik uylarda sayohat qilish nisbatan arzonroqqa tushadi. Shuning uchun ham AQSH va Kanadaliklar aynan shu turni tanlaydilar. Turistik uylarning 3 ta kategoriyalari: Class A, Class B va Class C mavjud.

Class A. Eng hashamatli va qimmat bo‘lgan kategoriyadir. Bu classda barcha sharoitlar yaratilgan hamda mustahkam mexanizmga ega xonalari hech bir an’anaviy mehmonxonanikidan qolishmaydi. Tashqaridagi chiroyli manzaralar yaxshi ko‘rinishi uchun oynalari nisbatan kattaroq yasatilgan.

Class B. Ushbu klassdagi turistik uylar ko‘pincha o‘rta hollar uchun taqdim etiladi. Bunda 2 o‘rinli yotoq va birlamchi ehtiyojlar uchun sharoitlar tashkil etilgan.

Class C. Bu klassdagi sharoitlar qolgan klasslardan ancha farq qiladi. A va B klassga qaraganda xonalarning o‘lchami, undagi qulayliklar, xonalarning soni va boshqa jihatlari bilan farqlanadi. Bunday klasslarni tanlash ancha arzonga tushadi. Unda deyarli qo‘shimcha xizmatlar mavjud bo‘lmaydi va faqatgina birlamchi ehtiyojlarni qondirish imkoni mavjud.

Bu kabi turistik uylarning tashkil etilishi dunyoda turizm sohasining rivojlanishiga hamda turli kategoriyadagi turistlar sonining ortishiga olib keladi.

A.H.Hamdamov – SamDU, Raqamli iqtisodiyot kafedrasi stajor-tadqiqotchisi

TURIZM SOHASINI RIVOJLANTIRISHDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNING AHAMIYATI VA ROLI

Annotatsiya: Maqolada turizm sohasini takomillashtirishda raqamli texnologiyalarning qanchalik ahamiyatga ega ekanligi ta’kidlab o‘tilgan. Ayniqsa, bu soha uchun yaratilgan imtiyoz va preferentsiyalardan foydalanish samaradorligini baholash dolzarb ahamiyat kasb etuvchi mavzulardan biri ekanligi yoritib berilgan.

Kalit so‘zlar: Turizm sohasi, raqamli texnologiyalar, raqamlashtirish tizimi, axborot texnologiyalari, Start-Up, raqamli iqtisodiyot.

Аннотация: В статье подчеркивается важность цифровых технологий в совершенствовании туристической индустрии. В частности, подчеркивается, что

оценка эффективности использования льгот и преференций, созданных для данной области, является одной из важнейших тем.

Ключевые слова: Туризм, цифровые технологии, система оцифровки, информационные технологии, Start-Up, цифровая экономика.

Abstract: The article highlights the importance of digital technologies in improving the tourism industry. In particular, it is highlighted that the evaluation of the effectiveness of the use of privileges and preferences created for this area is one of the most important topics.

Keywords: Tourism, digital technologies, digitization system, information technology, Start-Up, digital economy.

Hozirgi kunda zamonaviy axborot texnologiyalarisiz hech bir sohani tasavvur etib bo‘lmaydi. Shu sababli axborot texnologiyalarining o‘rni iqtisodiyotning muhim tarmog‘i sanalgan turizm sohasida ham beqiyos hisoblanadi. Axborot almashinuvlar bir joyda to‘xtab turmasdan muntazam takomillashgani sayin, tabiiyki, sohaning qonunchilik asoslari ham mustahkamlanib boraveradi. Davlatimiz prezidentining 2017 yil 30 iyundagi “Respublika axborot texnologiyalari sohasini rivojlantirish uchun shart-sharoitlarni tubdan yaxshilash chora-tadbirlari” to‘g‘risidagi PF-5099 sonli Farmoni, 2018 yil 19 fevraldagi “Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalari sohasini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni ana shunday shiddatli davr talabiga hamohang ravishda o‘z vaqtida qabul qilingan hujjat ekani bilan g‘oyat ahamiyatlidir. Davlatimiz rahbarining Oliy Majlisga Murojaatnomasida iqtisodiy-ijtimoiy hayotning barcha sohalariga raqamli texnologiyalarni keng joriy etish eng ustuvor vazifa sifatida belgilanib, 2020-yil «Ilm, ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili» deb e’lon qilingan edi. Boshlangan ishlarning mantiqiy davomi sifatida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining **«Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida»**gi qarori qabul qilindi.

2020 yil 28 aprel kuni Prezidentimizning “**Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida**”gi qarori qabul qilindi. Unga ko‘ra, 2023 yilga borib raqamli iqtisodiyotning mamlakat yalpi ichki mahsulotidagi ulushini **2 baravar** va ushbu sohadagi xizmatlar hajmini **3 baravar** oshirish hamda ularning eksportini **100 million AQSh dollariga** yetkazish nazarda tutilgan[1].

O‘zbekistonda rivojlanish uchun katta ahamiyatga ega bo‘lgan sohalarda raqamli texnologiyalarini keng joriy etishga alohida e’tibor qaratilmoqda. Bu ro‘yxatda turizm sohasi muhim o‘rin tutadi. Shu bois, turizm xizmatlarini yangi bosqichga chiqarishga xizmat qiluvchi **24 ta loyihani** ro‘yobga chiqarish mo‘ljallanyapti. Aytish kerakki, turizm xizmatlariga raqamli texnologiyalarni joriy etish bo‘yicha muammolar, tezkor hal etish zarur bo‘lgan masalalar oz emas.

Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izchil rivojlanishining muhim omillaridan biri ham bozor ishtirokchilariga munosib sharoitlar yaratib berishdir.

[1] www.lex.uz – O’zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi.

Bugungi kunda turizm soha mutaxassislariga sharoit yaratish, IT tadbirkorlikni, ayniqsa, AKT sohasida Start-Up loyihalarni rivojlantirish boʻyicha koʻplab ishlar amalga oshirilmoqda.

Shu maqsadda Dasturiy mahsulotlar va axborot texnologiyalari texnologik parki barpo etildi. Ayni paytda toʻrt ming nafar mutaxassis faoliyat yuritayotgan **392 ta** tashkilot IT-parkning rezidentlari hisoblanadi.

Raqamli texnologiyalar aholi uchun muhim afzalliklar hamda qulay onlayn davlat xizmatlarini koʻrsatish boʻyicha dolzarb vazifalarni bajarish zarurdir.

Aholi va tadbirkorlik subʼektlarining davlat organlari bilan kontaktsiz aloqa shakllarini yanada rivojlantirish maqsadida **Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali** ishlab chiqildi[1].

Bugungi kunda Yagona portal orqali 176 tadan ortiq elektron davlat xizmati taqdim etilmoqda.

Tadbirkorlarning, shu jumladan, chet el investorlari murojaatlari bilan ishlashni tashkil etish sifati va tezkorligini oshirish, ular bilan ochiq va toʻgʻridan-toʻgʻri muloqotni taʼminlash, ularning qonuniy talablarini amaliy va samarali roʻyobga chiqarish va muammoli masalalarini hal etish maqsadida **Bosh vazirning tadbirkorlar murojaatlarini koʻrib chiqish virtual qabulxonasi** “business.gov.uz” portali ishga tushirildi.

Oʻzbekiston aholisining 60 foizi yoshlar boʻlib, ularni zamonaviy axborot texnologiyalariga keng jalb qilish, dasturiy mahsulot yaratish va autsorsing xizmatlarini koʻrsatishga koʻmaklashish orqali ish bilan taʼminlash muhim vazifalardan hisoblanadi.

Bu borada axborot kommunikatsiya texnologiyalari hamda turizm sohasi uchun kadrlar tayyorlashda qanday choralar koʻrilmoqda?

Raqamli texnologiyalar oʻquv markazi tashkil etilib, yangi ish oʻrinlari yaratildi. Bundan tashqari, Toshkent shahridagi Amiti Universiteti tashkil etildi. Jahon tajribasi koʻrsatmoqdaki, axborot texnologiyalari sohasidagi yuksak maqsadlarga zamonaviy dasturchilar tayyorlash jarayonini jadallashtirish orqali erishish mumkin. Shuning uchun mavjud boʻshliqni toʻldirish maqsadida “Bir million dasturchi” loyihasi ishga tushirilgan.

Shu maqsadda yurtimiz boʻylab aholi va yoshlar uchun raqamli texnologiya oʻquv markazlari tashkil qilingan. Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi tomonidan barcha hududlarda raqamli texnologiyalar boʻyicha kamida **100 ta oʻquv markazini** ochish rejalashtirilmoqda. Bu dargohlarda dasturlash asoslari, elektron savdo va grafikli dizayn kabi yoʻnalishlar boʻyicha qisqa muddatli oʻquv kurslari yoʻlga qoʻyiladi.

Muhim yangiliklardan yana biri, endi Axborot texnologiyalari va kommuni-katsiyalarini rivojlantirish vazirligi tizimidagi IT-parkning tumanlardagi filiallari tomonidan har bir tuman va shaharda axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini chuqurlashtirib oʻqitishga ixtisoslashtirilgan maktablar tashkil etiladi.

Mamlakatimizdagi **200 dan ortiq** shahar va tumanda bittadan maktab tanlab olinib, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sohasiga ixtisoslashtiriladi.

[1] https://my.gov.uz

Ushbu maktablar tuman va shaharlardagi boshqa maktablar uchun axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sohasida tayanch baza vazifasini o‘taydi. Informatika o‘qituvchilarining malakasini oshirish, hamkorlikda yangi loyihalar ustida ish borishni yo‘lga qo‘yadi.

Xulosa o‘rnida aytish mumkinki, bu kabi yirik loyihalarga start berilgani Ilm, ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yilida raqamli texnologiyalarning turizm sohasi uchun qolaversa, hayotimizdagi o‘rni va rolini, ularning yurtimiz bo‘ylab qamrovini jadal sur’atda oshiradi.

Turizm sohasi bilan raqamli tehnologiyalari tizimi muntazam rivojlanyapti, keng ko‘lamli va kompleks loyihalar amaliyotga joriy etilmoqda. Shu bilan birga, hali oldimizda bajaralishi zarur bo‘lgan muhim vazifalar turibdi.

Zero, O‘zbekistonning taraqqiyoti raqamli texnologiyalarning barcha soha va tarmoqlarga joriy etilishi va qo‘llanishiga uzviy bog‘liqdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yhati

1. A.Hamdamov, B.Beknazarov, D.Rahmonova – “Raqamli iqtisodiyot: biznesda yangi imkoniyatlar”. “Servis” ilmiy-amaliy jurnal №2 2020 yil.
2. А.Х.Хамдамов – “Инфраструктура цивровой экономики”. Национальные экономические системы в контексте формирования глобального экономического пространства. Сборник научных трудов. Симферополь ИТ «АРИАЛ» 2020 г.
3. www.lex.uz – O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi.
4. **http://mitc.uz –** O`zbekiston Respublikasi Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi

С.З. Усманова– Тошкент молия институти мустақил изланувчиси

ТУРИЗМДА ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ТАШКИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: ушбу мақола туризм соҳасида инвестиция фаолиятини режалаштиришга бағишланган бўлиб, асосий эътибор инвестиция фаолиятини амалга оширишда муҳим бўлган молиявий ресурсларни жамлашга қаратилган. Шунингдек, ушбу соҳадаги инвестиция лойиҳалари бўйича хам таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: туризм, туризм соҳаси, туристик ташкилот, банк кредити, инвестиция, инвестиция лойиҳалари, молиявий маблағларнинг сарфланиши, молиявий ресурслар, молиявий риск, туризмни молиялаштириш.

Аннотация: Данная статья посвящена на планирование инвестиционной деятельности туризма и главное внимание обращено на комплектование финансовых ресурсов, которое важно при внедрении инвестиционной деятельности. Также предложены инвестиционные проекты в данной области.

Ключевые слова: туризм, сфера туризма, туристская организация, банковский кредит, инвестиция, инвестиционный проект, притока денежных средств, финансовые ресурсы, финансовый риск, финансирование туризма.

Abstract: This article is devoted to planning on investment functioning of tourism and the main attention is focused on completion of financial resources which are important when introducing investment functioning. As well, investment projects are proposed in this area.

Keywords: tourism, the sphere of tourism, touristic organization, bank credit (loan), investment, investment project, inflow of money resources, financial resources, financial risk, financing tourism.

Агар янги ташкил этилган ёки фаолият кўрсатаётган туристик корхоналар инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлса, бизнес-режада қўшимча "инвестицияларни режалаштириш" бўлими киритилади. Туризм бизнесида инвестиция лойиҳаларини қуйидаги 1-чизмада кўрсатилган гуруҳларга бўлиш мумкин.



1- чизма. Туризмда инновацион лойиҳалар

Табиийки, бу рўйхат жуда тахминий ва тўлиқ эмас. Туристик корхоналарнинг аниқ амалиётида инвестиция билан боғлиқ бошқа вазифалар

вужудга келиши мумкин.

Жаҳон сайёҳлик саноатининг ривожланиш тажрибаси шуни кўрсатадики, сайёҳлик компанияларида инвестиция фаолиятини амалга ошириш аксарият ҳолларда муҳим молиявий ресурсларни жамлашни талаб қилади. Шунинг учун уни амалга оширишнинг барча босқичларида, шу жумладан, лойиҳани ишлаб чиқиш, техник-иқтисодий асослаш, қурилиш ва қайта тиклаш босқичларида, инвестиция портфелини шакллантириш ва бошқа кўплаб лойиҳа иштирокчиларининг бўлишини назарда тутади.

Амалиёт, шунингдек, инвестиция капитали чиқимларни қоплаш жиҳатидан энг юқори натижалар рақобатбардош яхлит туризм маҳсулотни шакллантиришда эришилади, деб кўрсатади. Бу, ўз навбатида, туризм хизматларини ишлаб чиқариш ва сотишнинг барча босқичларида ривожланган инфратузилма ва ихтисослашув мавжудлигини назарда тутади.

Жаҳон амалиёти учун туризм инвестициялари анъанавий манбалари орасида қуйидагиларни қайд этамиз:

-туристик объектни қуриш ёки қайта тиклаш билан шуғулланадиган корхоналарнинг устав капиталини тўлдириш;

-иштирокчи корхоналар активларини сотиш, кейинчалик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун маблағ сарфлаш;

-туризм объектининг молиявий-хўжалик фаолияти натижасида олинган маблағларни қайта инвестициялаш;

-ихтисослаштирилган инвестиция фондлари ва компаниялари томонидан маблағларни жамлаш,

-облигацияларни жойлаштириш;

-банклар ва бошқа молиявий тузилмалардан қарз маблағларини жалб қилиш;

-лойиҳа иштирокчиларидан қарз маблағларини жалб қилиш;

-турли даражадаги бюджетлардан маблағларни жалб қилиш.

Юқорида келтирилган молиялаштириш манбаларининг барчаси мамлакатимизда мавжуд, аммо уларнинг ҳар бирининг туризм соҳасини ривожлантиришдаги аҳамияти ва ўрни чет элда қабул қилинганлардан фарқ қилиши мумкин.

Умуман, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

- ўз маблағлари;
- қарз маблағлари:
- мақсадли бюджетни молиялаштириш;
- бошқа манбалар (хорижий фондлар, хайрия фондлари ва бошқалар.)

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун қарз капиталининг энг яхшиси фоизсиз кредит бўлиб, молиялаштиришнинг бу шакли фақат лойиҳа иштирокчиларининг қарз маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Корхонанинг ҳуқуқий шакли унга рухсат берса, облигация кредитини тарқатиш йўли билан ҳам худди шундай натижага эришиш мумкин.

Инвесторни жалб қилиш шаклларидан бири унга инвестиция бадали

миқдорига мос келадиган сайёҳлик корхонасининг акциялари (улушлари) ёки имтиёзли шартларда акциялар пакетини сотишдан иборат.

Инвесторни жалб қилиш инвестиция лойиҳасида ҳисобга олинган бошқа шартлар асосида ҳам амалга оширилиши мумкин:

- келажакдаги фойда улуши;
- лойиҳа амалга оширилгандан кейин умумий мулк ҳуқуқи;
- туристик хизматларни имтиёзли тақдим этиш;
- жой квоталари (туристик турар жойларни қуриш пайтида) ва бошқалар.

Йирик инвестиция лойиҳалари учун ўз маблағларини тезроқ тўплаш учун янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ тезлаштирилган амортизация тамойилидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Иштирокчилар фойдаси ёки акциядорларнинг дивидендлари инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ҳам ишлатилиши мумкин.

Инвестиция лойиҳасини молиялаштиришнинг энг муҳим манбаларидан бири банк кредити ҳисобланади. Шубҳасиз, ҳар бир аниқ ҳолатда, қаттиқроқ кредитлаш шартларига фақат бошқа юмшоқроқ молиялаштириш шаклларини олиш имкониятлари тугагандан кейингина мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Инвестиция лойиҳасини молиялаштириш манбаи сифатида кредитдан фойдаланган ҳолда, кредитнинг муайян шаклига - инвестиция, лизинг ёки ипотекага мурожаат қилиш имконияти ўртасида танлов ўтказиш керак.

Ҳар қандай инвестиция лойиҳасини амалга ошириш у ёки бу даражадаги риск билан боғлиқ. Ўзбекистонда замонавий шароитларда инвестицион риск даражаси ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларга қараганда анча юқори.

Шу муносабат билан, сайёҳлик компаниясининг бизнес-режасини ишлаб чиқишда сармояларни режалаштиришда, кўплаб ноаниқликлар шароитида лойиҳаларнинг тижорий самарадорлигини ҳисоблашнинг аҳамияти беқиёс даражада ошади.

Инвестицион лойиҳанинг тижорат мақсадга мувофиқлигини баҳолашдан олдин танланган вақт оралиғида асосий ноаниқлик омиллари хатти-ҳаракатлари динамикасини ўрганиш керак. Бу сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий беқарорлик, инвестиция бозори нархлари таркибидаги ўзгаришларнинг салбий башорат қилиниши, инвесторларнинг манфаатлари етарли даражада ҳуқуқий ҳимояланмаганлиги, меъёрий-ҳуқуқий базадаги ўзгаришларнинг олдиндан айтиб бўлмаслиги ва ҳк. каби ноаниқликларни ҳисобга олган ҳолда вазиятни таҳминий башоратлашни амалга ошириш учун муҳимдир.

Инвестициялаш вазифаларининг асосий бошланғич маълумотлари ва шартларига қуйидагилар киради:

- бутун лойиҳани амалга ошириш даври учун инфляция башорати;
- барқарор пул бирлигини танлаш;
- "лойиҳанинг ҳаёти" муддатини аниқлаш";

- вақт бўйича молиявий харажатлар (лойиҳани кредитлаш жадвали);

- кредит бўйича фоизлар миқдори ва кредитни қайтариш жадвали;

- лойиҳани амалга ошириш учун айланма маблағларнинг қийматини аниқлаш;

- лойиҳани амалга оширишдан мумкин бўлган даромадлар;

- умумий харажатлар;

- солиқлар, мажбурий тўловлар ва йиғимлар;

- кутилмаган харажатлар учун молиявий маблағлар заҳирасининг миқдори ва бошқалар.

Инвестиция вазифасининг натижаси сифатида лойиҳани амалга оширишнинг қисқа муддатларида юқори фойда олиш мумкин. Агар юқорида санаб ўтилган дастлабки маълумотлар ва шартлар мавжуд бўлса, инвестицион режалаштириш жараёнини амалга ошириш мумкин бўлади. Бунинг учун пул оқимлари режаси, сайёҳлик корхонасининг фойда ва зарар режаси ҳамда баланс жадвалидан фойдаланамиз.

Молиявий режани ишлаб чиқишда барча ишлар реал вақтда амалга оширилади ва ҳақиқий (эришилган) кўрсаткичларни режалаштирилган кўрсаткичлар билан солиштиришга асосланган.

Ахборотнинг асосий манбаи сифатида жорий ишлаб чиқариш ва молиявий ҳисобот шакллари намоён бўлади. Инвестиция лойиҳаларини баҳолашда, айниқса унинг тижорат жозибадорлиги шароитида, бухгалтерия ҳисоботи ва ҳисобот шакллари юзага келадиган ва келажакда кутилаётган жараёнларни етарли даражада тавсифлаш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этмайди.

Туризм соҳаси корхоналарида олиб бориладиган тадқиқотлар, молиявий ва инвестицияларни режалаштириш қуйидаги хулосалар ва таклифларни шакллантиришга имкон беради:

1. Туризм корхоналарининг молиявий фаолияти натижалари бозор шароитидаги ўзгаришга жуда сезгир. Молиявий режалаштириш ва инвестицияларни режалаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш, шунингдек умуман бизнес-режани шакллантириш бу бозор шароитида сайёҳлик компаниясининг ишлаши ва ривожланиши учун зарур талабдир.

2. Сайёҳлик корхоналарининг молиявий ва инвестицион режалаштиришида бошқа тармоқлар корхоналарида (пул оқимлари режаси, фойда ва зарар режаси, баланс жадвали) режалаштирилганда бир хил шакл ва кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, ушбу шаклларни туризм саноати корхоналарида тайёрлашда ушбу корхоналарнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи бир қатор омиллар ҳисобга олиниши керак.

IV ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГНИ ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

И.Э. Турсунов– ҚарМИИ “Бизнес ва инновацион менежмент” кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент,
А.Н. Тўхтаев– Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти магистранти

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА ЗАМОНАВИЙ РАҲБАРНИНГ ЛИДЕРЛИК САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ

Аннотация: Бугунги кунда рақамли иқтисодиётни турли соҳаларга кириб келиши биринчи навбатда хўжалик юритишда замонавий ахборот-коммуникацион ва рақамли технологияларни кенг тарғиб этиш билан боғлиқ. Хизмат кўрсатиш соҳасида замонавий раҳбарнинг лидерлик салоҳиятини оширишга янги ахборот-коммуникация ресурсларидан фойдаланиш, ИСО-сифат менежменти, CPM-мижозларни бошқариш, ЭРП-ресурсларни бошқариш ва бошқа асосланган янги бошқарув усулларини жорий этиш ижобий таъсирини ўтказади.

Калит сўзлар: Рақамли иқтисодиёт, ахборот-коммуникация, рақамли технология, лидерлик, ИСО-сифат менежменти, CPM-мижозларни бошқариш, ЭРП-ресурсларни бошқариш.

Аннотация: Сущность цифровой экономики заключается в использовании современных информационно-коммуникационных и цифровых технологий в хозяйственной деятельности. Использование новых информационных и коммуникационных ресурсов для повышения лидерского потенциала современного лидера сферы услуг. Внедрение новых методов управления на основе ISO-менеджмента качества, CRM-управления клиентами, ERP-управления ресурсами и других будет иметь положительное влияние.

Ключевые слова Цифровая экономика, информация и связь, цифровые технологии, лидерство, ISO-менеджмент качества, CRM-управление клиентами, ERP-управление ресурсами.

Abstract: The essence of the digital economy lies in the use of modern information, communication and digital technologies in economic activities. Using new information and communication resources to increase the leadership potential of a modern leader in the service sector. The introduction of new management methods based on ISO quality management, CRM customer management, ERP resource management and others will have a positive impact.

Keywords: Digital economy, information and communication, digital technologies, leadership, ISO quality management, CRM customer management, ERP resource management.

Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва

либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” бўлимида Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, хизматларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш назарда тутилганлиги хизматлар соҳасида бошқарув ҳисобини тўғри ва аниқ ташкил этишни тақозо этади[1].

Рақамли иқтисодиёт шароитида замонавий хизматлар бозори учун нафақат ўсиш тенденцияси, балки моддий ишлаб чиқариш маҳсулотига нисбатан илдам ривожланиб бораётган ҳамда хизматлар диверсификациясини тобора кенгайиб бораётганлиги билан аҳамиятлидир. Сўнгги ўн йилликда компьютер ахборот технологиялари ва телекоммуникация соҳасида ўнлаб янги хизматлар вужудга келди. Умуман олганда хизматлар бозорида махсус иқтисодий, техник, муҳандислик ва бошқа шу каби билимлар воситасида илмий асосланган хизматлар салмоқли улушга эга бўлиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда хизматлар соҳасида инновацион бошқарув стратегияларини ишлаб чиқишда рақамли иқтисодиётни татбиқ этиш борасидаги муаммолар бўйича назарий ишланмалар ва амалий тавсиялар етарли даражада татбиқ этилмаган. Бунда хизматлар соҳаси фаолияти бошқа соҳалар ва хўжалик тармоқларидан кескин фарқ қилувчи бир қатор хусусиятларга эга бўлиб, улар ўз навбатида мазкур соҳа корхона ва ташкилотларида бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва такомиллаштиришга ўз таъсирини кўрсатади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасининг алоҳида аҳамиятга эга бўлиши ва бозор иқтисодиётини шакллантириш нуқтаи назаридан унинг ЯИМдаги улушини ошириш зарурати бир қатор шартлар билан белгилаанади, жумладан хизмат кўрсатиш соҳасининг кенгайиши ва ривожланиши барқарор иқтисодий ўсиш ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради айниқса, иқтисодиётнинг юқори технологияли тармоқларида хизматларнинг ўсиши муҳим рол ўйнайди.

Лидер сўзи инглизча “Leader” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “етакловчи” деган маънони билдиради. Бу тушунча остида биргаликдаги фаолиятни ривожлантириш мақсадида бошқаларга таъсир этишга қобилиятли шахс назарда тутилади. Унинг бу қобилияти ушбу уюшманинг манфаатларини қондиришга қаратилган бўлади. Лидерлик тушунчаси сиёсатшунослик, психология, социология, менежмент ҳамда инсон ва жамият ҳақидаги бошқа бир қатор фанларда кенг тарқалган. Бу феноменга кенг тармоқдаги назарий ва эмпирик тадқиқотлар бағишланган. Лидерликни ўрганиш бевосита прагматик йўналишга эга.

Биринчи навбатда, у эффектив бошқарувнинг услубларини ишлаб чи-

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони.

қишга, шу билан бирга, лидерларни танлаб олишга хизмат қилади. Ғарб давлатларида турли хилдаги инновацион стратегияларни амалга оширишга қаратилган психометрик ва социометрик тест ва методикалар ишлаб чиқилган ҳамда улар амалиётда муваффақиятли қўлланилиб келинмоқда.

Айтиш мумкинки, бошқаларга таъсир ўтказаётган ҳар қандай инсон лидер бўла олиши мумкин ва гуруҳнинг ҳар бир аъзоси лидерлик потенциалига эга. Аммо инсон лидер сифатида тан олиниши учун нафақат бошқаларга шунчаки таъсир ўтказади, балки у ўзидаги маълум бир хусусиятлар орқали уларда ўзига нисбатан ишонч туғдира олади.

Хизматлар соҳасида замонавий раҳбарнинг лидерлик салоҳиятини ошириш, уларнинг лидерлик қобилиятларини шакллантиришга бўлган эътибор биринчи навбатда жамиятда ўз ўрнини топа оладиган, жамоада бирдамлик руҳини кучайтира оладиган ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошира оладиган раҳбарларни тайёрлашдан иборатдир.

Шу боисдан лидерликни шакллантириш муаммосини чуқур тадқиқ этиш бизнинг давлатимизда ҳам асосий вазифалардан бири сифатида муҳим аҳамият касб этади. Чунки лидерлик муаммосини ўрганиш замонавий раҳбарлик фаолиятини ташкиллаштириш, лидерликни танлаш ва шакллантириш методикаларини ишлаб чиқиш учун зарур ҳисобланади.

Раҳбар расмий йўл билан тайинланади, лидер норасмий йўл билан кўтарилади. Раҳбарга қонун томонидан ҳуқуқ ва ваколатлар берилган, лидер бундай ҳуқуқ ва ваколатга эга эмас. Раҳбар гуруҳ манфаатларини гуруҳлараро муносабатлар тизимида намоён қилади, лидер фаолияти гуруҳнинг ички фаолияти билан чекланган. Раҳбар гуруҳ фаолияти учун қонун олдида жавоб беради, лидерда бундай масъулият йўқ.

Лидерлик кичик гуруҳдаги динамик жараёнларга тааллуқли бўлиб, гуруҳдаги бўйсуниш ва ҳукмронлик муносабатларини акс эттирувчи тушунчадир. Лидерлик айни пайтда объектив (конкрет вазиятда гуруҳнинг мақсад ва вазифалари), субъектив (гуруҳ аъзоларининг индивидуал типологик хусусиятлари, қизиқишлари, эҳтиёжлари), шунингдек, лидернинг гуруҳ фаолиятининг ташаббускори ва ташкилотчиси сифатидаги ҳаракатлари омилларига боғлиқдир. Лидерлик роли назариясига кўра алоҳида ролни қабул қилишдир. Иккита бир-биридан сезиларли фарқ қиладиган лидерлик роли мавжуд.

Биринчиси – профессионал роли, бажарилаётган иш юзасидан лидер томонидан билдирилаётган ва пайдо бўлган муаммони ҳал қилишга мўлжалланган таклиф ва фикрлар.

Иккинчиси –«ижтимоий-эмоционал мутахассис» роли, шахслараро муносабатлардаги муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган лидерлик.

Интерактив назарияга биноан ҳар қандай гуруҳда лидерликни ким зиммасига олишини башорат қилиш мумкин. Бунинг учун гуруҳ аъзолари тавсифномаси, вужудга келган вазият, бажарилаётган вазифа, шунингдек, лидерликка номзоднинг индивидуал психологик хусусиятларини ўрганиб, ҳисобга олиш керак.

Синтетик ёки комплекс назария тарафдорларининг таъкидлашича, лидерлик шахслараро муносабатларни ташкил қилиш жараёнидир, лидер эса бу жараённи бошқариш субъектидир. Лидерлик гуруҳ функциясидир, уни гуруҳ мақсадлари ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш керак. Синтетик модель лидерлик жараёнининг учта асосий қисмига эътиборни қаратади: лидер, эргашувчилар ва вазият. Лидер ҳеч қачон ёлғиз бўлмайди, у гуруҳ аъзоларини у ёки бу ҳаракатга чорлайди, гуруҳ аъзоларининг психологияси, кайфиятлари, интилишлари, қизиқишларини ҳаммадан ҳам яхши билади, улар ичида энг ташаббускоридир.Турли хил лидерлар мавжуд:

Интеллектуал лидер – гуруҳ аъзолари ичида энг билағони, ақл ўргатувчи, топқир.

Эмоционал лидер – гуруҳ ичида энг ҳазилкаш, дилгир, хушчақчақ, кўнгил сўровчи, ўзгаларни тушуна оладиган.

Иродавий лидер – гуруҳни иш-фаолиятга чорлай оладиган, дадил,қатъиятли, иродали.

Улар вазият талабига кўра пайдо бўладилар ҳамда болалар онгида ўз сифатларига кўра обрў қозонадилар. Лидер сифатлари яхши ва ёмон бўлиши мумкин. Гуруҳ лидерга эргашганда, уни ибрат сифатида танқидсиз қабул қилади ва барча ишларига эргашади. Масалан: лидер дарсдан қочамиз деса, унга эргашганлар дарсни ташлаб кетадилар. Шунинг учун синф раҳбари синфдаги расмий лидерлар билан бирга, норасмий лидерларни ҳам аниқлаб, улар билан ҳамкорликда ишлаши зарур, ўқитувчининг бошқариш маҳорати унинг норасмий лидерлар билан ишлаш усулидир. Ҳозирги кунга қадар лидерлик тўғрисида, асосан, учта назария мавжуд:

- харизматик назария;
- вазиятга боғлиқлик назарияси;
- синтетик назария.

Биринчиси “лидерлик сифатлари назарияси” бу харизматик назария ҳисобланади. Унинг моҳияти шуки, ҳамма ҳам лидер бўла олмайди, айрим шахсларда шундай сифатлар йиғиндиси туғма мавжуд бўлиб, улар унинг гуруҳда лидер бўлишини таъминлайди. Масалан, 1940 йилда америкалик К.Берд 79 сифатдан иборат бўлган лидерлик қирралари рўйхатини тузди. Бу рўйхатда, жумладан, ташаббускорлик, мулоқотга кириша олиш, юмор ҳиси, ўзига ишонч, тез ва аниқ қарорлар қабул қила олиш, ташкилотчилик каби сифатлар бор эди. Лекин бу назариянинг хатолиги шунда эдики, биринчидан, у юқоридаги сифатлар қандай қилиб намоён бўлади-ю, қандай шаклланишини тушунтириб бера олмади, иккинчидан, сўроқлар мобайнида бирорта сифат ҳам мутлақ кўп марта қайд этилмади.

Иккинчи назария лидерликнинг вазиятга боғлиқлиги назариясидир. Бу ердаги асосий ғоя “Лидер – вазиятнинг маҳсули”деган ғоядир. Ҳар бир одамда лидерлик сифатлари бор, лекин айрим вазиятлар айрим шахсларнинг ўзларини кўрсатишлари, лидер бўлишлари учун қулай ҳисобланади.

Юқоридаги икки назарияни танқид қилиш натижасида пайдо бўлган

учинчи назария лидерликнинг синтетик назариясидир. Бу назариялидерни гуруҳий муносабатларнинг бевосита маҳсули деб қарайди, лидернинг руёбга чиқишида гуруҳнинг бирламчи ролини илгари суради.

Демак, бугунги жамиятимизда кучли инновациялар юз бераётган бир шароитда хизматлар соҳасида замонавий раҳбарнинг лидерлик салоҳиятини ошириш, чинакам лидерлик сифатларига эга бўлган раҳбарларни шакллантириш, улардаги қобилиятларни ривожлантириш ва жамият тараққиётига ҳиссасини қўшишига имкон яратишда менежмент доирасидаги янгиликлар, раҳбар-кадрларни стратегик бошқарувга тайёрлаш масалаларининг ўрганилиши энг долзарб муаммолардан бири саналади.

УДК:004.9

М.П.Цой – HhD, доцент, Джизакский политехнический институт,
З.М. Муродов– магистрант, Джизакский политехнический институт

КОРПОРАТИВНОЕ УПРАВЛЕНИЕ И ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА – СОСТОЯНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация: Рассматриваются вопросы взаимосвязи корпоративного управления и требований, которые предъявляет к бизнесу цифровизация, как один из мощных факторов роста экономики. Развитие цифровой экономики означает вступление страны в новую эру развития, открывает неограниченные возможности для демократического развития общества, совершенствования управления страной и экономикой. В современных условиях возникает необходимость пересмотра инструментов и технологий корпоративного управления, учитывая современные тенденции цифровизации, используя разумное соотношение требования открытости системы корпоративного управления и безопасности бизнеса.

Ключевые слова: корпоративное управление, цифровая экономика, цифровая информация, Кодекс корпоративного управления, цифровые технологии, искусственный интеллект.

Anotatsiya: Maqolada korporativ boshqaruv o‘rtasidagi o‘zaro bog‘liqlik masalalari va raqamlashtirish biznesga qo‘yadigan talablar iqtisodiy o‘sishning eng kuchli omillaridan biri sifatida ko‘rib chiqilgan. Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish mamlakatning yangi rivojlanish davriga qadam qo‘yishini anglatadi, jamiyatni demokratik rivojlantirish, mamlakat va iqtisodiyotni boshqarishni takomillashtirish uchun cheksiz imkoniyatlar ochadi. Zamonaviy sharoitda korporativ boshqaruv tizimining ochiqligi va biznes xavfsizligi talablari o‘rtasidagi oqilona muvozanatni qo‘llagan holda, raqamlashtirishning zamonaviy tendentsiyalarini hisobga olgan holda, korporativ boshqaruv vositalari va texnologiyalarini qayta ko‘rib chiqish zarurati paydo bo‘ldi.

Kalit so‘zlar: korporativ boshqaruv, raqamli iqtisodiyot, raqamli ma'lumotlar, korporativ boshqaruv kodeksi, raqamli texnologiyalar, sun'iy intellekt.

Abstract: The article considers the issues of the relationship between corporate governance and the requirements that digitalization imposes on business as one of the most powerful factors of economic growth. The development of the digital economy means the country's entry into a new era of development, opens up unlimited opportunities for the democratic development of society, improving the management of

the country and the economy. In modern conditions, there is a need to revise the tools and technologies of corporate governance, taking into account the current trends in digitalization, using a reasonable balance between the requirements of the openness of the corporate governance system and business security.

Key words: corporate governance, digital economy, digital information, Corporate Governance Code, digital technologies, artificial intelligence.

В современных условиях нестабильности мировой экономической системы все большое значение приобретает деятельность корпоративного сектора экономики, оказывающего сильное воздействие как на экономические, так и на политические процессы, протекающие в мире. Реализация корпоративной политики управления институциональными инновациями связана с множеством проблем. Многие из них обуславливаются рисками внедрения новых правил игры.

В условиях глобализации экономики, ужесточения внутренней и внешней конкуренции, повышения риска предпринимательства, сложности принятия системных эффективных решений информационно-коммуникационные технологии и интернет создают благоприятные предпосылки для развития на качественно новом уровне всех отраслей экономики, и в частности, сферы бизнеса и предпринимательства. Сущность цифровой экономики характеризуется как многогранная человеческая деятельность, где знания, просвещения и цифровая информация выступают как основной фактор процесса производства. Необходимым ее пространством является современная информационная сфера, а информационно – коммуникационные технологии используются в качестве важнейшего фактора для оптимизации структуры и повышения производительности труда. Развитие цифровой экономики означает вступление страны в новую эру развития, в эру постиндустриального общества, что открывает неограниченные возможности для демократического развития общества, совершенствования управления страной и экономикой.

Учитывая важность и потребность в цифровизации сфер деятельности и экономики в целом, подписан Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан»[1], 3 июля 2018 года принято Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-3832 «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций» и 31 августа 2018 года Постановление Президента Республики Узбекистан ID-268 «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию и внедрению цифровой экономики в РУз».

Цифровая экономика входит не только в каждодневную жизнь человека, но и во все сферы производства и услуг.[2] В крупных компаниях и

[1] Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан» № УП–5349 от 19 февраля 2018 г.

[2] Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по кардинальному обновлению государственной политики в сфере развития экономики и сокращения бедности» № УП-5975 от 26 марта 2020 г.

предприятиях, Узбекистана в частности, бизнес строится по внутренним правилам, которые называются корпоративным управлением. В зарубежной практике управления бизнесом внедрен и используется так называемый Кодекс корпоративного управления, для привлечения внутренних и иностранных инвестиций, защиты прав акционеров. Как основное из требований корпоративного управления, необходимо условие «прозрачности» и «открытости» профессиональной деятельности.

Цифровая экономика, которая в 90-х годах прошлого тысячелетия начала изменять мировоззрение, сейчас создает новые инструменты для эффективного ведения бизнеса влияет на различные аспекты человеческой жизни. В последние несколько тема корпоративного управления рассматривается в симбиозе с современными тенденциями, а именно, в условиях цифровизации экономики. Пересматривается структуру бизнеса, для активного встраивания в современные тенденции развития человечества, учитывая что цифровая революция изменяет нашу жизнь и общество с невиданной быстротой и небывалым размахом, формируя при этом как огромные возможности, так и колоссальные сложности. Новые технологии могут внести значительный вклад в достижение целей в области стабильного развития, и тем не менее, получение положительных результатов гарантировано не всегда. Цифровая экономика создает также новые риски, включая угрозы кибербезопасности, облегчение незаконной экономической деятельности.

Сейчас всё очевидней, что те, кто активней других будет применять цифровые технологии, искусственный интеллект, тот будет успешней в бизнесе. Лидирует тот, кто быстрее и качественней других произведёт продукцию, правильно и оперативно представит её потребителю. Это помогают сделать современные цифровые платформы и программы. В связи с этим возникает вполне логичная необходимость пересматривать корпоративное управление и встраивать в него современные тенденции цифровизации.

Советы директоров на предприятиях должны вникать в новые цифровые технологии и играть роль центров интеллекта, для того, чтобы максимально быстро внедрять все современные новшества и использовать их для взаимодействия с другими участниками корпоративного управления. Нужны независимые директора, обладающие такими современными знаниями. Надо понимать, что назрела потребность менять подход к корпоративному управлению.

Цифровая экономика даёт возможность по-новому развивать бизнес и достигать ощутимые результаты. В связи с этим и должны пересматриваться принципы корпоративного поведения и управления, оцениваться стратегические перспективы и риски. Мышление людей до и после начала эры цифровых технологий отличатся тем, что сейчас знания черпаются из Интернета. Всё больше людей доверяют социальным сетям и начинают в них вживаться. В этом сегодняшняя неотвратимость с её плюсами и минусами. С годами мы глубже уйдём в цифровизацию и виртуальность, а значит корпоративное управление тоже изменится. Тот, кто быстрей вживётся в эти процессы, у того и больше перспектив успешного ведения бизнеса.

В 2020 году, объявленном в Узбекистане «Годом развития науки, просвещения и цифровой экономики» согласно Государственной программы «Года развития науки, просвещения и цифровой экономики» выделены средства в размере 18,3 триллиона сумов и 10, 4 миллиарда долларов или в общей сложности около 30 триллионов сумов средств, что составляет 890 тысяч сумов на одного жителя республики. Научными исследованиями и опытом развитых стран доказано, что инвестиции в цифровую экономику всегда дают высокую отдачу, так как это затраты на развитие интеллектуального труда и нематериальные факторы производства. Цифровая экономика занимает в национальной экономике около 3% процентов в ВВП и динамичное ее развитие в этом и последующих годах создаст устойчивые дополнительные рабочие места. Реализация заданий этого года повысит вклад цифровой экономики в ВВП и к 2030 году достигнет 30 %.

Список использованной литературы:

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 19 февраля 2018 года № УП–5349 «О мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан»
2. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по кардинальному обновлению государственной политики в сфере развития экономики и сокращения бедности» № УП-5975 от 26 марта 2020 г.
3. Постановление Президента Республики Узбекистан от 3 июля 2018 года № ПП-3832 «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций»
4. Постановление Президента Республики Узбекистан от 31 августа 2018года ID-268 «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию и внедрению цифровой экономики в РУз».
5. Постановление Президента Республики Узбекистан от 28 апреля 2020года «О мерах по широкому внедрению цифровой экономики и электронного правительства».

A.N. Xoliqulov – SamISI, “Iqtisodiy tahlil va statistika” kafedrasi mudiri, i.f.n., dotsent

Sh. Sh. Shomurodova – SamISI, MMR-120-guruh magistranti

TURIZM VA MEHMONXONA XO‘JALIGIDA MARKETING FAOLIYATINI REJALASHTIRISH

Annotatsiya: Maqolada turizm va mehmonxona xo‘jaligida marketing xizmati rejalashtirish yo‘llari yoritib berilgan. Unda turizm va mehmonxona xo‘jaligida marketing xizmatining muhim ahamiyat kasb etishi hamda ushbu marketing xizmatini samaradorligini oshirishni rejalashtirish yo‘llari ko‘rsatib berilgan.

Kalit so‘zlar: turizm, mehmonxona, marketing xizmati, rejalashtirish, strategiya, strategik rejalashtirish,

Аннотация: В статье рассматриваются способы планирования маркетинговых услуг в сфере туризма и гостиничного бизнеса. Он подчеркивает важность маркетинговых услуг в туризме и гостиничном бизнесе, а также способы планирования повышения эффективности этих маркетинговых услуг.

Ключевые слова: туризм, гостиница, маркетинговые услуги, планирование, стратегия, стратегическое планирование,

Abstract: The article discusses ways to plan marketing services in tourism and the hotel industry. It highlights the importance of marketing services in tourism and the hotel industry, as well as ways to plan to increase the effectiveness of these marketing services.

Keywords: tourism, hotel, marketing service, planning, strategy, strategic planning,

Rejalashtirish – rejani ishlab chiqish va keyin uning tadbirlari amalga oshirilishi jarayonini nazorat qilishdir. Kutilayotgan sharoitlarda muqobil variantlarni qiyosiy taqqoslash orqali maqsadlar, vositalar va harakatlar haqida qaror qabul qilishga sistemali tayyorgarlik biznesni, jumladan turistik biznesni rejalashtirishning mohiyatini tashkil qiladi.

Turizmni rivojlantirishda rejalashtirishning o‘rni alohida. Rejalashtirish turizmni rivojlantirishning barcha bosqichlarida – xalqaro, milliy, mintaqaviy, mahalliy, shuningdek firmalar darajasida amalga oshirilsa ish unumdorligini oshiradi. Bu sohani rejalashtirish nazorat qilinadigan, kompleks va barqaror asosda bo‘lishi kerak.

Turizm tartibsiz rivojlanayotgan joylar ko‘pincha ham mahalliy aholining hayotiga, ham turistlarning dam olishiga zarar etkazayotgan ekologik va ijtimoiy muammolardan ziyon ko‘rmoqda. Bu marketingni qiyinlashtiradi va iqtisodiy daromadlarning pasayib ketishiga olib keladi. Nazorat qilinmaydigan turizm rayonlari rejali asosda rivojlanayotgan turistik markazlar bilan samarali raqobat qilishga qodir emas. Bunday rayonlarni rejali yondashuv asosida qayta tashkil qilish mumkin, biroq bu katta mablag‘lar va ko‘p vaqt sarflashni talab qiladi.

Ko‘p mamlakatlarda turistik biznes haligacha faoliyatning nisbatan yangi turi hisoblanadi. Bu yerlarda rejalashtirish bu sohaning oyoqqa turishi uchun muhim shart-sharoit bo‘lishi mumkin. Rivojlangan turistik sanoatga ega mamlakatlarda rejalashtirish iqtisodiyotning ushbu sektorini kengaytirish va uning kelajakdagi hayotiy qobiliyatini ta’minlashda muhim axamiyatga ega.

Milliy, mintaqaviy va mahalliy bosqichlarda turizmni rivojlantirishga rejali yondashuv g‘oyasi keng tarqalib bo‘lgan, lekin uni amaliyotga joriy qilish haligacha turli omillar, ko‘pincha iqtisodiy sabablar bilan oqsamoqda. Ba’zi rayonlarda amal qilayotgan rejalar eskirgan va hozirgi bozor sharoitlarini va kelgusida bashorat qilinayotgan tendentsiyalarni hisobga olgan holda qaytadan ko‘rib chiqishga muhtoj.

Hozirgi vaqtga kelib shu narsa ayon bo‘ldiki, turizm rivolanishining turli bosqichlarida uni rejalashtirish va rejalarni belgilangan muddatlarda amalga oshirish mamlakat va tegishli mintaqalar uchun sezilarli foyda keltirishga xizmat qiladi.

Turizmni rejalashtirishga tegishli rayonlarda mahalliy aholining namoyondasi bo‘lgan mahalliy hokimiyat organlari va jamoatchilik tashkilotlari jalb qilinishi kerak. Agar bu vakillar turizm keltiradigan foydalarni anglab yetsalar, ular faoliyatning ushbu turini har tomonlama qo‘llab-quvvatlaydilar.

Turizmni rivojlantirish rejalarini ko‘rib chiqishning usullaridan biri jamoat-

chilik tinglovlarini eshitishdir. Bu aholiga rejalashtirilayotgan choralar haqida bilish va o‘z fikrini bildirishga imkon beradi. Shuningdek, maxsus seminarlar o‘tkazish orqali turli bosqichlarda rejalar loyihalari bilan tanishish ham maqsadga muvofiqdir. Bu seminarlar ishtirokchilari turizmni rivojlantirish va uning mamlakat, mintaqa, rayon iqtisodiyotiga ta’siri to‘g‘risida axborot oladilar. Bunda ommaviy axborot vositalari keng jalb qilinadi.

Turistik firmaning tadbirkorlik rejasi doimiy amal qiluvchi hujjat bo‘lib, uni amalga oshirish jarayonida yuzaga kelgan obyektiv sharoitlardan kelib chiqib, unga tuzatishlar kiritilish mumkin. Rejalarni bajarish muddatlari yarim yil, bir yil, 3-5 yil va undan ko‘proqni tashkil qiladi. Yillik rejani oylar bo‘yicha va choraklar bo‘yicha rejalashtirish tavsiya qilinadi.

Turistik firmaning yuridik maqomi, faoliyatining xususiyati, xizmatlar, mehnat bozorining holati, davlat tomonidan yordam mavjudligi va uning hajmidan kelib chiqib, turistik firmani rejalashtirishning strategik kontseptsiyasi iqtisodiy, firmaga oid va ijtimoiy maqsadlarni o‘z ichiga olishi kerak. Rejalashtirilayotgan natijalarga erishish uchta asosiy omillar bilan belgilanadi: tanlangan strategiya, tashkiliy struktura va uning faoliyat ko‘rsatishining usullari.

Strategiya – maqsadlarga erishish vositasi, eng ko‘p foyda olish uchun resurslardan qanday foydalanish zarurligi kontseptsiyasidir. U operativ maqsadlar – ishlab chiqarish operatsiyalarini joriy rejalashtirish, narxlarni shakllantirish, reklama loyihalarini, tadqiqot ishlarini amalga oshirishni ham nazarda tutadi. Strategiya moslashuvchanlik elementlarini ham o‘z ichiga olishi kerak, ya’ni mahsulot eskirsa, texnologiyalar o‘zgarsa, ijtimoiy va huquqiy cheklashlar yuzaga kelsa, firma bu o‘zgarishlarga tezkor va aniq aks-ta’sir ko‘rsatishi va mahsulotning nomenklaturasini takomillashtirish, mahsulot o‘tkazish bozorlarini o‘zgartirish, xizmatlarning sifatini yaxshilash bo‘yicha choralar ko‘rishi shart. Firma oldiga qo‘yilgan strategik maqsadlarga erishish bozor, ma’muriy va tezkor muammolarni hal qilishni talab etadi.

Bozorga oid muammolar deganda tovarlar va xizmatlarni, shuningdek, bu turistik mahsulotni sotish mumkin bo‘lgan bozorlar va iste’molchilarni tushunish mumkin. Ma’muriy muammolarga quyidagilarni kiritish mumkin: firmani tashkil qilish, rahbarlar o‘rtasida vakolatlar va javobgarliklarni taqsimlash, ishlarning hajmi va ketma-ketligini belgilash, axborot oqimlari va hisobotlarni belgilash. Tezkor muammolar – ishlab chiqarish operatsiyalarini rejalashtirish, narxlarni shakllantirish, reklama operatsiyalari, tadqiqot ishlaridir.

Strategiyaning moslashuvchanligi firmaning tashkiliy tuzilishiga katta talablar qo‘yadi. Unga ko‘ra firmaning tuzilishning o‘zgarayotgan holatga qarab moslashtirib borish kerak. Turistik firmalarning tashkiliy tuzilishi ishlab chiqarishning tezkor moslashuvini ta’minlashi kerak. Turizmdagi strategik konseptsiyaning eng samarali tadbirlarida biri hujumkor taktika o‘tkazish va resurslarni tejash choralari bilan birga quyidagilarni amalga oshirish hisoblanadi: faol marketing, yangi bozorlarni o‘rganish va o‘zlashtirish, turistik mahsulotlarni takomillashtirishga xarajatlarni ko‘paytirish (ularni zamonaviylashtirish hisobiga), yangi istiqbolli turlar va sayohatlarni joriy qilish hisoblanadi.

Tuzatishlar kiritilgan strategik reja barcha ijrochilar e’tiboriga yetkaziladi. Firma ichidagi rejalashtirish faqat uzoq muddatli va strategik darajalardagina amalga oshirilib qolmaydi. U shuningdek, tezkor (joriy) rejalarni batafsil ishlab chiqishni ham nazarda tutadi. Kalendar rejalar (yarim yillik, choraklik, oylik) masalalarning keng doirasini qamrab olishi kerak.

Turizm va mehmonxona xo‘jaligida marketing faoliyatini rejalashtirishda yuqorida ko‘rsatilgan muammolarni yechimi sifatida xulosa o‘rnida shuni aytish kerakki, turizm tartibsiz rivojlanayotgan joylarga katta invistitsiyalarni jalb qilish, targ‘ibot va reklama ishlarini yanada keng qamrovda olib borsak, aholi ongini va turmush darajasini rivojlantirilsagina ko‘zlagan maqsadlarga erishamiz.

B.T. Abbazov– Jizzax Politexnika Instituti mustaqil ilmiy izlanuvchisi

XIZMAT KO‘RSATISH MENEJMENTIDA MEHNATNI MOTIVATSIYALASHNING MAQBUL TIZIMINI LOYIHALASHTIRISH TAMOYILLARI

Аннотация: Maqolada milliy iqtisodiyotning xizmat ko‘rsatish sohasida mehnatni rag‘batlantirishning maqbul tizimini ishlab chiqishdagi tamoyillar, shuningdek, menejmentning motivatsiya funksiyasini amalga oshirishdagi vazifalari bayon qilingan.

Калит сўзлар: Motivatsiya, rag‘batlantirish, jazolash, mukofot,menejer, maqbul rag‘batlantirish tizimi, ehtiyoj, taqdirlash, vijdonlilik,mehnatsevarlik.

Аннотация: В статье описаны принципы национальной экономики в разработке оптимальной системы стимулирования труда в сфере услуг, а также роль менеджмента в реализации мотивационной функции.

Ключевые слова: мотивация, поощрение, наказание, вознаграждение, менеджер, оптимальная система стимулирование, потребность, вознаграждение, добросовестность, трудолюбие.

Abstract: The article describes the principles of the national economy in the development of an optimal labor incentive system in the service sector, as well as the role of management in the implementation of the motivational function.

Key words: motivation, encouragement, punishment, reward, manager, optimal incentive system, need, reward, conscientiousness, hard work.

Hech bir jarayon yo‘qki, uni boshqaruvsiz tasavvur qilolsak. Boshqaruv ta’sirida qaysidir jarayonlar rag‘batlantiriladi, qaysidir jarayonlar jazolanadi. Ammo, bu borada rus olimi A.P. Lukashinning menejment sohasidagi tajribalaridan kelib chiqib, “Asosiy narsa jazolash emas, balki harakat qilishga majburlashdir” degan so‘zlarini ta’kidlash kifoyadir.

Milliy iqtisodiyotning xizmat ko‘rsatish sohasida xodim jamoaga moslashgandan va kasbiy vazifalarini bajarish uchun zarur tajribani to‘plaganidan so‘ng, uning ish natijalari baholanadi va turli xil motivatsiya tizimlari qo‘llaniladi. Mavjud motivatsiya nazariyalari, mutaxassislarning fikriga asoslanib, mehnatni rag‘batlantirishning maqbul tizimini ishlab chiqishda quyidagi tamoyillarni tavsiya etish mumkin:

1. Yo‘l-yo‘riqlar, ko‘rsatmalar ijrochilarni aniq maqsad va vazifalarga qaratgan holda aniq, oqilona shakllantirilishi kerak. Mehnatni rag‘batlantirish, agar ijrochilar tashkilotning maqsadlari va o‘zlarining vazifalarini tushunsalar, samarali bo‘ladi. Bundan ham yaxshisi, agar maqsad va vazifalarni ishlab chiqishda ijrochilarning o‘zlari qatnashgan bo‘lsa, unda ular bajarilishi kerak bo‘lgan ishlarni yaxshiroq tushunishadi. Agar motivatsiya shakllari qanchalik oqilona bo‘lmasin, agar xodim nimaga erishish kerakligini va qanday vazifalarni hal qilishni bilmasa, ular kerakli natijalarga olib kelmaydi. Shuning uchun ijrochilar uchun aniq, teran va erishish mumkin bo‘lgan (haqiqiy) maqsad va vazifalarni belgilash kerak.

2. Mukofotlar nafaqat o‘zaro bog‘liq, balki maqsad va vazifalarga ham bog‘liq bo‘lishi kerak. Ijrochi o‘z ishining muayyan natijalari bilan qanday mukofot olishini oldindan bilishi kerak. Kutish nazariyasini bilish va qo‘llash maqsadga muvofiqdir.

3. Ishning natijalari to‘g‘risida ochiq va to‘liq ma’lumot kerak, chunki oshkoralik kuchli rag‘batlantiruvchi omil hisoblanadi. Har bir ijrochining natijalarini xabardor qilish raqobatni rivojlantirish uchun qulay muhit yaratib, ishni rag‘batlantirishi mumkin. Butun jamoaning ish natijalari to‘g‘risidagi ma’lumotlar, albatta, agar u sog‘lom mikroiqlimga ega bo‘lsa, ishchilar orasida tegishlilik va javobgarlik hissini yaratadi. Ish natijalari bo‘yicha mukofotlar to‘g‘risida hisobot berish va ularning o‘lchamidagi ob’ektiv farqni tushuntirish shaxsiy xodimlar orasida norozilik va adolatsizlik hissining oldini olishga yordam beradi.

4. Fikr-mulohazani tashkil qilish va o‘rnatish. Menejer ijrochilarga ishonishi, ularni o‘rgatishi va javobgarlikdan qo‘rqmasliklari, tavakkal qilmasliklari, o‘ziga ishonishlari, ortiqcha ishlamasliklari va ishni bajarish uchun zarur resurslarga ega bo‘lishlari kerak. Bularning barchasini faqat fikr-mulohazalar mavjud bo‘lsa bilish mumkin.

5. Samarali faoliyat uchun qulay shart-sharoitlarni yaratish: qulay xona yoruqligi, havo harorati, bevosita ish joyining estetikasi, uning to‘liq jihozlanishi, qiziqishi, mehnat jarayonining jozibadorligi. Ko‘pincha, mehnat samaradorligiga ta’sir qiluvchi hal qiluvchi omillar texnik vositalar, texnologiya, ishlab chiqarish jarayonini tashkil qilish bo‘lib qoladi, chunki, mehnat unumdorligi har doim ham insonga bog‘liq emas.

6. Ma’naviy va moddiy rag‘batlantirishning maqbul uyg‘unlashuvi. Albatta, hozir mamlakatda ko‘pchilik moddiy rag‘batlantirishni afzal ko‘radi, ammo u ma’naviy rag‘batlantirishning ahamiyatini kamaytirmaydi. Bunda mukofot ijrochining obro‘sini e’tirof etishi, qiziqarli, mas’uliyatli vazifaga ishonish kabi muhim ro‘lni o‘ynashi mumkin. Ba’zida maqtov, hatto ma’qul keladigan tabassum ko‘proq natijalarga olib keladi .

7. Har bir ijrochiga individual yondashish. Xodimning shaxsiy fazilatlarini bilish va hisobga olish muhimdir: qobiliyatlar, hislar, shaxslararo aloqalar (og‘zaki va og‘zaki bo‘lmagan, rasmiy va norasmiy), temperament (sangvinik, xolerik, melanxolik, flegmatik), ma’lum bir xodimning qadriyatlari va boshqa fazilatlari. Bularning barchasi unga ustuvor ta’sir ko‘rsatishi mumkin bo‘lgan motivatsiya omillarini aniqlaydi.

Mehnatni maqbul rag‘batlantirish tizimlarini (MMRT) loyihalashda atrofdan ta’sir etuvchi fon muhitining ta’siriga e’tibor berish kerak, masalan:

1. Siyosiy vaziyat: MMRT mamlakatning, mintaqaning va boshqalarning umumiy siyosiy jihatlarini hisobga olishi kerak. (ish tashlashlar va boshqalar mavjudligi);
2. Huquqiy muhit: MMRT mavjud qonunlar, qarorlar, farmoyishlar, ko‘rsatmalar va boshqa huquqiy jihatlarni hisobga olishi kerak;
3. Iqtisodiy muhit: mehnat bozorida vaziyatni, inflyasiyani hisobga olgan holda, MMRT shtatdagi, mintaqadagi va boshqalardagi umumiy iqtisodiy sharoitlarga yo‘naltirilishi kerak;
4. Ijtimoiy ma’lumot: MMRT ijtimoiy infratuzilma holatini, ya’ni oliy va o‘rta maxsus ma’lumotli marketing mutaxassislari bitiruvchilarini hisobga olishi kerak. Savdo holatini, tovar ayirboshlash o‘sishining omillarini baholashga alohida e’tibor qaratish lozim. Ijtimoiy kelib chiqishi o‘zgaruvchan ijtimoiy qadriyatlar, munosabat, kutish, ahloq, hozirgi zamonda kuchaygan milliy tuyg‘ular, iste’molchilar huquqlarini himoya qilish harakatining rivojlanishi va boshqalar.

Mehnatni maqbul rag‘batlantirish tizimlarini (MMRT) loyihalashda muayyan tashkilotning manfaatlari haqida unutmasligimiz kerak. Tashkilot joylashgan hayot aylanishini hisobga olish, tashkilot uchun eng qimmatli bo‘lgan xodimning ishini rag‘batlantirish, xodimlarni faoliyatni takomillashtirishda ishtirok etish istagini qo‘llab-quvvatlash, tashkilotning istiqboliga kuch, ta’sir, yetakchilik, o‘z-o‘zini boshqarish va rahbarlik mehnatni maqbul rag‘batlantirish tizimlarini (MMRT) tashkilot faoliyatining umumiy strategiyasiga mos kelishi kerak.

Menejment o‘zining motivatsiya funksiyasini amalga oshirishda quyidagi vazifalarni bajaradi:

1. Zamonaviy motivatsiyaning nazariyalarini qo‘llagan holda har bir rahbarda xodimlarni boshqarish bo‘yicha demokratik yondashuvlarni shakllantirish;
2. Har bir xodimda mehnat jarayonida motivatsiyaning mohiyati va ahamiyatini tushunishga imkoniyat yaratish;
3. Har xil darajadagi rahbar va xodimlarni tashkilotda muloqotning ruhiy asoslari bo‘yicha o‘qitish.

Ushbu vazifalarni bajarishga kirishishdan oldin tahlil qilib ko‘rish kerak:

- tashkilotda biror faoliyatga undash, qiziqtirish jarayonining yo‘lga qo‘yilganligi;
- shaxsiy va guruhiy motivatsiyalar va ular o‘rtasidagi o‘zaro bog‘liqlik;
- har bir xodimning faoliyatiga turtki berish dinamikasi;
- xodimlar faoliyatining natijasiga motivatsiyaning ta’siri.

To‘liq tahlildan so‘ng motivatsiyani o‘zgartirish, ya’ni kuchaytirish kerak.

Motivatsiyalash menejmentning asosiy o‘zagi hisoblanadi, uning samarasi esa ko‘plab undovchi motivlarning tug‘ilishiga bog‘liq.

Motivatsiyaning ikki asosiy turi bor:

1. Kerakli harakatlarga olib keladigan niyatlarni uyg‘otish yo‘li bilan o‘zi xohlagan natijaga olib kelishga sabab bo‘ladigan darajada insonga tashqi ta’sir

qilish. Ushbu tur savdodagi bitimga o‘xshab ketadi, ya’ni, “men sizga nimani xohlasangiz, shuni beraman, ammo siz ham mening xohishimni qondirib berasiz.”

2. Insonda muayyan motivatsion tuzilmalarni shakllantirish. Motivatsiyalashning mazkur turi ta’lim va tarbiyaviy jihati bilan xarakterlidir. Uning amalga oshirilishi juda katta bilimni, harakatlarni, qobiliyatlarni, kuchlarni talab qiladi, natijasi motivatsiyalashning birinchi turidagi kabi a’lo darajada bo‘ladi.

Motivatsiyalashning yuqoridagi ikki turini ham o‘zlashtirgan va o‘zlarining amaliyotida qo‘llayotgan tashkilotlar menejmentning muvaffaqiyatlarini ko‘tarinki kayfiyatda amalga oshiradilar.

Motivatsiya xizmat ko‘rsatishda faoliyatning quyidagi xususiyatlariga ta’sir qiladi:

• mehnatsevarlik;
• harakat;
• qat’iyatlilik;
• yaxshi niyat;
• maqsadga muvofiqlik;
• vijdonlilik.

Motivatsiya o‘zgaruvchan (dinamik) jarayon sifatida, nazariy jihatdan ba’zi shartlar bilan qaralgan quyidagi bosqichlarda ifodalanadi:

1. Bir ehtiyojning paydo bo‘lishi;
2. Ehtiyojni qondirish yo‘llarini izlash;
3. Maqsad va harakat yo‘nalishlarini aniqlash;
4. Harakatlarni amalga oshirish;
5. Harakatni amalga oshirganlikni taqdirlash;
6. Ehtiyojni qondirish yoki esdan chiqarish.

Tashkilot menejmentida nafaqat tashkiliy, texnik va ijtimoiy-iqtisodiy qonuniyat jihatidan, balki ijtimoiy-ruhiy, ham ijtimoiy, ham biologik xususiyatlardan kelib chiqib, xodimlarning hatti-harakati va ular o‘rtasidagi munosabatlarga uzviy bog‘liq holda ko‘rib chiqilishi kerak. Agar tashkilot menejmentida inson ruhiyati va uning ehtiyojlari, manfaatlari hisobga olinmasa iqtisodiy qonunlar o‘zligini yo‘qotadi.

Bunda motivatsiya funksiyasi hal qiluvchi rol o‘ynaydi, chunki tashkilotning iqtisodiy muvaffaqiyati tashkilotdagi tashkil etish, rejalashtirish darajalaridan ko‘ra ko‘proq ba’zi boshqa narsalarga, ya’ni, mehnat jamoalaridagi muhitga, o‘z-o‘zini boshqarishning rivojlanishiga, oshkoralikka, buxgalteriya hisobi va xodimlarning ehtiyojlarini qondirilishi kabi darajalarga bog‘liqdir.

Motivatsiya funksiyalarining eng muhimligi bilan bog‘liq holda motivatsiya nazariyalarining bir nechta, tashkilot faoliyatini samarali boshqarishning motivatsiyasiga ruhiy yondashuv kabi ko‘rinishlaridan va eng ilk ilg‘or usullaridan biri **“shirin kulcha va qamchi”,** ya’ni, ba’zi tashkilotlarda hali ham qo‘llanib kelinayotgan **taqdirlash va jazolash** usulidir.

Ko‘plab tadqiqotlar buning asosli ekanligini isbotlaydiki, hozirgi vaqtda motivatsiyaning asosiy faoliyati bo‘lib, maqsadga erishishni motivatsiyalash

hisoblanadi, bundan tashqari muayyan sabablar va qadriyatlarga ega bo‘lgan aniq ifodalangan modellar turi - bu **bozor qonunlaridir**.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Aynakulov M.A. Ko‘chimov A.H. Menejment . O‘quv qo‘llanma. J:. JizPI. 2020 y. - 394 b.

2. Aynakulov M.A., Xudayberdiyev B.B. Motivatsiya samaradorlik garovi sifatida // Samarqand Davlat Universiteti, Ilmiy axborotnoma jurnali. 2020 yil, 2-son (120). 91-bet.

3. Айнакулов М.А. Абдухамидов Э.М. Нормативно-правовая база интеграционных отношений хозяйствующих субъектов. // «Молодой ученый». Международный научный журнал. Спецвыпуск Джизакского политехнического Института . 2016. № 7.2 (111.2) S. 48-50.

А.А. Мухитдинов– Жиззах Политехника институти мустақил илмий изланувчи

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШНИНГ БОШҚАРУВЧИЛИК РОЛИ

Аннотация: Мақолада хизмат кўрсатиш субъектлари фаолиятини диверсификациялаш ва трансформациялаш мақсадида унинг асосий усуллари ва босқичлари келтирилган, шунингдек, мазкур жараённи дифференциал равишда бошқарув органлари томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари баён қилинган.

Калит сўзлар: қайта таркибланиш, диверсификация, рентабеллик, баланс, технологик тизим, аудиторлик текшируви, стратегия, асосий фондлар, потенциал имкониятлар, маркетинг.

Аннотация: в статье описаны основные методы и этапы с целью диверсификации и трансформации деятельности обслуживающих субъектов, а также описаны механизмы дифференцированной поддержки этого процесса управляющими органами.

Ключевые слова: реструктуризация, диверсификация, рентабельност, баланс, технологическая система, аудит, стратегия, основные средства, потенциальные возможности, маркетинг.

Abstract: the article describes the main methods and stages for the purpose of diversifying and transforming the activities of service entities, and also describes the mechanisms of differentiated support of this process by the governing bodies.

Keywords: restructuring, diversification, profitability, balance sheet, technology system, audit, strategy, fixed assets, potential, marketing.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши,

фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариши учун зарур шарт-шароитларни яратди. Олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони билан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ” қабул қилинди. Унга кўра III - устувор йўналиш қилиб иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш-нинг устувор йўналишларида, яъни таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва дивер-сификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш белгиланди [1]. Ўз навбатида таъкидлаш жоизки, иқтисодиётнинг хизмат кўрсатиш соҳасида корхоналарнинг қайта таркибланиши, яъни диверсификацияланиши ва трансформацияланиши, ўз моҳиятига кўра ўзининг таркибидан майда улгуржи ва паст рентабелли корхоналарнинг ажратилиши билан изоҳланади.

Иқтисодиётнинг модернизация қилиниши шароитида йирик корхоналарни қайта таркиблаш йўли билан қатор вазифаларни ҳал этиш мумкин, хусусан:

- хизмат кўрсатишни унинг балансида ушбу хизмат кўрсатишга бевосита алоқадор бўлмаган тузилмаларни ушлаб туришдан ҳалос этиш;
- майда улгуржи, паст рентабелли ва зарар келтирувчи хизмат кўрсатишларни касаначиларга топшириш йўли билан хизматларнинг технологик тизимини улардан холос этиш;
- хўжалик фаолиятини диверсификациялаш имкониятларидан фойдаланиш ва шу асосда кичик тадбиркорликнинг янада ривожланишини таъминлаш.

Турли хўжалик юритувчи субъектларнинг стратегик ривожланишини инобатга олган ҳолда, унинг фаолиятини диверсификациялашни амалга оширишга қуйидагича ёндашиш мумкин:

Биринчи босқич. Хизмат кўрсатиш корхонасини комплекс тадқиқ этиш, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- корхона, унинг ташкилий тузилмаси ва бошқарув тизимининг умумий тавсифи;
- корхонанинг мол-мулкини аниқлаш, корхона асосий фондларининг аҳволини инвентаризация қилиш, улардан фойдаланиш самарадорлиги;
- корхонанинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш;
- хизмат кўрсатиш фаолияти харажатларини ўрганиш (хизматларнинг фойда келтириш даражасини таҳлил қилиш);
- унинг заҳиравий, шунингдек, меҳнат потенциали бўйича иқтидорли имкониятларини ўрганиб чиқиш.

Иккинчи босқич. Рақобат муҳити ва корхонанинг товар бозорларидаги мавқеини таҳлил қилиш ва баҳолаш, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- товарнинг маркетинг тадқиқотини ўтказиш;
- корхона маркетинги соҳасидаги тадқиқотлар.

Учинчи босқич. Хизмат кўрсатиш корхонасини ривожлантириш стратегияси ва уни молиявий соғломлаштириш бизнес-режасини ишлаб чиқиш, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- корхонани ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш;
- корхона фаолияти стратегиясини шакллантириш (ишлаб чиқариш турлари, таъминот-сотиш, ишлаб чиқариш-технологик, нарх-наво, молиявий, инвестицион, кадрлар ва бошқа сиёсатлар);
- ташкилий-бошқарув тизимини шакллантириш;
- ислоҳотлар жараёнини режалаштириш ва уни бошқариш.

Бир жумлани алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, яъни юқорида кўрсатилган масалаларни турли йўналишлардаги консалтинг фирмалари ёрдамида ҳал этиш кутилган натижаларни беради.

Ушбу ишларнинг **биринчи босқичини** амалга оширишда асосий ижрочилар сифатида аудиторлар иштирок этади. Уларнинг вазифаси хизмат кўрсатиш корхонасининг молиявий ҳисоботлари ундаги ҳақиқий ҳолатни қанчалик аниқ акс эттиришини аниқлашдан иборат бўлади. Гап шундаки, кўпинча хизмат кўрсатиш корхонасининг ҳисоб юритиш сиёсати ноаниқ акс эттирилади, бунинг натижасида маҳсулот таннархи ва фойда нотўғри ҳисоб-китоб қилинади ва барча молиявий кўрсаткичларни аниқ ҳисоблаб чиқишнинг имкони бўлмайди. Бундай вазиятдан чиқишнинг иккита йўли мавжуд: ё аудитор ҳисоботларни тўлиқ тиклашни амалга оширади (лекин бу жараён узоқ вақт ва кўп маблағ талаб қилади, бунга хизмат кўрсатиш корхонасининг имконияти бўлмаслиги мумкин), ёки аудиторлар ҳисоботларга ўзгартишлар киритиш бўйича тавсиялар беради, бу тавсияларни эса, хизмат кўрсатиш корхонасининг ўзи бажаради. Биринчи босқичнинг асосий вазифаси иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлар асосида хизматларга нархлар белгилашга сезиларли таъсир кўрсатувчи алоҳида хизмат кўрсатиш участкаларини аниқлашдан иборат.

Хизмат кўрсатиш корхонаси фаолиятини дивесификациялаш (қайта таркиблаш) ишларининг **иккинчи босқичини** амалга оширишда менежмент ва маркетинг бўйича мутахассисларга муҳим рол берилади. Бунда корхона материаллари ва тегишли бозор тузилмаларининг маълумотлари ўрганиб чиқилиши лозим. Айнан ушбу босқичда хизмат кўрсатишнинг муайян технологик жараёнларида иштирок этувчи корхонанинг рентабелсиз ва паст рентабелли бўлинмаларига алоҳида эътибор қаратилади, бунинг сабаблари ва ушбу бўлинмалар фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари таҳлил қилинади.

Бу борадаги ишларнинг **учинчи босқичи** энг мураккаб жараён бўлиб, у ташкилий тадбирлар мажмуининг ишлаб чиқилишини ўз ичига олади. Мазкур босқичда корхона активларининг самарасиз қисмини сотиш, корхона таркибидан рентабелсиз ва паст рентабелли фаолиятларни ажратиш, уларни давлатнинг имтиёзларига кўра кичик тоифадаги субъектларга бериш орқали ишлаб чиқариш жараёнларини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Юқорида таъкидланганидек, дивесификациялаш (қайта таркиблаш) хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш асосида корхона бизнесининг қийматини оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуини ўзида намоён қилади. Ушбу концепцияга мувофиқ дивесификациялаш (қайта таркиблаш) тадбирини бошлаш учун мазкур хизмат кўрсатиш корхонасининг бизнесини баҳолаш зарур. Ҳар қандай соғломлаштириш ишида муваффақиятнинг ярми тўғри ташхис қўйилишига боғлиқ. Шу муносабат билан баҳолаш, биринчи навбатда, корхонанинг ташхиси ҳисобланади [2].

Баҳолаш ўрнига хизмат кўрсатиш корхонасида аудиторлик текширувидан фойдаланиш мутлақо нотўғри қадам ҳисобланади. Шунинг учун аудиторлик текшируви баҳолаш ўрнига эмас, балки баҳолаш билан бирга ўтказилиши керак. Кейинги ишлар жараёнида корхона учун мол-мулкни сотишга зарурат туғилиши мумкин. Шу муносабат билан ушбу мол-мулкни баҳолаш зарур бўлади. Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш корхонасини ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини баҳолаш ва бизнесни режалаштириш бўйича билимлар талаб этилиши мумкин. Шундай қилиб, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш корхонасини дивесификациялаш (қайта таркиблаш) учун баҳолаш ишларининг аниқ бажарилишини таъминлаш лозим.

Хизмат кўрсатиш корхоналарини дивесификациялаш (қайта таркиблаш) ишлари, фақат уларда корхонанинг ва тегишли бозор инфратузилмасининг мутахассислари иштирок этган тақдирда, бажарилиши мумкин, дивесификациялаш (қайта таркиблаш) дастурининг ишлаб чиқилиши натижасида эса, хизмат кўрсатиш корхонасининг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий, маънавий мақом йўналишлари аниқланади.

Хизмат кўрсатиш корхоналарини диверсификациялаш меҳнат тақсимоти ва хизмат кўрсатишнинг ихтисослашувини таъминлаган ҳолда, хизмат кўрсатувчилар ва уларнинг хизматларидан баҳраманд бўлувчилар, яъни, истеъмол қилувчиларнинг манфаатларини инобатга олувчи ягона концепция доирасида амалга оширилиши лозим. Минтақаларда диверсификацион жараёнларни ривожлантириш “Диверсификация ривожини қўллаб-қувватлаш дастури” таркибига кирувчи махсус ишланмаларга асосланиши керак [3].

Хизмат кўрсатиш корхоналарини диверсификациялаш жараёнида бир-бирига хом ашё, ресурслар, товарлар, ишлар ва хизматларни ўтказиш каби ўзаро кооперацион алоқа касб этувчи бир нечта хўжалик субъектлари ҳамкорлик муносабатида бўлади, шунингдек, якуний даромад ва фойдани (қўшилган қиймат) олиш билан боғлиқ ўзига хос муносабатларга киришади. Шунинг учун ҳам ҳар бир туман ҳокимликлари мазкур туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳиссасини қўшаётган иқтисодиётнинг базавий корхоналари учун ўзининг дифференциал “Хизмат кўрсатиш корхонасини диверсификациялаш Низоми” нинг яратилиши ва шу асосида иш фаолияти юзасидан доимий мониторинг юритиши керак, чунки диверсификациялаш жараёнлари йилнинг тўрт фаслида ҳам барқарорликни таъминлаш гаровидир. Бу ва шунга ўхшаш масалалар Республикамиздаги юқори бошқарув

органларига оид тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали ҳал этилишни ҳам ўз навбатида талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ” тўғрисидагиЎзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7- февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.

2. . B.B.Berkinov, M.A.Aynaqulov. “Kichik tadbirkorlik korxonalarining yirik korxonalar bilan ishlab chiqarish kooperatsiyasi ”. Jizzax.: 2004-114 b.

3. М.А.Айнакулов, Э.М.Абдухамидов Нормативно-правовая база интеграционных отношений хозяйствующих субъектов.//«Молодой ученый». Международный научный журнал. Спецвыпуск Джизакский политехнический институт. 2016. № 7.2 (111.2) С. 48-50.

D.H.Xolmamatov - Samarkand Institute of Economics and Service, PhD**.**
A.A.Azgarov – Samarkand Institute of Economics and Service, Master degree on Marketing**.**

FEATURES OF CREATING ONLINE QUESTIONNAIRES TO COLLECT INFORMATION FOR MARKETING RESEARCH

Annotatsiya: ushbu maqolada marketing tadqiqotlari uchun onlayn so‘rovnomalar, ularni yaratish bosqichlari, savollarni tuzishda va tartib bilan joylashtirishda nimalarga ahamiyt berish kerakligi, so‘rovnomalarni o‘tkazish jarayoni tasvirlangan, psixologik tanlovning asosiy jarayonlari va potensial auditoriyaning taxminiy harakat qilish bosqichlari keltirilgan.

Аннотация: в этой статье описаны процесс создания и разработки онлайн-опросников для маркетинговых исследований, этапы их создания, на что обращать внимание при составлении и расстановке вопросов, процесс проведения опросов, основные процессы психологического отбора и примерные шаги потенциальной аудитории.

Abstract: In this article, apart from the process of creating and developing online questionnaires for marketing research, the stages of their creation, the planning for, drafting and placing questions, the process of conducting surveys, the main processes of psychological selection and approximate steps of a potential audience are described.

Kalit so‘zlar: onlayn anketalar, marketing tadqiqotlari, iste'molchilarning xarakteri, ma'lumot to‘plash, Internet.

Ключевые слова: онлайн опросники, маркетинговые исследования, потребительский характер, сбор информации, Интернет.

Keywords: online questionnaires, marketing research, consumer character, information gathering, the Internet.

Nowadays, it is already known how important customer experience is and how strongly marketing focuses on it, so it is no surprise that many companies are embarking on their digital transformation, especially in marketing. Its goal is to increase the touchpoints between the customer and the product and improve the

customer experience by connecting marketing campaigns more closely with other business processes.

It is not surprising that many companies in Uzbekistan have little idea of how and what to change in their marketing. They have no idea how customers actually see them and how to optimize the customer experience, how to manage it, how it should ideally look. To be more detailed, even though entrepreneurs know their customer, they may not always be sure that the changes they are investing in marketing tools will actually benefit their customers.

The questionnaire is an interactive survey that is answered by interviewed person (respondent). The questionnaire can be carried out in oral form, i.e. the registrar fills out the form himself according to the respondent (expeditionary way). Another cheaper form (method self-registration) - written, when the respondent fills out the questionnaire himself, the form which is sent by mail, delivered by couriers, published in the media. In this era of digitalization, online surveys are increasing in trend. Questioning is considered to be the main method of obtaining complete and reliable marketing information about the consumer.

The traditional design of the questionnaire includes three blocks: introduction, main part, information about the respondents(passport).

- The introduction indicates the name of the organization conducting research, research objective, emphasizes the importance of participation of the respondent in the survey, it is emphasized that the answers of respondents will be used in their own interests, if necessary a guarantee of the anonymity of information is given, instructions for filling out the questionnaire and how to return it.

- The main part of the questionnaire contains the questions for which it was started research, as well as control questions used to check attentiveness, seriousness and frankness of respondents when filling out questionnaires.

- The final part contains questions regarding personalities of the respondents: age, gender, belonging to a certain class, occupation, marital status, etc. In conclusion, one should express gratitude to the respondent, put date of the survey, full name of the person conducting the survey. Depending on the purpose and content of the study, the survey may take from 10-15 minutes to two hours. The layout of the questionnaire should meet the requirements of simplicity and convenience as: for the polled and for the encoder. Each question is accompanied by clear instructions on how to answer it: mark some items, answer in free form, etc. The wording of the questionnaire should be carefully designed and meet the following requirements:

1. The first questions of the questionnaire should be simple, not personal, because are designed to position the interviewee for a conversation and arouse his interest. Difficult and personal questions should not be asked in the beginning of the interview.

2. The sequence of questions should take into account their logical relationship based on the principle "from the general – to private ".

3. Questions categorizing respondents and aimed at clarification of personal qualities are placed at the very end of the questionnaire, because at their setting

increases the likelihood of the respondent refusing to continue the conversation.

4. Questions should be avoided (unless absolutely necessary) about the exact age, exact income and exact place of residence. Should be limited indicating the "plug".

5. The number of questions in the questionnaire should not be too large (usually they try to limit themselves to 10-15 questions), since the longer the profile, the more likely it will be rejected.

6. The question should be clear and understandable to the respondent and not allow for ambiguity. For this, it is important that the words included in the wording of the question was clear to the respondent.

7. Questions of an idle nature should be avoided.

8. Questions should not contain double negatives (for example, "Do not do you think you shouldn't ... ").

9. Intervals of answer options (with closed questions) should not intersect (for example, until 20: 21-30; 31-40, etc.).

10. Answer options should not contain the words "often", "very often","a lot", "little", "rarely", etc., since the quantitative perception of these concepts by different people are far from unambiguous.

11. In order to test the sincerity and stability of the position the respondent in the questionnaire should provide for several control questions to identify possible contradictions in his answers.

Drawings and unusual methods are used to animate the text marks. Before starting the survey, it is necessary to conduct a trial survey - "aerobatics", the purpose of which is to eliminate errors, inaccuracies, ambiguities. The scope of the trial study usually affects 5% of the estimated number of respondents with extreme values parameters of the planned sample (level of education, income, men and women, etc.).

The questionnaire may include various types of questions. Consider classification of questions for marketing research. Questions are divided:

- by function (main, filters, probing, detector),
- in shape (open, closed, semi-closed, dichotomous, straight, indirect, personal, impersonal),
- by impact (neutral, suggestive).

According to the form of presentation, the questions can be open or closed. Open-ended questions enable the respondent to answer in a wicked form. This answer provides more information, but it is difficult amenable to processing. Closed-ended questions involve prompts, from which the respondent chooses the appropriate answer. This formulation makes it easier the process of responding to respondents, allows you to automate the processing of questionnaires and presentation of results.

Sometimes semi-closed questions are used together with ready answer options, leaving an empty space for another option. Another criterion for classifying questions by form is their division into direct and indirect. Objective necessity of using indirect questions is related to the fact that it is sometimes

difficult or impossible formulate the question in the literal sense. The most common approach formulating an indirect question - translating it from a personal form into impersonal. Personal wording concerns directly individually the respondent. For example: “Tell me how in your practice is the study of competitors being carried out? " An impersonal question, essentially aims to identify common patterns and the most common approaches. For example: "How can you conduct a competitor study?". By functional purpose, questions can be classified on the main filters, probing and detector. In a manner this classification correlates with the four sections of the questionnaire. The main questions are designed to get answers to solve the survey problem. By during the questionnaire, situations arise when the respondent, depending on outlined conditions must select one or another branch of the continuation of the answers.

Filter questions are asked if some of the questions do not apply to all respondents. In other words, a conditional operator is placed in the questionnaire, in according to which the respondent satisfying condition 1 must go to question A, and one satisfying condition 2 - to question B. So, questions are formulated filters.

Probing questions guide the survey in the right direction when this is necessary. For example, if during the interview you did not receive the answer to the question: "Who in the company makes the procurement decision computing technology? ", then it can be formulated as follows way: “Does the director make a decision on the purchase of computing technology? If the director is absent, who can make the decision? Who else can make a procurement decision? "

Detector questions are used to validate and objectivity of the information received in the survey. The approach is often used repetition of the question in a modified formulation. In exploring fundamental problems using a survey, you can propose to use a scheme that has proven itself in sociology, which was formulated by J. Gallup. Sequence questions are presented as follows:

- a closed-ended question to identify the awareness of the respondent, or whether he has some kind of attitude to this problem;
- an open question to assess the general attitude, generalized attitude;
- a closed question containing a description of specific aspects;

References:

1. Belyaevskiy I.K. Marketingovoe issledovanie: informatsiya, analiz, prognoz: Uchebnoe posobie – M.: Finansi i statistika, 2008.
2. Berezin I.S. Marketingovыe issledovaniya. Instruksiya po primeneniyu. - 3-ye izd., pererab. i dop. - M. : Yurayt, 2012.
3. Galiskiy Ye.B. Marketingovыe issledovaniya: Uchebnik dlya magistrov. - M. : Yurayt, 2012. - 540 s.
4. Golubkov Ye.P. Marketingovыe issledovaniya: teoriya, metodologiya i praktika: - M.: Izd-vo Finpress, 2009.
5. Kameneva N. G., Polyakov V. A - Marketingoviye issledovaniya: ucheb. posobie dlya vuzov po spesialnosti "Marketing". - M.: Vuzovskiy uchebnik : INFRA-M, 2012. - 367 s.
6. Korotkov A.V. Marketingovye issledovaniya: Uchebnik dlya bakalavrov. - M. : Yurayt, 2012. - 591 s.

7. Kotler F. Osnovi marketinga:Per. s angl./ Obsh. red. i vstup. st. Ye.M.Penkovoy.- M.: Progress, 2010.
8. Marketing: Ucheb. /A.N.Romanov, Yu.Yu.Korlyugov, S.A.Krasilnikov i dr.; Pod red. A.N.Romanova.-M.: Banki i birji, YuNITI, 2009.
9. Marketingoviye issledovaniya rinka: Uchebnik / O.A. Lebedeva, N.I. Lygina. - M.: ID FORUM: NIS Infra-M, 2013. - 192 s.
10. Marketingovye issledovaniya: Uchebnoe posobie/A.G.Zaysev, Ye.V.Takmakova - M.: IS RIOR, NIS INFRA-M, 2015. - 88 s
11. Safronova N.B. Marketingoviye issledovaniya (profil "Marketing") : uchebnoe posobie. - M. : Dashkov i K, 2013.
12. Tokarev B.Ye. Marketingovыe issledovaniya: Uchebnik. - 2-e izd., pererab. i dop. - M.: Magistr: NIS Infra-M, 2013.
13. Research World. July 2007. P. 12-13.
14. https://www.cfin.ru/press/practical/2007-07/01.shtml
15. https://pirogov.marketing/vidy-onlajn-marketingovyh-issledovanij-v-internete

N.N. Rasulova – Buxoro muhandislik texnologiya instituti, “Menejment” kafedrasi katta o‘qituvchisi
M.M. Xudoyorova– Buxoro muhandislik texnologiya instituti, 708-18 ICHT guruh talabasi

KONTENT MARKETINGI TOVAR VA XIZMATLARNI SOTISHNING RAQAMLI TEXNOLOGIYASI SIFATIDA

Annotatsiya: raqamli iqtisodiyotga o‘tish bugungi kunning zaruriy talabidir. Bu erda raqamli kanallarning kommunikativ imkoniyatlari alohida ahamiyatga ega. Yuqori tezlik, qulaylik ushbu turdagi marketingning raqamli marketing sifatida paydo bo‘lishiga imkon berdi. Maqolada raqamli marketing, xususan kontent marketingining mohiyati va maqsadlari muhokama qilinadi. Kontent marketingining usullari, kanallari va vositalari yoritilgan.

Kalit so‘zlar: raqamli marketing, internet marketingi, kontent marketingi, kontent marketingi strategiyasi, kontent marketing kanallari.

Аннотация: Переход к цифровой экономике - необходимое требование сегодняшнего дня. Особое значение здесь имеют коммуникативные возможности цифровых каналов. Благодаря высокой скорости и удобству этот вид маркетинга превратился в цифровой. В статье рассматриваются сущность и цели цифрового маркетинга, особенно контент-маркетинга. В статье приводятся методы, каналы и инструменты контент-маркетинга.

Ключевые слова: цифровой маркетинг, интернет-маркетинг, контент-маркетинг, стратегия контент-маркетинга, каналы контент-маркетинга.

Abstract: The transition to the digital economy is a necessary requirement today. The communicative capabilities of digital channels are of particular importance here. High speed, convenience allowed the emergence of this type of marketing as digital marketing. The article discusses the essence and goals of digital marketing, in particular content marketing. The article provides content marketing techniques, channels and tools.

Keywords: digital marketing, internet marketing, content marketing, content marketing strategy, content marketing channels.

"Raqamli O‘zbekiston-2030" strategiyasini amalga oshirish raqamlashtirishni samarali rivojlantirish uchun barcha sharoitlarni yaratmoqda. [1] Raqamlashtirish inson faoliyatining barcha sohalariga ta'sir qiladi. Biz barcha sohalarda, ham ijtimoiy, ham iqtisodiy faoliyatda raqamli texnologiyalarni joriy etish jarayonlarini kuzatmoqdamiz, respublikada raqamli iqtisodiyotni faol rivojlantirish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda, shuningdek, barcha tarmoq va sohalarda, birinchi navbatda davlat boshqaruvi, ta'lim, sog‘liqni saqlash va qishloq xo‘jaligida zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etilmoqda. Raqamli texnologiyalar ma'lumotni topish, almashtirish va saqlash bilan bog‘liq xarajatlarni sezilarli darajada kamaytirdi. Odamlar va korxonalarning axborot maydoni sezilarli darajada kengayib, iqtisodiy boshqaruv tizimlarida axborot sifatida resursning o‘rni o‘zgargan. Ushbu omillar birgalikda "raqamli iqtisodiyot" kabi atamaning paydo bo‘lishiga olib keldi.

Raqamli jarayonlar zamonaviy marketing usullari bilan chambarchas bog‘liq bo‘lgan tovarlar va xizmatlar savdosi sohasiga ham ta'sir ko‘rsatdi. Zamonaviy davrda korxonalar an'anaviy ravishda foydalanib kelayotgan va foydalanadigan marketing usullari (bosma reklama, to‘g‘ridan-to‘g‘ri pochta, radio reklama va boshqalar) asta-sekin yo‘qjlib bormoqda va ularning o‘rnini raqamli texnologiyalar egallamoqda. Endi har qanday biznesning muvaffaqiyati ko‘p jihatdan iste'molchiga to‘liq innovatsion yondashuv bo‘lgan raqamli marketingni qanchalik samarali tatbiq etishiga bog‘liq: tarmoqda ham, bozorda ham uning hatti-harakatlarini tushunish uchun yangi taktika, strategiya joriy etilishi talab etiladi [2].

Raqamli marketing (Digital marketing) - mijozlarni jalb qilish va ushlab turish uchun raqamli texnologiyalardan foydalanish demakdir. Shuni ta'kidlash kerakki, zamonaviy davrda firmalar marketing ta'siri, kontekstli reklama, maqsadli reklama va mobil ilovalardagi reklama kabi raqamli marketing vositalaridan eng faol foydalanmoqdalar. Masalan, foydalanuvchilarga ta'sir o‘tkazish va ularning e'tiborini kompaniya va uning mahsulotiga jalb qilish uchun ular shaxs - avtoritet yoki uning raqibi bo‘lmagan muvaffaqiyatli kompaniyadan foydalanadilar [3].

Kontent marketingi raqamli marketingning yo‘nalishlaridan biridir. Keng ma'noda tarkibi - ma'lum iste'molchilar uchun qadoqlangan ma'lumotdan iboratdir. Shunga ko‘ra, kontent marketingi potentsial mijozlarning turli guruhlariga qiziqarli va foydali ma'lumotlarni malakali taqdim etish orqali bozorda tovarlarni yoki xizmatlarni targ‘ib qilish texnologiyasidir. Kontent marketingi - bu xaridorlar uchun foydali bo‘lmagan reklama ma'lumotlarini yaratish va tarqatishda foydalaniladigan marketing texnikasi to‘plamidir.

Sifatsiz bepul kontent sizning mijozlaringiz uchun qo‘shimcha qiymat yaratadi va Internetda faol ravishda joylashtiriladi va targ‘ib qilinadi. Pulli mahsulotdan tashqari, ular uchun bepul foydali dastur ham olinadi.Tarkib marketingi marketing bilan bir xil funktsiyalarni bajaradi, faqat yuqori samaradorlik darajasi bilan, odamlarning favqulodda ehtiyojlarini ham shakldagi, ham tarkibli ravishda qondiradi.Sotuvga bunday yondashuv kontent marketingi arsenalidan foydalanib, odamlarni sizdan ko‘proq narsani sotib olishga undaydi, ularni sizning ijtimoiy axborot sohangizga jalb qiladi.

To‘g‘ri tanlangan kontent marketing strategiyasi sizga maqsadli auditoriyada to‘g‘ridan-to‘g‘ri harakat qilish imkonini beradi. Oddiy bo‘lmagan, ammo tushunarli tarkib yordamida siz potentsial mijozlarning maksimal sonini mahsulotga (xizmatga) qaratishingiz mumkin. Bozor shu kabi takliflarga to‘la bo‘lsa, bu ayniqsa to‘g‘ri. Bunday vaziyatda kontentni marketing vositalaridan foydalangan holda siz mijozning e'tiborini ma'lum bir kompaniyaning mahsulotini (xizmatini) tanlashga yo‘naltirishingiz mumkin.

Bundan kelib chiqadiki, quyidagi hollarda kontent marketingi dolzarb ehtiyoj hisoblanadi:

• mahsulot (mahsulot, xizmat) ko‘pgina potentsial mijozlarga ma'lum bo‘lmasa;

• mahsulotning potentsial foydasi bo‘lsa (mahsulotni sotib olishdan olingan foydasi ko‘rsatilishi kerak);

• ushbu mahsulotni yetkazib berish uchun bozorda yuqori raqobat mavjud bo‘lsa;

• mahsulotni rivojlantirish uchun kichik sarmoyalar.

Kontent-marketingida ishlatiladigan tarkib turlari:

• axborot maqolalari;

• videofilmlar;

• internetdagi saytlar va bloglardagi podkastlar;

• internetda onlayn tarzda o‘tkaziladigan tadbirlar (veb-seminarlar);

• ma'lumotlarni taqdim etishning grafik usuli (infografika);

• ixtisoslashtirilgan texnik sharhlar;

• o‘tkazilgan tadqiqotlar to‘g‘risida hisobotlar;

• haqiqiy muammolarni (ishlarni) hal qilishdan iborat maxsus o‘qitish texnikasi;

• targ‘ib qilingan ma'lumotlarni o‘z ichiga olgan elektron xabarlarni tarqatish;

• foydalanish va qo‘llash bo‘yicha ko‘rsatmalar;

• hal qilinayotgan muammo yuzasidan tashkil qilingan intervyular;

• Internet-bloglardagi xabarlari.

Bu ma'lumotni targ‘ib qilish imkoniyatlarining to‘liq ro‘yxati emas, boshqalari ham bor.

Kontent marketing strategiyangizni amalga oshirishning asosiy kanallariga quyidagilar kiradi: YouTube; Elektron pochta orqali marketing; SMM (ijtimoiy mediamarketing - ijtimoiy platformalardan foydalangan holda trafik yaratishga qaratilgan); voqealar (tadbirlar); veb-seminarlar; o‘z blogingiz. Ushbu kanallarning har biri qo‘shimcha qiymatni efirga uzatishga imkon beradi. Ushbu kanallar sizga qo‘shimcha sonli ilova olish imkonini beradi [4].

Raqamli iqtisodiyotdan foydalanish qator muammolarni hal qilish va bir qator takliflarni amalga oshirishni ham o‘z ichiga oladi.

Mehnat bozorida marketingning raqamlashtirilishi bilan yangi kadrlarga ehtiyoj sezilmoqda. Masalan, yangi kasblar paydo bo‘lmoqda, masalan, hozirgi kunda Instagram-da biznes-blogni malakali ravishda o‘tkazish uchun, targetologlar (maqsadli reklama bo‘yicha mutaxassis), akkaunt menejerlari, kontent menejerlari,

ushbu ijtimoiy tarmoq uchun ixtisoslashgan dizaynerlar), menejerlar bloggerlarni qidirish va shartnomalar tuzish kabi masalalar yuzaga kelmoqda. Bu esa davlat ta'lim tizimi oldiga yangicha vazifalarni belgilaydi.

Kompaniyaning veb-saytiga ega bo‘lish uzoq vaqtdan beri raqobatbardoshlikda ustunlik qilishning imkonini bermay qo‘ygan. Agar ilgari Internetda namoyon bo`ladigan kompaniyalar barmoq bilan sanoqli bo`lgan bo`lsa va bu sohaning ilg`orlari hisoblangan bo‘lsa, bugungi kunda hatto kichik yakka tartibdagi tadbirkorning ham o‘z veb-sayti bor (xoh u tashrif qog‘ozi veb-sayti, xoh u bosh sahifa bo‘lsin yoki to‘liq veb-sayt) Kompaniya uchun savdo va foydani ko‘paytirishda veb-sayt reklama qilishning kuchli vositasiga aylandi. Ammo veb-saytga ega bo‘lish bir masala, uni ishga tushirish esa boshqa. Saytga zamonaviy yondashuv - bu maqsadli yondashuv, savodli boshqaruv va audit demakdir.

Marketing faoliyatida raqamli texnologiyalardan foydalanish korxonalar va tashkilotlar uchun sodiq mijozlarni saqlab qolish va ular bilan uzoq muddatli hamkorlikni rivojlantirish, iste'molchilarning ijobiy munosabatini oshirish, o‘z mahsuloti va xizmatlariga ishonchni oshirish, har bir mijozga individual yondashuvni ta'minlash uchun keng istiqbollarni ochib beradi. Ularning didi o‘zgarishiga moslashuvchan munosabat va imtiyozlarni belgilaydi. Yuqorida keltirilgan raqamli marketingning afzalliklari mijozlarga yo‘naltirilgan yondashuvni rivojlantirishning asosiy yo‘nalishlari bo‘lib, ulardan foydalanish tashkilotlarga raqobatbardoshligini kuchaytirish va o‘z brendini bozorda samarali ravishda targ‘ib qilish imkonini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. "Raqamli O‘zbekiston-2030" strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida "gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PF-6079-sonli farmoni. 05.10.2020 yil.
2. Голубева М. А. Развитие концепции маркетинга взаимоотношений в условиях цифровой экономики / М. А. Голубева // Известия Санкт-Петербургского государственного экономического университета. -2019.-№5-1(119). – С. 118-125.
3. Годин В. В. Цифровая реклама как инструмент продвижения товара или услуги. Опыт реализации проектов / В. В. Годин, А. Е Терехова // Е – Менеджмент – 2019. – т.2. – №3. – С.13-21.
4. Таппасханова Е.О., Токмакова Р.А., АтабиеваА.Х., Бисчекова Ф.Р. Использование цифровых технологий в маркетинге. Экономические науки, Выпуск № 10(100) Октябрь 2020.

Ҳ.И. Аллаёров– СамИСИ, Маркетинг кафедраси ассистенти
С.А. Абдурахманов– СамИСИ, МР-120 гуруҳ талабаси

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БИРЖА САВДОСИДАГИ ХАВФ-ХАТАРЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақола орқали бугунги пандемия шаройитида биржа ва биржа фаолиятига тасир кўрсатаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар кенг ёритиб берилган.

Калит сўзлар: нарх, механзм, риск, модернизация, рақамли иқтисодиёт.

Аннотация: В этой статье дается всесторонний обзор проблем, влияющих на фондовый рынок и биржевую деятельность в условиях сегодняшней пандемии, и инструкции по их устранению.

Ключевые слова: цена, механизм, риск, модернизация, цифровая экономика.

Abstract: This article provides a comprehensive overview of the problems affecting the stock market and exchange activities in today's pandemic and instructions for their elimination.

Keywords: price, mechanism, risk, modernization, digital economy.

Мамлакатимизда барча соҳалар каби бугунги пандемия шароити биржа ва биржа фаолияти соҳасига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб бугунги кунда бу соҳага ҳам изчил ислоҳотлар олиб борилишига сабабчи бўлди. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида биржа ва биржа фаолиятини тартибга солувчи замонавий тамойил ва механизмларни жорий қилиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатишига йўл қўймаётган тўсиқларни бартараф этиш учун 2020-2021 йилларга мўлжалланган биржа ва биржа фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар, жумладан, қуйидаги вазифалар белгиланмоқда:

Биржа фаолиятида риск даражасини биринчи навбатда айнан шу омиллар кучайтиради.

Биржа савдоси қоидаларида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- биржа аъзолари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги низом;
- биржа аъзоларининг биржа савдоларида иштирок этишига рухсат бериш тартиби;
- товарларни биржа савдоларига қўйишга рухсат беришни амалга ошириш тартиби;
- биржа битимларининг турлари;
- биржа савдоларини ўтказиш тартиби;
- биржа битимларини ва биржа савдолари натижаларини рўйхатга олиш ҳамда расмийлаштириш тартиби;

Хусусан, барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим - Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий - иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Шундай экан бунинг тасдиғини ташқи дунё билан алоқаларимиз тобора кенгайиб бораётганида, тараққий

топган етакчи давлатлар кўмагида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларнинг амалга оширилаётганида, Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимига интеграциялашувида, маҳсулот ва товарлар импорти ва экспортининг ўсиб боришида ва бошқа мисолларда яққол кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги 625–XII-сонли Қонуни қабул қилинган бўлиб, барчаси аниқ ва яққол кўрсатиб ўтилган. Бундай риск ҳам объектив, ҳам субъектив табиатга эга, унга ички ва ташқи омиллар таъсир кўрсатади. Биржа савдосида риск даражасини асосан ташқи омиллар кучайтиради. Уларни икки турга бўлиб, қўйидаги жадвал орқали кўришимиз мумкин:

Ташқи омиллар қаторига мавжуд солиққа тортиш тизими, қонунчиликнинг беқарорлиги, корхоналарнинг тўловларни амалга оширмаслиги, коррупцияни киритиш мумкин ва уларни қўйидаги жадвал орқали кўриб чиқиш мумкин.



Рисклар биржа ҳаётининг ажралмас бир қисми ҳисобланади. Рисклар йўқлигида фойда олиши кафолатланган биржа фаолияти мавжуд эмас. Биржа савдосининг ҳар бир қатнашчиси мавжуд риск муаммоларини ҳал қилиш йўли билан фойда олишга ҳаракат қилади, бевосита риск билан боғлиқ вазиятлардан қочиш учун турли ҳаракатларни амалга оширади.

Биржа фаолиятида рискларга хос бўлган хусусият шуки, унга барча қатнашчилар, ҳаттоки биржа фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлмаганлар ҳам учрайди.

Республикада ташқи иқтисодий фаолият суръати ўсиб бораётган, халқаро жамиятга интеграциялашув кучайган ва банк фаолияти эркинлаштирилган шароитларда Ўзбекистонда валюта рискини бошқариш масаласи астасекинлик билан долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда[1].

1 UZEX хабарлари, 2020й. 5-феврал №5.

Мамлакат биржа фаолиятида риск муаммолари янгилик деб бўмайди, Аммо бозор тизимининг ривожланиш тажрибалари кўрсатишича, рискларни нотўғри баҳолаш ёки уларга эътибор қаратмаслик айниқса, биржа фаолиятида катта фойда йўқотишларига, баъзида эса банкротга ҳам олиб келади.

Бозор иқтисодиёти беқарорлиги ва заифлик шароитларида кўплаб брокерлик фирмалари ва биржалар биржа ишида рискнинг олдини олиш борасида турли ечимларни излаб томоқдалар, рисклар, биржачиларнинг ҳисоблашича, профессионал бошқарилиши мумкин. Бу ҳолат кўпчиликни биржа савдосида рискларнинг ўрни ва ролига бошқача қарашга мажбур қилади.

Деярли бутун биржа фаоллиги бозорда вужудга келган шароитга, биржачиларнинг профеммионаллиги ва фаолиятига қараб битта рискка эмас, бутун бир рисклар тўпламига учраши мумкин.

Айрим риск турлари мавжудки, уларни назорат қилиб бўлмайди. Бундай риск турлари қаторига сиёсий риск киради, у давлат сиёсатининг натижаси ҳисобланган фойда миқдорининг қисқариши ёки зарар кўриш имконияти сифатидан шарҳланади. Сиёсий риск муаммолари ва уларнинг ҳал этилиши биржачиларнинг назорат остида эмас. Биржа савдосида бошқа риск турлари ҳам мавжуд. Бу иқтисодий риск ва тартибга солиш рискидир.

Тартибга солиш риски бўхгалтерия ҳисоби соҳасида ҳисоб-китоблар жараёни ва солиққа тортиш тамойиллари ўз мамлакати ҳукумати томонидан ҳам, унинг ҳудудидан ташқарида ваколатли органлар томонидан ҳам ўзгартирилиши мумкин бўлган ҳолларда вужудга келади.

Биржа фаолияти иқтисодий рисклар билан ҳам боғлиқ бўлиб, бунда маҳаллий ва хорижий таъминотчилар билан узоқ муддатли шартномалар мос келувчи инфляция пропорцияларида ўзгаришлар таъсирига учраши мумкин.

Бундай назорат қилинмайдиган вазиятларда юқорида кўрсатилган рисклар бўйича қарорлар қабул қилиш учун ахборот албатта тўпланади.

Биржа амалиётида шунингдек, назорат остида бўладиган ва уларнинг ечимини топиш мумкин бўладиган рисклар ҳам мавжуд.

Бундай рисклар қаторига базавий риск, кредит риски, асосий риск, фоиз риски, ҳисоб-китоб рисклари, битимни тугатиш риски, юридик рисклар киради.

Биржа рисклари нафақат объектив, балки субъектив асосга ҳам эга, чунки айнан улар вазиятни акс эттиради, биржа ўйинининг кўплаб вариантларини шакллантиради. Бундай рискка мисол бўлиб бозорнинг ностандарт қатнашчилари билан операциялар ўтказишда баланс воситалари билан вужудга келиши мумкин бўлган рисклар хизмат қилади.

Бундан ташқари, рискни қабул қилиш ҳар бир ходимнинг характери, ақлий ва психологик хусусиятлари, олган билимлари, биржа фаолиятидаги тажрибасига ҳам боғлиқ бўлади.

Рискнинг бошқа талқинлари ҳам мавжуд, масалан, биржа савдоси қатнашчиларининг муқобил қарор вариантлардан бирини танлашда муваффақиятга учраш даражасини акс эттирадиган объектив биржа тоифаси. Бу

[1] Экономическая газета «Биржа», № 32, 17.03.07, стр. 3

таърифда унинг моҳияти ва вужудга келиши натижасида иқтисодиётдаги умумий ўзгаришларни белгилаб берадиган муайян риск тушунчаси йўқ. Бошқа таърифларда риск чегаралари аниқ белгиланмаган. Рисклар кўп сонли омиллар таъсири натижасида вужудга келиши сабабли улар биржа фаолиятини ташкил қилиш ёки қатнашчиларнинг стратегияларида киритилган ёки қатнашчилар (брокерлар) ҳаракатларининг натижаси бўлиши мумкин. Маҳаллий иқтисодий назарияда биржа фаолиятида риск даражасига таъсир этадиган омилларни ўрганиш тадқиқ этилмаган соҳалардан бири ҳисобланади.

Тадқиқ доирасида биржачилар дуч келадиган муаммоларни вужудга келтирувчи асосий сабаблар аниқланди. Сўров жараёнида сўралганларнинг 40%и асосий муаммо деб мавжуд солиққа тортиш тизимини; 17%и – биржа ҳаётини тартибга солувчи қонунчиликнинг беқарорлигини; 15%и – инфляция суръати юқорилигини; 15%и – мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг беқарорлигини; 13%и – турли сабабларни кўрсатди, буларнинг орасида тўловларни амалга оширмаслик кўпроқ учрайди.

Иқтисодий риск бу – биржачининг рақобатбардош позицияси фоиз ставкаларидаги ўзгаришларга учрайдиган ёки ташқи омиллар билан бир хил узоқ муддатли риск.

Бу риск муаммоларининг барча ечимларини топиш биржа савдоси қатнашчилари учун қайси риск даражасига йўл қўйиш мумкинлиги ва биржа битимида қатнашчилар учрамаслиги лозим бўлган йўқотишлар вужудга келиши мумкин бўлган рискларни нима қилиш кераклиги билан белгиланади. Ҳар битта биржачи риск омилига ўз муносабатига эга:

- ✓ Рискни ёқтирмайди;
- ✓ Унга нейтра муносабатда бўлади;
- ✓ Рискни афзал кўради.

Бундай тақсимлашнинг мезони бўлиб биржачининг риск учун мукофотга эҳтиёжи намоён бўлади.

Рискни ёқтирмайдиган биржачилар доимо ноаниқлик учун бирон-бир мукофот талаб қилади. Рискка нейтрал муносабатда бўлганлар мукофотга бефарқ бўлади. Рискни афзал кўрувчилар эса ўткир ҳиссиётларни бошидан кечириш учун йўқотишларга учрашга ҳам тайёр бўлади. Риск омилини ҳисобга олиш биржачининг белгиланган чайқов фойдаси олишига асосланади.

Ҳар бир профессионал биржачининг ўз қарор қабул қилиш усуллари бор бўлиб, уларнинг асосида у қайси риск даражаси маъқул келиши ва уни қандай ифодалаш мумкинлигини аниқлайди. Хорижий иқтисодиётда бу турдаги ҳаракатлар рискни бошқариш тизими деб аталади.

Замонавий сиёсий ва иқтисодий ҳолатни ва биржа хўжалигини ҳисобга олиб, биржа сиёсатини белгилашда кўплаб риск турларининг инвестицион режаларга таъсирини назарда тутиш, бевосита биржа операциялари билан боғлиқ асосий риск туралри – сиёсий риск, молиявий риск, иқтисодий риск, трансляция риски, систематик риск, базавий риск, тартибга солиш риски, битимлар бўйича риск, ҳисоб-китоб риски, операцион риск, ўтказмалар риски, фоиз риски, валюта риски, битимни тугатиш риски фоиз ставкаси

рискнини аниқлаш зарур.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки ҳар бир риск белгиланган вазиятда вужудга келади. Уларнинг айримлари биржачининг таъсири ва назорати остида бўлмайди, лекин бу вазиятлар, шунга қарамай, биржа операцияларини амалга оширишда назорат қилиниши зарур. Бугунги пандемия бутун дунёни қамраб олди ва ваҳоланки онлайн савдоларга ҳам тасир ўткизмасдан қолмади, сабаби жахонда нефт маҳсулоти нархи тушиб кетти ва кўпгина савдолар бекор қилинди, натижада кўпгина брокерлар ишсиз қолди. Воҳоланки бундай муаммоларни бартараф этиш учун албатта мутаххассислар томонидан онлайн савдоларни назорат қилиб, ўзларининг хулоса ва тавсияларини бериб боришлари керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Тошкент ш., 2014 йил 12 сентябрь, ЎРҚ-375-сон.
2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 11-12-б.
3. Экономическая газета «Биржа», № 32, 17.03.07, стр. 3.
4. Ўзбекистон Республика товар хом – ашё биржаси ҳафталик газетаси, 2020й. 5-февраль, №5(652).

Г.А. Бекмуродова– ТДИУ, 3-курс докторанти (DSc)

DIGITAL BANKING; ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ТУТГАН ЎРНИ

Аннотация: рақамли иқтисодиётни яратиш ва ривожлантиришда дунёдаги ҳар бир мамлакат ўзининг муваффақият тарихини намойиш этади. Бугунги кунда рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш ҳар бир банк тизимини инновацион ривожлантириш имкониятларини очиб беради. Инновацион технологиялар эса, ўз навбатида банкларда маркетинг фаолияти ривожланишига туртки бўлади. Мазкур илмий тезисда айнан замонавий банк тизимида рақамли технологияларнинг тутган ўрни ҳамда, банклар фаолиятини янада такомиллаштиришда маркетинг тадқиқотлари натижасида самарадорликка эришиш бўйича фикрлар келтирилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, рақамлашиш жараёнлари, банк тизими, тижорат банклари, банк маркетинги, рақамли технологиялар, рақамли банклар.

Аннотация: Каждая страна мира имеет свою историю успеха в создании и развитии цифровой экономики. Сегодня эффективное использование цифровых технологий открывает возможности для инновационного развития любой банковской системы. Инновационные технологии, в свою очередь, будут стимулировать развитие маркетинговой активности в банках. Эта научная диссертация содержит взгляды на роль цифровых технологий в современной

банковской системе, а также на эффективность маркетинговых исследований для дальнейшего улучшения деятельности банков.

Ключевые слова: цифровая экономика, процессы цифровизации, банковская система, коммерческие банки, банковский маркетинг, цифровые технологии, цифровые банки.

Abstract: Every country in the world has its own history of success in creating and developing the digital economy. Today, the effective use of digital technologies opens up opportunities for the innovative development of any banking system. Innovative technologies, in turn, will stimulate the development of marketing activities in banks. This scientific dissertation provides views on the role of digital technologies in the modern banking system, as well as on the effectiveness of marketing research to further improve the performance of banks.

Keywords: digital economy, digitalization processes, banking system, commercial banks,bank marketing, digital technologies, digital banks.

“Рақамли дунё”... рақамли таълим, рақамли банк, рақамли технологиялар, рақамли бизнес, рақамли телевидение, рақамлашган компаниялар... бу каби тушунчалардан яна кўплаб келтиришимиз мумкин. Демак, дунё рақамлашяпти… Инсониятнинг одатий турмуш тарзи ўзгаргани сайин, янгидан-янги ғоялар замиридан ноодатий ҳаёт тарзи шаклланяпти.

Биз бугунги илмий қарашларимизни рақамли иқтисодиётнинг молия тизимига таъсир даражалари, айнан ушбу тизимда рақамли технологияларни банк маркетинг фаолиятида тутган ўрни ҳамда, яратилаётган янгиликлардан келиб чиқиб фикр юритмоқчимиз.

Рақамли иқтисодиёт, бу — алоҳида фаолият тури эмас. Бу, аслида, ишбилармонлик, саноат объектлари, хизматлар деганидир. *“Рақамли”* атамаси мазкур соҳаларнинг барчаси ахборот технологияларидан фаол фойдаланишни англатади. Агар оддий иқтисодиётда моддий буюмлар асосий ресурс ҳисобланса, рақамли иқтисодиётда бу қайта ишланадиган ҳамда узатиладиган ахборот, маълумотлар бўлади. Уларнинг таҳлилидан сўнг тўғри бошқариш бўйича ечим ишлаб чиқилади[1].

Ҳозирда рақамлашиш жараёнлари шиддат билан ривожланяпти. Фаолият турига қараб рақамли технологияларнинг жалб қилиниши иш жараёни самарадорлигини ошишига олиб келади. Бу борада мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Рақамли иқтисодиётсиз мамлакат иқтисодиётининг келажаги йўқ”[2] деб беъжизга айтмаганлар.

Бугунги кунда глобал молия тизимида биринчи навбатда электрон тўлов хизматлари, крипто-валюталар ва воситачиларсиз кредит бериш каби рақамли иқтисодиёт элементларининг бозордаги улушлари ошиши билан боғлиқ бўлган инқилобий ўзгаришлар содир бўлмоқда.

XXI аср – глобаллашув даврида, жаҳон молия тизимида юз бераётган жиддий ўзгаришлар, ахборот тизимининг дунё иқтисодиётида тутаётган ўрни

[1]Gulyamov S. S. va boshq. “Raqamli iqtisodiyotda blokchyeyn tyexnologiyalari”. O‘quv qo‘llanma 21-22 betlar .TMI 2019 yil - 447 bet.

[2]ЎзР.Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат бўйича видеоселектор”даги нутқи. Тошкент 22.09.2020 й. https://www.xabar.uz/

мунтазам ўсиб бориши, молия бозори иштирокчиларининг талаб ва таклифга нисбатан муносабатлари ўзгариши, шунингдек, юртимизда миллий иқтисодиётни кенг кўламли ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда банк тизимини янада ривожлантиришда янгича ёндашув ҳамда принципларнинг самарали ва тўғри қўлланилиши банк ва мижозлар ҳамкорлигини юқори поғонага кўтариш имконини бермоқда[1].

Ривожланган давлатлар банк тизимида янги технологиялар асосида мижозларнинг талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда банк мижозларига хизмат кўрсатиш жараёнлари ўзгармоқда. Хусусан, мамлакатимизда ҳам бугунги кунга келиб барча тижорат банклари ўзларининг банкоматларини аҳоли гавжум жойларга ўрнатиш билан бирга, улар нақд пулсиз хисоб-китобларнинг янада кенгайишига ҳам сабабчи бўляпти. Шу жиҳатдан олиб қараганда, республикамизда чакана банк хизматларини ривожлантиришга қаратилган маркетинг стратегиясини шакллантириш, бунда мижозларнинг чакана банк хизматларига бўлган талабларини тўлиқ ҳисобга олиш, чакана хизматлар бозорини банк рақобат устунлигидан келиб чиқиб мувофиқ сегментлаш муаммоларини илмий жиҳатдан ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади[2].

Телефон (t-banking), интернет (e-banking) ва мобил (m-banking) банк каби рақамли банк каналларининг пайдо бўлиши мижозларнинг хизматларни олиш усулларини ўзгартириб, анъанавий банк усулларини қийинлаштирди. Шунингдек, банклар оммавий мижоз учун катта жисмоний жой ажратишга ҳожат йўқлигини таъкидладилар, чунки мижозлар керакли хизматларини рақамли платформалар орқали олишлари мумкин.

Рақамли банк тизимига ўтиш бу банк маркетинги ва молиявий бошқарув моделлари ўзгариб бораётганлигини, мижозларни сотиб олиш ва ушлаб туриш ва молиявий кўрсаткичлар энди фақатгина филиал сотувларига боғлиқ эмаслигини англатади. Ушбу ўзгариш рақамли банк хизматига мижозлар тажрибаси, қониқиш ва содиқлик ва уларнинг банклар учун муҳим молиявий кўрсаткичларга ҳисса қўшишига таъсир кўрсатди. Банклар олдида турган муаммо - бу мижозлар эҳтиёжларини қандай қондириш ва фойда олиш[3].

Рақамли трансформация банк хизматларини кўрсатишнинг янги усулларини жорий қилинишини назарда тутади. Банклар филиаллари сони камаяди, кўплаб хизматлар онлайн усулига ўтказилади. Умуман олганда, рақамли банк бу бирорта филиалга эга бўлмаган барча хизматларни онлайн тарзда тақдим қилувчи банк бўлиб ҳисобланади. Илк рақамли банк Буюк Британияда 1989 йилда ташкил топган. Ҳозирги пайтда дунёнинг кўплаб мамлакатларида рақамли банклар муваффақият билан иш олиб бормоқда.

[1]А.Джалилов “Чакана хизматларга ихтисослашган «рақамли» банклар ёхуд банклар энди эскича ишламайди!”/ 14-06-2018 й. https://finance.uz/

[2]Н.Р.Икрамова “Ўзбекистонда чакана банк хизматлари: хориж тажрибаси ва ривожланиш истиқболлари”/ “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2014 й.

[3]М.Б.Асрарова “Цифровая трансформация банков в Узбекистане”. Н.С. Выпуск № 06(96) Июнь 2020, Экономические науки. Ташкентский Финансовый Институт, Узбекистан, Ташкент.

2017 йилда Эстонияда Polybius Foundation компаниясининг илк блокчейн технологиялари асосида ишловчи рақамли банки очилди. Ҳозирги пайтда банклар учун рақамлаштириш бир вариант эмас, балки четлаб ўтиб бўлмайдиган бир жараён бўлиб ҳисобланади, чунки бугунги кунда иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғи рақамлаштирилмоқда, банклар бундан мустасно эмас. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мобил банкинг онлайн банкингга қараганда икки баробар тез ривожланаяпти[1].

Истеъмолчилар тобора мобил телефонлар ва Интернет-банкларни стандарт банкларга қараганда кўпроқ танлайдилар. Рақамли банкда, фойдаланувчи ва мижозларнинг тажрибаси яхшиланади ва яхши маълумотга эга бўлади.

Жаҳон амалиёти кўрсатиб турибдики, рақамли банкнинг асосий афзалликлари қуйидагилардан иборат:

1. Банкнинг бизнес-жараёнларини рақамлаштириш - бизнес-жараёнларнинг ахборот тизимларида реал жараёнини амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқ бўлган график жараёнларнинг моделларидан фойдаланиш (ўзгаришлар энг кам кечикиш билан содир бўлади), шунингдек электрон ҳужжат айланиши, катта ҳажмдаги маълумотларни ўлчаш ва рўйхатдан ўтказиш тизими шаклланади.

2. Маҳсулотлар (хизматлар) ва савдо каналлари мижозларнинг ўз-ўзига хизмат қилишига йўналтирилган ва рақамли равишда тақдим етилади. Рақамли банк хизматлари масофавий банк хизматларини (Интернет-банкинг ва барча тегишли хизматлар), мобил иловаларни, Интернет-эквайрингни, банклараро хизматларни, сотиш учун янги маҳсулотларни (хизматларни) тезда ишга туширишни ўз ичига олади.

3. Малакали кадрлар - бизнес, IT ва маркетинг ваколатларини бирлаштирган ўз рақамли жамоаларимиз, доимий равишда биргаликда ишлайдиган функционал гуруҳлар. Банкнинг корпоратив маданияти рақамли бизнес ва инновацияларга йўналтирилган бўлади.

4. Банк тизимининг архитектураси - банкнинг деярли барча ахборот тизимлари бир-бири билан чамбарчас боғланиб, ягона платформани ташкил қилиши керак. Шу билан бирга, банк шериклари ўзларининг янги хизматларини ишлаб чиқишлари ва уларни банк маҳсулотлари (хизматлари) билан бирлаштириши керак[2].

“Digital banking” фойдаланувчига барча молиявий операцияларини осонликча бошқариш имконини беради. Бу эса вазиятни умумий назорат қилишни англатади. Натижада, бундай шаффофлик нафақат бренд сифатида, балки молиявий шерик сифатида ҳам фойдаланувчиларнинг банкка бўлган садоқати ва ишончини оширади[3].

---

[1]Н.Шарипова “Тижорат банклари фаолиятининг рақамли трансформация жараёни ва унинг ўзбекистонда қўлланилиш истиқболлари”/ “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2020 й.

[2]**О.А.Цединов, Э.О.Бадма-Горяева “Развитие банковского маркетинга в условиях цифровой трансформации”/ журнал Вестник Алтайской академии экономики и права. – 2019. – № 2 (часть 1) – С. 170-177.**

[3]А.М.Махамаджанов “Мижозларга йўналтирилган банк маркетингини ривожланиш истиқболлари”/ “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2020 y.

Хулоса ўрнида шуни келтиришимиз мумкинки, рақамли технологиялар хозирда иқтисодиётнинг барча соҳаларида ривожланмоқда. Ижтимоий ўзгаришлар иқтисодий жараёнларни янада такомиллаштириш ҳамда, тезлашишига сабаб бўлади.

Ҳеч шубҳа йўққи, замонавий банк тизимини инновацион технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди, албатта. Рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш банклар учун:

-Банк рентабеллигини ошишига;
-Мижозлар базасини кенгайишига;
-Рақамли дастурлар фаоллигини оширишга;
-Банк маркетинги фаолиятини такомилашишига;
-Банкнинг бозор кўрсатгичлари ошишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Gulyamov S. S. va boshq. “Raqamli iqtisodiyotda blokchyeyn tyexnologiyalari”. O‘quv qo‘llanma 21-22 betlar .TMI 2019 yil - 447 bet.

2. ЎзР.Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат бўйича видеоселектор”даги нутқи. Тошкент 22.09.2020 й. https://www.xabar.uz/

3. А.Джалилов “Чакана хизматларга ихтисослашган «рақамли» банклар ёхуд банклар энди эскича ишламайди!”/ 14-06-2018 й. https://finance.uz/

4. Н.Р.Икрамова “Ўзбекистонда чакана банк хизматлари: хориж тажрибаси ва ривожланиш истиқболлари”/ “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2014 й.

5. М.Б.Асрарова “Цифровая трансформация банков в Узбекистане”. Н.С. Выпуск № 06(96) Июнь 2020, Экономические науки. Ташкентский Финансовый Институт, Узбекистан, Ташкент.

6. Н.Шарипова “Тижорат банклари фаолиятининг рақамли трансформация жараёни ва унинг ўзбекистонда қўлланилиш истиқболлари”/ “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2020 й.

7. О.А.Цединов, Э.О.Бадма-Горяева “Развитие банковского маркетинга в условиях цифровой трансформации”/ журнал Вестник Алтайской академии экономики и права. – 2019. – № 2 (часть 1) – С. 170-177 стр.

8. А.М.Махамаджанов “Мижозларга йўналтирилган банк маркетингини ривожланиш истиқболлари”/ “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2020 y.

A.Y.Xatamov – Jizzax Politexnika instituti mustaqil ilmiy izlanuvchisi

XIZMAT KO‘RSATISH SOHASIDA MUTAXASSIS – MARKETOLOGLARNING KASBIY MUVOFIQLILIGINI BAHOLASH VA TANLASHNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Annotatsiya: Maqolada marketing mutaxassislarining kasbiy salohiyatini tanlash va baholashning o‘ziga xos xususiyatlarini belgilashdan oldin, tashkilotning marketing va menejmentining o‘rni, shuningdek, ularni tanlash yuzasidan tanlov jarayonining tartiblari tavsiya etilgan.

Kalit so‘zlar: Marketolog, menejment, strategik, taktik, operatsion rejalar, tavakkalchilik, xatar, biznes, aloqa va reklama vositalari, merchendayzing, test.

Аннотация: В статье предлагается роль маркетинга и менеджмента организации, а также процедуры отбора для их отбора перед определением специфики отбора и оценки профессионального потенциала маркетологов.

Ключевые слова: маркетинг, менеджмент, стратегический, тактический, операционные планы, риск, риск, бизнес, коммуникационные и рекламные инструменты, мерчиндайзинг, тестирование.

Annotatsiya: The article proposes the role of marketing and management of the organization, as well as the selection procedure for their selection before determining the specifics of the selection and assessment of the professional potential of marketers.

Key words: marketing, management, strategic, tactical, operational plans, risk, risk, business, communication and advertising tools, merchandising, testing.

Davlatning tanazzulga uchrashi ham, aksincha,
uning gullab yashnashi ham odamlarga bog‘liq.
Donolar bisotidan.

Mamlakatimizda barcha tarmoq va sohalardagi kabi, xizmat ko‘rsatish sohasida ham o‘z xizmatlariga talab va taklifni o‘rganish ularning faoliyat samaradorligini belgilab beruvchi asosiy omillardan sanaladi. Mazkur asosiy omilni amalga oshiruvchi aasosiy sub’ekt bu mutaxassis-marketologlardir.

Bu borada yaponiyaning eng omadli menejerlaridan biri Akio Morita “hech qanday nazariya, dastur yoki hukumat siyosati tashkilotni muvaffaqiyatli qila olmaydi. Buni faqat odamlar amalga oshirishi mumkin” deya ta’kidlagan.

Darhaqiqat, xodimlar menejmenti barcha turdagi tashkilotlar uchun birinchi darajali ahamiyatga egadir.

Bu yondashuv tashkilotlar faoliyatining xalqaro umumbashariylashuviining zamonaviy sharoitlarida ayniqsa jozibadordir. Marketing mutaxassislarining kasbiy salohiyatini tanlash va baholashning o‘ziga xos xususiyatlarini belgilashdan oldin, tashkilotning marketing va menejmentining o‘rnini qisqacha ko‘rib chiqamiz. (1-rasmga qarang). Tashkilotni yaxlit tizim sifatida ko‘rib chiqishda marketing va menejment butun tarkibiy qism ekanligini aniq ko‘rsatib turibdi. Endi arketing mutaxassislari faoliyat turlarini ko‘rib chiqamiz:

Tashkilotning marketing imkoniyatlarini o‘rganish, marketing dasturlarini,

qisman biznes-reja, strategik, taktik, operatsion rejalar ishlab chiqish va amalga oshirish bo‘yicha.

1. Tashkilotning bozor sharoitlarini tahlil qilish va baholash, shu jumladan:

• tashkilot faoliyatiga halaqit beradigan marketing muhiti omillarini baholash va saralash va ularning eskirishi;



1- rasm. **Tizimli-maqsadli yondashuv orqali tashkilot marketing va menejmenti munosabatlarining chizmasi** (muallif tomonidan tuzilgan)

• muayyan bozorlarda ishlash tavakkalchiligining darajasini, noaniqlik sharoitlari va xatar chegaralarini aniqlash [1];

• muayyan bozorlarda tashkilot faoliyatining mumkin bo‘lgan afzalliklarini ekspert baholash;

2. Baholash bilan maqsadli bozorlarni tanlash:

• talab va bozorga kirish ehtimoli;

• maqsadli segmentlarning shakllanishiga ta’sir etuvchi ijobiy va salbiy omillar va ularning rivojlanishi shartlari;

• bozorning yangi segmentlarida mahsulotga bo‘lgan talab va ushbu ehtiyojlarni shakllantirish;

3.Usullarni tanlash bilan kompleks marketing strategiyasini ishlab chiqish:

• narxlar darajasini baholash;

• tovarlarni bozorga chiqarish va ularni iste’molchiga ilgari surish jarayonini boshqarish;

• mahsulot va xizmatlarni sotishni boshqarish;

• xizmat ko‘rsatish (maxsus xizmatlar);

• aloqa vositalari, reklama vositalari va resurslardan foydalanish

samaradorligini baholash.

Marketing bo‘yicha mutaxassisni tanlashning o‘ziga xos xususiyati, avvalam-bor, uning shaxsiga yo‘naltirilganligidadir, chunki mavqei nafaqat oliy ta’limda olgan bilimlarning butunligini, balki, ma’lum bir fikrlash turini ham talab qiladi.

Xizmat ko‘rsatish sohasida marketing mutaxassisi tashkiliy ko‘nikmalarga ega bo‘lishi, o‘z fikrlarini aniq ifoda eta olishi, odamlar bilan yaxshi muomala qilishi, muzokara olib borishi, mazmuni va qiyinligini aniqlashi kerak. Ofis ishining asoslarini bilgan holda, u hujjatlar bilan tez va oqilona ishlashi kabi quyidagilarni uddalay olishi kerak: uslubiy tavsiyalarni ishlab chiqishi, turli xil so‘rovlarga javob berishi, o‘z vakolatiga kiradigan masalalar bo‘yicha mustaqil ravishda yozma fikr bildirishi kabilar. Shuningdek, muhim tashabbuskorlik, mas’uliyat, jamoada ishlash qobiliyati, shuningdek, chet tilini yaxshi bilish, kompyuter ko‘nikmalari singari xususiyatlarga ega bo‘lmog‘i lozim. Eng munosibini tanlashda barcha talablarga javob beradigan nomzodlarning kasbiy mosligini baholashning keng tarqalgan usuli - bu marketing bo‘yicha mutaxassis faoliyatiga imkon qadar yaqin sharoitda talabgorlarni sinovdan o‘tkazish. Sinov nafaqat tanlangan xodimning ish sharoitlariga muvofiqligini isbotlash uchun xarakterning bir yoki bir nechta xususiyatini o‘lchash imkoniyatini beradi, balki ba’zan juda qiyin bo‘lgan bunday yozishmalarni ishonchli tarzda isbotlashi kerak.

Yetuk bozor iqtisodiyoti mutaxassislari bunday muvofiqlikni isbotlash uchun quyidagi majburiy talablarni qo‘yadilar:

1. Faoliyat jarayonini sinash va tahlil qilish ish uslubini va marketing bo‘yicha mutaxassisning ancha murakkab ishini yuqori sifatli bajarish uchun zarur bo‘lgan ko‘rsatkichlarni aniqlashi kerak;

2. Sinov kamida bir nechta xarakterli ko‘rsatkichlarni o‘lchashi kerak;

3. Ushbu belgi haqiqatan ham ishning sifati bilan bog‘liqligini va mutaxassis-marketolog uchun muhimligini isbotlash kerak.

Muayyan talablar yoki shartlar bo‘yicha mutaxassisni tanlashning tegishli usuli tanlov usuli ish uslubining alohida muhim elementlariga mos keladigan talabgorning o‘ziga xos qobiliyatlarini aniqlaydigan aniqlik darajasini belgilaydi. Sinovni ikki marta o‘tkazish tavsiya etiladi: yollashdan oldin va sinov muddati muvaffaqiyatli tugaganidan keyin (taxminan 6 oydan keyin). Sinov natijalari sir saqlanadi. Yollash to‘g‘risidagi qaror ularni ko‘rib chiqmasdan qabul qilinadi. Qabul qilingan marketing bo‘yicha mutaxassis minimal ish tajribasiga ega bo‘lmaguncha, ular oshkor qilinmaydi. Marketing mutaxassisining kasbiy muvofiqliligini baholash faqat olti oydan so‘ng amalga oshiriladi va keyin ushbu baholash natijalari o‘sha paytgacha sir saqlanib qolgan testlar natijalari bilan taqqoslanadi. Kelajakda tanlov bo‘yicha qaror qabul qilish uchun faqat ma’lum bir tajribaga ega bo‘lgan mutaxassis-marketologning ko‘rsatkichlariga mos keladigan testlar qo‘llaniladi. Keyinchalik, mutaxassis – marketolog lavozimini egallashni istagan har bir kishi faqat ushbu sinovdan o‘tgan testlardan foydalanadi.

Marketing bo‘yicha mutaxassislarni tanlashda, odatda, tanlov jarayonining quyidagi tartiblari tavsiya etiladi (2-rasmga qarang).



2- rasm. **Marketing bo‘yicha mutaxassisni tanlash jarayoni chizmasi**
(muallif tomonidan tuzilgan)

Marketing mutaxassisi lavozimiga nomzodlarni tanlash, odatda, tashkilotda tashkil qilingan xodimlar zahirasidan amalga oshiriladi, ammo tashqaridan taklif ham qilinishi mumkin. Ariza beruvchi bilan dastlabki suhbatni o‘tkazishdan oldin, uni marketing bo‘yicha mutaxassisning lavozim tavsifi bilan tanishtirish tavsiya etiladi: unda u quyidagilarni bilishi kerakligi ko‘rsatiladi.

- uning faoliyatiga tegishli qonunlar, farmonlar, buyruqlar, farmoyishlar, tartibga soluvchi hujjatlar va me’yoriy hujjatlar;
- xo‘jalik yuritishning bozor usullari;
- marketing va reklama asoslari;
- mehnatni tashkil etish va boshqarish;
- mikroiqtisodiyot, statistika, ekonometrika asoslari;
- rejalashtirilgan ishlarni tashkil qilish va ishlab chiqish tartibi:- strategik, taktik va operatsion rejalar;
- biznes rejalar;
- mehnat, moddiy va moliyaviy harajatlar standartlari;
- hisobot berish tartibi;
- tashkilot ko‘rsatkichlarini hisobga olish va tahlil qilish usullari;
- ratsionalizatorlik takliflari, ixtirolar, yangi uskunalar va texnologiyalarni joriy etishning iqtisodiy samaradorligini aniqlash usullari;
- qoidalar:
- ichki mehnat qoidalari;
- mehnat muhofazasi;
- xavfsizlik texnikasi, sanoat sanitariyasi va gigienasi, yong‘in xavfsizligi, fuqaro muhofazasi.

Mutaxassis - marketolog g‘ayratli, ijobiy, xushmuomalali, talabchan va vertikal marketing tizimiga mos bo‘lishi kerak.

Ish ta’rifida marketologning funksional vazifalari, huquqlari, mas’uliyati va

ish sharoitlarini batafsil belgilanishi kerak.

Dastlabki suhbatni har xil yo‘llar bilan, xodimlar bo‘limida ham, to‘g‘ridan-to‘g‘ri marketing bo‘yicha mutaxassisning ofisida ham o‘tkazish mumkin. Agar suhbat muvaffaqiyatli amalga oshirilgan bo‘lsa va murojaat etuvchi ijobiy taasurot qoldirgan bo‘lsa, unda xodimga ariza shaklini to‘ldirish, qisqa rezyumeni yozish va kerakli hujjatlar va ma’lumotnomalarni taqdim etish tavsiya etiladi.

Taqdim etilgan hujjatlarni sinchkovlik bilan tekshirish va agar u talablarga javob bersa, u holda test o‘tkazish kerak. Sinovlar psixologlar va xodimlar mutaxassislari tomonidan kasbiy salohiyatni baholash uchun ishlab chiqiladi: bilim, qobiliyat, aql-zakovat, mutaxassis-marketologning samarali faoliyati uchun zarur bo‘lgan belgilardir, masalan:

• ijodiy salohiyat;
• merchendayzingga (savdo-sotiq, tijorat) muvofiqlik;
• rahbarlar bilan o‘zaro munosabatlardagi qiyinchiliklar - bo‘ysunuvchilar, boshqa xodimlar;
• hokimiyat;
• tashkilotchilik qobiliyatlari mavjudligi;
• ziddiyatli belgilari;
• o‘zgarishlar va stressga moslashish;
• boshqa mezonlar.

Agar talabgorning test savollariga javoblari qoniqarli bo‘lsa, u kasbiy darajaga mos keladi va ikkala tomon ham mehnat shartnomasini imzolaydilar.

Mutaxassis-marketelogning kasbiy muvofiqliligini baholash uning faoliyati natijalariga ko‘ra amalga oshiriladi. Ushbu natijalar, eng avvalo, iste’molchilar va ishlab chiqaruvchilarning manfaatlarini uyg‘unlashtirish asosida raqobat muhitida tashkilotning barqaror ishlashi va rivojlanishida ifodalanadi.

Agar mutaxassis tashkilotning barcha tuzilmalari faoliyatini ishbilarmonlik va tashkilotni har tarafdan o‘rab turuvchi fon muhitidagi o‘zgarishlarni hisobga olgan holda to‘g‘ri tahlil qilsa, muvofiqlashtirsa va tartibga solsa, bozor imkoniyatlarini, uning kon’yunkturasini, ehtiyojlari va talablarini, ularning dinamikasini va shunga muvofiq ravishda tashkilotning strategiyasini to‘g‘ri aniqlasa, kasbiy muvofiqlilikni baholash shiddatli raqobat oldida ijobiy bo‘ladi [2].

A’lo bahoga ega bo‘lish uchun marketing mutaxassisi mahsulot turlarini rivojlantirish bo‘yicha takliflarni o‘z vaqtida va samarali ravishda tayyorlashi kerak.

Narx-navo siyosatini to‘g‘ri belgilash, mahsulotlarni (xizmatlarni) sotishga ta’sir etuvchi omillarni hisobga olgan holda tarqatish kanallarini to‘g‘ri tanlash, aloqa siyosatini maqbullashtirish, strategik, taktik va operatsion rejalashtirish dasturlarini ishlab chiqishda faol ishtirok etish, tashkilotning marketing faoliyati samaradorligini aniq belgilash.

Marketing bo‘yicha mutaxassisning kasbiy faoliyat turi bo‘yicha kasbiy maqsadga muvofiqligini baholash tavsiya etiladi, masalan:

1. iqtisodiy va boshqaruv, shu jumladan, loyihalarni rejalashtirish;
2. axborot-tahliliy;

3. tovar - ishlab chiqarish;
4. sotish va tarqatish (operatsion marketing);
5. joylashishni aniqlash va joylashtirish (rasm yaratish);
6. moliyaviy va kredit tavakkalchiligini boshqarish (xavflarni sug‘urtalash va (yoki) uning darajasini pasaytirishga yo‘naltirilgan marketing faoliyati majmui);

1. Elektron marketing (axborot tizimlari, shu jumladan internet orqali marketing faoliyati).

Baholashda sub’ektivlikka tushmaslik uchun iqtisodiy, statistik, tashkiliy, ma’muriy va ijtimoiy-psixologik usullardan foydalanish tavsiya etiladi. Bu nafaqat marketing bo‘yicha mutaxassisning kasbiy malakasini muvaffaqiyatli tanlab olish va xolisona baholash, balki mehnatni rag‘batlantirishning maqbul tizimini muvaffaqiyatli ishlab chiqish uchun ham juda muhimdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1.“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.

2.М.А.Айнакулов, Э.М.Абдухамидов Нормативно-правовая база интеграционных отношений хозяйствующих субъектов.//«Молодой ученый». Международный научный журнал. Спец выпуск Джизакский политехнический институт. 2016. № 7.2 (111.2) С. 48-50.

Ш.А. Бахронов– СамИСИ ассистенти,
У.Х. Холбоев– СамИСИ ассистенти

БАНК ТИЗИМИДА МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда банк тизимининг ривожланиши, уларда маркетинг тадқиқотлари ўтказишнинг ҳозирги ҳолати ва уни такомиллаштириш йўллари ёритилган.

Калит сўзлар: банк, марказий банк, тижорат банк, маркетинг стратегияси, капитал, капитал бозири, банк маркетинги, банк жамғармалари, кредит қобилияти

Аннотация: В статье описывается развитие банковской системы Узбекистана, текущее состояние маркетинговых исследований в них и пути его улучшения.

Ключевые слова: банк, центральный банк, коммерческий банк, маркетинговая стратегия, капитал, рынок капитала, банковский маркетинг, банковские средства, кредитоспособность

Abstract: The article describes the development of the banking system in Uzbekistan, the current state of marketing research and ways to improve it.

Key words: bank, central bank, commercial bank, marketing strategy, capital, capital market, bank marketing, bank funds, creditworthiness

Банк хизматлари соҳасида маркетинг фаолиятини шакллантиришнинг асосий мақсади – капитал бозори талабларига мослашиш учун зарур

шароитлар яратиш, бозорни ўрганиш, рақобатбардошликни ва фойдалиликни ошириш бўйича тадбирлар тизимини ишлаб чиқишдан иборатдир. Банк хизматлари соҳасида маркетинг фаолиятини шакллантиришнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: банклар учун алоҳида қизиқиш уйғотадиган капитал бозоридаги талабларни ва унинг алоҳида сегментларини ўрганиш; фоизлар сиёсатини таҳлил қилиш; реклама; банк пассивлари ва активларини кенгайтириш; банк фаолиятини режалаштириш тизимини ишлаб чиқиш; ходимларни бошқариш; мижозларга хизмат қилишни ташкил этиш. Банк капитал бозорини таҳлил қилиб, ҳудуддаги объектларнинг ижтимоий руҳий хусусиятларини ҳисобга олиш асосида маблағлар (қўйилмалар, депозитлар) жалб қилиш ҳамда кредитлар ва ссудалар бериш бўйича дастур тузади. Шу маънода банк хизматалри бозорини эгаллашнинг аниқ усулларини белгилаб олиши зарур. Банкнинг барча бўлинмалари ана шу стратегияга асосланиб фаолият юритиши зарур.

Маркетингни кенг қўллаш ва капитал бозорини таҳлил қилиш, шунингдек, тегишли стратегияни ишлаб чиқишга мисол тариқасида XX асрнинг 60-йилларда “Bank of America” банкининг сиёсатини келтириб ўтиш мумкин. Унинг бозордаги стратегияси шундан иборат эдики, бу банк ўз диққатини бошқа Америка тижорат банклари рад этган майда жамғармаларни қабул қилиш ва майда маблағ қўювчиларни жалб қилишга жамлади. Натижада, “Bank of America” молиявий жиҳатдан ўша вақтда умумий сони 14 мингтагача етган АҚШ тижорат банклари ўртасида етакчи ўринга чиқиб олди. Бундай мисол шуни кўрсатадики, банклар жамғармаларини кўпайтиришнинг ҳар бир имкониятини ҳисобга олишлари керак, чунки бу ўз навбатида уларнинг кредит потенциалини кенгайтиради. Банк маркетингининг бошқа муҳим соҳаси қарз олувчиларнинг кредит фобилиятини таҳлил қилиш ҳисобланади. Бунга кредитларни шартлайдиган омилларни ўрганиш киради. Шунинг учун ҳам банк учун қарз олувчининг кредитини кредит шартномасидаги шартларга мос равишда қайтариш имконияти ва шунга тайёрлигини ўрганиш жуда муҳимдир. Банк ўз зиммасига оладиган таваккал даражасини билиши, шунингдек, ўзи бера оладиган кредит ҳажмини ҳисобга олиши шарт. Мижознинг кредит қобилиятини таҳлил қилиш билан банкнинг кредит бўлими шуғулланади.У мижозлар тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, умумлаштириш ва келгуси фаолиятини сақлаш билан шуғулланади. [1] Кредит қобилиятини ўрганиш чегаралари ссуда ҳажми ва муддатлари, кредит берилаётган компания ёки корхонанинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти натижалари, шунингдек, банкнинг қарз олувчи билан ўзаро муносабатларига боғлиқ.Ғарб моделига кўра мижознинг кредит қобилияти банк ва компания ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг жуда муҳим жиҳати ҳисобланади, айниқса бу персонал (шахсий) униялар йўли орқали банклар ва корпорацияларни бирлаштириш, иштирокчилик тизими ва узоқ муддатли молиявий алоқаларга асосланган бўлса. Персонал уния банк ходимларининг

[1] Панкрухин.А.П. Маркетинг: учебник для студ. - М.: Омега-Л, 2009 – 65 с.

компания бошқарувида бўлишини ёки аксинча компания ходимларининг банк бошқарувида бўлишини назарда тутади. Иштирокчилик тизими қимматли қоғозлар, асосан акцияларга биргаликда эгалик қилишни назарда тутади. Узоқ муддатли алоқалар компания ёки корхона томонидан банкдан 15 ва ундан кўп йилларга кредит олишни англатади. Алоқаларнинг бу тури кредит қобилиятини барқарорлаштиради.

Банк маркетинги деганда, шунингдек, пул жамғармаларини ва маблағларини аккумуляция қилиш йўналиши бўйича, ҳам кредитлар бериш йўналиши бўйича аниқ банк фаолиятига бозордаги маълум талабни тушуниш керак. Маълумки, банклар ўз фаолиятини асосан жалб қилинган маблағларга (депозитлар ва қўйилмалар) асослантиради. Шунинг учун банк маркетингини ишлаб чиқишда иложи борича кўпроқ пул маблағларини жалб қилиш муҳим жиҳат ҳисобланади. Бунда банклар функционал жиҳатдан тижорат, жамғарма, ипотека, инвестиция, ихтисослашган банкларга бўлинишини ҳисобга олиш лозим.

Банкдаги жамғармалар бўйича фоиз ставкалари даражаси, турли қимматли қоғозлар бўйича (акциялар бўйича дивидендлар ва хусусий ва давлат облигациялари бўйича фоизлар) олинадиган, шунингдек суғурта полислари бўйича тўловлар ҳажми ўртасидаги нисбат катта аҳамиятга эга. Пулларни жамғаришнинг турли шакллари ўртасидаги бу нисбат пулни қаёққа қўйиш мақсадга мувофиқроқ эканлигини кўрсатади: жамғарма шаклида банкками, қимматли қоғозларгами ёки суғурта полисигами?

Банк маркетингининг иккинчи қисми бир қатор омилларга боғлиқ. Авваламбор бу капитал бозорида турли иқтисодиёт соҳалари томонидан бўлган талабдир. Қоида тариқасида тижорат банклари қисқа муддатли ва ўрта муддатли қарз беришга ихтисослашади. Шунинг учун ҳам улар учун саноат, транспорт ва савдо корхоналарининг кредитга бўлган талабини баҳолаш муҳимдир, чунки бу соҳалар иқтисодиётнинг умумий ҳолатини кўрсатиб туради.[1]

Банклар ўз маблағ жамғармаларини акциялар, хусусий ва давлат облигацияларига қўйиб, қимматли қоғозлар бозорида қизғин фаолият кўрсатадилар. Қимматли қоғозлар бозорини, у ёки бу қимматли қоғозга маблағ қўйиш фойдалилигини баҳолаш актив операциялари йўналиши бўйича банк маркетингининг муҳим қисми ҳисобланади. Бунда шуни назарда тутиш керакки, 1929-1933 йилги кризисдан кейин ғарб мамлакатларининг кўпчилигида қимматли қоғозлар бозорида банкларнинг деярли барчасининг фаолияти чекланган. Уларга асосан марказий ва маҳаллий ҳукумат томонидан чиқарилаётган давлат қимматли қоғозларига қўйилмалар қўйишга рухсат берилади. Шу билан бирга хусусий акциялар ва облигацияларга маблағ қўйиш ман қилинган (масалан, АҚШ, Канада, Англияда) ёки чекланган (ғарбий Европа мамлакатлари, Японияда) бўлиши мумкин.

Маълумки, Ўзбекистонда тижорат банклари 1991-1998 йилларда яратила бошланди. Янги банк тизимининг муҳим хусусияти шундан иборатки, у

[1] Jalolov J.J., Fattaxov A.A. Biznes marketingi. Darslik. –T.: Iqtisod-Moliya, 2007, -120 b

асосан тижорат банкларидан иборат. Бунда уларнинг асосий қисмини устав капитали 100 млн. сўмдан кам бўлган майда банклар ташкил қилади. Банк маркетинги эндигини реал фаолият бошланмоқда, чунки бозор элементи сифатида тижорат банклари ҳали банк маркетинги яратилишигачаёқ фаолият кўрсата бошлаган эди. Шу даврда иқтисодиётда тегишли қонуний асосга эга бўлган баъзи бозор элементлари пайдо бўла бошлаганди. Жадал равишда тижорат банкларининг ўзини тузиб, бошқа кредит-молия институтларини яратиш, корхоналарни акциядорликка айлантириш ва хусусийлаштириш, нархларни эркинлаштириш, корхоналарнинг мустақиллигини кучайтириш кабилар шулар жумласидандир.Банклар ҳозирча жаҳон амалиётида умумэътироф этилган корхонанинг иқтисодий фаолиятини баҳолаш билан боғлиқ маркетинг усулларидан етарли даражада фойдаланмаяптилар. Агар банклар кўрсатилган маркетинг усулларини ҳисобга олсалар ва саноат ҳамда миллий иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига кредитлар қўйиш билан шуғуллансалар мақсадга мувофиқ бўлади.Бу тўғридан-тўғри банк кредити бериш орқали ҳам, қимматли қоғозлар бозори орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Қимматли қоғозлар бозори кенг хусусийлаштириш мавжуд бўлгандагина мумкин бўлади. Бундан ташқари реалбанк маркетингининг шаклланиши инфляция даражасини пасайтиради.Аҳоли турли ижтимоий қатламларининг даромадларини баҳолаш, мижознинг кредит қобилиятини ҳисобга олиш, унинг бутун иқтисодий фаолиятининг кўрсаткичларини таҳлил қилиш (агар у корхона бўлса) зарур.Шунинг учун банк маркетингининг асосий вазифаларидан бири хорижий банк маркетинги тажрибасини ўрганиш ва Ўзбекистоннинг ўзига хос шароитларини ҳисобга олган ҳолда бу тажрибани жорий қилишдир.

Р.А.Рафиқов – СамИСИ, ММН-119 гуруҳ магистранти

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА НЕФТ-ГАЗ САНОАТИДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада инновацион иқтисодиёт шароитида нефт-газ саноатидаги акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш йўллари йўллари кўрсатиб ўтилган

Калит сўзлар: нефт, газ, акциядорлик жамиятлари, тамойил, бошқарув

Аннотация: В данной статье представлены способы оценки эффективности корпоративного управления в компаниях нефтегазовой отрасли в условиях инновационной экономики

Ключевые слова: нефть, газ, биржевые общества, принцип, управление.

Abstract: in this article, the ways of assessing the effectiveness of corporate governance in the oil and gas industry companies in the conditions of innovative economy are presented

Keywords: oil, gas, stockadorlik societies, principle, management.

Нефт газ саноатидаги акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш, бу соҳага хорижий стратегик инвесторларни жалб қилиш орқали миллий иқтисодиёт ўсишининг юқори суръатларини таъминлашнинг устуворлик касб этиши ва долзарблиги корпоратив бошқарув сифати ва самарадорлиги масалаларига эътиборнинг кучайишига олиб келди. Айниқса ҳозирги инновацион иқтисодиёт шароитида, мамлакатимизда нефт газ саноати соҳасидаги акциядорлик жамияти шаклида фаолият юритиш хорижий инвестор иштирокини талаб қилар экан, корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш, молиявий ҳисоботларни халқаро стандарт талаблари асосида тузиш, бошқарув самарадорлигини ошириб бориш ва назорат қилиш, дивиденд сиёсатини тўғри шакллантириш ва акциядорлар учун юқори даромадни таъминлаш нақадар муҳим аҳамият касб этишини тасаввур этиш қийин эмас. Ўзбекистондаги нефт газ саноати соҳасидаги акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизими шаклан ва мазмунан халқаро стандартлар талабларига мослашиб бормоқда. Бу борада корпоратив бошқарув тизимини чуқур ислоҳ қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармон ва қарорлари қабул қилиниб, ижроси таъминланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720 сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича қабул қилинган ҳаракатлар стратегияси”да корпоратив бошқарувнинг замонавий халқаро стандартлари ва услубларини жорий этиш ҳамда акциядорларнинг корхонани стратегик бошқаришдаги ролини кучайтириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган. Ҳозирги вақтда экспертларнинг баҳоси ва эмпирик тадқиқотлар натижаларига кўра, корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш эвазига корпорацияларнинг бозор қиймати 20-30 фоизга ошиши кузатилган. Бундан ташқари, самарали корпоратив бошқарув тизимини шакллантириш миллий фонд бозори капиталлашувининг ошишига, ташқи молиялаштириш манбаларидан фойдаланиш имкониятининг пайдо бўлишига ва пировардида мамлакатда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши ва улар рақобатбардошлигининг юксалишига олиб келади. Шу боисдан ҳам, инвестиция бўйича қарорларни қабул қилишда инвестиция киритилиши мўлжалланган нефт газ саноати компанияларида корпоратив бошқарувнинг қай даражада йўлга қўйилганлиги, унинг самарадорлиги тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунга монанд тарзда, нефт газ саноати компанияларининг корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш, диагностика қилиш мезонлари, услублари ҳам такомиллашиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, корпоратив бошқарув бўйича нефт газ саноати компаниялари рейтингларини аниқлаш хизматларини ривожлантириш

борасида рейтинг агентликлари ўртасида кучли рақобат муҳити шаклланишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Самарали корпоратив бошқарув нефт газ саноати соҳасига оид халқаро стандартларнинг жорий этилишини ҳам талаб этади. Ҳозирги кунда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг замонавий корпоратив бошқарув тамойиллари қуйидагича тизимлаштирилган:

1) Самарали корпоратив бошқарув механизмлари учун зарурий асосларни таъминлаш;

2) Акциядорларнинг ҳуқуқлари, уларга тенг муносабат ва асосий мулкдорлик функциялари;

3) Институционал инвесторлар, фонд бозорлари ва бошқа воситачилар;

4) Манфаатдор томонларнинг корпоратив бошқарувдаги роли;

5) Ахборот очиқлиги ва шаффофлик;

6) Кенгашнинг мажбуриятлари. Шунингдек, самарали корпоратив бошқарувнинг муҳим тамойиллари сифатида бир қатор тамойилларни ажратиб кўрсатиш мумкин (1-расмга қаранг).



1-расм. Самарали корпоратив бошқарув тамойиллари[1]

Бизнинг фикримизча, қуйидаги тамойиллар корпоратив бошқарув самарадорлигини таъминлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади:

1. Касбий малака даражаси. Кузатув кенгаши ва ижроия органининг компанияни самарали бошқариш ва назорат қилиш борасидаги қобилияти, керакли билим, тажриба ва салоҳиятга эга бўлиши самарали корпоратив бошқарувнинг бирламчи тамойили ҳисобланади. Хусусан, М.Надлер

[1] Baker, H. and Anderson, R., ”Corporate Governance: A Synthesis of Theory”, Research, and Practice, 2010.

самаралироқ кенгашларни тузиш учун бизнес ва у тааллуқли бўлган саноатни тушунадиган ва стратегик фикрлайдиган шахслар зарурлигини таъкидлайди[1].

2. Ҳалоллик, бизнес этикаси тамойилларига амал қилиш. Бошқарув кенгаши акциядорлик жамиятини ҳалол ва этика тамойилларига риоя қилган ҳолда фаолият юритишга йўналтириши лозим. Бошқарув кенгашининг ўзи самарали бўлиши учун эса кенгаш ичида ва ташқарисида этика тамойиллари амал қилиши ўта зарур ҳисобланади. Бундан ташқари, ҳозирги кунда мамлакатимизда кенгашларда ҳалоллик ва этика тамойилларига амал қилинишини таъминлаш учун директорлар кенгаши жинс нуқтаи-назаридан диверсификациялашган, яъни унда аёл директорларнинг улуши салмоқли бўлишига ҳам аҳамият берилмоқда. Бироқ аёл директорларнинг кенгашдаги салмоғи ортишининг компания фаолияти самарасига (аксарият тадқиқотларда самара компания активлари рентабеллиги – ROA орқали баҳоланган) таъсири борасида ягона хулосага келинмаган. Бошқача айтганда, бу борада илмий изланувчиларнинг фикрларини иккига ажратиш мумкин: 1) аёл директорлар ва компания фаолияти самараси ўртасида ижобий боғлиқлик мавжуд[2]; 2) ушбу икки кўрсаткичлар ўртасида сезиларли боғлиқлик мавжуд эмас[3].

3. Етакчилик. Етакчилик (лидерлик) компания меҳнат жамоасини умумий мақсадга эришиш сари йўналтиради ва зарурий йўриқномалар билан таъминлайди. Кузатув кенгаши ва ижроия органи раҳбарлари самарали етакчилик тамойилларини жорий этишлари шарт.

4. Ҳисобдорлик. Ҳисобдорлик очиқликка асосланади. Корпоратив ҳисобдорлик компаниянинг фаолияти, хатти-ҳаракати сабаблари ёки у юзасидан тушунтириш бериш бўйича мажбурият ҳамда масъулиятни ифодалайди. Бошқарув кенгашлари акциядорлар ва бошқа манфаатдор томонлар билан муносабатларни очиқ ва мувозанатли асосда ташкил этилишини таъминлашлари лозим.

5. Барқарорлик. Барқарорлик пайдо бўлиши нуқтаи назаридан янги, бироқ корпоратив бошқарувнинг муҳим тамойили ҳисобланади. Шу жиҳатдан қараганда, ушбу тамойил ижтимоий масъулият, табиатни муҳофаза қилиш масалаларида компаниянинг ролини англаб олишни тақозо этади.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда нефт газ саноати акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарув тизими ривожланишида корпоратив ахборотлар очиқлигига эътибор ва талабнинг кучайиб бораётганлигини қайд этиш алоҳида ўрин тутади. Нефт газ саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича махсус саволномада ҳам ахборот очиқлигига доир саволлар салмоғининг юқорилиги юқоридаги фикримизни тасдиқлашга хизмат қилади.

---

[1] David A. Nadler, Beverly A. Behan, Mark B. Nadler. Building Better Boards: A Blueprint for Effective Governance. John Wiley & Sons; 1 edition (3 Feb. 2006).

[2] . Campbell and MinguezVera. Campbell, K & minguez-Vera, A. 2007. Gender diversity in the boardroom and firm financial performance. Journal of Business Ethics, 84:435-451.

[3] Randøy, Trond, Steen Thomsen and Lars Oxelheim, 2006, A Nordic Perspective on Corporate Board Divesity, Report from the Nordic Innovation Centre.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда нефт газ саноати акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолашнинг услубиятини такомиллаштиришга зарурат мавжуд.

Фикримизча, корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини ошириш ва уни баҳолаш услубиятини такомиллаштириш бўйича қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсияларни жорий этишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, нефт газ саноати акциядорлик жамиятлари ҳужжатларда кодекс тавсияларини акс эттириш билан чекланиб қолмоқда, амалда бу тавсияларни амалга оширишнинг аниқ механизмлари ҳақида бошқарув органлари етарлича қайғурмаётирлар. Бинобарин, Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига мувофиқ, акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги низомда умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар акциядорларга кун тартиби, шу жумладан, кузатув кенгашининг умумий йиғилиш кун тартибидаги масала бўйича позицияси юзасидан зарур маълумотларни тақдим этиш кўрсатиб ўтилган;

Иккинчидан, нефт газ саноати акциядорлик жамиятининг алоҳида ички ҳужжатида акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар учун овоз беришда уларнинг биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиш имкони назарда тутилган бўлишига қарамай, амалда юқорида қайд этилган тавсияларни амалга оширишнинг аниқ ва самарали механизмлари ишлаб чиқилмаган. Нефт газ соҳаси акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарув бўйича масъул ходимлари “Саволномада ижроси кўрсатилмаган”, “ҳужжатларга тавсиялар киритилган” каби важ-баҳоналар билан фақат корпоратив бошқарув самарадорлиги бўйича белгиланадиган баллни максималлаштиришга ҳаракат қилинмоқда. Бу эса мазкур саволномани тизимли равишда доимий қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштиришни тақозо этади.

Учинчидан, мустақил аъзолар сони жамият устави билан белгиланган кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15%идан кам бўлмаган миқдорда белгиланиши ва уларни сайлашда фақатгина мустақил аъзони белгилаб берувчи мезонларга жавоб берадиган номзодлар овозга қўйилиши зарур. Яъни, мустақил аъзолар учун сайлов гўёки алоҳида ташкил этиладигандек кўринсада, кузатув кенгаши аъзолигига сайловнинг ўрнатилган тартиби бўйича амалга оширилади, унга барча акциядорлар, хоҳ у мажоритар хоҳ у миноритар бўлсин, мустақил аъзо мезонларига жавоб берадиган номзодларни кўрсатадилар ва уларни белгиланган тартибда сайлайдилар.

V ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

Ж.Р. Зайналов– СамИСИ, “Молия” кафедраси мудири, и.ф.д., профессор,
П.Ш. Усмонов– СамИСИ, “Молия” кафедраси ассистенти,
Қ.Д. Данияров– Қорақалпоқ давлат университети доценти в.б.

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ СОҲА КОРХОНАЛАРИНИ ТИКЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Аннотация: мақолада туризм соҳа корхоналарига кўрсатиб келинаётган молиявий ёрдам орқали мамлакатимизга туристик оқимни ва ундан тушадиган валюта тушумларини ошириш масаласига алоҳида эътибор берилган. Ушбу мақсадга эришиш учун туризм соҳасининг молиявий потенциалини ва рақобатбардошлигини янада ошириш йўллари таклиф этилган.

Калит сўзлар: туризм, туроператор, турагент, “Туризм маҳалласи”, “Туризм қишлоғи”,“Оилавий меҳмон уйлари”.

Аннотация: В статье особое внимание уделяется вопросу увеличения потока туристов в страну и валютной выручки за счет финансовой помощи туристическим предприятиям. Для достижения этой цели были предложены пути дальнейшего повышения финансового потенциала и конкурентоспособности туристической индустрии.

Ключевые слова: туризм, туроператор, турагент, “Туристический квартал”, “Туристическая деревня”, “Семейные гостевые дома”.

Abstract: The article focuses on the issue of increasing the flow of tourists to the country and foreign exchange earnings through financial assistance to tourism enterprises. To achieve this goal, ways have been proposed to further enhance the financial potential and competitiveness of the tourism industry.

Keywords: tourism, tour operator, travel agent, "Tourist quarter", "Tourist village", “Family guest houses”.

Туризм ва унга бевосита боғлиқ бўлган тармоқларни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали туристик соҳа корхоналарининг молиявий потенциалини ошириш, ҳозирда санитария-эпидемиологик вазият яхшиланишига қараб коронавирус пандемияси таъсир оқибатларини бартараф этиш орқали ушбу соҳанинг молиявий потенциалини ошириш долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5781-сонли Фармони ва 2020 йил 19 июндаги

“Санитария-эпидемиологик хавфизлигининг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда, туризм соҳасини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4755-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар сирасига кирувчи масалаларни ҳал этиш зарурият даражасига кўтарилмоқда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қарорларда қисқа вақт ичида туристик индустрия объектларини ташкил этиш, туроператор ва турагентлик хизматларини кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, туристик объектларда туристларни жойлаштириш ва уларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, хостеллар фаолиятини ташкил этиш, чартер рейсларни ташкил қилиш харажатларини компенсация қилиш учун маблағлар ажратиш, халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмаларида янги турдаги хизмат ва маҳсулотлар билан иштирок этиш учун туризм соҳаси субъектларини танлаб олишни, фуқаролар йиғинларига “Туризм маҳалласи”, “Туризм қишлоғи” ва “Туризм овули” мақомини бериш, туризм соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш каби масалаларни амалда фаоллаштириш туризм соҳасини рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади ва туристлар оқимини янада оширади.

Амалга оширилиши кўзда тутилган тадбирларнинг жозибадорлигини оширишда туризм ва унга бевосита боғлиқ субъектларга тадбиркорлик фаолиятларини оширилишини таъминлаш мақсадида молиявий қўллаб-қувватлаш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. 2020 йил давомида қабул қилинган қарорларда нафақат туристик соҳа корхоналарини қўллаб-қувватлаш, балки уларга қўшимча молиявий ёрдам кўрсатиш ҳам кўзда тутилган. Мисол учун, грантлар бериш, компенсация ва молиявий ёрдам кўрсатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат Қўмитасининг ҳамкорлари – нодавлат ташкилотларини институционал қўллаб-қувватлаш, туризм марказини барпо этиш ва фаолиятини йўлга қўйишни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши истиқболда туризм соҳа корхоналарининг ривожланиши ва улар молиявий потенциалини оширилишининг молиявий механизмларидан кенг фойдаланишга шароит яратиб берилмоқда.

Турмаҳсулотларни сотишдан маблағларнинг Ўзбекистон Республикасининг бюджетига тақсимланадиган қисми бюджетдан ташқари туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтириладиган амалдаги ва бугунги кунда фойдаланилмаётган собиқ туризм соҳасидаги давлат активлари ва улар эгаллаб турган ер участкалари унумли фойдаланиши учун зарур молиявий ресурсларни тақдим этиш зарур бўлмоқда. Бу эса коронавирус пандемияси ва глобал инқирозли ҳолатларнинг мамлакат туризм соҳасига салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, улар ижросини таъминланишини талаб этади.

Туризм соҳасини ривожлантиришда аҳоли турар жойларини ижарага олиш, уларни туристларга хизмат кўрсатиш учун жалб этиш орқали Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат Қўмитаси ҳузуридаги “Туристларга хизмат кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонаси, туризм ахборот марказлари фаолиятини ҳам мувофиқлаштиришда

алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу марказлар фаолиятини турар жойларни ижарага олган ва туристларга хизмат кўрсатиш учун жалб этилган хонадонлагда керакли методик ва амалий ёрдам кўрсатиш, уларни зарур ахборот ва тарғибот материаллари билан таъминлашга эришиш мумкин бўлади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат Қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 1 июлдан бошлаб 2023 йил 31 декабрга қадар Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан чекка қишлоқ ва тоғли жойларда оилавий меҳмон уйлари ташкил қилиш харажатларининг 30 фоизгача, лекин 10,0 млн. сўмдан ошмаган миқдорда, камида 5 йил давомида фаолият олиб бориш ҳамда белгиланган тартибда ташриф буюрувчиларни автоматлаштирилган махсус электрон дастурга киритиб бориш шарти билан белгиланган тартибда компенсация қилишни кенг йўлга қўйиш учун шарт-шароитлар яратиб берилган. Туризмни ривожлантириш давлат Қўмитаси томонидан тасдиқланган рўйхат асосида айрим муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, шунингдек, давлат ўрмон Фонди участкалари ҳамда бошқа ҳудудларда амалга ошириладиган тоғ, трек, чанғи, велосипед, мотоцикл, ғор туризми, отда сайр қилиш ва туризмнинг бошқа махсус турларидан экскурсияларнинг бошланиш қисмида енгил конструкцияли туризм ахборот марказлар фаолиятини кенг йўлга қўйиш талаб этилади.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларини ҳисобга олган ҳолда “Туроператор ва турагентларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва кенг халқ оммасига муҳокамага чиқариш зарурияти мавжуд. Ушбу орқали туристларни туристик объектлар чизмаси доирасида ҳаракатланишининг тўлиқ хавфсизлигини таъминлашга, хорижий туристлар оқимини янада оширилишига имконият яратилган бўлар эди. Бу эса ҳозирда ташкил этилган хавфсиз туризм жамғармаси[1] фаолиятини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 28 майдаги ПФ-6002-сон Фармонига асосан туризм соҳасининг субъектларига тақдим этиладиган фоизсиз субсидия, компенсация ва фоизсиз ссудалар учун бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратилган маблағлар ҳамда Жамғармага Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармасининг маблағлари ҳисобот йилида фойдаланилмаганда олиб қўйилмаслик ва кейинчалик Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги жамғармалар маблағларидан конкрет йўналишларда белгиланган тартибда ва мақсадларда фойдаланилиши учун кенг имкониятлар яратилди.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги “Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизлигини кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4755-сон Қарорига мувофиқ ташкил этилган.

Шу ўринда, қўшимча равишда айтиш лозимки, туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва Жамғармага тушадиган маблағларни тижорат банкларида очиладиган шахсий ҳисобварақлари ва хорижий валютадаги банк ҳисоб рақамида жамғариб бориш ҳамда вақтинча бўш маблағларни депозитга жойлаштириш ваколатини кенгайтириш учун ҳам имконият яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси туризм соҳаси корхоналарига яратиб берилаётган имкониятларидан келиб чиқиб, туроператорлик фаолияти учун берилган лицензияларни хатловдан ўтказиш ва якунига кўра туроператор ва турагентлар фаолиятларини амалда бўлган лицензияларига асосан алоҳида фаолиятларга ажратишни, хостел хизматларининг ҳам мувофиқлик сертификатларини хатловдан ўтказиб, уларни Оилавий меҳмон уйлари ва хостеллар ягона реестрига киритиш, “Ипак йўли” туризм халқаро университетига 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб, ҳар ўқув йили учун Давлат тест маркази веб-сайти орқали бакалавриатга ва Университет томонидан магистратурага амалга ошириладиган қабул жараёнларида, истисно тариқасида, хорижий тиллар (инглиз тили) бўйича етакчи халқаро ва баҳолаш тизимларининг амалдаги сертификатларига, шу жумладан IELTS бўйича камида 5,5 балл ва ундан юқори, Common European Framework of Reference for Languages (CEFR) бўйича камида B2 ва ундан юқори, TOEFL IBT бўйича камида 72 ва ундан юқори балл билим даражаси кўрсаткичи билан халқаро сертификатларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 610-сон қарори талабларига мувофиқ, Давлат тест маркази томонидан тақдим этилган инглиз тилини билиш даражаси (B2 ва ундан юқори) тўғрисидаги сертификатга эга бўлган абитуриентларнинг ҳужжатлари расмийлаштирилишига рухсат этилди[1].

Шу билан бирга, туризм соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида айрим ҳудудий туристик субъектларнинг моддий-техник базасини кучайтириш мақсадида ҳудудий ҳокимликлар қарорлари билан беғараз асосда давлат тасарруфидаги бинолар ҳам берилди. Мисол учун, Самарқанд вилояти Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси билан биргаликда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда “Ипак йўли” туризм халқаро университети ректоратини Самарқанд шаҳри, Университет хиёбонида жойлашган бинога оператив бошқарув ҳуқуқи билан беғараз асосда топширилиши, “Ипак йўли” туризм халқаро университети ўз балансига фойдаланиш учун қабул қилиб олди[2].

Самарқанд Ҳарбий прокуратураси билан биргаликда Самарқанд шаҳрида жойлашган маъмурий бино (бино ва иншоотлари)ни ўрнатилган

[1] Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июлдаги 433-сон Қарори.

[2] Ўша ерда.

тартибда “Ипак йўли офиси” унитар корхонаси тасарруфига беғараз асосда топширилиши корхона томонидан ундан самарали фойдаланилиши йўлга қўйилди[1]. Бундан ташқари, “Otel O‘zbekiston” қўшма корхона шаклидаги масъулияти чекланган жамиятининг устав фондидаги 80,13 фоиз давлат улушини сотишдан тушган маблағларнинг бир қисми, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация қилиш ва хусусийлаштириш бўйича жамғарма тасарруфида қоладиган маблағларидан ташқари, “Шаҳрисабз юлдузи” меҳмонхона комплекси қурилиши учун Польша Ҳукумати томонидан ажратилган кредитни сўндириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси қилган харажатларни қоплаш мақсадида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобига йўналтирилди[2].

Хулоса қилсак, юқоридаги ёндашувлар орқали туризм соҳа корхоналарига кўрсатиб келинаётган молиявий ёрдам орқали мамлакатимизга туристик оқимни ва ундан тушадиган валюта тушумларини ошириш мақсад қилиб қўйилган. Ҳозирда ушбу соҳанинг молиявий потенциалини ва рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида ҳам хорижий инвестицияларни ушбу соҳага қаратишга, ҳам инновацион турмаҳсулотларни ишлаб чиқариш қўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Туризм соҳа корхоналарига субсидия ва бошқа турдаги молиявий ёрдам беришдан ташқари, солиқ имтиёзлари ҳам тақдим этилиб келинмоқда. Айниқса, коронавирус пандемияси шароитида тақдим этилган солиқ имтиёзлари улар молиявий потенциалини белгиланган даврда барқарор сақлаб қолиниши эвазига ушбу соҳанинг ривожланишини таъминлаб берди. Туристик корхоналар турли тадбирларини амалга ошириш орқали ички туризмга диққат қаратган ҳолда туристик оқимни ошишига шароитлар яратиб берилди.

Г.Д. Хасанова– Бухоро муҳандислик-технология институти, “Менежмент” кафедраси доценти, и.ф.н., доцент
М.В. Тожиева– Бухоро муҳандислик-технология институти,
М10-20 МНДТ гуруҳи магистранти

ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Аннотация: мақолада инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида инвестицияларнинг роли тўғрисида баён этилган. Шунингдек, Бухоро вилояти мисолида иқтисодиётни ривожлантиришга жалб этилган инвестициялар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: инвестиция, модернизациялаш, инвестиция сиёсати, асосий капитал, молиялаштириш, марказлашган ва марказлашмаган инвестициялар.

[1] Ўша ерда.
[2] Ўша ерда.

Аннотация: В статье рассматривается роль инвестиций в условиях инновационной и цифровой экономики. Также на примере Бухарской области проанализированы инвестиции, вовлеченные в развитие экономики.

Ключевые слова: инвестиции, модернизация, инвестиционная политика, основной капитал, финансирование, централизованные и децентрализованные инвестиции.

Abstract: The article examines the role of investment in the conditions of innovation and digital economy. Also, on the example of the Bukhara region, the investments involved in the development of the economy are analyzed.

Keywords: investments, modernization, investment policy, fixed capital, financing, centralized and decentralized investments.

Инвестициялар иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашда, унинг таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш ва диверсификация қилишда, юқори барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Инвестициялар иқтисодиётнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш суръати ва кўламига таъсир этади, илмий-техника тараққиёти ҳамда аҳоли кўп қисмининг бандлигини таъминлайди.

1-диаграмма

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръатлари, фоизда



Бугунги кунда Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантиришга жалб этилган инвестициялар тўғрисида биргина Бухоро вилояти мисолида олиб таҳлил қиладиган бўлсак, 2019 йилда вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 9867,0 млрд.сўм (доллар эквивалентида 1,1 млрд. АҚШ долл.) миқдорида инвестициялар киритилди ва ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 91,3 фоизни ташкил қилди. Асосий капиталга инвестициялар йиллар бўйича динамикасини кузатадиган бўлсак, 2005 йилда – 0,3 трлн.сўм ёки

120,7 фоиз ўсишни, 2010 йилда – 2,1 трлн. сўм ёки 73,7 фоиз ўсишни, 2015 йилда – 4,1 трлн. сўм ёки 98,7 фоиз ўсишни ташкил этган.

1-диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, асосий капиталга инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари Қоракўл (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 2,2 марта кўп, асосий капиталга инвестициялар ҳажми 433,5 млрд. сўм), Пешкў (2,1 марта кўп, 492,3 млрд. сўм), ҳамда Жондор (185,0 фоизини, 567,1 млрд. сўм) туманларида кузатилди. Асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилган ҳажми бўйича туманлар кесимида Бухоро шахри етакчилик қилмоқда. Ушбу ҳудудда жами асосий капиталга инвестицияларнинг 25,8 фоизи ўзлаштирилди. Шунингдек, Олот тумани жами инвестициялар ҳажмидан 13,2 фоизини, Ромитан тумани 15,8 фоизини ташкил этмоқда. Ғиждувон ва Когон туманида ушбу кўрсаткич мос равишда 6,8 фоизи ва 6,0 фоизини ташкил этди. Қоровулбозор туманида ва Когон шаҳрида инвестициялар энг кам ўзлаштирилган бўлиб, ҳар бирининг вилоятдаги улуши 2,8 фоизи ва 2,6 фоизини ташкил этди.

2-диаграмма

Аҳоли жон бошига киритилган инвестициялар



2-диаграммадан кўриниб турибдики, 2019 йилда аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга инвестициялар ҳажми бўйича юқори кўрсаткичлар Қоровулбозор тумани (14983,8 минг сўм ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 32,1фоиз), Олот (13278,9 минг сўм, 33,1 фоиз) ҳамда, Ромитан (11110,4 минг сўм, 96,0 фоиз) туманларида қайд этилди.

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан киритилган инвестициялар ҳажми 2018 йилга нисбатан ўсиш суръати 154,8 фоизни ташкил этиб, 1728,7 млрд. сўмга етди. Жами инвестициялар ҳажмида эса марказлашган молиялаштириш манбаалари ҳисобидан киритилган инвестициялар ҳажмининг улуши 17,5 фоиз (2018 йилда 10,2 фоиз) ни ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестиция-

1-жадвал

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши

Кўрсаткичлар	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз	якунга нисбатан фоиз
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	9867,0	91,3	100,0
шу жумладан:			
Марказлашган инвестициялар:	1728,7	154,8	17,5
бюджет маблағлари	750,1	118,0	7,6
тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	36,7	-	0,4
Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги хузуридаги сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамгармаси	100,6	206,7	1,0
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	841,3	215,3	8,5
Марказлашмаган инвестициялар	8138,3	84,1	82,5
корхоналарнинг ўз маблағлари	1233,8	51,1	12,5
аҳоли маблағлари	1268,0	93,6	12,9
тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар	4384,8	99,5	44,4
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	1251,7	82,9	12,7

ларнинг ўзлаштирилиши: ишлаб чиқариш саноатида 1649,2 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 16,7 фоиз), шу жумладан озиқ – овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш 120,5 млрд.сўм (1,2 фоиз), тўқимачилик махсулотларни ишлаб чиқариш 1005,0 млрд.сўм (10,2 фоиз), кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти турида 2,6 млрд.сўм, бошқа нометал номинерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолият турида 230,9 млрд. сўм (2,3 фоиз), металлургия саноатида 82,3 млрд. сўм (0,8 фоиз), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турида 74,0 млрд. сўм, (0,7 фоиз), сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш фаолият турида 496,3 млрд. сўм, (5,0 фоиз), қурилиш фаолияти турида 587,0 млрд. сўм (5,9 фоиз), ташиш ва сақлаш фаолият турида 599,8 млрд. сўм (6,1 фоиз), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоцикларни таъмирлаш фаолият турида 279,1 млрд. сўм (2,8 фоиз), ахборот ва алоқа фаолият турида 136,4 млрд. сўм (1,4 фоиз), таълим соҳасида 330,2 млрд. сўм (3,3 фоиз), жами фаолият турларидан ташқари турар жой қурилишида 1215,6 млрд. сўм (12,3 фоиз) инвестициялар ўзлаштирилди (3-диаграмма).

4-диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, ўзлаштирилган жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг доллар эквивалентидаги қиймати 589,9 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, ундан 496,3 млн. АҚШ доллари тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитларни, ёки жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 84,1 фоиз ташкил этди. Тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилган ҳажми

3-диаграмма

2019 йилда иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркиби



4-диаграмма

Хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш (млн. АҚШ долл.)



2019 йилнинг январь-декабрида 4384,8 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 99,5 фоизни ташкил қилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда инвестицияларни, айниқса, чет эл инвестицияларни жалб этиш энг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Фикримизча, бунинг учун қуйидаги вазифалар ҳал қилинмоғи лозим деб ҳисоблаймиз:

1) иқтисодиётни илғор техника ва технологиялар билан қуроллантириш;
2) корхоналарда бошқарувнинг илғор усулларини жорий этиш, маҳаллий ишчи ва ходимлар билими, малакасини ошириш;
3) миллий корхона (фирма)лар учун жаҳон бозорига чиқишга қулай имконият яратиш;

4) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш;
5) минерал хом-ашё ресурсларини, шу жумладан, нефть ва газ қазиб чиқариш, қайта ишлаш бўйича экологик тоза ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
6) транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш;
7) илм талаб ва жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шу жумладан, замонавий ахборот ва телекоммуникацион тизимларни ривожлантириш ва ҳ.к.

Т.С.Маликов – Тошкент молия институти профессори, и.ф.д.,
С.Я.Исмоилова – Фарғона Давлат университети тадқиқотчиси

БЮДЖЕТДАН МОЛИЯЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ

Аннотация: тезисда маҳаллий бюджетлар харажатлари самарали сарфланишини таъминлаш омили ҳисобланган бюджетдан молиялаштириш усуллари ёритилган.

Калит сўзлар: маҳаллий бюджет, “нетто-брутто” тизими, “брутто-бюджет” тизими, бюджетдан молиялаштириш усуллари

Аннотация: в тезисе рассматриваются методы финансирования из бюджета, которые рассматриваются как фактор обеспечения эффективного расходования средств местных бюджетов.

Ключевые слова: местный бюджет, нетто-брутто система, брутто-бюджетная система, методы финансирования из бюджета

Abstract: the thesis discusses the methods of financing from the budget, which are considered as a factor in ensuring the effective spending of local budgets.

Keywords: local budget, net-gross system, gross-budget system, methods of financing from the budget.

Маҳаллий бюджетлар харажатларининг самарали сарфланишини таъминлашда, бошқа омиллар билан бир қаторда, бюджетдан молиялаштириш усуллари ҳам муҳим роль ўйнайди. Ўз навбатида, бюджет ассигнованиялари амалиётида бюджетдан молиялаштиришнинг турли усулларидан фойдаланилади. Унинг қуйидаги икки усулини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

а) “нетто-бюджет” тизими бўйича молиялаштириш;

б) “брутто-бюджет” тизими бўйича молиялаштириш.

Бу ҳар икки усул ўзига хос хусусиятларга эга. Хусусан,

Пул маблағларини тақдим этишнинг “нетто-бюджет” тизими бўйича молиялаштириш усули шу билан характерланадики, унга кўра бюджет ассигнованиялари тасдиқланган бюджетда кўзда тутилган харажатларнинг чекланган бир қисмига ажратилади. “Брутто-бюджет” тизими бўйича молиялаштириш усули эса, ўз навбатида, бюджетдан тўлиқ молиялаштириладиган корхона ва ташкилотлар учун қўлланилади. Бюджет ассигнованиялари бу ҳолда бюджет ташкилотини жорий сақлаш ва унинг фаолиятини кенгайтириш

билан боғлиқ бўлган харажатларнинг барча турлари учун ажратилади.

Энди эса бюджетдан молиялаштиришнинг ана шу икки усулини маҳаллий бюджетлар харажатларини самарали сарфланишини таъминлаш нуқтаи-назаридан кўриб чиқиб, тегишли хулосаларни шакллантиришга ҳаракат қилайлик. Бизнингча, уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- биринчидан, “нетто-бюджет” тизими бўйича молиялаштириш усули бюджет ассигнованиялари тасдиқланган бюджетда кўзда тутилган харажатларнинг чекланган бир қисмига ажратилиши билан характерланганлиги учун, кўриниб турибдики, унда бюджет маблағларининг тежаб-тергаб ва иқтисод қилиб сарфлашга ундовчи элемент (жиҳат)лар мавжуд. Чунки, унга кўра, бюджетда кўзда тутилган харажатларнинг ҳаммаси эмас, балки чекланган бир қисми молиялаштирилади;

- иккинчидан, харажатлар “нетто-бюджет” тизими бўйича молиялаштириш усулига мувофиқ ажратилганда уларнинг қолган қисми, маълумки, бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши керак. Бу ўша муассаса ёки ташкилотнинг ўз маблағи ёки бошқа турли усулларни қўллаш ҳисобидан қўлга киритиладиган жалб қилинган маблағлардан иборат бўлади;

- учинчидан, бюджет ассигнованиялари амалиётида бюджетдан молиялаштиришнинг “нетто-бюджет” тизими ўзида кўзда тутилган харажатларнинг тўлиқ молиялаштирилмаслик рискини мужассам этади. Бу эса, ўз навбатида, тегишли муассаса ёки ташкилотни ўз фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлаш масалаларида доим ҳушёрликка чорлайди;

- тўртинчидан, бюджетдан тўлиқ молиялаштириладиган корхона ва ташкилотлар учун “брутто-бюджет” тизими бўйича молиялаштириш усули қўлланилиши уларда, ўзига хос тарзда, хотиржамлик кайфиятини туғдиради. Бу кайфият, бора-бора, “боқиманда”лик кайфиятини ҳам келтириб чиқариши мумкин. Бундай шароитда ана шундай корхона ва ташкилотлар доирасида бюджетдан тўлиқ молиялаштириладиган маблағлар ҳажмига мос равишда самара берадиган ишларни режалаштириш ва уларни тўлиқ уддалаш алоҳида аҳамият касб этади;

- бешинчидан, корхона ва ташкилотлар “брутто-бюджет” тизими бўйича молиялаштирилганда уларни жорий сақлаш ва улар фаолиятини кенгайтириш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг барча турлари тўлиқ бюджетдан ажратилади. Бундай шароитда ўз аҳамияти ва зарурлиги нуқтаи-назаридан шундай ташкилотларни тўғри аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Улар, биринчи навбатда, умумхалқ ва умумдавлат манфаатларига самарали хизмат қилмоғи ҳамда ўзларининг жамият учун ҳақиқатдан ҳам керак эканликларини ўзларининг самарали амалий фаолияти билан тасдиқламоғи лозим. Бундай ташкилотлар фаолиятининг бюджет маблағлари ҳисобидан тўлиқ молиялаштирилиши уларда боқимандалик кайфиятини туғдирмаслиги ва уларни сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар солиқ тўловчилар зиммасига ортиқча ва кераксиз юклама бўлиб юкламаслиги зарур.

Демак, тегишли ишланмаларни таҳлил қилиш ва мантиқий фикрлаш натижасида юқорида чиқарилган хулосалардан аниқ кўриниб турибдики, бюджет ассигнованиялари амалиётида бюджетдан молиялаштиришнинг ҳар иккала усуллари ҳам ўзининг ижобий (афзалликлари) ва салбий (камчиликлари) томонларига эга. Шунинг учун ҳам масала кун тартибига маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш тарзида қўйилаётганда асосий эътибор бюджетдан молиялаштириш ҳар бир усулининг ижобий томонларидан максимал фойдаланишга ва аксинча, уларнинг салбий жиҳатларини минималлаштиришга қаратилган бўлиши лозим.

А. Бектемиров– СамИСИ доценти, и.ф.н.,
Э.А. Нозимов– СамИСИ ассистенти,
А.Х. Умаров– СамИСИ магистранти

ЎЗБЕКИСТОН РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТИДА БАНКЛАРНИНГ РОЛИ

Аннотация: Мақолада рақамли иқтисодиёт тушунчаси, рақамли иқтисодиётга берилган таърифлар, рақамли иқтисодиётга хос бўлган технологик ўзгаришлар, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши аҳоли бандлигига таъсири, миллий рақамли иқтисодий хавфсизлик тизимини яратиш, рақамли иқтисодиётда банкларнинт роли ва аҳамияти, республикамизда рақамли иқтисодиёт бўйича олиб борилаётган ислоҳатлар таҳлили масалалари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: тижорат банклари, рақамли иқтисодиёт, электрон тўловлар, рақамлаштириш, инновация, рақамли банк, АКТ.

Аннотация: В статье рассматриваются понятие цифровой экономики, определения цифровой экономики, технологические изменения, присущие цифровой экономике, влияние цифровой экономики на занятость, создание национальной системы цифровой экономической безопасности, роль и значение банков в цифровой экономике.

Ключевые слова: коммерческие банки, цифровая экономика, электронные платежи, оцифровка, инновация, цифровой банкинг, ИКТ.

Abstrakt: The article deals with the concept of digital economy, definitions of digital economy, technological changes inherent in digital economy, the impact of digital economy on employment, creation of national digital economic security system, the role and importance of banks in digital economy.

Keywords: commercial banks, digital economy, electronic payments, digitization,innovation, digital banking, IT.

Ҳозирги кунда рақамли иқтисодиёт тушунчаси бир қатор мамлакатлар иқтисодиётининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Бу рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши, ахборот соҳасида инқилоб ва иқтисодиётнинг глобаллашув жараёнларини тезлаштириш билан ажралиб туради. Улардан фойдаланиш самарадорлиги ортиб бораётган билимга айлантирилди ва ижтимоий-иқтисодий алоқалар тобора кенгайиб бормоқда. Бозор субъектларининг фаолиятида рақамли трансформацияларнинг асосий омили рақамли маданиятни ривожлантиришдан иборат. Жамиятни ижтимоий

ва иқтисодий ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида атроф-муҳит жамиятнинг институционал тузилишига хос хусусиятларини келтириб чиқармоқда ва шу асосда янги тушунчалар ва ёндошувларни шакллантиришга зарурат туғдиради.

Маълумки, 2020 йилнинг 24 январь санасида давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси эълон қилинди. Президентимиз ўз Мурожаатида банклар фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтдилар, хусусан, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади, дея таъкидладилар. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида очиқлик, халқаро иқтисодий-сиёсий алоқаларнинг ривожланиши, юртимизда саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш имкониятларини юзага келтирди. Бунга мамлакатимиз ташқи савдо ҳажмининг ўсишини мисол қилиб келтириш мумкин. “Электрон ҳукумат”, “Электрон бошқарув”, “Телекоммуникация”, “Интернет”, “Веб-сайт” каби юзлаб иборалар ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланди. IT кундалик ҳаётимизнин гбарча соҳаларини қамраб олмоқда. Бугунги кунда рақамли иқтисодиёт қиймат яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Турли хил алгоритмлар, жараёнлар ва рақамли ахборотлар корпоратив бизнесни стратегик ривожланишида асосий ҳал қилувчи кучга эга бўлмоқда. Рақамли номолиявий омиллар банкларнинг рақобатбардошлигини белгилаб бермоқда, самарадорлигига таъсир кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳон молия-банк тизимида биринчи навбатда, рақамли иқтисодиётнинг электрон тўлов тизимлари, криптовалюталар ва воситачиларсиз кредитлаш каби элементлар бозоридаги улушнинг шиддатли ўсиши билан боғлиқ бўлган инқилобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўзининг офислари ва банкоматларига эга бўлмаган рақамли банклар ва молиявий муассасалар сонининг жадал суръатлар билан ўсиши кузатилмоқда.

Рақамли банкларнинг (дигитал банкинг) асосий концепциялари мижозларга йўналтирилганлик, консорциум концепциясидан рақамли банкинг концепциясига ўтиш, CPM (Састомер Релатионшип Менажмент)нинг ривожланиши, мижозларга бўлган ишончнинг ўсиши, таклифларни шахсийлаштириш ва ҳаракатчанлик ҳусусиятларини ўз ичига олади. Рақамли банклар ҳизматлари инсонлар ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларига, биринчи навбатда, мобил қурилмалар, ижтимоий тармоқлар, ахборот сервислари, электрон тижорат, интернет-савдо опреацияларини жадал амалга оширишда ўз аксини топмоқда. Рақамли банк ўз мижозларига рақамли каналлардан фойдаланган ҳолда турли хилдаги рақамли кўринишдаги маҳсулот ва ҳизматларни таклиф қилади. Бундай банк инфратузилмаси рақамли коммуникациялар учун оптималлаштирилган бўлиб, ҳозирча рақамли технологияларнинг тез алмашинувига унчалик тайёр эмас.

Бундай банкларнинг асосий вазифалари қаторига мижознинг ҳисоб рақамлари ҳолати ва амалга ошириган операциялар ҳақида уни тезкорлик билан ҳабардор қилиш, унинг учун энг яқин бўлган банк бўлинмаси,

банкомат, алмашинув пункти ёки автокиоск излаб топиш киради. Бундан ташқари, рақамли банк ўз мижозларига шундай онлайн-сервис тақдим этиши лозимки, у барча платформаларда ишлай олсин ва ўз фаолиятини асосан мобил қурилмаларга йўналтирилсин. Банкинг рақамли моделини такомиллаштиришнинг еттита асосий йўналишини кўрсатишимиз мумкин:

- коммуникаллик ва фойдаланувчилар сервисларини соддалаштириш;
- ахборотни бошқаришнинг янги усуллари ва воситаларини ишлабчиқиш;
- очиқ АПИ тизимидан фойдаланиш;
- молиявий-техник компаниялари билан ҳамкорлик ва рақобат;
- мобил тўловларнинг ривожланиши;
- банкингсоҳасидаги инновацияларни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;
- фаолиятни инновацион тартибга солишни амалга ошириш.

Рақамли хизмат кўрсатишга тўла-тўкис ўтиш нафақат банкларга, балки хилма-хил банк ҳизматларидан тезкор ва қулай тарзда фойдалана оладиган истеъмолчиларга ҳам фойда келтиради (масалан, ҳаражатларнинг пасайиши, мулоқот доирасини қамраб олиш имконияти, мослашувчанлик, мижозни яхшироқ билиш). Республика банк тизимида замонавий АКТ дастурий-техник воситаларига асосланган инновацион технологиялар фаол жорий қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Маркабий банк Бошқармасининг банк тизими фаолияти якунлари бўйича кенгайтирилган мажлисида қайд этилишича, молия ҳизматлари структурасида банк ҳизматларининг улуши 88%ни ташкил қилган ва олдинги йиллар билан таққослаганда 1,2 бараварга ўсган. Бундан ташқари, 2019 йил учун банк тизими ҳизматлари сонини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, бу соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жадал жорий қилиш бўйича муайян вазифалар белгилаб берилган.

Республикамизда масофадан туриб кўрсатиладиган банк ҳизматларидан мунтазам фойдаланадиган мижозлар улуши кўпайиб бораётган бўлсада, аҳолининг молиявий саводхонлиги юқори даражада эмаслиги ва нақдсиз ҳисоб-китобларга шубҳа билан қараш банк ҳизматларини кўрсатиш рақамли каналларининг янада тез тарқалишига тўсқинлик қилмоқда. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, банкларнинг рақамли ҳизматларга ўтиши узоқ муддатли ва серҳаражат, аксиядорлар томонидан фаол қўллаб-қувватлашни, катта миқдорда маблағлар ажратишни талаб қиладиган жараён ҳисобланади.

Ҳозирги кунда банклар ўз мижозларига бир қатор онлайн-ҳизматлар ва масофавий банк ҳизматларини кўрсатмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки ўз мижозларига қуйидаги онлайн-ҳизматлар таклиф қилмоқда:

- банк операциялари ҳақида СМС орқали хабардор қилиш;
- амалга оширилган амаллар тўғрисида электрон почта (e-mail) орқали хабардор қилиш;
- мижозлар учун персонал ИВР-кабинет ташкил қилиш.

Мижозларга масофавий банк ҳизматлари кўрсатиш ва онлайн-

ҳизматлар таклиф қилиш амалиётининг кўрсатишича, маҳаллий банклар чекланган турдаги онлайн-ҳизматлар таклиф қилмоқда, шунингдек, банк фаолиятини истеъмолчилар талабларига нисбатан оммалаштириш жараёни жуда секинлик билан рўй бермоқда. Агар маҳаллий банклар рақамли каналлар бўйича хилма-хил молиявий ҳизматлар тақдим этадиган бўлса, истеъмолчилар банк сервисларидан исталган вақтда ва исталган жойда фойдаланиш имконига эга бўлган бўлар эдилар. Мижозларга масофавий банк ҳизматлари кўрсатиш ва онлайн-ҳизматлар кўрсатишни ривожлантириш мақсадида қуйидаги чоралар кўриш таклиф этилади:

- янги технологиялар ёрдамида банклар билан истеъмолчилар ўртасидаги масофани қисқартириш;
- мижозлар билан интерфаол усулда ишлаган ҳолда банк сервисларини муназам маслаҳат асосид ташкил қилиш ва ривожлантириш;
- анъанавий банклар ва профессионал ташкилотлар ўртасида рақамли технологияларни жорий қилиш бўйича коллаборатив муносабатлар ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш;
- мижозларни банк операциялари ўтказишда янги рақамли технологиялардан фойдаланишга жалбқилиш.

Банк ҳизматларининг инновацион турларини банк тизимига фаол жорий қилиш учун республикамизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш зарур бўлиб, бунинг учун нафақат инвестициялар, балки рақамлаштириш соҳасида ривожланган мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш ҳам зарур. Чунки банк саноати – шиддат билан рақамли ривожланишда давом этмоқда. Бунга мисол тариқасида «ақлли» идентификация-**ИИ**-Интеллектуал Идентификацион, таҳлил **Биг Дата,** шахсий молиявий ёрдамчилар – **ПДА** – Персонал Дигитал Ассистент, онлайн-ҳамён, мулоқотсиз тўлов, бўлинмалардаги автоматик равишда жавоб қайтарадиган (автоответчиклар ва роботлар), геймификация (мижозлар учун ўйинлар ва квестлар) ва **П2П**-кредитлаш каби технологияларнинг кириб келишини кўрсатиш мумкин. Келажакда фан, техника ва технологияларнинг ривожланиши натижасида кўплаб инновацион ғояларнинг ҳаётимизга кириб келиши бу объектив заруратга айланиб қолади.

Рақамли технологиялар соҳасида рўй бераётган жадал инновацион ўзгаришлар, янгиликларнинг банк фаолиятига тезкорлик билан тадбиқ этилиши учун бугунги кунда банкларда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг ўз устида доимий ишлаши, билимларини ривожланган рақамли банк амалиёти доирасида узлуксиз ошириб боришини талаб этади. Чунки рақамли иқтисодиёт имкониятларининг кенг кўламлилиги ва бу соҳада яратилаётган технологияларнинг оммабоплиги бу технологиялардан биринчи навбатда банк фаолиятида жуда катта имкониятларни яратмоқда. Бундай технологиялар банк амалиётига муваффақиятли кириб келмоқда. Бу фаолиятни келгусида янада ривожлантириш банк фаолияти соҳасининг асосий стратегиясига айланиши муқаррар.

З.Ш.Хайдаров – СамИСИ, «Банк иши» кафедра в.б.доценти, и.ф.н.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ ЛИКВИДЛИГИ: ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР, МУАММОЛАР ВА ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада тижорат банкларидаги ликвидлилик даражасига таъсир этувчи омиллар, у билан боғлиқ муаммолар ва таъминлаш йўллари бўйича масалалар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Трансформация риски, ресурссиз кредитлаш, соф барқарор молиялаштириш, меъёри коэффициент, барқарор молиялаштириш, стандарт, субстандарт, қониқарсиз, шубҳали, умидсиз, активларни жойлаштириш муддати, жалб қилинган ресурслар, баланслашмаган ликвидлилик, очиқ бозор операцияси, дисконт ва ломбард кредитлари, транзакцион депозинтлар, овердрафт, ломбард, лаҳзалик, жорий.

Аннотация: В статье описаны факторы, влияющие на уровень ликвидности коммерческих банков, проблемы, связанные с этим, и способы предоставления.

Ключевые слова: риск трансформации, безресурсное кредитование, чистое устойчивое финансирование, коэффициент ставок, устойчивое финансирование, стандартный, некачественный, неудовлетворительный, сомнительный, безнадежный, срок размещения активов, заемные ресурсы, несбалансированная ликвидность, операции на открытом рынке, дисконтные и залоговые кредиты, транзакционные депозиты, овердрафт, ломбард, мгновенный, текущий

Abstract: The state describes the factors influencing the level of liquidity of commercial banks, problems associated with orphans, and their ability to provide

Keywords: Transformation risk, resourceless lending, net sustainable financing, rate ratio, stable financing, standard, substandard, unsatisfactory, doubtful, hopeless, asset placement period, borrowed resources, unbalanced liquidity, open market operation, discount and pawn loans, transaction deposits, overdraft, pawnshop, instantaneous, current.

Тижорат банкининг ликвидлилиги – бу банкнинг мижозлари ва бошқа банклар олдидаги тўлов мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажара олиш қобилиятидир.

Банк тизимининг ликвидлилиги – бу мамлакатдаги банклар орқали ўтадиган тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш имкониятидир.

Тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш банкларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ролини ошириш, миллий иқтисодиётдаги тўловларнинг узлуксизлигини таъминлашнинг зарурий шарти эканлиги халқаро ва миллий банк амалиётида исботланган. Хусусан, мамлакат банк тизимида ликвидлилик муаммосининг пайдо бўлиши бериладиган кредитлар миқдорининг камайишига, банклар орқали ўтадиган тўловларнинг кечикишига ва ўтмай қолишига сабаб бўлиши амалиётда ўзининг исботини аллақачон топган. Шу сабабли, мамлакат банк тизимининг ликвидлилигини таъминлаш масаласи ҳар доим тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг асосий масалаларидан бири бўлиб қолаверади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида банк назоратининг халқаро принциплари доирасида тижорат банклари капиталининг етарлилиги, ликвидлилиги ва барқарорлиги бўйича талабларни бажариш вазифаси қўйилган.

Ҳозирги даврда республика тижорат банкларининг ликвидлигини баҳолаш ва бошқариш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/14-сонли қарори билан тасдиқланган “Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низом талаблари асосида амалга оширилади.

Мазкур Йўриқномага кўра, Марказий банк томонидан тижорат банкларининг жорий ликвидлигига нисбатан иқтисодий меъёр ўрнатилган. Ушбу иқтисодий меъёрнинг энг паст даражаси 30% бўлиб, у жорий активларнинг суммасини (тўлов муддати 30 кунгача бўлган банкнинг ликвидли активлари ва қуйилмалари, бундан муддати узайтирилган ёки қайтариш муддати ўтган кредитлар мустасно) жорий мажбуриятлар (талаб қилиб олингунча ва ижро этиш муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятлар) суммасига нисбати орқали аниқланади.

Мазкур меъёрий талабнинг бажарилиши Марказий банк томонидан доимий равишда назорат қилинади ва тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Унинг камида 30% бўлишини таъминлаш учун тижорат банклари жорий ликвидли активлар ва жорий мажбуриятлар ўртасидаги мутаносибликни таъминлашлари зарур. Бунинг учун эса, улар активлар ва пассивларнинг оптимал таркибини шакллантиришлари зарур.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 22 июлдаги 19/14-сонли “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги йўрқномасига асосан республикамиз тижорат банкларининг фаолиятига соф барқарор молиялаштириш меъёри ва ликвидликни қоплаш меъёри кўрсаткичларининг киритилиши, фикримизча, биринчидан, соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффициенти барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммасини барқарор молиялаштиришнинг зарурий суммасига бўлиш йўли билан аниқланади. Ликвидликни қоплаш меъёрии кўрсаткичи юқори ликвидли активларни кейинги 30 кун ичидаги жами соф чиқимга нисбати сифатида аниқланади.

Мазкур коэффициентни жорий этилиши тижорат банклари пассивларининг барқарорлигини таъминлаш билан бирга, уларнинг ликвидлик даражасини оширишга ҳам хизмат қилади.

Банкларда ликвидликни бошқаришга ички ва ташқи омиллар таъсир қилади. *Ички омилларга қуйидагилар киради:*

Банк активларининг сифати (банк кредит портфели таркибида рискли активлар ва уларга ҳисобланган тўловларни ўз вақтида қайтарилиши);

Жалб қилинган маблағларнинг сифати (узоқ муддатли молиявий ресурслар улушининг юқорилиги);

Жалб қилинган маблағлар ва рискли активлар ўртасида ўзаро мувозанатнинг таъминланиши.

Банк бошқарувини ташкил этилганлиги ва унинг молия бозордаги имиджи.

Банкларнинг ликвидлигини бошқаришга таъсир этувчи ташқи омилларга қуйидагилар киради:

мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий ҳолат;

банклараро ва қимматли қоғозлар бозорининг ривожланганлик даражаси;

марказий банкнинг пул-кредит сиёсати (асосан қайта молиялаш ставкаси, очиқ бозор сиёсати ва мажбурий захира ставкаси бевосита таъсир қилади).

Марказий банк томонидан самарали назорат фаолиятини ташкил этилганлиги.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатаётган омиллар қуйидагилардан иборат:

1. Тижорат банкларида трансформация рискининг чуқурлашиб кетганлиги.

Маълумки, трансформация риски тижорат банки активларининг жойлаштириш муддати жалб қилинган ресурслар муддатидан катта бўлиши натижасида юзага келади. Ушбу рискни қисқа муддат ичида бартараф қилинмаслиги банкда баланслашмаган ликвидлилик муаммосининг чуқурлашишига олиб келади.

Қайд этиш жоизки, республикамиз йирик тижорат банкларининг барчасида трансформация риски мавжуд.

2. Тижорат банклари томонидан берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик миқдорининг катта эканлиги.

Кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик муаммосининг чуқурлашиб кетиши ушбу масалани Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида акс этишига сабаб бўлди.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг очиқ бозор операцияларининг паст даражада ва ривожланмаганлиги.

Тараққий этган мамлакатларда Марказий банкнинг очиқ бозор операциялари тижорат банкларида юзага келган баланслашмаган ликвидлилик муаммосини ҳал қилишда муҳим ўрин тутади.

Марказий банклар банклардаги баланслашмаган ликвидлилик муаммосини ҳал қилиш мақсадида тескари РЕПО операцияларидан фаол фойдаланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг очиқ бозор операциялари суст ривожланган. Бунинг сабаби шундаки, республикамиз Марказий банки ўзининг очиқ бозор операцияларининг объектлари сифатида фақат Ҳукуматнинг қимматли қоғозларини тан олади. Ҳукуматнинг қимматли қоғозлари эса, Давлат бюджети профицит билан бажарилаётганлиги сабабли,

2013 йил 1 январдан то 2017 йилгача бошлаб эмиссия жуда кам миқдорда қилинган.

4. Республика Марказий банкининг дисконт ва ломбард кредитлари мавжуд эмас. Бу эса, Марказий банкга қайта молиялаш сиёсати орқали банк тизимининг ликвидлилигига таъсир этиш имконини бермайди.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш мақсадида қуйидаги йўналишдаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Тижорат банклари активлари ва мажбуриятларининг муддатлари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш ва транзакцион депозитларнинг фақат барқарор қолдиғидан ресурс сифатида фойдаланишни йўлга қўйиш орқали трансформация рискига барҳам бериш лозим.

Транзакцион депозитларда муддат мавжуд эмас. Бунинг устига, уларнинг беқарорлик даражаси жуда юқори. Шу сабабли, улардан тўғридан-тўғри ресурс сифатида фойдаланиш, активлар ва мажбуриятларнинг муддатлари ўртасидаги мувофиқлик таъминланган шароитда ҳам, тижорат банкининг ликвидлилигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтириши мумкин.

2. Тижорат банклари томонидан берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик муаммосини ҳал қилиш мақсадида:

a) Мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашнинг халқаро банк амалиётида кенг қўлланилаётган, такомиллашган методикаларини республикамиз банклари амалиётига жорий қилиш;

b) Тижорат банкларида муаммоли кредитларни “олдиндан огоҳлантириш” тизимини яратиш ва уни такомиллаштириш зарур;

c) Ҳукумат кафолатлари асосида берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликни ўз вақтида ундирилишини таъминлаш мақсадида (Давлат бюджетида ортиқча пул маблағларининг мавжуд эмаслигини ҳисобга олиб), махсус Жамғарма ташкил этиш лозим.

3. Давлат қимматли қоғозларидан очиқ бозор объектлари сифатида фойдаланиш билан бир вақтнинг ўзида халқаро рейтинг агентликларининг (Стандарт & Поортс, Моодс, Фитч Рейтингс) юқори кредит рейтингига эга бўлган (камида BB рейтинг баҳога) тижорат банклари ва корхоналарнинг қимматли қоғозлари (депозит сертификатлари, жамғарма сертификатлари, облигациялари) ҳисобидан Марказий банкнинг очиқ бозор операцияларини йўлга қўйиш лозим.

Бунинг учун зарур шарт-шароитларни ҳам яратиш лозим. Масалан, тижорат банкларида, Марказий банкга, пул-кредит органи сифатида, ишонч бўлиши лозим. Бундан ташқари, инфляция ва миллий валютанинг қадрсизланиши таъсирида қимматли қоғозларнинг реал қиймати пасаймаслиги керак.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан марказлашган дисконт ва ломбард кредитлари бериш амалиётини йўлга қўйиш ҳамда тижорат банкларини Марказий банк томонидан тўғридан - тўғри кредитлар

(овердрафт, кунлик, муддатли шакллардаги кредитлар) бериш узлуксизлигини таъминлаш йўли билан қайта молиялаш сиёсатининг банк тизимининг ликвидлилигини таъминлашдаги ролини ошириш зарур.

Марказий банкнинг овердрафт кредитлари тижорат банкларининг миллий валютадаги "Ностро" вакиллик ҳисобрақамида юзага келган пул маблағлари етишмаслиги муаммосини ҳал қилиш мақсадида берилади. Кунли кредитлар эса, бир операцион кун давомида берилади.

Дунёнинг бир қатор мамлакатларида (Швеция, Россия) кунлик кредитлар Марказий банклар томонидан қимматли қоғозларни гаровга олган ҳолда фоизсиз берилади ва улар миллий тўлов тизимини қўллаб-қувватлаш мақсадида берилади.

Хулоса, тижорат банкларини ликвидлигини таъминлаш йўллари орқали бошқариш тижора банкларининг ликвидлигини барқарор тарзда сақлаб туриш имконини беради; иккинчидан, банклар фаолиятида мавжуд бўлган трансформация рискига барҳам беради; учинчидан, ресурссиз кредитлаш ҳолатининг юзага келишига имкон бермайди.

О.Д.Хамракулова – к.э.н., доцент кафедры «Банковское дело» СамИЭС

ИНВЕСТИЦИИ И ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА УЗБЕКИСТАНА

Аннотация : углубление тенденций мировой экономики приводит к росту цифровой экономики. В работе показана роль, значение, перспективы развития цифровой экономики в Узбекистане, а также необходимость использования гибкого инвестиционного механизма.

Ключевые слова: цифровая экономика, инвестиции.

Аннотация: global iqtisodiyotning chuqurlashib borayotgan tendentsiyalari raqamli iqtisodiyotning o‘sishiga olib keladi. Maqolada O‘zbekistondagi raqamli iqtisodiyotning roli, ahamiyati, rivojlanish istiqbollari, shuningdek investitsiyalarning moslashuvchan mexanizmidan foydalanish zarurligi ko‘rsatilgan.

Калит сузлар: raqamli iqtisodiyot, sarmoyalar.

Abstracts: deepening trends in the global economy lead to the growth of the digital economy. The paper shows the role, significance, prospects for the development of the digital economy in Uzbekistan, as well as the need to use a flexible investment mechanism.

Keywords: digital economy, investment.

В условиях глобализации мировой экономики и технологического развития сложно представить без стремительного роста цифровой экономики**. Цифровая экономика-** это система институциональных категорий в экономике, базирующаяся на передовых научных достижениях и прогрессивных технологиях, прежде всего на цифровых информационно-коммуникационных технологиях, функционирование которых направлено на увеличение эффективности общественного производства, поддержание

устойчивых темпов роста экономики с целью повышения благосостояния и качества жизни населения страны.

Концепция цифровой экономики появилась в последнем десятилетии XX века. Оценка размеров цифровой экономики связана с множеством трудностей и вызывает много споров. Некоторые авторы делят цифровую экономику на «прямую» (чистый онлайн-бизнес) и «косвенную» (цифровая деятельность смешанных предприятий). В исследовании за 2012 год компания Boston Consulting Group оценила размер «интернет-экономики» в $2,3 трлн для G20 – стран "Большой двадцатки", около 4,1 % их ВВП[7]. В докладе Oxford Economics общий размер цифровой экономики в 2013 году оценивался в $20,4 млрд, что составляет примерно 13,8 % мировых продаж. Интернет-экономика Великобритании, крупнейшей в G20, в 2012 году составила около 8,3 %[9] по отношению к объёму ВВП, в 2016 году — 12 %[10]. Цифровая экономика России сильно отстаёт от США, Китая, Европы и Японии. Если на долю России в 2018 г. в мировом ВВП приходилось 1,8%, то в мировой производительности суперкомпьютеров составила лишь 0,32%. [1]

В настоящее время во многих развитых странах проводится внедрение цифровизации во все отрасли промышленности, разрабатываются и утверждаются целевые законодательные акты и программы, которые станут трамплином для развития цифровой экономики. С помощью цифровой экономики откроются возможности для создания новых инновационных моделей производства, торговли, здравоохранения, образования, экономики и всего общества. Цифровизация экономики страны приведёт к увеличению производительности, а следовательно, и конкурентоспособности рынка. Поэтому формирование и развитие цифровой экономики в Республики Узбекистан даст возможность для большого рывка в росте производительности труда.

В процессе становления цифровой экономики предпринимательская деятельность связана непосредственно с компетенциями самого предпринимателя, его способностями к обработке информации, ее пониманию и возможности извлечения максимальной прибыли. Несомненно, успешность бизнеса будет во многом определяться качеством высокотехнологичной продукции, произведенной с помощью цифровых технологий. Не стоит, однако, забывать, что развитие цифровизации порождает определенные риски, связанные с реализацией новых инвестиционных инструментов, таких как народное кредитование (краудфайдинг), коллективное инвестирование (краудлейдинг) и др. В этой ситуации существенно возрастают системные предпринимательские риски, которые необходимо будет нивелировать с целью сохранения стабильности сегмента предпринимательства.

Развитие цифровизации предполагает наличие и эффективное функционирование институтов, создающих условия и стимулирующих внедрение информационных технологий в различные сегменты экономики. Не секрет, что эффективно действующие институты формируют условия для экономического роста, а качественная институциональна среда является, по сути, императивом социально -экономического развития в целом. В настоящее

время наиболее злободневная проблема связана с правовым регулированием процессов цифровизации, с легимитизацией новых финансовых инструментов, применяемых при коллективным финансировании и инвестировании.

Отправным шагом на пути формирования, внедрения и развития цифровизации как нового инновационного компонента экономики стало принятие Указа Президента Республики Узбекистан "О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», основным направлением которого является формирование инновационной модели развития экономики Узбекистана. Далее принято постановление Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёевым от 3 июля 2018 года № 11113832 «О мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан». По сути, этот документ представляет собой всестороннюю стратегию развития информационных технологий в стране на ближайшее десятилетие.[2]

Доля цифровой экономики в ВВП в Узбекистане составляет 2,2%. При этом средним оптимальным показателем считается 7-8%, например, в Великобритании это 12,4%, Южной Кореи – 8%, Китае – 6,9%, Индии – 5,6%, в то же время в России – 2,8%, Казахстане – 3,9%. В соответствии с проектом Концепции развития системы «Электронное правительство» Республики Узбекистан к 2025 году планируется довести долю услуг ИКТ в ВВП до 5,0%, а к 2030 году – до 10%.[3]. В соответствии с Указом Президента от 8 января 2019 года «О дополнительных мерах по обеспечению дальнейшего развития экономики и повышения эффективности экономической политики» предусмотрена, в частности, подготовка до 1 декабря 2019 года Стратегии развития национальной цифровой экономики «Цифровой Узбекистан-2030», в которой были сформированы основные задачи по ускорению развития цифровой экономики и широкому внедрению цифровых технологий в сферы жизнедеятельности населения страны.

Развитие цифровой экономики напрямую связано с уровнем развития информационно-коммуникационных технологий (ИКТ), который принято оценивать следующими показателями: доля цифровой экономики от ВВП; размеры инвестиций в отрасль ИКТ; скорость интернета, степень покрытия им территории страны и доступность для использования населением; развитие электронной торговли; обеспеченность организаций специалистами в области ИКТ.

По индексу развития ИКТ (ICT Development Index, IDI) Узбекистан в 2017 году занял 95-е место (индекс – 4,9) среди 176 стран мира (для сравнения: Беларусь – 32-е (7,55), Россия – 45-е (7,07), Казахстан – 52-е (6,79). Первое место занимала Исландия (8,98), второе – Южная Корея (8,85).

По Индексу телекоммуникационной инфраструктуры Узбекистан из стран СНГ опережает только Туркменистан и Таджикистан и с показателем 0,3307 отстает от России, Беларуси и Казахстана почти в 2 раза, наилучшие показатели у Южной Кореи – 0,8496. Индекс телекоммуникационной инфраструктуры *(Telecommunication Infrastructure Index – TII)* формируется на

основании следующих пяти показателей из расчета на 100 жителей: числа пользователей интернетом (1) и стационарными телефонными линиями (2), а также абонентов: мобильной связи (3), беспроводных широкополосных (4) и стационарных широкополосных (5) сетей.

По показателям скорости интернета *(данные сайта Speedtest Global Index за сентябрь 2019г.)* Узбекистан в рейтинге из 176 стран занимает 116-е место по широкополосному (стационарному) и 129-е по мобильному интернету, уступая Таджикистану (111-е и 135-е места), Кыргызстану (83-е и 101-е), Казахстану (68-е и 97-е), Беларуси (51-е и 121-е) и России (46-е и 93-е). Первое место по этому показателю по стационарному интернету занимает Сингапур, а по мобильному – Южная Корея. При этом если в данном рейтинге скорость широкополосного интернета в Сингапуре указана 196,88 Мбит/с, то в Узбекистане – 19,91 Мбит/с, по мобильному в Южной Кореи – 95,11 Мбит/с, в Узбекистане – 10,79 Мбит/с, то есть в 10 раз ниже, чем у лидеров рейтинга.

По Индексу развития «электронного правительства» (EGDI), являющегося одним из показателей в исследовании ООН «Электронное правительство 2018», Узбекистан занял 81-е место в рейтинге, опередив Кыргызстан (91-е), Таджикистан (131-е) и Туркменистан (147-е), и уступил Казахстану (39-е), Беларуси (38-е) и России (32-е место). «Индекс развития электронного правительства» представляет собой средневзвешенное значение нормализованных показателей по трем основным аспектам «электронного правительства»: объем и качество онлайн-обслуживания, выраженные как «индекс онлайн-обслуживания» (OSI); состояние развития телекоммуникационной инфраструктуры, или «индекс телекоммуникационной инфраструктуры» (TII) и внутренний человеческий капитал, или «индекс человеческого капитала» (HCI).

По Глобальному индексу кибербезопасности Международного союза электросвязи Узбекистан в 2018 году занял 52-е место из 175 стран, уступив Казахстану (40-е место) и России (26-е) и опередив Беларусь (69-е), Таджикистан (107-е), Кыргызстан (111-е), Туркменистан (143-е). При этом следует отметить, что еще совсем недавно, в 2017 году, Узбекистан занимал 93-е место в рейтинге по данному индексу.[4]. В масштабах всей отрасли одним из главных программных документов, определяющих вектор развития ИКТ-сферы на ближайшую перспективу, является постановление Президента Республики Узбекистан **«О мерах по широкому внедрению цифровой экономики и электронного правительства».** Согласно ему намечено увеличить долю цифровой экономики в ВВП страны к 2023 году в **2 раза** и объем услуг в данной сфере **в 3 раза** с доведением их экспорта до **100 миллионов долларов**. Соответственно в период **2020-2022 годов** запланирована реализация **268 проектов** по самым различным направлениям хозяйственной и экономической деятельности.[5].Важное значение для развития экономического потенциала страны имеют инвестиции в отрасль ИКТ, которые стимулируют инновационное развитие, приводят к повышению

производительности труда, сокращению издержек и появлению новых видов экономической деятельности, а также, что не менее важно, повышают качество жизни населения.

Пандемия COVID-19 как это ни парадоксально во всем мире послужила катализатором для развития цифровых технологий. Оказалось, что именно цифровые технологии являются наиболее эффективным инструментом, способным обеспечить работоспособность всех сфер экономики и общественно-социальной жизни с минимизацией урона. В нашей стране режим самоизоляции так же, как и в других государствах, заставил пересмотреть подходы к работе государственных органов, бизнесу и жизнедеятельности граждан. В период пандемии коронавируса, наглядно доказана важность мер по дальнейшему широкому внедрению цифровых технологий в сферу государственного управления, госуслуг, торговли, образования и т.д. Благодаря этому была обеспечена непрерывность и бесперебойность работы как государственного аппарата, так и отраслей экономики и сфер общественной жизни в целом.

Опыт зарубежных стран показывает, что цифровая экономика развивается одновременно по широкому спектру направлений и не может быть построена ограниченным кругом компаний, даже если их наделить специальными полномочиями и ресурсами. Поэтому основную роль в цифровой экономике должен играть частный бизнес с сильным предпринимательским и инновационным подходом, а государство должно создавать инфраструктуру и условия для частной инициативы. Государство может стимулировать цифровизацию экономических процессов следующими действиями: выступать как организатор общих технологических платформ, которые объединяют различные организации; постоянно совершенствовать имеющуюся нормативную базу, регулирующую развитие цифровой экономики; становиться самому участником общего процесса цифровизации отношений, стимулировать и поощрять внедрение в организациях информационных систем, электронных услуг и вводить налоговые стимулы для развития цифровых технологий; обеспечивать безопасность от киберугроз, а также уверенность у всех субъектов, в той или иной мере вовлеченных в цифровую экономику, что собираемые, хранимые и используемые ими данные защищены от возможных преступных действий. В этой связи, необходимо отметить, что использование гибкого инвестиционного механизма способно ускорить развитие экономики в целом, а также углублению цифровизации экономики в целом.

Список использованной литературы :

1. https://uz.sputniknews.ru/economy/20191220/13062957/Minfin-podvel-finansovye-itogi-za-2019-god.html.
2. www. Lex. uz
3. www. scientifictext.ru
4. https: // review. uz
5. www. Uza. uz

И.Қодиров – СамИСИ магистранти,
Р.М.Мусаев – СамИСИ доценти, и.ф.н.

СОЛИҚ ЮКИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Аннотация: мақолада солиқ сиёсатини такомиллаштириш орқали солиқ юкини талаб даражасида белгилаш масалалари, уни ечимларини таъминлашга қаратилган концептуал вазифалар кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: солиқ, солиқ юки, фойда солиғи, концепция, солиқларни оптималлаштириш.

Аннотация: В статье рассматривается совершенствование налоговой политики в целях оптимизации налогового бремени, отмечается что установление настоящего может решить в рамках концептуальных задач приведенных в данной статье.

Ключевые слова: налог, налоговая нагрузка, налог на прибыль, концепция, налоговая оптимизация.

Abstract: The article discusses the improvement of tax policy in order to optimize the tax burden, it is noted that the establishment of the present can be solved within the framework of the conceptual tasks presented in this article.

Key words: tax, tax burden, income tax, concept, tax optimization.

Коронавирус пандемияси шароитида юзага келаётган иқтисодий ва молиявий қийинчиликлар ва улар таъсирида корхоналар даромадини солиққа тортиш даражасини пасайтириш билан боғлиқ бўлмоқда. Коронавирус натижасида пандемиянинг юзага келиши ва мамлакатларда карантин эълон қилиниши оқибатида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида корхоналар учун белгиланган солиқларнинг юқори ставкаларидан ижобий самарага эришиш мушкул бўлиб қолди, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва уни техник жиҳатидан қайта қуроллантириш учун етарли маблағларни йўналтириш имконини бермади. Республика ҳукумати буни ҳисобга олган ҳолда фойда солиғи ставкасини босқичма-босқич пасайтириш мақсадли сиёсатини юритиб келмоқда. 1995 йилда жорий этилган давридан бошлаб, унинг ставкаси 38 фоиздан 2020 йилга келиб 15 фоизгача пасайтирилди. Аммо шу ораликда айрим имкониятлардан келиб чиқиб, кичик бизнес ва хусусий корхоналар учун бу солиқ ставкаси 6-10 фоиз атрофида ҳам қайд этилди. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, солиқ ставкаларини ҳаддан ташқари пасайиб кетишининг сабаби уни тўловчи субъектларга имтиёзларнинг чекланганлиги бўлиб ҳисобланади. Ҳозирда эса коронавирус пандемияси шароитида унинг таъсирини корхоналарга нисбатан пасайтириш мақсадида солиқ ставкасини нисбатан юқори бўлишига қарамай, кўплаб солиқ имтиёзлари ёки солиқ тўловлари бўйича енгилликлар яратиб берилди.

Мамлакат ҳукумати томонидан иқтисодиётга тушадиган солиқ юкини босқичма-босқич камайтириш изчил бюджет-солиқ сиёсатининг қисқа ва узоқ муддатли мақсадлари ҳамда инструментларининг ўтказилишига жамғармаларни ва иқтисодиётнинг моддий (хусусий) секторининг

истеъмолини ошириш зарурати сабабчи бўлди, солиқлар ва йиғимларни бир хиллаштириш эса миллий солиқ тизимини халқаро меъёр ва стандартларга мувофиқлаштириш имконини берди.

Натижада давлат бюджети даромадларининг таркибида (мақсадли фондларсиз) солиқ тушумларининг ЯИМдаги улуши 2018 йилдаги 26,6 фоиздан 2019 йилда 23,2 фоизга ва 2020 йилда 21,5 фоизга камайтириш назарда тутилди, мақсадли фондларни ҳисобга олганда эса тегишлича 28 фоиздан 24 фоизгача камайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида"ги ПФ-5468-сонли фармонига мувофиқ, солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш, фискал функцияларни камайтириш ҳамда солиқларнинг рағбатлантирувчи аҳамиятини кучайтиришга доир асосий чора-тадбирлар сифатида қуйидагилар белгилаб олинди:

биринчидан, умумбелгиланган солиқларни тўловчилар учун солиқ юки даражасининг юқорилиги, шунингдек, солиқ солишнинг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизимида солиқларни тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги солиқ юки даражасидаги фарқнинг сезиларлилиги;

иккинчидан, қўшилган қиймат солиғини ундиришнинг самарасиз тизими, солиқ тўловчиларнинг айланма маблағларини жалб қиладиган, шунингдек, истеъмол маҳсулотининг оралиқ ва якуний қиймати қимматлашишига олиб келадиган ҳамда йирик ва кичик бизнес ўртасидаги кооперациянинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган мажбурий тўловларнинг мавжудлиги;

учинчидан, солиқ тўловчилар томонидан ходимларнинг реал сонини ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондини яширишга олиб келувчи меҳнатга ҳақ тўлаш фонди солиқ ставкаларининг юқорилиги;

тўртинчидан, имтиёзларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш бўйича таъсирчан тизимнинг мавжуд эмаслиги сабабли соғлом рақобатни таъминлашга салбий таъсир кўрсатувчи, хўжалик юритувчи субъектларни солиқ ва божхона, шу жумладан индивидуал хусусиятга эга бўлган имтиёзлар ҳисобига қўллаб-қувватлаш амалиётининг кенг тарқалганлиги;

бешинчидан, давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида ахборот алмашиш механизмларининг, электрон солиқ маъмуриятчилиги ҳамда солиқ назоратини амалга ошириш шакл ва услубларининг такомиллашмаганлиги;

олтинчидан, ўтказиладиган назорат тадбирларининг сифатига салбий таъсир кўрсатувчи ва инсофли тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига аралашишларни камайтиришга тўсқинлик қилувчи назорат фаолиятини амалга оширишда хавф-хатарларни таҳлил қилиш ва бошқаришнинг аниқ тизими йўқлиги;

еттинчидан, маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг маъмуриятчилиги механизмларининг самарасизлиги оқибатида уларнинг йиғилувчанлик даражаси етарли эмаслиги, шунингдек, кўчмас мулк ва ер участкаларини тўлиқ ҳисобга олиш ва қийматини объектив аниқлашнинг мавжуд эмаслиги[1].

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг солиқ

Ушбу муаммоларни оқилона бартараф этиш мақсадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган солиқ юкини камайтириш ва солиқ солиш тизимини соддалаштириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш вазифаларини изчил амалга ошириш талаб этилади. Бу эса солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишларини этиборга олган ҳолда қуйидагиларга таяниб, солиқ юкига таъсир этувчи омилларни бартараф этиш заруриятини юқорида қайд этилган Концепция даражасига кўтариб чиқади. Улар қуйидагилардан иборат:

- иқтисодиётга солиқ юкининг даражасини камайтириш;
- солиқ солишнинг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизими бўйича солиқларни тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги солиқ юки даражасидаги номутаносибликларни бартараф этиш;
- солиқларни унификация қилиш орқали уларнинг сонини оптималлаштириш,
- ўхшаш солиқ солиш базасига эга бўлган солиқларни бирлаштириш, солиқ ҳисоботларини қисқартириш ва соддалаштириш;
- операцион харажатларни минималлаштириш;
- макроиқтисодий вазиятнинг барқарорлигини, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва унинг даромадларини шакллантиришнинг мустаҳкамлигини таъминлаш;
- солиқ қонунчилигини соддалаштириш;
- солиқ муносабатлари соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни бартараф этиш;
- инсофли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш;
- солиқ солиш масалаларини тартибга соладиган ҳаволаки нормалар ва қонун ости ҳужжатларини максимал даражада чеклаган ҳолда, солиқ қонунчилигининг барқарорлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси нормаларининг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш;
- Солиқ кодексида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларининг миқдорларини белгилашга эришиш;
- хорижий инвесторлар ва инвестициялар учун қулай режимни сақлаб қолиш;
- хорижий инвесторларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ишончли ҳуқуқий ҳимоялаш;
- солиқ назоратининг шакл ва механизмларини, шу жумладан солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ тўловчиларни янада тўлиқ қамраб олиш ва ҳисобини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига такомиллаштириш, трансфер нархларни шакллантириш билан боғлиқ операцияларга солиқ солиш тартибини жорий этиш шулар жумласидандир.

Шунингдек, истиқболда бевосита солиқлар салмоғини камайтириш

сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сонли фармони.

ҳисобига билвосита солиқлар улушини ошириш, солиқ юкини ишлаб чиқарувчилар зиммасидан истеъмолчиларга ўтказиш бевосита солиқлар корхоналар ҳамда фуқароларнинг молия-хўжалик фаолиятига, яъни уларнинг даромадлари ҳажмига бевосита таъсир кўрсатиши билане боғлиқ, бевосита солиқларнинг камайиши билан ишлаб чиқаришнинг ривожланиши рағбатлантирилишини таъминлашга эришиш ҳам мумкин бўлади.

Истиқболда тегишлича солиққа тортиш базасини кенгайиб, бюджетга тушумлар ортишини, бевосита солиқлар ставкаларини камайтириш ва билвосита солиқларга тортиш базасини кенгайтириш орқали бунга эришиш мумкин бўлади. Бундан ташқари, солиқ ставкаларини янада кўпроқ пасайтириш йўли билан айрим йўналишлар – экспорт, хорижий инвестициялар ва бошқалар рағбатлантирилишини ҳам кенг йўлга қўйиш солиқ сиёсатида муҳим аҳамият касб этиши зарур бўлади.

М.Ж. Бауетдинов – ТДИУ ўқитувчиси, (Phd)
Ш.К.Нурбоев – СамИСИ магистранти

БАНКЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИОН КРЕДИТЛАРИ ҲИСОБИДАН КОРХОНАЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ХАРАЖАТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

Аннотация: Мақолада республикамизда корхоналарнинг инвестицион харажатларини тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан молиялаштиришни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: корхона, тижорат банки, инвестицион кредит, инвестицион лойиҳа, фоиз ставкаси, қайта молиялаш ставкаси, инфляция, девальвация, гаров, пул оқими.

Аннотация:В статье выявлены проблемы, связанных с совершенствованием финансирования инвестиционных расходов предприятий за счет инвестиционных кредитов коммерческих банков и разработаны научные предложения, направленных на решение этих проблем.

Ключевые слова: предприятия, коммерческий банк, инвестиционный кредит, инвестиционный проект, процентная ставка, ставка рефинансирования, инфляция, девальвация, залог, денежный поток.

Abstract: The article identifies problems related to the improvement of financing investment expenditures of enterprises through investment loans from commercial banks and developed scientific proposals aimed at solving these problems.

Key words: enterprise, commercial bank, investment loans, investment project, interest rate, refinancing rate, inflation, devaluation, pledge, cash flow

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида 2017-2021 йилларда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини модернизация қилиш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш макроиқтисодий барқарорликни сақлаб

қолишнинг зарурий шарти сифатида эътироф этилган [1]. Бу эса, ўз навбатида, мазкур корхоналарнинг инвестицион харажатларини молиялаштиришнинг етарлилиги ва барқарорлигини таъминлаш заруриятини юзага келтиради

Айни вақтда, республикамиз корхоналарининг инвестицион харажатларини тижорат банкларининг инвестицион кредитлари ҳисобидан молиялаштириш борасида бир қатор долзарб муаммоларнинг мавжудлиги кузатилмоқда. Ана шундай долзарб муаммолардан бири бўлиб, банкларда узоқ муддатли ресурсларнинг етишмаслиги ҳисобланади. Бундан ташқари, кредитларнинг фоиз ставкаларини нисбатан юқори эканлиги корхоналарнинг тижорат банклари инвестицион кредитларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Иқтисодий адабиётда корхоналар инвестицион харажатларини тижорат банкларининг инвестицион кредитлари ҳисобидан молиялаштиришни такомиллаштириш масаласи иқтисодчи олимлар томонидан илмий асосда тадқиқ қилинган ва тегишли илмий хулосалар шакллантирилган.

Ж.Синкининг хулосасига кўра, тижорат банклари америка моляи тизимининг тамал тоши бўлиб, корпорациялар фаолиятини ривожлантиришни уларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас [2]. Тижорат банкларининг инвестицион кредитлаш бериш амалиётининг қонунчилик асосларидан ҳамда илмий таҳлилни амалга оширишнинг эксперт баҳолаш, иқтисодий-статистик усулларидан фойдаланилди.

Тижорат банкларининг узоқ муддатли инвестицион кредитлари ҳажмининг ошиши корхоналарнинг инвестицион харажатларини кредитлар ҳисобидан молиялаштириш ҳажмини оширишнинг зарурий шарти ҳисобланади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан берилган кредитлар ва уларнинг таркибида узоқ муддатли инвестицион кредитларнинг улуши [8]

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2013	2014	2015	2017	2019
Кредитлар-жами, трлн. сўм	26,5	34,8	42,7	53,4	108,5
Узоқ муддатли кредитлар, трлн.сўм	21,0	27,7	34,1	42,7	103,8
Узоқ муддатли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши	79,3	79,6	79,8	80,0	95,7

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2013-2019 йилларда республикамиз тижорат банклари томонидан берилган кредитлар миқдори, шу жумладан, узоқ муддатли кредитлар миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Шунингдек, таҳлил қилинган давр мобайнида узоқ муддатли кредитларнинг жами кредитлардаги улушининг ҳам ўсиш тенденцияси кузатилган.

Тижорат банкларининг инвестицион кредитлари ҳисобидан корхоналарнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

1. Валюта сиёсатининг либераллаштирилиши муносабати билан

тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлаш салоҳиятига нисбатан юзага келган салбий таъсирга барҳам бериш учун Ўзбекистон Ҳукуматининг кафолати асосида хориждан АҚШ долларида халқаро кредитлар жалб қилиш ва ушбу кредитлар ҳисобидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг тижорат банклари олдидаги АҚШ долларидаги муддати ўтган ва муддати келган кредитларни қайтариш лозим.

2017 йил 5 сентябрда, валюта сиёсатини либераллааштирилиши муносабати билан, миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курсини қарийб икки баробарга пасайганлиги иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини АҚШ долларида олган кредитларини қайтариш имкониятини кескин пасайтириб юборди.

2. Корхоналарнинг кредит тўловига лаёқатлилик даражасини ошириш мақсадида табиий монополиялар маҳсулотлари ва хизматлари баҳоларининг барқарорлигини таъминлаш йўли билан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарида маҳсулотлар таннархининг ялпи тушумдаги салмоғини пасайтириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.

2. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 34.

3. www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

4. www.stat.uz –Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

5. Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2019 год. Статбюллетень. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. – Ташкент, 2019. – С. 32.

А.Бектемиров – СамИСИ доценти, и.ф.н.,
Э.А.Нозимов – СамИСИ ассистенти,
О.А. Исмоилов– СамИСИ магистрати

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ САМАРАЛИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИ – ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Аннотация: ушбу мақолада Ўзбекистон тижорат банкларининг инвестиция фаолияти ва уларнинг инвестицион кредит қуйилмалари ҳажмига таъсир қилувчи омиллар таҳлил қилинган. Банклар инвестиция фаолиятини ривожлантириш мақсадида хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тижорат банк, инвестиция, инновация, таррақиёт, пул-кредит, банк тизими, банк депозитлари, инвестиция кредити, инвестиция лойиҳаси, фоиз ставкаси, инфляция.

Аннотация: В данной статье проведен анализ инвестиционной деятельности коммерческих банков Узбекистана и факторы, влияющие на объемы их инвестиционных кредитных вложений. В целях развития инвестиционной деятельности банков разработаны рекомендации по использованию опыта зарубежных государств.

Ключевые слова:коммерческие банки, инвестиции, инновации, разви-тие, денежное кредитование, банковская система, банковские депозиты, инвестиционный кредит, инвестиционный проект, процентная ставка, инфляция.

Abstrakt: In this article investment activities of commercial banks in Uzbekistan and those effect on investment deposits was analyzed. There is described a necessity of the foreign countries experience investigation to apply in local conditions in order to improve investment activities of the banks.

Keywords: commercial banks, investments, innovation, development, cash lending, banking system, bank deposits, investment loan, investment project, interest rate, inflation.

Глобаллашув шароити мамлакатлар ўртасидаги интеграция жараёнларининг ҳам жадаллашуви ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-гуманитар, спорт, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ўз ифодасини топмоқда. Бундай тенденциялар, албатта, молия бозорлари, тижорат банклари, молиявий механизмлар, хусусан, инвестициялар оқими қиёфаларини ҳам ўзгартиришга олиб келди. Бинобарин, бугун қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритаётган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришаётгани қонуниятга айланди.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “...инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди.

Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади” [1] . Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу сўзлари ва кўрсатмаларидан келиб чиқиб, мамлакатимиз тарихида илк марта Ўзбекистоннинг суверен давлат облигацияларини халқаро молия бозорларига чиқарилиши, бу борада “Ж.П.Морган”, “Ситибанк”, “Дойче Банк” каби етакчи халқаро инвестиция банклари билан ҳамкорлик олиб борилиши халқаро миқёсда соҳанинг нуфузини оширди.

Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишда мамлакатимиз банк-молия тизимида бозор механизмларини кенг жорий этишдаги ислоҳатларнинг амалга оширилиши йўналтирувчи рол ўйнасада, ҳали бу соҳада бир қатор муаммо ва камчиликлар мавжуд. Улардан бири банклар капиталининг асосий қисми, яъни 83 фоизи давлатга тегишли бўлиб қолаётганлигидир[2]. Бу эса банк секторида соғлом рақобатга йўл бермайди ва хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир кўрсатади. Бу муаммоларни ҳал этишда ҳукумат ва Марказий банкнинг халқаро молия институтлари кўмагида банк-молия тизимини

[1]https://uza.uz/uz/posts/investitsiya-faoliyatini-u-u-iy-tartibga-solishning-yakhlit--03-02-2020

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати давлат раҳбарининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси

ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегиянинг ишлаб чиқилиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, банк тизимига хусусий ва хорижий капитал кириб келишини жадаллаштириш билан бирга давлат банклари улушини босқичма-босқич камайиб боришига, соҳада рақобат муҳитининг яхшиланишига, тижорат банклари фаолиятини, кредитлаш сифати ва маданиятини, айниқса, уларнинг инвестицион фаоллигини ҳар томонлама оширишга хизмат қилади.

Стратегияда молия бозори, жумладан, фонд бозорини ривожлантириш, янги молиявий инструментларни жорий этиш ва облигациялар чиқариш орқали, банк хизматлари кўламини янада кенгайтириш, илғор ахборот технологиялари асосида банк тизимини равнақ топтиришга, сармоядорлар учун кенг ва қулай шароитлар яратишга, валюта бозорини эркинлаштиришга лоҳида эътибор қаратилган. Айнан мазкур омиллар тижорат банкларининг инвестициявий фаолияти самарадорлигини ошириш, институционал асосларини такомиллаштиришга туртки бўлмоқда.

Бу ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берган устувор йўналишларига уйғун бўлиб, банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнингкапиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субектларини кредитлашни янада кенгайтириш масалаларини ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик субектларининг асосий капиталини янгилаш ва технологик жиҳатдан юқори босқичга кўтаришни инвестицияларсиз тасаввур этиш қийин. Шу боисдан ҳам, хўжалик субектлари молиявий оқимларни диверсификация қилиш, хўжалик тузилмаларини такомиллаштиришга қаратилган инвестицион фаолиятни фаоллаштиришларида банкларнинг инвесторлик ролини ошириш объектив заруратга айланиб бормоқда. Ушбу мақом остида банклар бевосита ва билвосита даромад олиш мақсадида ўз ресурсларини муайян муддатга ташкил этиш ёки сотиб олишга, молиявий активларни харид қилишга йўналтиради. Ўз навбатида банкларнинг инвестицион фаолияти уларнинг молиявий воситачилик роли орқали ҳам юзага чиқади. Бу макроиқтисодий хусусиятга ҳам эга. Айнан шу призма орқали қарасак, тижорат банклари бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субектларининг пул-кредит шаклида юзага келувчи инвестицион талабларини амалга ошишини рағбатлантиради, жамғармаларининг инвестицияга трансформациялашувини таъминлайди ва мамлакатимиз минтақалари кўламида ижтимоий ва иқтисодий соҳаларнинг инвестицион талабларини қондиришга эришилади.

Шу нуқтаи назардан айрим экспертлар инвестицион фаолиятдан олинган даромад, инвестицияларнинг умумий активлардаги салмоғи кўрсаткичларига қараб тижорат банкларини инвестицион банк сифатида эътироф этадилар. Масалан, Ф.Аллен ва А.Сантамеро ўзининг “Молиявий интермедитация назарияси” мақоласида: “Айнан инвестицион

банклар профессионализм, ноу-хау ва технологиялар орқали молиявий битимларга киришувчи томонларга қулайликлар яратади", - дейди. Шу маънода инвестицион банк компанияларнинг анъанавий бизнес фаолиятини молиялаштириш учун оддий инструментни эмас, балки уларнинг мураккаб молиявий эҳтиёжларини қондириш учун таклиф этиладиган маҳсулотлар ва хизматлар тизимини англатади. Айнан шундан келиб чиқиб, инвестицион банк хизматларини бешта муҳим стратегик бизнес соҳаларга ажратиш мумкин, яъни: капитал бозорлари, корпоратив молия, мерчант-бенкинг, лойиҳалар молияси, таваккалчиликни бошқариш.

Тижорат банклари инвестицион фаолиятида мерчент бенкинг ҳам муҳимдир. Сабаби, шу асосда компания фаолиятининг дастлабки босқичида акцияларга инвестиция қилиш (венчур капитал), ўсиш ва эгаликдаги мулк базасини реструктуризация қилиш мақсадида акцияларга инвестиция қилиш (хусусий капитал) имконияти яратилади.

Лойиҳалар молияси, яъни тузилмавий молияда эса хусусий инвестиция ташаббуслари, аралаш, яъни давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги муҳим ўрин тутади.

Саноат ва молия таваккалчиликларини бошқариш хизматлари, таваккалчиликни баҳолаш ва қоплаш бўйича консалтинг хизматлари ҳам тижорат банкларининг инвестицион фаолиятида муҳим ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳам тижорат банкларининг инвестицион сиёсатини айнан шулардан келиб чиқиб, замон талабларига мослаштириш қатъий талаб этилмоқда. Бунда уларнинг инвестицион фаолиятнинг мақсадли мўлжаллари тизимини ташкил этиш ва мазкур мақсадларга эришиш усулларини эркин танлашга имконият берилди. Институционал жиҳатдан қараганда, бу инвестицион фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётганлигини кўрсатади. Айнан шу нуқтаи назардан тижорат банкларининг муайян фаолияти инвестицион активларнинг мувофиқ таркиби ва ҳажмини таъминлаш, таваккалчиликнинг мақбул даражасида активлар даромадлилигини оширишга йўналтирилиши керак. Ўз навбатида банк ресурс базасини кенгайтириш ва банк ресурслари сақланишини таъминлаш ҳам истиқбол мақсадлари қаторидан жой олиши лозим. Шундагина инвестицион қўйилмаларнинг ликвидлилиги, хавфсизлиги ва даромадлилиги ҳамда ўсиб бориши учун прагматик шароит яратилади. Шу ўринда инвестиция йўналишида тижорат банкларини рағбатлантирувчи омиллар бўйича қуйидаги таклифларни келтириб ўтиш мумкин: рақобатдаги устунликни ошириш, ресурс базасини кенгайтириш ҳисобига кредитлаш ҳажмини ошириш, кредит портфели таваккалчиликларини диверсификациялаш асосида таваккалчилик даражасини пасайтириш, кредит қайтмаслиги таваккалчилигини камайтириш.

Бугунги кунда мамлакатимиз банкларида ҳамон қисқа муддатли манбаларни қисқа муддатли активга йўналтириш кўлами катталигича қолмоқда. Шундай экан, тижорат банкларининг узоқ муддатли активларга қўйилма қилиш имкониятларини кенгайтириш зарур. Республикамиз

банкларининг фонд бозоридаги операциялари кўлами ортиб бориши муҳим аҳамият касб этади ва бу борадаги ишларни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур.

Тижорат банкларида инвестицион фаолликни оширишда аввало, фаолиятдан олинган фойда асосий ресурс манбаи ҳисобланади.Шу билан бирга аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилиш қўшимча ресурс манбаи бўлиши билан бирга, улар учун даромад манбаидир. Бу борада аҳолининг манфаатларини ҳам инобатга олган ҳолда, тижорат банклари томонидан аҳоли учун жозибадор омонат турлари жорий этилмоқда. Инвестиция дастури доирасида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнида банкларнинг молиявий кўмаги катта бўлмоқда. Банклар ҳам бу борада етарлича сармоя йўналтириб, ишлаб чиқариш жараёнининг кенгайиши, корхоналар фаолиятининг юксалишига қўшаётган ҳиссаси йил сайин ортиб бориши билан бирга банкларнинг инвестицион фаолиятини самарали амалга оширишда баъзи бир муаммолар мавжуд:

1. Биринчи навбатда, миллий валюта барқарорлигини таъминлаш, инфляция даражасини меъёрида, бир маромда ушлаб туриш, чунки валюта барқарорлиги паст ва инфляция даражаси юқори бўлса инвестиция фаолиятидан келажакда даромад жуда ҳам паст даражада ёки даромад келтирмаслиги мумкин;

2. Қимматли қоғозлар ликвидлилигини пастлиги (ёки йўқлиги) банкларнинг инвестицион фаолиятини юритишда рискнинг юқори эканлигини билдиради.

3. Эмитентлар фаолиятини шаффоф эмаслиги банкларнинг фаол инвестицион фаолият юритиш ўрнига қимматли қоғозлар бозорида пассивлигига олиб келади.

4. Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестицион ва эмиссион сиёсати сифатининг пастлиги ва уларда қимматли қоғозлар бозорида воситачилик фаолиятини ривожлантириш бўйича стратегияни йўқлиги.

5. Ўзбекистон Республикасида эмитентлардан ўз хўжалик-молиявий ҳолати, ишлаб чиқариш фаолияти, акциялар, тўланган дивидендлар, олинган даромад, соф фойда ва шунга таалуқли маълумотларни ошкор этиш талаб этилади. Аммо таъкидлаш лозимки, ҳозирда республикамиз оммавий ахборот воситаларида эмитентлар томонидан эълон қилаётган маълумотлар жуда суст ҳолда тарқатилмоқда. Бу эса бўлажак инвесторлар учун етарли маълумот ололмаётганлиги, ҳамда қимматли қоғозларга сармоя сарфлашига шошилмаётганига олиб келмоқда.

Юқоридаги амалга оширилган таҳлиллар натижасида қуйидаги бир нечта таклифлар ва тафсияларни тақдим этамиз:

- Ўзбекистонда қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар ҳажмини кўпайтириш орқали банк капиталини ривожлантириш;

- мамлакат миқёсида иқтисодиёт ва молия тизимини имкон қадар електронлаштириш, банк-молия тизимига энг сўнгги технологияларни жалб

этиш.

- капитал қўйилмаларини молиялаш манбаларини оқилона шакллантириш, уларни самарали сарфлаш;

- кредитнинг янги турларини ривожлантириш;

- банк кафолатларига, суғурта ташкилотлари кафолатларига эътиборни кучайтириш билан бир қаторда кафолат бозорини ривожлантириш;

- тижорат банкларида корпоратив бошқариш ва менежментни яхшилаш.

Ушбу тавсияларнинг амалиётга тадбиқ этилиши қимматли қоғозлар бозорида тижорат банклари инвестицион фаолиятини янада жадаллаштиришга олиб келади.

А.Т. Ахмедова– преподаватель СамИЭС

ИНДУСТРИАЛЬНОЕ РАЗВИТИЕ ЭКОНОМИКИ В УСЛОВИЯХ ФИНАНСОВО-ДЕЛОВОЙ АКТИВНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ

Аннотация. В статье рассмотрено изменение структуры экономики территории за счет развития индустриального сектора, достижение высокого уровня развития промышленности, совершенствование ее отраслей они выступают в качестве основных предпосылок роста валового регионального продукта, повышения уровня и качества жизни населения, привлечения иностранных инвестиций и достижения конкурентоспособности экономики территории на региональных и мировых рынках.

Ключевые слова: информационные технологии, промышленное предприятие, малый бизнес, инновации, модернизация

Abstract. The article considers changing the structure of the economy of the territory due to the development of the industrial sector, achieving a high level of industrial development, raising the level and quality of life of the population, attracting foreign investment and achieving competitiveness of the territorial economy in regional markets.

Key words: information technology, industrial enterprise, small business, innovation, modernization

Аннотация: Мақолада саноат соҳасининг ривожланиши ҳисобига ҳудудий иқтисодиёт таркибининг ўзгариши, ривожланган саноат даражасига эришиш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда маҳаллий бозорларда ҳудуд иқтисодиётининг рақобатбардошлилигига эришиш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: ахборот технологиялари, саноат корхоналари, кичик бизнес, инновация, модернизация

В условиях модернизации экономики Узбекистана большое значение имеет структурное преобразование деловой активности предприятий. В стране растет внедрение современных информационных технологий, создаются малые производства, что характеризует становление инновационного потенциала. Правительством разрабатываются меры, направленные на формирование условий и перехода к развитию малого инновационного

бизнеса, что способствует структурному преобразованию экономики.

Увеличение промышленного потенциала, в частности перерабатывающего производства, позволило достичь определенных структурных преобразований, направленных на индустриальное развитие регионов. Ощутимые результаты достигнуты в Республике Каракалпакстан, Джизакской, Наманганской, Самаркандской, Сырдарьинской областях (см. график 1). При этом сокращение доли промышленности в ВРП Андижанской, Навоинской и Ферганской областей явилось следствием опережающего роста строительных работ, услуг торговли и общепита.

Размещение промышленных объектов по выпуску экспортоориентированной продукции, формирующих точки роста в экономике территорий и страны в целом, обусловило высокую концентрацию производства[1] в этих регионах (в сумме 70,3% от республиканского выпуска), что, в свою очередь, отразилось на обеспечении высокой доли промышленности в ВРП (22,7-47,1%).

График 1.Изменение доли промышленности в ВРП регионов за 2019-2020 годы, %



Источник: Расчеты на основе данных сборника «Статистический ежегодник Республики Узбекистан» Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике за 2019-2020 гг.

Исходя из этого, производство промышленной продукции на душу населения территорий данной группы превосходит средне республиканские

[1] Рассчитано как удельный вес регионов в общем объеме промышленного производства страны.

параметры (2020,6 тыс. сумов), что и определило их как относительно индустриально развитые регионы.

Средним уровнем индустриального потенциала обладают Сырдарьинская, Бухарская и Самаркандская области, где наряду с легкой и пищевой промышленностью получило начало развитие машиностроения. В этих регионах сконцентрировано 19,5% промышленного выпуска, а душевое производство колеблется от 45% до 98% (в частности, в Самаркандской области - 47,8%, Бухарской - 70,8% и Сырдарьинской - 97,5%) относительно средне республиканского значения.

Необходимо отметить, что расширение производственных мощностей машиностроения, химической и деревообрабатывающей отраслей в Самаркандской области повлияло на повышение индустриального потенциала деловой активности предприятий и обеспечило вхождение региона в число среднеразвитых территорий.

К территориям с менее низким уровнем индустриального потенциала отнесены Республика Каракалпакстан, Наманганская, Джизакская, Хорезмская и Сурхандарьинская области. Основной специализацией промышленного сектора, которых является первичная переработка сельскохозяйственного сырья, в частности хлопкоочистительная отрасль.

Эти регионы, несмотря на некоторое снижение доли первичной переработки хлопка-сырца и увеличение выпуска пряжи, хлопчатобумажного полотна и текстильных изделий, отличаются низкими показателями доли промышленного сектора в ВРП (8-13%). Вклад этих территорий в развитие промышленности страны остается весьма низким (в сумме 9,1%) и имеет тенденцию к сокращению (на 1,3 п.п.), что усугубляется на фоне развития базовых объектов города Ташкента, Андижанской и Самаркандской областей. Производство промышленной продукции на душу населения этих территорий составляет 500-700 тыс. суммов, что более чем в 3 раза ниже средне республиканского параметра и в 8 раз ниже города Ташкента.

Перспективные проекты, реализуемые в этих регионах за последние 2-3 года, имеют долгосрочный характер, однако первые положительные сдвиги уже нашли свое отражение в некотором повышении доли промышленности.

Отмечаемые в 2019-2020 гг. положительные структурные сдвиги, в большей степени связанные с реализацией перспективных проектов, предопределяют конкурентный потенциал промышленности и их предпринимательской активности.

В заключение следует отметить, что индустриальное развитие экономики в силу своей специфики должны составлять основу реализации конкретной стратегии региона. Хозяйствующие субъекты должны четко осознавать, что без непрерывных инноваций и изменений в своей деятельности, вызванных постоянно меняющимся внешним окружением, эффективное функционирование предприятий в современной конкурентной среде невозможно.

VI ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ, АУДИТ ВА СТАТИСТИКА ФАНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

К.Б.Уразов - и.ф.д., проф., СамИСИ,
Ж.А.Абдурасулов – МА-120 гуруҳ магистранти, СамИСИ

КОРХОНАЛАРНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТДА АКС ЭТТИРИШ ТАРТИБЛАРИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛАШТИРИШ

Аннотация: ушбу мақолада мамлакатимиз иқтисодиётини жаҳоннинг ривожланган давлатлари амалиётида кўп йиллардан буён қўлланилиб келинаётган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) ўтишни жадаллаштириш**,** шунингдек корхоналарни қайта ташкил этиш жараёнларининг ҳисобда акс эттириш тартибини белгилаш ва уларни халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш, элемент, юридик шахс, компания, репутация.

Аннотация: В данной статье освещаются вопросы ускорения перехода экономики нашей страны на международные стандарты финансовой отчетности (МСФО), которые уже много лет используются в практике развитых стран, а также определения порядков отражения в учете процессов реорганизации предприятий и приведения их в соотвествие к требованиям международных стадартов.

Ключевые слова: слияние, присоединение, разделение, выделение, преобразование, элемент, юридикческое лицо, компания, репутация.

Abstract: This article highlights the issues of accelerating the transition of our country's economy to International Financial Reporting Standards (IFRS), which have been used in the practice of developed countries for many years.

Keywords: merger, acquisition, division, separation, transformation, element, legal entity, company, reputation.

Мамлакатимиз иқтисодиётини жаҳоннинг ривожланган давлатлари амалиётида кўп йиллардан буён қўлланилиб келинаётган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш, инвестицион жозибадорликни ошириш ва халқаро молия бозорларига кириш, жахон савдо бозорида ўз имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан 2020 йилнинг 24

февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611 сонли қарори кенг кўламда бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасини тубдан такомиллаштиришда, хорижий тажрибалар асосида корхоналарни қайта ташкил қилиш жараёнларини ҳисобда акс эттириш тартибини белгилаш ва уларни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришда алоҳида ўрин эгаллайди.[1]

Бугунги кунда мамлакатимизда корхоналарни қайта ташкил қилиш жумладан, қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш амалдаги 23-сон БҲМС(қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш)га асосан амалга оширилиб келинаётган жараёнлар ҳақидаги ахборотни молиявий ҳисоботда ёритиш тартибини белгилашда қўлланилиб келинмоқда. Мазкур БҲМС Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча хўжалик юритувчи корхоналарга нисбатан тадбиқ қилиниб келинмоқда. [2] Ушбу миллий стандартга мувофиқ, корхоналарни қайта ташкил этишда топширилувчи (қабул қилинувчи) активлар ва мажбуриятларни баҳолаш таъсисчиларнинг қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори (шартнома)да белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади. Активлар ва мажбуриятларнинг ҳар бир тури учун активларнинг бошқа турлари учун қўлланадиган баҳолаш усулларидан фарқли алоҳида баҳолаш усули белгиланиши мумкин. Лекин стандартда таркибий қисмлари тўлиқ ёритилиш лозим бўлган, халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлайдиган бир қанча элементлар таркибий тузилиш жиҳатидан 22-сон БҲҲС “Корхоналарни бирлаштириш”дан фарқ қилади.

Ушбу стандартнинг мақсади ҳам корхоналарнинг бирлашишлари жараёнларини БҲХС каби ҳисобда акс эттириш тартибини белгилаш бўлиб ҳисобланади. 22-сон БҲХСда компаниянинг бирлашиши харид ёки ҳиссаларини бирлаштириш деб таснифланган. Ушбу стандарт бир корхона томонидан бошқасини сотиб олиниши ва харидор аниқланмаган ҳолларда манфаатларни бирлаштириш жараёнларини қамраб олади. Корхонани бирлаштириш бошқа корхонанинг акцияси хариди бўлмасдан балки тадбиркорлик репутацияси билан бирга корхонанинг соф активлари хариди тушунилади.[3]

Корхонанинг бирлашиши хуқуқий қўшилишини ҳам кўзда тутиш мумкин. Бунда:

(а) битта компаниянинг актив ва мажбуриятлари бошқа компанияга ўтади, биринчи компания эса тугатилади; ёки

(б) иккала компаниянинг актив ва мажбуриятлари янги компанияга ўтади, олдинги компаниялар эса тугатилади.

Холбуки, кўпчилик ҳуқуқий қўшилишлар корхоналар гуруҳини реструктуризация ёки қайта ташкил қилишнинг қисми сифатида юза келади. Бундай қўшилишларга нисбатан 22-БҲХС жорий қилинмайди, чунки умумий

[1] https://lex.uz/docs/4746047

[2] Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йил 27 июнда 1484-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2005 йил 12 апрелдаги 37-сон буйруғи билан тасдиқланган 23-СОНЛИ БҲМС

[3] https://www.iasplus.com/en/standards/ias/ias22

назорат остидаги корхоналар ўртасида операция ҳисобланади. Бироқ иккита корхона битта ва айни гуруҳнинг аъзолари бўлиб қолиниши натижасида бизнеснинг ҳар қандай бирлашиши йиғма молиявий ҳисоботда 22-сон БҲХСлари талабларига мувофиқ харид ёки манфаатларнинг бирлашиши сифатида қаралади. Ушбу стандартга кўра, халқаро ҳисобда корхоналарнинг бирлашиши, харид, манфаатларни бирлаштириш, назорат, бош (она) компания, шўъба компания, озчилик ҳиссаси каби янги тушунчалар мавжуд.[1]

Бизнесни бирлаштириш жараёнини ҳисобга олишда харид моҳият жиҳатидан манфаатларни бирлаштиришдан фарқ қилади, қайсики унинг мазмуни молиявий ҳисоботда акс эттирилиши лозим. Шунга мувофиқ равишда ушбу ҳар бир тур учун ҳисобга олишнинг турли методлари ўз ифодасини топади.

Стандартда харид қилинган идентификацияланадиган активлар ва мажбуриятларнинг турлари бўйича адолатли қийматини аниқлаш мезонлари келтирилган. Масалан, қимматли қоғозлари жорий бозор қийматида баҳоланиши, дебиторлик қарзлари олиниши мумкин бўлган жорий баҳоларда, тайёр маҳсулотлар сотиш баҳосида қуйидагиларни чегириб ташлагандан кейинги суммасида баҳоланади:

(а) чиқишига доир бўлган харажатлар;

(б) компания харидорнинг худди шундай тайёр маҳсулотни сотишдан олинадиган фойдани олиш учун сарфланадиган хатти-ҳаракатларидан кутиладиган фойдадаги ҳиссаси. Машина ва асбоб-ускуналарни баҳолаш ёрдамида аниқланган бозор қийматида адолатли қиймати аниқланиши кўзда тутилган. Тўланадиган счетлар ва векселлар, узоқ муддатли қарзлар, мажбуриятлар ва ҳисоблашлар тўланишга доир бўлган бошқа счетлар таллуқли жорий фоиз ставкалари асосида дисконтлашган қийматида акс эттирилади. Салбий гудвилл ҳам вужудга келиши мумкин. Салбий гудвилл ҳисобот бераётган компаниянинг активларидан чиқарилиб ташланган ҳолда акс эттирилиб бухгалтерия балансида ўша умумэътироф этилган таснифда қайд этилади.

БҲМСда эса корхоналарни қайта ташкил этишда топшириладиган активлар қуйидаги қийматлар бўйича баҳоланиши мумкин:

а) хариднинг ҳақиқий таннархи бўйича;

б) дастлабки қиймати бўйича;

в) қолдиқ қиймати бўйича;

г) тикланиш қиймати бўйича;

д) номинал қиймати бўйича;

е) ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий тўла таннархи бўйича;

ж) бевосита харажатларга кўра ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий таннархи бўйича;

з) режали, меъёрий таннархи бўйича;

и) бозор баҳоси бўйича.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, корхоналарни қайта ташкил қилиш жараёнларини ҳисобини бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартла-

[1] С.Н.Ташназаров. Халқаро ҳисоб асослари: маъруза матни. Самарқанд-2008, 203-бет.

рига мувофиқлигини таъминлаш, дунё тан олган баҳолаш мезонлари асосида инвестицион жозибадорликни оширган ҳолда, фойдаланувчига аниқ ва лўнда ахборотни яъни корхоналарнинг бирлашиши, хариди ёки бўлмасам манфаатлар тўқнашуви каби жараёнларни осон тарзда тушуниб олишни, тақдим этилган ахборот орқали синтез қилиб, корхонанинг молиявий ҳолати тўғрисида маълумот олишни таъминлайди. Бу эса ўз навбатида МҲХСни бошқа жиҳатларини миллий бухгалтерия ҳисоби ва аудитга тадбиқ қилишга ундайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”. http://lex.uz/nsbu
2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йил 27 июнда 1484-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2005 йил 12 апрелдаги 37-сон буйруғи билан тасдиқланган 23-СОНЛИ БҲМС
3. С.Н.Ташназаров. Халқаро ҳисоб асослари: маъруза матни. Самарқанд-2008, 203-бет
4. В.Ф.Палий. Международные стандарты учета и финансовой отчетности: учебник.-М.:ИНФРА, 2008. 231-232-б.
5. 6. Spiceland J. David. Intermediate accounting. /J.David Spiceland, James F. Sepe. Mark W. Nelson/ 7 th ed. 2013;
6. https://www.iasplus.com/en/standards/ias/ias22
7. https://lex.uz/docs/4746047
8. https://www.ifrs.org/

G.M. Shadiyeva – Toshkent davlat transport universiteti, Iqtisodiyot kafedrasi professori, i. f. d.

T.R. Hamdamov – TDTU, Korporotiv boshqaruv yo‘nalishi 1-bosqich magistranti

RENTABELLIK VA UNI OSHIRISH YO‘LLARI

Annotasiya: Maqolada "rentabellik" tushunchasining umumiy ta'rifi va rentabellik tahlilining iqtisodiy sub'ektning moliyaviy holatini baholash tizimidagi alohida ahamiyati, shuninigdek,. daromadlilik , rentabellik, rentabellik darajasini aks ettirishi va tashkilot samaradorligini tavsiflovchi ko‘rsatkichlar kabi masalalar ko‘rib chiqilgan.

Kalit so‘zlar: foyda, rentabellik, omillar, ishlab chiqarish, moliyaviy natijalar, samaradorlik, zaxiralar.

Аннотация: В статье дается общее определение понятия "рентабельность" и особое значение анализа рентабельности в системе оценки финансового состояния хозяйствующего субъекта. рассмотрены такие вопросы , как рентабельность, рентабельность, отражающая уровень рентабельности и показатели, характеризующие эффективность деятельности организации.

Ключевые слова: прибыль, рентабельность, факторы, производство, финансовые результаты, эффективность, резервы.

Abstract: The article provides a general definition of the concept of "profitability" and a special significance of the analysis of profitability in the system of assessing the financial condition of an economic entity. such issues as profitability , profitability, reflecting the level of profitability and indicators that characterize the effectiveness of the organization are considered.

Keywords: profit, profitability, factors, production, financial results, efficiency, reserves.

Foyda va rentabellikni tahlil qilish tashkilotlarning faoliyatining ajralmas qismi bo‘lib hisoblanadi Ma'lumki, korxonaning rentabelligini tahlil qilish foyda darajasini oshirishga imkon beradi.. Bu esa iqtisodiy faoliyatda yo‘l qo‘yilgan xatolarni aniqlash kelgusida korxonani yanada rivojlantirish imkoniniyatlarni ko‘rsatib beradi [2]. Shu munosabat bilan, innovatsion iqtisodiyot sharoitda korxona faoliyatining rentabelligini sifatli tahlil qilmasdan va ushbu ko‘rsatkichlarga ta'sir etuvchi omillarni aniqlamasdan olingan daromad darajasini oshirish mumkin emasligi mavzuning dolzarbligi dan dalolat beradi.

Korxonalarning moliyaviy natijalarini tahlil qilishning nazariy va amaliy jihatlari, rentabellik va uning oshirish yo‘llari kabi masalalar bo‘yicha ko‘plab xorijiy va rossiyalik olimlar izlanishlar olib borishgan jumladan, A. Smit, D. Rikardo, D. Klark, F. Knight, K. Marks, V. Nordhaus, P. Samuelson, D. S. Molyakov, P. Kamyshanovning asarlarida aks ettirilgan. Korxonaning moliyaviy natijalarini tahlil qilish masalalariga L. E. Basovskiy, S. A. Boronenkova, M. V. Melnik, O. V. Efimova, E. A. Markaryan, N. S. Plaskova, G. V. Savitskaya, N. N. Selezneva, A. F. Ionova va boshqa olimlarning ishlariga bag‘ishlangan.

O‘zbekistonlik iqtisodchi olimlardan M.Q.Pardayev, A.O‘lmasov, Z.Qurbonov, B.Isroilov, A.Vaxabov, B.Xasanov va boshqalar o‘z tadqiqotida korxonalarning rentabelligini oshirish, takomilashtirish masalalariga katta e'tibor qaratgan.. Ammo, raqamli iqtisodiyot sharoitida sharoitida korxonalarning rentabelligini oshirish yo‘llari bo‘yicha tadqiqotlar etarli emas

Tashkilotda foyda miqdori, hatto etarli miqdorda bo‘lsa ham, tashkilot eng yuqori darajada ishlashini anglatishi mumkin emas. Foydaning mutlaq miqdori ma'lum bir korxonaning rentabellik darajasini baholashga imkon bermaydi. Bir xil miqdordagi foyda keltiradigan ko‘plab korxonalar sotish hajmi va xarajatlari har xil. Shuning uchun, sarflangan xarajatlarning samaradorligini ko‘rib chiqish uchun nisbiy ko‘rsatkichdan, ya'ni rentabellik darajasidan foydalanish kerak[1] Aktivlar rentabelligi (ROA) ushbu davr uchun olingan sof foydani (yoki zararni) tashkilot aktivlarining ushbu davrdagi umumiy miqdoriga bo‘lishning miqdori sifatida aniqlanadi, ya'ni:

ROA = ((sof foyda + foizli to‘lovlar) * (1 - soliq stavkasi)) / kompaniya aktivlari * 100%.

Aktivlarning rentabelligi tashkilot mulkidan foydalanish samaradorligi darajasini, tashkilot rahbariyatining kasbiy malakasini tavsiflaydi. Ushbu ko‘rsatkich rentabellik darajasi deb ham ataladi.

Amaldagi aktivlarning rentabelligi allaqachon mavjud aktivlarning 1 so‘mliga qancha sof foyda tushishini ko‘rsatadi.

Bizning nuqtai nazarimiz bo‘yicha ikkita asosiy ko‘rsatkich mavjud - foyda va rentabellik. Birinchi ko‘rsatkich - foyda olish korxonaning maqsadini belgilaydi. Ikkinchi ko‘rsatkich tashkilotni ishlab chiqarish darajasini umuman va ayrim faoliyat turlari sharoitida aniqlashga yordam beradi.

[1]1. Акупиян О. С. и др. Пути увеличения рентабельности на предприятии // Проблемы и решения современной аграрной экономики: материалы XXI международной научно-производственной конференции. – 2017. – С. 168-169.

Daromadlilik korxonaning, rentabelligini anglatadi. U yalpi daromad yoki foydani ishlatilgan xarajatlar yoki resurslar bilan taqqoslash yo‘li bilan hisoblanadi. o‘sha. bu tashkilot sotilgan har bir so‘mlik mahsulotni olib keladigan foyda miqdorini tavsiflovchi ko‘rsatkichdir[1].

Daromadning quyidagi ko‘rsatkichlari mavjud:

- aktivlarning rentabelligi;
- joriy aktivlarning rentabelligi;
- kapitalning rentabelligi;
- mahsulot rentabelligi; - sotishning rentabelligi; - asosiy vositalarning rentabelligi.

Kapitalning rentabelligi tashkilotning o‘z kapitaliga nisbatan sof foyda ko‘rsatkichidir. Bu har qanday investor, korxona egasi uchun muhim moliyaviy ko‘rsatkich bo‘lib, biznesga kiritilgan kapitalning qanchalik samarali ishlatilishini ko‘rsatib beradi. Yuqorida aytib o‘tilgan o‘xshash ko‘rsatkichdan ("aktivlarning rentabelligi") farqli o‘laroq, ushbu ko‘rsatkich tashkilotning butun kapitalidan (yoki aktivlaridan) emas, balki uning faqat tashkilot egalariga tegishli qismidan foydalanish samaradorligini tavsiflaydi. Ushbu ko‘rsatkich sof foydani (odatda yil uchun) tashkilotning o‘z kapitaliga bo‘lish yo‘li bilan hisoblanadi.

Mahsulot rentabelligi bu foydaning mahsulot ishlab chiqarish va sotish xarajatlariga nisbati, ya'ni barcha xarajatlar yig‘indisiga nisbati. "Mahsulot rentabelligi" ko‘rsatkichi joriy davr uchun investitsiya xarajatlarining natijalarini ko‘rsatadi. Sotish rentabelligi - bu tashkilotning moliyaviy faoliyatining ko‘rsatkichi bo‘lib, tashkilot daromadining qanchasi foyda ekanligini ko‘rsatadi. Qoida tariqasida, ushbu ko‘rsatkich shu davrdagi sof foydaning sotishga nisbati bilan hisoblanadi, ya'ni.

ROI = foyda / daromad * 100%

Asosiy vositalarning rentabelligi ishlab chiqarish jarayonida asosiy vositalardan foydalanish rentabelligining ko‘rsatkichidir. Ushbu ko‘rsatkich tashkilot faoliyati xususiyatlarining asosiy ko‘rsatkichidir, bu ishlab chiqarish jarayonida ishlatiladigan asosiy vositalar keltiradigan foydani baholashga imkon beradi. U hisob-kitob yili uchun olingan sof foydaning asosiy vositalarning o‘rtacha yillik narxiga nisbati bilan belgilanadi[2].

"Ishlab chiqarish rentabelligi" tushunchasining mohiyati foyda miqdori orqali aniqlanadi. Ushbu bayonotga muvofiq, tashkilot foydasini shakllantirishga ta'sir qiluvchi ba'zi omillarni ta'kidlash to‘g‘ri bo‘ladi.

1-rasmda rentabellikka ta'sir qiluvchi omillarning ikki guruhi ko‘rsatilgan.

Shuning uchun, eng yuqori darajadagi mahsulotlar **Ichki omillar** umuman mahsulot ishlab chiqaruvchiga bog‘liq, shuningdek sub'ektiv xususiyatga ega. **Tashqi omillar**, aksincha, tovar ishlab chiqaruvchiga bog‘liq emas va ob'ektivdir.

---

[1] Андреева Т. В. Перспективы развития производства продукции растениеводства в ЗАО племзверосовхоз «Северинский» / Т. В. Андреева, Г. Н. Литвиненко // В сборнике: Научное обеспечение агропромышленного комплекса Сборник статей по материалам IX Всероссийской конференции молодых ученых. Ответственный за выпуск: А. Г. Кощаев. 2016. – С. 1155-1156.

[2] Гоник Г.Г. Анализ эффективности производства зерна (региональный аспект) / Г.Г. Гоник// В книге: Инновационные подходы в решении проблем современного Общества монография. Пенза, 2017. С. 68-115.

Ichki omillar sotiladigan mahsulotlar miqdori ,sotilgan mahsulotlar sifati va tashki-lotning ishlab chiqarish xarajatlari kabilarni uz ichiga oladi.



1-rasm - Korxona rentabellik omillari

Ichki omillar sotiladigan mahsulotlar miqdori ,sotilgan mahsulotlar sifati va tashki-lotning ishlab chiqarish xarajatlari kabilarni uz ichiga oladi.

Sotilgan mahsulotlar miqdori to‘g‘ridan-to‘g‘ri yalpi mahsulot hajmiga, shuningdek uning sotish darajasiga bog‘liqdir. Agar tashkilotda yalpi mahsulotning usish holatlari kuzatilsa, u holda sotuvga qo‘yiladigan mahsulotlarning ko‘payishi kuzatiladi, chunki ichki iste'molning o‘sish sur'ati bu holda yalpi mahsulotning o‘sish sur'atlaridan past bo‘ladi. Ushbu holat bozor savdosi darajasini oshirish uchun zarur shart-sharoitlarni yaratadi. Ushbu bosqichda pul mablag‘larining ko‘payishi ham sodir bo‘ladi.O‘z navbatida, mahsulot sifati foyda miqdoriga, shuningdek pul tushumlari orqali ta'sir qiladi.Binobarin, yuqori sifatli mahsulotlar odatda yuqori sotish narxini ta'minlaydi.Natijada, pul tushumlari miqdori tijorat mahsulotlarini sotish vaqtiga, tuzilishga va savdo bozorlariga bog‘liq bo‘ladi.

Masalan, erta sabzavotlar (karam, kartoshka va boshqalar) kech sabzavotlarga qaraganda yuqori narxda sotiladi .

Yuqoridagi omillar bilan birgalikda foyda miqdoriga dunyo miqyosida ishlab chiqarish xarajatlarining o‘sishi yoki pasayishi ta'sir qiladi.

Tashqi omillar orasida asosiysi mahsulotlarga bo‘lgan bozor talabi, shuningdek mahsulotni etkazib berish va raqobatdir. Sotilgan mahsulotlar soni ba'zi mahsulotlarga talabning yuqori yoki past darajalariga va raqobatchilarning bor yoki yo‘qligiga bog‘liq bo‘lishi mumkin.

Yuqoridagi omillar nafaqat sotilgan mahsulotlar miqdori, balki ushbu savdo mahsulot narxi, shuningdek foyda miqdori uchun shartlardir.

Tashkilot rentabelligiga ta'sir qiluvchi omillar ham ko‘p, ham intensivdir. Ekstensiv omillar sotiladigan mahsulotlar miqdorini o‘zgartirish orqali rentabellikka ta'sir qilishi mumkin. Intensiv omillar rentabellikka sotish narxlarini oshirish, shuningdek, sotiladigan mahsulotlar tannarxini pasaytirish orqali ta'sir qilishi mumkin. O‘rganilgan omillar xulosa qilishimizga imkon beradi, sotishning past rentabelligi bilan aktivlarning aylanishini tezlashtirishga intilish kerak. O‘z kapitalining rentabelligi holatida jami kapitalda qarz mablag‘lari ulushining ko‘payishi kuzatiladi. Mahsulotlarning rentabelligi eng ko‘p aktivlarning rentabelligiga bog‘liq, ya'ni rentabellik qancha yuqori bo‘lsa, aktivlarning

rentabelligi shuncha yuqori bo‘ladi.Biroq, rentabellikka aniq omillarning ta'sirini ko‘rib chiqish mumkin emas. Chunki rentabellik ko‘rsatkichlari dinamikasiga ishlab chiqarish va iqtisodiy omillarning butun majmui ta'sir qiladi. Shunday qilib, bunday omillar qatoriga quyidagilar kiradi:

1. Boshqaruv va ishlab chiqarish faoliyatini tashkil etish darajasi.
2. Tashkilotning ishlab chiqarish resurslaridan foydalanish darajasi.
3. Ishlab chiqarilayotgan mahsulotlarning sifati, ularning hajmi va tuzilishi.
4. Tijorat mahsulotlarini ishlab chiqarish xarajatlari.

Oxirgi omilga alohida e'tibor berilishi kerak. Daromaddan foydalanish yo‘nalishi sifatida ishlab chiqarish xarajatlari tashkilot tomonidan mustaqil ravishda belgilanadi. Tashkilotning foydasi turli maqsadlarga yo‘naltirilishi mumkin, masalan, zaxira kapitaliga ajratmalar, xayriya maqsadlarida, jamg‘arma fondlari yoki iste'mol fondlarini yaratish uchun. Biroq, daromadni investitsiya qilishning yana bir varianti mavjud - boshqa yirik kompaniyalarning qimmatli qog‘ozlariga sarmoya kiritish.

1-jadval

Samarqand shahar "Vagon ta’mirlash deposi" faoliyatining moliyaviy natijalari

Ko‘rsatgichlar	**2017 г.**	**2018 г.**	**2019 г.**	**2018 yilga nisbatan % (marta) 2016 yil**
Daromad, ming.so‘m.	254732	372095	402568	158,0
Narxi, ming so‘m.	254490	310457	340569	133,8
Sotishdan olingan foyda, ming. so‘m.	24200	59462	65023	268,7
Tijorat rentabelligi, %	9,5	19,2	19,1	X
Sotish rentabelligi, %	9,5	15,9	16,2	X

Analitik ko‘rsatkichlar orasida moliyaviy-xo‘jalik faoliyati rentabelligi ko‘rsatkichlari bo‘lishi shart bo‘lib hisodlanadi, chunki rentabellik ko‘rsatkichlari orasida ko‘plab muqobil ko‘rsatkichlar mavjud. Bizning fikrimizcha, tashkilotda rentabellik darajasini quyidagi tadbirlarni amalga oshirish orqali samaradorlikka erishish mumkin. Buning uchun:

- ishlab chiqarilayotgan mahsulotlarni sotish hajmini zudlik bilan oshirish, shuningdek ularning sifatini yaxshilash;
- qarz mablag‘lari yordamida amalga oshiriladigan faoliyat ko‘lamini kengaytirish;
- mahsulotlarning moddiy iste'molini kamaytirish va shu bilan birga ish unumdorligini oshirishga yordam beradigan, shuningdek kadrlar malakasini oshirishga yordam beradigan ilg‘or texnologiyalarni qo‘llash;
- arzonroq material sotib olish uchun uchinchi tomon kompaniyalari bilan, shuningdek yangi etkazib beruvchilar bilan yanada qulay sharoitlarda hamkorlikni boshlash;

- mahsulotlarni sotish uchun mas'ul bo‘lgan siyosatni takomillashtirish orqali mahsulotlarni sotish, bu esa ushbu bosqichda ayrim mahsulotlar narxlarining pasayishiga, shuningdek, chegirmalar tizimini o‘rnatishga olib keladi.

- bu sohada yangi bosqichga chiqish uchun marketing bilan bog‘liq tadqiqotlarni olib borish.

Ishlab chiqarish rentabelligining ko‘rsatkichi, ayniqsa, zamonaviy, bozor sharoitida, tashkilot rahbariyatidan rentabellikni ta'minlash va shu sababli tashkilotning moliyaviy barqarorligini ta'minlash uchun doimiy ravishda bir qator g‘ayrioddiy qarorlarni qabul qilish talab etilganda, ayniqsa muhimdir.

Samarqand shahar "Vagon ta’mirlash deposi" ning iqtisodiy samaradorligini oshirish uchun yaxshi imkoniyatlarga ega va ishlab chiqarishni tegishli optimal-lashtirish va intensivlashtirish bilan yuqori natijalarga erishish, ishlab chiqarishni yuqori rentabellik darajasiga etkazish uchun qo‘shimcha foyda olish mumkin. Bularning barchasi qo‘shimcha xarajatlarni talab qiladi, ammo ular qishloq xo‘jaligi ekinlarining hosildorligi va ishchilarning ish unumdorligi oshishi hisobiga yuqori darajada qoplanadi. Ekinlarning hosildorligini oshirish uchun ishlash kerak.

Sotish narxlari darajasiga, avvalambor, sotiladigan mahsulotlarning miqdori va sifati, asosiy tannarxi shuningdek mehnat va moddiy xarajatlar miqdori ta'sir qiladi.

Hozirgi bosqichda rentabellikni oshiruvchi manba va energiyani tejash kabi omil haqida ham unutmaslik kerak. Bu muqarrar ravishda xarajatlarning pasayishiga va foydaning ko‘payishiga olib keladi. Ishlab chiqarishda muvaffaqiyatga erishish, xodimlarni ishlab chiqarish texnologiyasiga to‘g‘ri tayyorlamasdan va ish vaqtidan oqilona foydalanmasdan mumkin emas.

Ishlab chiqarish rentabelligini va qo‘shimcha mablag‘larni olish uchun sotishdan tushadigan daromadni maksimal darajada oshirish uchun optimal taqsimot kanallarini topish kerak.

Shunday qilib, qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishining rentabelligiga ta'sir qiluvchi omillar juda ko‘p va xilma-xildir. Ulardan ba'zilari tashkilot jamoasi faoliyatiga, boshqalari ishlab chiqarish texnologiyasi va tashkil etilishi, ishlab chiqarish resurslaridan foydalanish samaradorligi, ilmiy-texnik taraqqiyot yutuqlarini amalga oshirish bilan bog‘liq.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Акупиян О. С. и др. Пути увеличения рентабельности на предприятии // Проблемы и решения современной аграрной экономики: материалы XXI международной научно-производственной конференции. – 2017. – С. 168-169.

2. . Гоник Г.Г. Анализ эффективности производства зерна (региональный аспект) / Г.Г. Гоник// В книге: Инновационные подходы в решении проблем современного общества монография. Пенза, 2017. С. 68-115.

4. Давыденко Н.Г., Фомина Е.А. Анализ отдельных факторов, определяющих финансовый результат в ООО «Агротех-Инвест» / Н.Г. Давыденко,132 POLITICAL SCIENCE / «Colloquium-journal»#13(65),2020 Е.А. Фомина // В сборнике: ПРОБЛЕМЫ
ФОРМИРОВАНИЯ ЕДИНОГО НАУЧНОГО ПРОСТРАНСТВА Сборник статей Международной научно-практической конференции. Ответственный редактор: СукиасянАсатур Альбертович. 2016. С. 90-94.

К.Б.Уразов - и.ф.д., проф., СамИСИ,
Ж.Ю.Сиддиқов – МА-120 гуруҳ магистранти, СамИСИ

ГИЛАМ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИНГ АУДИТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада гилам ишлаб чиқариш жараёнлари, улар таннархини шакллантиришнинг аудит объекти сифатидаги хусусиятлари очиб берилган.

Калит сўзлар: гилам, гилам маҳсулотлари, гилам ишлаб чиқариш, гилам ишлаб чиқариш технологик жараёни, ишлаб чиқариш харажатлари, таннарх, аудит, аудит объектлари.

Аннотация: В данной статье раскрыты особенности процессов производства ковров, формирования их себестоимости как объектов аудита.

Ключевые слова: ковер, ковровые изделия, производств ковров, технология производства ковров, производственные затраты, себестоимость, аудит, объекты аудита.

Abstract: This article reveals the features of the processes of production of carpets, the formation of their cost as objects of audit.

Keywords: carpet, carpet products, carpet production, carpet production technology, production costs, cost, audit, audit objects.

Республикамизда охирги йилларда ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи субъектлар фаолиятини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни давом эттириш, саноат корхоналарининг иқтисодиётдаги ўрнини барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Хусусан, хозирги кунда Республикамизда энг илғор ривожланаётган сохалардан бири бу гилам ишлаб чиқариш сохаси ҳисобланади. Айникса, Самарқанд вилоятида гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш кейинги йилларда жадал суръатларда ривожланмокда. Самарқанд вилоятида гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш тўқимачилик саноати тармоғининг 27,2 фоизини ташкил этади. Ушбу соҳада фаолият юритаётган корхоналар сони вилоятда 24 тани ташкил этиб, ушбу корхоналар Самарқан шаҳрида 12 та, Ургут туманида 6 та, Пайариқ туманида 3 та, Самарқанд туманида 2 та ва Оқдарё туманида 1 тани ташкил этади. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш қуввати 42 006 минг квадрат метрни ташкил этиб, амалда 37 913 минг квадрат метр гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Соҳада бугунги кунда 3661 нафар ишчи-ходимлар меҳнат қилмоқда. 2020 йилда енгил саноат маҳсулотлари экспорти режаси Самарканд вилояти буйича 95 миллион долларни ташкил этиб, шундан 40,6 фоизи ёки 38,7 миллион доллар гилам ва гилам маҳсулотларига тўғри келади[1].

Бугунги кунда гилам маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар аудитнинг муҳим субъектлари сирасига киради хамда хўжалик юритувчи

[1] Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари

субъектларда гилам ишлаб чиқариш харажатлари ва гилам ишлаб чиқариш жараёни аудитининг тўғри ташкил этилиши муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Гилам ишлаб чиқариш жараёни аудит текширувидан ўтказишда аввало ушбу жараённиг бошка ишлаб чиқариш жараёнларидан фарқли жиҳатларини инобатга олган холда ўзига хос томонларини, яъни технологик жараённи ўрганиш жуда муҳим.

Гилам ишлаб чиқариш харажатларини тўғри ҳисобга олиш учун, энг аввало, аудит қилинадиган маълумотларнинг сифатини олдиндан текшириш лозим. Тўғри ва синчиклаб текширилган маълумотлар асосидагина мазкур харажат элементларининг натижавий томонларини кўрсатиш, камчиликларни очиб бериш ва самарадорлигини яхшилашга оид чораларни белгилаш мумкин. Шу сабабдан аудитор томонидан гилам ишлаб чиқариш жараёнини аудит текширувидан утказишда, ушбу жараён қай тарзда амалга оширилишини, унинг узига хос жихатларини ўрганилиши керак.

Гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёни куйидаги тартибда 4 босқичда амалга оширилади:

1-босқич.

- ип-калавалар (джут, асос иплари, рангли иплар) ускунага ўрнатиш учун тайёрланиб, ускунага ўрнатилади;
- ускунага ипларни ўрнатишда тўқиладиган гилам нусхасига қараб ҳар бири рангига кўра тегишли тартибда жойлаштириб чиқилиши керак (ёнига бир хил рангда, пастга ва юқорига ҳар хил рангда);
- тўқиладиган гилам нусхаси ва ускунани ишлаш тезлиги ускунадаги компьютер хотирасига юкланади;

2-босқич.

- ускуна ишлаб чиқаришга тайёр эканлигига ишонч ҳосил қилингач ишга туширилади;
- ускуна тўқиган гиламлар махсус вагонлар (тележка) га жойланади;
- вагонлардаги гиламлар юк ташувчи техника (кара) билан текширув цехига келтирилади;

3-босқич.

- тўқилган гиламлар текширув ускунасидан ўтказилади ва унинг сифати ҳодимлар томонидан текширилиб, нуқсонлар аниқланганда шу жойнинг ўзида бартараф этилади;

4-босқич.

- ушбу босқичда текширувдан ўтган гилам ларк цехига ўтказилиб узоқ давом этувчи линияга жойланади ва юмшоқ шеткалар ёрдамида таралиб майда ип зарраларидан тозаланиб, қиздирилган валда айлантирилиб, маълум темпратурагача қиздирилади ва махсус ускуна ёрдамида гилам орқасига клей сурилади (клейланади) ҳамда клейланган гилам қуритиш ускунасига узатилади;
- гилам толалари узунлиги текисланиб тозалангандан сунг, белгиланган улчов асосида кесилаб гиламнинг ён томонларига ишлов бериш учун «Оверлок» ускунасида гиламнинг икки ёнига махсус ишлов берилади, яъни

чокланади ва белгиланган ўлчамларда қирқилади;

➢ гилам орқа қисмига гиламнинг ўлчамлари, корхона номи ва гилам маркаси туширилган махсус этикетка дазмол билан гиламга махкам елимланади. Шу билан гилам тайёр ҳолга келтирилган ҳисобланади.

Ушбу технологик жараённи схема кўринишида қуйидагича ҳам ифодалаш мумкин (1-расм).



1-расм. Гилам ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни

Гилам ишлаб чиқаришнинг технологик хусусиятлари тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари ва, мос равишда, таннархини шакллантиришга бевосита таъсир қилади. Гилам маҳсулотлари таннархини ташкил қилувчи асосий харажат моддалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади (1-жадвалга қаранг)

Гилам маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ушбу жараёнининг давомийлиги, яъни узлуксизлигини таъминлаш, гилам тўқиш жараёнида ускуналарнинг технологик хусусиятлари ва қувватидан келиб чиққан ҳолда энига қанча ўлчамда ва вертикал ҳолатда узлуксиз чиқарилиши каби ўзига хос технологик хусусиятлари мавжуд. Гилам маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарида хом ашё материалларининг етишмовчилиги, технологик ускуналарндаги носозликлар ёки бошқа бевосита ишлаб чиқаришни тўхтатилишига сабаб бўлувчи ҳолатлар кузатилмаганда ишлаб чиқариш фаолияти узлуксиз амалга оширилади.

Хусусан, ускуналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари қанчани ташкил килиши, улардан унумли фойдаланиш маҳсулот таннархини ҳисоблаб чиқаришда катта роль ўйнайди. Мисол учун, гилам ишлаб чиқариш ускуналарининг қиймати юқорилиги инобатга олинса, бир ускунанинг ишлаб чиқариш қувватидан тўлиқ фойдаланмаслик натижасида ускунага ҳисобланган амортизация ажратмалари ой охирида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар таннархини кескин ошишига олиб келиши мумкин. Ёки

1-жадвал

Гилам ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар

Харажат гуруҳи	Харажат моддалари
Бевосита материал харажатлари	Гилам ишлаб чиқаришда бевосита сарфланган материаллар, буюмлар, ёқилғи ва мойлаш материаллари, хўжалик инвентарлари ва бошқа материаллар
Бевосита меҳнат ҳақи харажатлари	Гилам ишлаб чиқариш жараёнида бевосита катнашган ходимларга ҳисобланган асосий иш ҳақи ва мукофатлар
Бевосита меҳнат ҳақи фон-дидан ижтимоий солиқ тўлови	Гилам ишлаб чиқариш жараёнида бевосита катнашган ходимлар иш ҳақи фондидан ижтимоий солиқ туловлари
Амортизация ажратмалари	Гилам ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этган асосий воситалар, номоддий активлар, бўйича ҳисобланган эскириш суммаси
Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари(билвосита устама харажатлар)	1. Гилам ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилган турлих изматлар (сертификатлаш, транспорт хизматлари, газ, сув ва электр қуввати билан таъминлаш, таъмирлаш ва бошқа хизматлар) 2. Гилам ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилган ёрдамчи ишлаб чиқариш ва умумишлаб чиқариш харажатлари 3. Гилам ишлаб чиқариш харажатларига харажатларига олиб борилган келгуси давр харажатлари 4. Гилам ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган бошқа харажатлар

технологик ускуналардан нотўғри фойдаланиш, уларни ўз вақтида ишга тушириш ва ўчириш ҳолатларига амал қилмаслик натижасида электроэнергия харажатларининг кескин ошиши ҳам маҳсулот таннархини кўтарилишига сабаб бўлиши мумкин.

Ушбу хусусиятлар аудит жаранида ишлаб чиқариш ҳажмини тўғри ҳисобга олинганлиги ва таннархни тўғри ҳисоблаб чиқарилганлигини аниқлашда асосий роль уйнайди.

Ишлаб чиқариш захираларининг таннархи-бу уларни сотиб олишга ёки ишлаб чиқаришга кетган барча харажатлар мажмуаси.[1]

Маҳсулот таннархи корхоналар фаолиятининг асосий сифат кўрсаткичларидан биридир. Гилам ишлаб чиқариш жараёни аудитидаги асосий эътибор хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқарилган гилам маҳсулотлар таннархининг тўғри шаклланганлигига қаратиш лозим. Бунда ишлаб чиқарилган 1 бирлик гилам маҳсулотини ишлаб чиқаришда қайси турдаги харажатлар амалга оширилгани ва таннархда асосий салмоқни кайси турдаги харажатлар эгаллашини аниклаб олиш аудит учун жуда муҳим.

Қуйида Самарканд туманида жойлашган ASIA CARPET МЧЖ гилам ишлаб чиқариш корхонаси мисолида гилам маҳсулотларини ишлаб чиқаришда таннархга киритиладиган харажатлар ҳисоб- китобини кўриб

[1] К.Б. Уразов. Молиявий ҳисоб ва ҳисобот: ўқув услубий мажмуа.2018, 176 бет.

чикамиз (2-жадвал).

2-жадвал

2020 йил декабр ойидаги “ALMAZ” гиламини ишлаб чикариш харажатлари (17 200 м2)

№	Харажат гуруҳи	Қиймати, сўмда	Харажатларнинг маҳсулот таннархидаги улуши, %
1	Бевосита материал харажатлари	864 140 160,33	85,47
2	Бевосита меҳнат ҳақи харажатлари	25 684 245,81	2,54
3	Меҳнат ҳақи фондидан ижтимоий солиқ тулови	256 842,47	0,03
4	Амортизация ажратмалари	94 667 192,43	9,36
5	Коммунал харажатлар	24 736 466,95	2,45
6	Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари(билвосита устама харажатлар)	1 552 355,97	0,15
7	**Жами ишлаб чиқариш таннархи**	**1 011 037 263,96**	**100,00**

Гилам маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича калькуляция бирлиги булиб 1 метр квадрат гилам маҳсулоти ҳисобланади. Ушбу калькуляция бирлиги бўйича уларнинг ҳақиқий таннархи ой охирида белгиланган хом-ашё материаллар сарфи меъёрлари билан ҳисоблаб чиқилади.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, гилам маҳсулотларни ишлаб чиқаришда таннархнинг асосий қисмини материал харажатлари ташкил этмоқда, яъни 85,47% ни, амортизация харажатлари 9,36%, иш хақи харажатлари 2,54% ва бошқа харажатлар 2,6 % ташкил қилмоқда. Демак, бундан кўринадики, ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хом-ашё материалларининг қийматлари тўғри ҳисобга олинганлиги аудит жараёнида алоҳида эътиборга олиниши лозим. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларга сарфланган материалларни омборга кирим қилишда корхона ҳисоб сиёсатида белгиланган хом-ашё материаллари бахолаш усулидан (FIFO, AVECO) фойдаланиши ва ушбу усулни тўғри қўлланилиши ҳам гилам маҳсулотларини ишлаб чиқариш таннахрини аниқлашга ўз таъсирини кўрсатади. Гилам ишлаб чиқариш корхоналарида хом ашё материалларининг асосий қисми чет эл мамлакатларидан импорт қилиниши инобатга олинса, ушбу хом-ашё материаллларни кирим қилиш вақтида валюта курслардаги ўзгаришлар, божхона харажатлари, ташиб келтириш харажатлари ва бошқа харажатлар бир турдаги хом-ашё материалларни турли санада турли хил нархларда кирим қилинишига сабаб бўлади. Шу сабабдан ТМЗ ларни баҳолаш усулини тўғри қўлланилишини текшириш ҳам аудитнинг муҳим объекти ҳисобланади.

Бундан ташқари, амортизация ажратмалари ҳам маҳсулот таннархини шаклланишида муҳим ўрин тутади. Юқоридаги жадвал маълумотлари бўйича

амортизация ажратмалари 9,36% ни ташкил этмоқда. Шу сабабли текширув жараёнида амортизация ажратмаларини тўғри ҳисобланганлиги ва мос равишда харажат счетларида тўғри акс эттирилиши эътиборга олиниши лозим.

Шуни назарда тутиш лозимки, маҳсулот таннархини шакллантириш билан боғлиқ харажатлар ҳисобини тўғри ташкил этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Юқоридагилардан шу маълум бўлдики, гилам ишлаб чиқариш жараёнининг аудити ўзига хос хусусиятларга эга. Гилам ишлаб чиқариш технологик хусусиятлари, гилам маҳсулотларининг таннархи, уларнинг сотишдан кўриладиган даромадлари аудитнинг муҳим объектлари бўлиб ҳисобланади. Бунда бевосита гилам ишлаб чиқариш технологиясининг ўзига хослиги, материал харажатлари, иш ҳақи ва амортизация ажратмалари, бошка турдаги харажатларни обдон аудитдан ўтказиш инвесторлар, мулкдорлар, қолаверса, корхона раҳбарияти учун катта роль ўйнайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ш.М.Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси», Т.: 07.02.2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси
3. Уразов К.Б., Пўлатов М.Э. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: «Инновацион ривожланиш нашриётматбаа уйи», 2020, 558 бет.
4. К.Б. Уразов. Молиявий ҳисоб ва ҳисобот: ўқув услубий мажмуа.2018, 176 бет.
5. https://lex.uz/docs/3107036
6. http://zarnews.uz/uz/post/samarqandda-gilam-va-gilam-mahsulotlari-ishlab-chiqarish-imkoniyatlari
7. https://president.uz/uz/lists/view/4057

С.Н.Ташназаров – СамИСИ, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси мудири, и.ф.д., профессор в.б.

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА ТАЪЛИМ ВА МАЛАКА ОШИРИШ – ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Аннотация: ушбу мақолада бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида таълимни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: молиявий ҳисобот, фан каталоги, кредит-модуль тизими.

Аннотация: в этой статье разработаны предложения по совершенствованию сфере образования по бухгалтерскому учету и аудиту согласно международным стандартам.

Ключевые слова: финансовая отчетность, каталог дисциплин, кредит-модуль система.

Abstract: This article has developed proposals for improving the field of education in accounting and auditing in accordance with international standards.

Keywords: financial reporting, discipline catalog, credit module system.

Бухгалтерия ҳисобининг маҳсули, яъни унинг маҳсулоти **молиявий ҳисобот** ҳисобланади. Ахборот фойдаланувчиларга молиявий ҳисобот тақдим қилинади. Ахборот фойдаланувчилар молиявий ҳисобот маълумотлари асосида қарорлар қабул қилади. Шу боис, бошқарув қарорларининг сифати молиявий ҳисобот ахборотлари ишончлиги, объективлиги ва ўз вақтидалигига боғлиқ бўлади. Бугунги кунда, мамалакатимиз корхоналари томонидан тузилаётган молиявий ҳисобот қанчалик даражада давр талабларига жавоб беради? Молиявий ҳисоботда акс эттирилаётган ахборотларнинг қатори ахборот фойдаланувчилар талабларига мувофиқ келадими? Молиявий ҳисобот халқаро инвесторларга ҳам тушунарлими? Амалдаги молиявий ҳисобот шакли ва мазмуни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари қоидаларига жавоб берадими? Корпоратив бошқарувга асосланган акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисобот масалалари? Молиявий ҳисоботда ахборот технологияларидан фойдаланиш қандай йўлга қўйилади? МҲХСлари асосида тузилган молиявий ҳисобот таҳлили жараёнида қандай коэффициентлар ҳисобланади? Улар асосида молиявий натижалар ва молиявий ҳолатга доир қандай хулосалар қилинади? МҲХСлари асосида таълим тизими қандай такомиллаштириш керак? каби масалалар кун тартибидаги долзарб масалалар ҳисобланади. Барча юқоридаги саволлар бўйича қилинаётган ишларнинг мазмун моҳияти битта йўналишга қаратилган. **Молиявий ҳисоботни МҲХСлари асосида тузишдан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар кириб келиши учун қўлай инвестицион иқлимни юзага келтириш, самарали бошқарув механизмини йўлга қўйиш, қабул қилинаётган бошқарув қарорларининг сифатини ошириш, компанияларнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар, имконият ва заҳираларни юзага келтириш, таннархни пасайтириш ҳамда компаниянинг рақаботбардошлиги ва иқтисодий самарадорлигини ошириш бўлиб ҳисобланади.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611 “М**олиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги** Қарори айнан ушбу масалаларни ҳал қилишга қаратилган.

Бугунги кунда энг муҳим масалалардан бири бу МҲХСларини ўрганиш ва уни жорий қилиш бўлиб ҳисобланади. МҲХСлари битта мамлакат томонидан яратилган ҳужжат эмас, у 150 дан ортиқ мамлакатлардаги профес-сионал ташкилотларнинг сайл-ҳаракатлари билан яратилган катта илмий ва методологик аҳамиятга эга бўлган халқаро ҳужжатдир. Бизнинг олдимизга стандарт яратиш вазифаси қўйилаётгани йўқ. Ушбу халқаро стандартларни ўрганиш, таълим соҳасига тўлиқ киритиш, корхона ва ташкилотларда МҲХСларига мувофиқ ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилмоқда.

МҲХСларига ўтишни сифатли таъминлаш учун бизнинг фикримизча қуйидаги ишларни амалга оширишимиз керак бўлади:

Биринчидан, МҲХСларни ўзбек тилига сифатли таржима қилишимиз,

МҲХСлар бўйича атамаларни яратишимиз керак бўлади. Бу борада молия вазирлиги етарли ишларни амалга ошириб келмоқда. Атамаларни муҳокама қилиш учун уларнинг бошланғич талқини ишлаб чиқилди. Яратилган атамалар бўйича таклифлар олиш учун бухгалтерия ҳисоби бўйича етакчи ташкилотларга жўнатилди. “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси ўқитувчилари томонидан ҳам бу жараёнда фаол иштирок этиб, атамаларнинг ўзбек тилидаги версияни шакллантириш бўйича таклифлар берилди. Бу борада муҳим иш ўзбек тилидаги халқаро стандартларни Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича Кенгаш томонидан тан олинишига эришиш керак бўлади. МҲХСларнинг айрим моддаларини Ўзбекистонда амал қилинишини тўхтатиб қўйиш бўйича таклифлар берилмоқда. Бизнинг фикримизча, МҲХСлари яхлит тизим, унинг қайсидир моддасини Ўзбекистон шароитида чегаралаб қўйиш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, МҲХСларини жорий қилиш олий таълим тизимида “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” соҳасини ислоҳ қилишни тақозо этади. Фаннинг назарий ва методологик асосларини яратувчи соҳа бу олий таълим бўлиб ҳисобланади. Чунки, олий таълим бухгалтерия ҳисоби ва аудит фанлари бўйича замонавий дарсликларни яратади, соҳага оид илмий-тадқиқот ишларини амалга оширади. Хўш, бугун ушбу соҳани халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш жараёнида “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” соҳасида ихтисослик ва махсус фанларга қандай фанлар ўрин олиши керак? Олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини аккредитациядан ўтказиш масалалари бўйича МҲХС соҳасида қайси етакчи халқаро профессионал ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш керак? Ўқув дастурларини халқаро аккредитациясидан ўтказиш талаблари нималардан иборат? Бугун биз СамИСИда ўқув дастурларини халқаро ташкилотларда аккедитациядан ўтказиш учун қандай ишларни амалга оширишимиз керак? Институтимиз қошида **ЎҚУВ МАРКАЗИ**ни ташкил этиш, уни халқаро ташкилотдан аккедитациядан ўтказиш масалаларини қандай ҳал қиламиз? Кредит-модуль тизимида фанлар каталоги қандай фанлардан ташкил топиши керак ва уларга белгиланган кредитлар ҳажми қандай белгиланиши керак? Бу каби саволлар “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедрасининг олдида турган энг долзарб масалалар ҳисобланади.

Халқаро ва илғор хорижий университетларнинг тажрибаларини ўрганиш асосида бугунги кунда кредит-модул тизимида “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” таълим йўналиши ўқув режасида фан каталогларини ишлаб чиқишимиз керак. Бунинг учун уларни иккита гуруҳга ажратишимиз мақсадга мувофиқ: Асосий ва қўшимча (танлов) фан блоклари.

Асосий фан блокига бухгалтерия ҳисоби бўйича қуйидаги фанларни киритиш керак:Молиявий Операцияларни Қайд Қилиш (Recording Financial Transactions), Бизнесда Бухгалтер (Accountant in Business), Бухгалтерия ҳисоби принциплари (Principles of Accounting), Молиявий ҳисоб (Financial Accounting), Менежментлик ҳисоби (Management Accounting), Молиявий менежмент (Financial Management), Аудитва Тасдиқлаш (Auditand Assurence),

Бухгалтерия ҳисоби Ахборот Тизими (Accounting Information System). Бундан ташқари ушбу йўшналишда Иқтисодий Математика (Business Mathematics), Бизнес ва Корпоратив Ҳуқуқ (Business and Corporate Law), Ташкилий Хулқ-Атвор (Organizational Behavior), Макро Иқтисодиёт Принциплари (Principles of Micro-economics), Бизнес Алоқалар (Business Communication), Корпоратив Молия (Corporate Finance), Солиққа Тортиш (Taxation), Менежмент Принциплари (Principles of Management), Молиявий Институтлар ва Бозорлар (Financial Institutions and Markets) ва бошқа фанлар.

Талаба танлови фанларига қуйидаги фанлар кириши мақсадга мувофиқ ҳисобланади: Такомиллашган Менежментлик Бухгалтерия Ҳисоби (Advanced Managerial Accounting), Молиявий Ҳисобот (Financial Reporting), Бухгалтерия Ҳисоби Назарияси (Accounting Theory), Молиявий Ҳисобот Таҳлили (Financial Statement Analysis), Такомиллашган Аудит (Advance Auditing), Такомиллашган Молиявий Ҳисобот (Advance Financial Reporting), Такомиллашган Молиявий Ҳисоб (Advance Financial Accounting), Бундан ташқари ушбу блокда бухгалтерия ҳисобига тўғридан-тўғри оид бўлмаган фанлар жумладан, Солиқ Ҳуқуқи (Laws of Taxation), Стратегик Менежмент (Strategic Management), Корпоратив Ҳуқуқ (Corporate law), Асосий Дастурий Таъминот (Essential Software) ва бошқа фанларни киритиш мумкин.

Учинчидан, профессор-ўқитувчиларни сертификатлаш масаласи. Юқорида қад қилинган Президентимиз Қарорида «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқитувчиларни бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотдан аккредитациядан ўтган таълим муассасаларида МҲХС бўйича ўқитиш вазифаси қўйилган. Шу билан бир қаторда бухгалтерия ҳисоби ва аудит фанларини фақат халқаро сертификатлаш доирасида «МҲХС бўйича молиявий ҳисобот» ёки «Аудит» фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисида ҳужжатга ёхуд халқаро бухгалтер сертификатига (ACCA, ACCA DipIFR, CPA, CIPA) эга бўлган педагог ходимлар томонидан ўқитиш тартиби белгиланди. Ушбу вазифани ҳал қилиш учун “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедрасининг ўқитувчиларининг аккредитациядан ўтган ўқув марказида ўқишлари ташкил этилди. Бу қоида амалиётчи бухгалтерларга ҳам тааллуқлидир. Ҳозирги кунда ACCA сертификати учун имтиҳонлар рус ва инглиз тилларида топшириш кўзда тутилган. Ўзбек тилида топширишга эришишимиз керак. Бунинг учун эса халқаро ташкилотлар талаблари асосида сертификатлаштириш тизимини ташкил этишимиз керак. Миллий ва халқаро сертификатлаш билан шуғулланадиган, унинг имтиҳон талаблари ва масалаларини ишлаб чиқарадиган профессионал ташкилот (профессионал бухгалтерлар институти) ташкил этишимиз керак.

Тўртинчидан, МҲХС бўйича халқаро профессионал сертификатлаштириш дастурларига мос келадиган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш. Бугунги кунда “Бухгалтерия ҳисоби” ва “Аудит”га оид фан дастурлари МҲХС ва АФХСлари ҳамда сертификатлаш дастурлари талабларига тўлиқ мувофиқ келмайди. Юқорида берилган таклифлар асосида

халқаро университетларда ўқитилаётшган фанларни олиб фан катологини яратиш керак. Улардан фан дастурларидан тўлиқ фойдаланишимиз керак. Дунёда яратилган тайёр интеллектуал неъматларда бевосита фойдаланишга ўтишимиз керак. Биз, МҲХС ва АФХСларини қабул қилдик. Энди, бу борада дунё университетларидаги энг илғор фан дастурларини ҳам келтиришимиз керак бўлади. Энди, намунавий дастур сифатида, мисол учун Гарвард университети фан дастурларни қабул қилиш вақти келди. Таянч ОТМ деган тушунчадан воз кечишимиз керак. Ҳар бир университет фан дастурини танлаш ва ишлаб чиқишда мустақил бўлиши керак, деб ўйлаймиз.

Бешинчидан, Бухгалтерия ҳисоби ва аудит фанлари бўйича хорижий олий таълим муассасалари амалиётида жорий этилган замонавий ўқув адабиётларни бевосита фойдаланиш тизимига ўтишимиз керак. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит фани – бу дунё фани деб қаралиши керак (Худди табиий фанлар, масалан математика, физика, химия фанлари каби). Энди, биз талабаларга дунё фанини ўтаётган эканмиз, шу фан бўйича дунё олимлари адабиётларини тақдим этишимиз керак. Уларни сотиб олишни ташкил этишимиз керак. АРМ ва кафедраларда электрон кутубхона яратишимиз керак. Ушбу адабиётларни профессионал тарзда ўзбек тилига таржима қилиш ишларини ташкил этиш керак. Ўзбек тилида МҲХС ва АФХСлари талабларидаги дарсликларни тайёрлаш ва жорий қилиш ишларини бошлаш керак. Институтимизда МҲХСга доир янгиликлар билан тезкор таништириб борадиган виртуал майдон (веб-сайт – mhxs.sies.uz) яратилди. Бу веб сайтда МҲХСларига доир маълумотлар бериб борилмоқда.

Олтинчидан, олий таълимга ва аккердитацияланган ўқув марказига амалиётдаги профессионал бухгалтерларни жалб этиш керак. Профессионал амалиётчилар, иш берувчилар фан дастурларни тузишда, ишлаб чиқишда ва таълим жараёнида қатнашиши керак бўлади. Республика бўйича вилоятлар кесимида профессионал бухгалтерлар ва аудиторларнинг рўйхати тузилиш керак. Уларни янгидан ташкил этиладиган Бухгалтерларнинг Профессионал Институтига аъзо қилиш керак. Уларни таълим жараёнига кенг жалб қилиш керак. Тижорат банклари, суғурта ташкилотлари, АЖлари, бюджет ташкилотлари молиявий менежерлари, бухгалтерия хизмати раҳбарлари таълим жараёнида иштироки таъминлаш учун уларни қуйидаги йўналишларда жалб қилишимиз керак бўлади: кафедрадаги илмий-амалий семинарлар, конференциялар ташкил этиш; амалиётдаги етакчи мутахассисларни соатбай асосида ҳамда маҳорат дарслари орқали ўқув жараёнига жалб қилиш; талабаларимизни амалиёт ўташлари учун шартномалар асосида етакчи корхоналарга тақсимлаш; кафедрада яратилаётган дарслик, ўқув қўлланмалар, масалалар тўплами ва кейс стадиларни етакчи ташкилотларнинг амалий мисолларида мутахассислар билан ҳамкорликда яратиш; ташкилотлар билан хўжалик шартномалари, грантлар, старт-ап ва илмий лойиҳалар, диссертацияларни бажариш.

Еттинчидан, профессор-ўқитувчиларни илғор хорижий университетларда илмий-амалий стажировка ўташи, илмий

тадқиқотчиларимизнинг хорижий университетларда PhD ҳимоя қилишларини ташкил этиш керак. Диссертацияларни ҳимоя қилиш ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш жараёнини тўлиқ халқаро стандартларга мувофиқлаштириш давр талабидир. Илғор хорижий университетлардан етакчи профессор-ўқитувчиларни таълим жараёнига жалб қилиш, инглиз ва рус тилларида ўтиладиган дарслар салмоғини ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу соҳаларда ҳам дунё стандартлари жорий этилиши керак.

Хулоса қиладиган бўлсак, МҲХСларини тўлақонли жорий этиш мақсадида МҲХСларни ўзбек тилига таржима қилиш, атамаларни яратиш, кредит-модуль тизимга мувофиқ фан каталогларини жорий этиш, фанлар таркиби ва улар бўйича ўқув дастурларини илғор хорижий университетлар талаблари даражасида ташкил этиш, профессор-ўқитувчиларни халқаро сертификатлаштириш, таълим дастурлари ва ўқув марказини аккредитация-дан ўтказиш, амалиётдаги етакчи мутахассисларни ўқув жараёнига жалб қилиш, профессор-ўқитувчиларнинг хорижда илмий стажировка ўташи ва PhD ҳимоя қилишларини ташкил этиш ўта муҳим аҳамият касб этади.

А.Н.Холиқулов – СамИСИ “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси мудири, и.ф.н., доцент

МАМЛАКАТИМИЗДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ҲУДУДЛАР БЎЙИЧА РИВОЖЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ ДИНАМИКАСИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: мақолада мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳудудлар бўйича ривожланиш кўрсаткичлари динамикаси таҳлили ёритиб берилган**.** Унда хизмат кўрсатиш соҳаси ҳудудлар бўйича таркиби, ҳамда ривожланиш қай дара-жада эканлиги ҳамда ривожланиши бўйича ички имкониятлари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, хизмат, хизмат кўрсатиш, **х**измат кўрсатиш соҳаси, таҳлил, ривожланиш, самарадорлик, динамика.

Аннотация: В статье дан анализ динамики показателей развития сферы услуг в стране по регионам. Он показывает структуру сектора услуг по регионам, а также уровень развития и внутренний потенциал для развития.

Ключевые слова: экономика, сервис, услуга, сфера услуг, анализ, развитие, эффективность, динамика.

Abstract: The article provides an analysis of the dynamics of development indicators of the service sector in the country by region. It shows the structure of the service sector by region, as well as the level of development and internal potential for development.

Keywords: economy, service, service, service sector, analysis, development, efficiency, dynamics.

Ҳозирги инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида хизматлар соҳасининг ривожланиши Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ҳолатини баҳолашда алоҳида ўрин тутади. Жаҳон амалиёти кўрсатишича, хизматлар

соҳаси умумий иқтисодий ўсишга, кам тараққий этган ҳудудларнинг ривожланишига кўмаклашади. Бундай ҳудудларда сервис марказларни очиш кўпгина давлатларнинг иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий усули ҳисобланади. Тоғ ва қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш марказларнинг ташкил қилиниши шу жойларнинг ўзлаштирилишига, аҳоли яшаш даражасининг яхшиланишига ёрдам беради.

Бугунги кунда сервис ва хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга ошириш, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни рағбатлантириш ҳисобига ижобий натижаларга эришилди.

Янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини оширишда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси кенгайиши муҳим ўрин тутади. Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантириш имконияти катта. Чунки у ортиқча маблағ талаб этмайди. Унга сарфланган маблағ ёки олинган кредит қисқа муддатда қайтади. Натижада бу маблағни бошқа инвестиция сифатида йўналтиришга йўл очилади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш имкониятлари кенг бўлишига қарамай, мавжуд имкониятдан фойдаланиш даражаси талаб қилинган ҳолатдан анча кам. Ушбу соҳанинг яна бир муҳим жиҳати, қишлоқда ортиқча иш кучини иш билан таъминлаш масаласини ҳам ҳал қилишга кўмаклашувчи муҳим соҳа ҳисобланади. Чунки, хусусий тадбиркорлик учун жазибадор бўлган кўпгина анъанавий хизмат турлари шаҳарда ҳам қишлоқда ҳам етарли даражада ривожланган эмас. Айниқса, қишлоқ жойларда бу соҳанинг ривожланиши учун охирги пайтларгача ҳеч қандай таъсирчан чоралар кўрилмасдан келинди. Жойларда маиший ускуналарни таъмирлаш устахоналари, кимёвий тозалаш шохобчалари, компьютер дизайнерлиги, бухгалтерия, реклама, пуллик тиббий хизмат каби тадбиркорлик субъектлари кам эканлигини таъкидлаш лозим.

Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2016-2020 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида» ги қарори Ўзбекистоннинг хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналиш ва вазифаларини, шу жумладан: - хизматларни ривожлантириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотни кўпайтириш, унинг иқтисодиётдаги улушини 48,7 фоизга етказиш; - 2020 йилга келиб, қишлоқ жойларида хизматларнинг 1,8 баробар ўсиши; - сервис соҳасида жадал ривожланиш учун шарт-шароитларни яратиш, муҳандислик, коммуникация, автомобиль ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, тармоқларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига таркибий ўзгаришларни амалга ошириш; - рақобат муҳитини шакллантириш, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга кўмаклашиш; - турли хил инновацион хизматларни, янги алоқа объектларини кенгайтириш; - аҳолининг телекоммуникация тармоғига техник имкониятларини таъминлаш, уларнинг асосида юқори сифатли

хизматлар кўрсатиш, рақамли телефон алоқа ва телевидение тизимларига ўтишни таъминлаш, республика иқтисодиётида алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг улушини 2020 йилгача 2,5 фоизга ошириш; - замонавий электрон тўлов технологияларини жорий этиш билан молиявий хизматларни ривожлантириш; - юқори технологияли тиббий хизматларни янада ривожлантириш[1].

Аммо бу ҳам кам. Чунки, таҳлиллар кўрсатишича, тараққий топган давлатлар, масалан, АҚШ, Буюк Британия, Канада, Франция, Германия, Италия, Японияда хизмат кўрсатиш ва сервис улуши ялпи ички маҳсулотнинг 70-80 фоизини ташкил этади. Ушбу мамлакатлар иқтисодиётида банд бўлган аҳолининг 70 фоизи шу хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатади.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожи минтақаларда сезиларли иқтисодий ўсишга, аҳоли турмуш даражасининг кўтарилишишига олиб келиши табиий. Шу ўринда Ўзбекистон Республикасида ҳудудлар бўйича 2010-2019 йиллар давомида кўрсатилган хизматлар ҳажмини таҳлил қиладиган бўлсак, Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Самарқанд ва Фарғона вилоятларининг хизматлар кўрсатиш ҳажми юқори эканлигини кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси худудлар бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми [2*)]

(млрд.сўм ҳисобида)

	2010 й.	*2011 й.*	*2012 й.*	*2013 й.*	*2014 й.*	*2015 й.*	*2016 й.*	*2017 й.*	*2018 й.*	*2019 й.*
Ўзбекистон Республикаси	**27 126,8**	**35 196,3**	**44 386,0**	**55 872,8**	**68 032,1**	**78 530,4**	**97 050,0**	**118 811,0**	**150 889,8**	**193 697,8**
Қорақалпоғистон Республикаси	671,1	1 062,0	1 350,1	1 710,4	2 148,1	2 550,3	3 100,5	3 611,3	4 600,2	5 671,8
вилоятлар:										
Андижон	1 321,9	1 777,9	2 365,1	3 092,2	4 009,1	4 684,5	5 765,9	6 627,2	8 011,5	9 803,8
Бухоро	1 072,6	1 413,8	1 844,6	2 407,7	3 045,6	3 751,2	4 756,1	5 421,1	6 631,6	8 413,2
Жиззах	439,3	611,6	818,1	1 034,8	1 324,5	1 727,0	2 155,3	2 530,8	3 283,2	4 305,1
Қашқадарё	1 136,7	1 525,9	2 003,6	2 642,6	3 391,1	4 058,9	5 137,6	5 859,7	7 064,1	8 800,9
Навоий	640,7	894,1	1 138,8	1 399,6	1 763,1	2 067,5	2 593,8	3 068,4	3 925,6	5 056,2
Наманган	969,9	1 317,3	1 784,5	2 292,3	2 961,2	3 320,6	4 408,1	4 999,2	6 067,7	7 747,6
Самарқанд	1 799,3	2 336,9	3 080,7	3 983,4	5 065,9	5 832,9	7 200,5	8 343,2	10 043,5	12 786,8
Сурхондарё	796,3	1 085,3	1 450,8	1 918,0	2 471,4	3 067,8	3 845,3	4 485,5	6 079,6	6 981,9
Сирдарё	347,1	477,5	622,5	746,8	915,8	1 103,1	1 355,6	1 603,8	2 031,4	2 726,8
Тошкент	2 253,3	2 749,2	3 473,3	4 428,7	5 529,5	6 445,7	8 112,9	9 347,4	11 292,9	14 568,4
Фарғона	1 471,3	2 041,8	2 707,0	3 532,0	4 472,8	5 256,0	6 670,7	7 602,2	9 237,9	11 684,1
Хоразм	862,9	1 066,0	1 379,7	1 788,0	2 190,7	2 548,6	3 119,0	3 645,5	4 562,8	5 763,3
Тошкент ш.	8 805,5	10 876,4	13 381,8	16 290,8	19 779,7	23 108,6	29 472,7	38 659,9	50 176,2	65 759,2

[*)] Алоҳида фаолият турларини ҳисоблаш услубиятининг ўзгариши сабабли 2010 йилдан маълумотлар аниқлаштирилди

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги 55-сонли “2016-2020 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида” ги қарори.

[2] Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. www.stat.uz

Юқоридаги жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, Мамлакатимиз бўйича хизматлар ҳажми 2010 йилга нисбатан 2019 йилда 7,14 баробар кўпайганлигини кўришимиз мумкин. Самарқанд вилоятида ҳам ўсиш тенденцияси Республика ўсиш тенденцияси билан қарийиб бир хил бўлган, яъни 7,11 марта ўсганлигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари ичида хизматлар ҳажми мана шу 2010 йил ва 2019 йил оралиқларида энг юқори ўсиш тенеденциялари, Жиззах вилоятида 9,8 марта, Сурхондарё вилоятида 8,77 марта, Қорақалпоғистон Республикасида 8,45 марта, Наманган вилоятида қарийиб 8 марта, Фарғона вилоятида 7,94 марта, Навоий вилоятида 7,89 баробар ўсиши кузатилган.

Мамлакатимизда кўрсатилган хизматлар ҳажмининг ҳудудлар бўйича таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, энг юқори улуш Тошкент шаҳрига тўғри келади, Тошкент шаҳри 2010 йилдаги улуши 32,46 фозини, 2019 йилдаги улуши 33,95 фоизни ташкил қилмоқда. Тошкент вилояти 2010 йилдаги улуши 8,31 фоизни, 2019 йилда 7,52 фоизни ташкил қилмоқда. Самарқанд вилояти 2010 йилдаги улуши 6,63 фоизни, 2019 йилда 6,60 фоизни ташкил қилмоқда. Ҳудудлар бўйича энг кам улушга эга бўлган Сирдарё вилоятининг улуши 2010 йилда 1,28 фоизни, 2019 йилда 1,41 фоизни ташкил қиляпти. Жиззах вилояти 2010 йилда 1,62 фоизни, 2019 йилда 2,22 фоизни ташкил қиляпти.

Умумий хулоса қиладиган бўлсак, Ўзбекистон миллий иқтисодиётини ривожлантиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни ва аҳамияти, улардан мамлакатимизда фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳудудлар бўйича ривожланиш кўрсаткичлари динамикаси таҳлилига оид масалаларни тадқиқ қилиб, ушбу муаммоларнинг мамлакатимиз олимлари томонидан назарий ва амалий жиҳатлари етарли даражада ўрганилмаганлигига ва шу масалаларнинг иқтисодий адабиётларда кам ёритилганлигига гувоҳ бўлдик. Натижада Ўзбекистон хизмат кўрсатиш соҳасини ҳудудлар бўйича ривожлантириш имкониятига эга бўлишига қарамай, мавжуд имкониятдан фойдаланиш даражаси талаб қилинган ҳажмда эмаслигига ҳам амин бўлдик. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизда мавжуд хизмат кўрсатиш объектларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга маълум даражада тўсиқ бўлаётганлиги ҳам сир эмас.

Тадқиқот давомида Ўзбекистон миллий иқтисодиётини ривожлантиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрнини таҳлил қилиб шундай хулосага келиндики, ҳали хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни етарли даражада эмас. Аммо унинг ўсиш даражасининг жадаллиги унинг мамлакат иқтисодиётида етакчилик ўрнига эга бўлиши мумкинлиги хусусида умид бағишлайди.

Л.А. Мусабаева – ассистент кафедры «Экономический анализ и статистика»
СамИЭС

ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ АНАЛИЗА ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЯ КАК ФАКТОР ВНУТРЕННЕЙ СРЕДЫ ПРЕДПРИЯТИЯ

Annotatsiya: Maqolada korxonaning ichki muhiti omillarini samarali boshqarish uning raqobatbardoshligini oshirishda samaradorlikni muhim omil sifatida belgilaydigan o‘zgaruvchilarni tahlil qilish yondashuvlari tahlil qilinadi.

Kalit so‘zlar: samaradorlik, mahsuldorlik, rentabellik, aylanma mablag‘lar, mehnat unumdorligi, material sig‘imi, quvvatdan foydalanish, marketing samaradorligi.

Abstract: The article discusses approaches to the analysis of variables that determine efficiency as an important factor in increasing the competitiveness of effective management of the factors of the internal environment of an enterprise.

Key words: efficiency, productivity, profitability, working capital, labor productivity, material consumption, capacity utilization, marketing efficiency.

Аннотация: В статье рассмотрены подходы к анализу переменных, определяющих эффективность как важный фактор повышения конкурентоспособности эффективного управления переменных внутреннее среды предприятия.

Ключевые слова: эффективность, результативность, рентабельность, оборотный капитал, производительность труда, материалоемкость, загрузка производственных мощностей, эффективность маркетинга.

Внутренняя среда предприятия - это совокупность агентов, действующих внутри предприятия, и их отношений, возникших в процессе финансово-хозяйственной деятельности. Определяется внутренняя среда фирмы множеством факторов, которые тоже называются внутренними, поскольку формируются самим предприятием в процессе его деятельности, оказывая влияние и на ее результаты, и на перспективы развития.

При проведении анализа конкурентных преимуществ внутренних ресурсов необходимо исследовать и использование ресурсов, которые определяются *результативностью* и *эффективностью.*

Результативность использования ресурсов определяется независимо от их назначения. Наиболее общие показатели результативности:

Прибыльность. Это обобщающий показатель результативности, подходящий для коммерческих организаций. Его следует использовать в тесной связи с другими финансовыми показателями, такими как оборачиваемость запасов и период погашения дебиторской задолженности. Прибыльность дает представление о результативности использования конкретных видов ресурсов.

Оборотный капитал. Исследование этого параметра результативности использования ресурсов может показать, как финансовые ресурсы используются с точки зрения стратегии организации. Важным является требование поддержания низкого уровня оборотного капитала.

Производительность труда. Показатель отражает результативность использования трудовых ресурсов организации. Специфическими индикаторами могут быть производительность в расчете на одного работающего, уровень прогулов и опозданий, относительная численность различных подразделений и соотношение между сотрудниками основного и неосновного производств.

Материалоемкостъ. Этот показатель выходит на первый план в случаях, когда сырье или энергия являются основными составляющими себестоимости.

Загрузка производственных мощностей. Этот показатель становится одним из основных в тех случаях, когда накладные расходы являются основными в себестоимости.

Использование возможностей маркетинга. Конкретные показатели могут включать расходы на рекламу в процентах от оборота, объем продаж на одного продавца, затраты на распределение в процентах от оборота, эффективность рекламы и т.п.

Приведенные показатели всего лишь образец, и в каждом данном случае разработчики стратегии могут найти более подходящие параметры для решения конкретных задач, связанных с исследованием внутренней среды организации.

Основными показателями, характеризующий конкурентного преимущества внутренних ресурсов предприятия является его уровень финансово - экономическое состояние. Эти показатели отражает уровня платежеспособности и финансовой устойчивости. В маркетинговом анализе для оценки конкурентоспособности применяется несколько методов. Помимо параметрического и индикаторного используются индексный подход.

Коэффициент покрытия или платежеспособности в 2014 году составил 1,6; что больше норматива. (см. табл. 1)

Таблица1.

.Анализ экономической состоятельности АО Самвинкомбинатим.Ховренко (2017-2019гг.)

	Наименование показателей	**Норматив**	**годы**		
			2017	**2018**	**2019**
1	Коэффициент платежеспособности	> 1,25	1,36	1,34	1,6
2	Коэффициент соотношения собственных и заемных средств	> 2	0.7	0.7	0,5
3	Коэффициентфинансовой независимости	>1	0.39	0.39	0,26
4	Коэффициент обеспеченности собственными оборотными средствами	>0.1	0,31	0,25	0,38
5	Коэффициент обеспеченности запасов и затрат собственными источниками	> 0,6	0,46	0,24	0,5

6	Коэффициент рентабельности реализации		0,3	0,2	0,2
7	Коэффициент маневренности		1,8	3,1	3,3
8	Коэффициент износа оборудования	>0.6	0,62	0,54	0,53
9	Коэффициент автономии	> 0.5	0.4	0.4	0,3
10	Коэффициент маневренности собственных средств	< 0.5	0.66	0.49	1,2
11	Коэффициент финансовой зависимости	< 1.7	2.6	2.6	3,8
12	Коэффициент финансовой устойчивости	<1.2	0.6	0.6	0,35
13	Коэффицент рентабельности расходов		0.06	0.07	0,04
14	Коэффициент срочной ликвидности	> 0.6	0.6	0.27	0,86
15	Коэффицентабсолютной ликвидности	>0.2	0.04	0.002	0,2
16	Маневренностьобщего капитала	>0.6	0.83	0.75	0,84
17	Коэффициент рентабельности активов	>0.05	0.06	0.17	0,04

Таким образом, предприятие считается платежеспособным, так как на 1 у.е. текущих обязательств предприятия приходится 1,6 у.е, вложенных в оборотные активы.

Финансовая устойчивость определяется соотношением собственных и заемных средств и рассчитывается при помощи ряда показателей, основными из которых являются: коэффициент автономии, финансовой устойчивости и финансовой зависимости.

Коэффициент автономии характеризует независимость финансового состояния предприятия от заемных средств, то есть доля собственных средств в общей сумме активов баланса.

Вышеуказанный коэффициент в 2017 году составил 0,4, что ниже рекомендуемого показателя (>0,5), следовательно, предприятие находится в финансовой зависимости от заемных средств.

Коэффициент финансовой зависимости по предприятию за период 2017-2019г.г. имеет относительно стабильное значение - 2,6; при нормативе-1,7.

Причиной увеличения можно считать заимствование денежных средств в сумме 4100 млн. сум. Анализируя коэффициенты платежеспособности и финансовой устойчивости можно сделать следующие выводы:

- предприятие имеет возможность погасить текущие обязательства из своих быстро-ликвидных активов,
- в составе собственных оборотных средств высока доля омертвленного капитала;
- запасы и затраты предприятия не обеспечены собственными

источниками, следовательно предприятие нуждается в кредитовании;

- предприятие платежеспособно, но находится в финансовой зависимости от заемных средств;
- заемные средства преобладают над собственными.

Уровень технико-технологическое состояния предприятия является один из составляющий экономического параметра конкурентных преимуществ.

Эффективность использования ресурсов проявляет, используются ли ресурсы организации по целевому назначению. Выделим следующие показатели эффективности:

Использование капитала. Конкретные области анализа в этом случае включают в себя вопросы изменения структуры капитала компании, допустимые показатели прибыльности, а также степень сложности получения средств для запланированных инвестиций.

Использование трудовых ресурсов. Исследуются такие области, как гибкость трудовых ресурсов, характер системы оплаты труда, размеры рабочих бригад, типы систем контроля на местах, уровень руководства в критические моменты, уровни внутреннего соперничества и сотрудничества.

Использование финансовых систем. Области исследования включают соответствие нуждам компании системы калькуляции затрат, степени ее соответствия требованиям стратегии, способа составления сметы, применения методов оценки инвестиций.

Таблица 2. Анализ эффективности финансовой деятельности АО Самвинкомбинат им.Ховренко за 2017-2019г. *(млн.сум)*

	Годы			Откл +;-	
	2017г.	2018г.	2019г.	2019г. от 2017г.	2019г. от 2018г.
Выручка от реализации	27789	40100	47604	+19815	+7504
В том числе экспорт	244,9	431,1	1067	+822,1	+635,9
Чистая выручка от реализации	13031	19321	23144	+10113	+3823
Расходы периода	2506	2771	3200	+694	+429
В т.ч. расходы по реализации.	36	374	450	+414	+76
Администрат. расходы	495	722	720	+225	-2
Проч. операционные расходы.	1975	1673	2030	+55	+357
Доходы от основной деятельности.	81	276	226	+145	-50
Расходы по финансовой. деятельности	313	305	380	+67	+75
Налог на прибыль	110	134	53	-57	-81
Чистая прибыль	607	1023	158,8	-448,2	-864,2
Активы	6598	8388	13308	+6710	+4920
Кредиты	4055	5125	4095	+40	-1030
Балансовая прибыль	769	1246	212	-557	-1034

Данная таблица свидетельствует о том, что в 2019 году годовая выручка от продажи винно-водочных изделий составило 47604 млн. сумов. Этот же показатель 2017 году составлял 27789 млн. сумов, прирост за 3 года составил +19815 млн. сумов.

Если 2017 году всего выручка по экспорту винно-водочных изделий составлял 244,9 млн. сумов, тот же показатель по экспорту 2014 году составил 1067 млн. сумов больше на 822,1 млн. сумов.

Прирост выручки от продажи алкогольных и винных изделий за 3 года составил +10113млн. сумов.

Если расходы по реализации (бюджет маркетинга по реализации) в 2012 году составляли 36 млн. сумов, тот же показатель в 2019 году составил 450 млн. сумов.

Доходы от основной деятельности предприятия за 2017 году составил 81 млн сумов, а в 2019 году этот показатель составил 226 млн. сумов (+145млн. сум.).

Чистая прибыль предприятия в 2019 году составил 158,8 млн. сумов, а в 2017 году чистая прибыль предприятии составлял 607 млн. сумов (-448,2 млн. сум.). Если балансовая прибыль за 2017 год составлял 769 млн. сумов, балансовая прибыль за 2019 год составил 212 млн. сумов (-557 млн. сум.).

Данные отрицательные показатели указывают что за последние годы полученные средства были направлены на модернизацию и расширению производства.

Таким образом, многообразие и разноплановость критериев и оценок эффективности предприятий являются весьма значительными, а это не позволяет считать, что на сегодня здесь существует научно обоснованный и доведенный до количественной определенности инструментарий оценки и выбора путей решения коренных проблем формирования, функционирования, перестройки промышленных предприятий. В этой сфере решающая роль все еще отводится субъективным суждениям, интуиции, опыту, а различного рода четкие, в том числе количественные, критерии носят вспомогательный характер. Для изменения подобной ситуации, как представляется, важнейшее значение приобретают два аспекта: первый — проблема согласования критериев; второй — задача их обоснования и особенно измерения. Как считает большинство исследователей, на сегодня это практически неразрешимая проблема. «В лучшем из всех возможных миров, - пишет, например Д. Кембел, - было бы прекрасно иметь некоторую всеохватывающую иерархическую систему, раскрывающую, как критерии согласуются между собой с точки зрения их общности, специфичности и отношения «средства - результаты». Почти очевидно, что такую схему невозможно построить, разве что лишь в жестких границах какой-нибудь частной теории эффективности».

Список использованной литературы:

1. Анализ хозяйственной деятельности в промышленности. Под ред. В.И. Стражева. - М.: Высшая школа, 2008.-123 с.
2. Большаков А.С. Менеджмент: Учебное пособие. - Спб.: Питер, 2009. - 160с.
3. Статистические данные предприятия АО «Ховренко».

VII ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ”

О.Ж. Суюнов– СамИСИ, Жисмоний маданият кафедраси доценти

КАДРЛАРНИ КАСБГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРИ

Аннотация: Маколада инновацион фаолиятни бошкаришда ходимларни укитишнинг шакли ва усуллари , шунингдек таълим муссасаларининг фаолиятини бахолаш курсаткичлари таклиф этилган.

Аннатация: В данной статье предложены формы и методы обучения специалистов в сфере управления инновационной деятельностью и показатели оценки деятельности образовательных учреждений направленных на инновационное развитие экономики страны.

Abstract: In this article the forms and methods of training of specialists in the field of innovation management and performance evaluation of educational institutions aimed at innovative development of the economy.

Калитли сузлар: инновация, интеллектуал капитал, кадрлар, мехнат бозори, мониторинг, персонал лизинги

Ключевое слово:инновация, интеллектуалный капитал, кадры, трудовой рынок, мониторинг, персоналный лизинг.

Key words:know ledge, situation, situational analysis, profession, problematic situation, education, training, hecristic teaching, modular training, learning education

Хозирги шароитда хар кандай тармокка мансуб замонавий ташкилотлар инновациялардан тизимли фойдаланмаган холда фаолият юрита олмайди. Бирок, инновацияларнинг амалга оширилиши бир катор кийинчиликларга боглик:

Биринчидан, замонавий хужалик юритувчи субъектлар хамма вакт хам инновацион стратегия ва турли инновацияларнинг мазмуни ва мохияти хакида объектив тасаввурга эга эмас.

Иккинчидан, иктисодиётнинг аксарият тармоклари (таълим, тиббиёт, кишлок хужалиги, озик-овкат ва кайта ишловчи саноат) консерватизм билан фарк килади ва уларда банд булган ходимлар ичида инновацияларга булган мотивацияланган эхтиёжнинг мавжуд эмаслиги кузатилади.

Учинчидан, инновацияларни амалга ошириш учун юзага келган ижтимоий-иктисодий шароитда зарур булган инновацион такомиллаштиришни амалга оширишга кодир булган малакали кадрлар зарур [4].

Инновацион менежерларни укитишда фойдаланиладиган шаклларни шартли равишда учта гурухга ажратиш мумкин: анъанавий; инновацион; мустакил укиб урганиш (1-расм).



1-**расм. Инновацион фаолиятни бошкариш сохасидаги мутахассисларни укитишнинг шакл ва усуллари**

Биз таълимнинг анъанавий усуллари тугрисида тухталиб утирмокчи эмасмиз,чунки бу усуллар тугрисида етарли маълумотга эга булганмиз. Шунинг учун инновацион фаол укитиш шаклларидан фойдаланиш ва тингловчиларда жамоавий иш куникмаларини ривожлантиришга купрок эътибор каратишни лозим топдик.

Инновацион фаол укитиш шакллари **бир катор устунликларга эга:**

- янги материални осонрок кабул килиш;
- тажрибани кенгрок куллаш;
- тингловчилар томонидан укиш жараёнида муаммоларни хал этишга нисбатан янги ёндашувнинг ишлаб чикилиши;
- самарали ва самарасиз хатти-харакат моделини аник куриш имконияти.

Давра сухбати - эълон килинган мавзу буйича асосий далиллар мухокама килинишини уз ичига олувчи ва иштирокчиларнинг энг юксак фаоллигини назарда тутувчи касбий жамоавий учрашув. Бунда мухокама килиш учун, одатда, ута долзарб муаммо танлаб олинади.

Тренинг - назарий билимлар ва амалий куникмаларни узлаштириш, зарур кобилиятларни шакллантириш, муайян мисолларни тахлил килиш ва гурухий бахс-мунозараларни утказиш оркали одатдаги кийинчиликларни бартараф этиш усулларини ишлаб чикишга йуналтирилган фаол укитиш шакли. Тренинглар тахсил олувчилар билимдонлигининг умумий даражасини ривожлантириш максадини кузлайди.

Амалий уйин - иштирокчиларга реал вазиятга таклид килинган холда сунъий тарзда яратилган шароитда ечимларнинг энг макбул вариантларини биргаликда топиш имконини берувчи жамоавий амалий машгулот.

Ролли уйинлар - ролларнинг таксимланиши, ахборотнинг кайта ишланиши ва материалнинг таклиф этилган сценарийга мувофик тайёрланишини назарда тутувчи укитиш шакли. У рахбарлик лавозимларига номзодларни укитишда тобора оммалашиб бормокда, чунки ролли уйинлар шахслараро мулокот куникмаларини хосил килишда яхши самара беради

Secondment - персонални маълум вактга зарур куникмаларни эгаллаш учун бошка тузилмага «хизмат сафарига юбориш». Бунда secondment стажировка ёки хизмат сафарлари билан хеч кандай умумийликка эга эмас. Унинг мохияти шундан иборатки, ходим шу компаниянинг бошка таркибий булинмасига ёки бошка компанияга вактинчалик юборилади.

Мустакил укиб-урганиш билан шугулланган холда ходимлар уз билимларини кенгайтиради, шу сабабдан уларнинг махорати ошади. Улар уз ишини яхширок тушунади, мухим карорларни мустакил равишда кабул килишга кодир, уларда янги ижодий гоялар ва режалар пайдо булади. Шу тарика мутахассислар у ёки бу усул буйича укиш натижасида олинган билимларини чукурлаштиради ва кенгайтиради.

Масофадан туриб таълим олиш - укитувчи ва укувчиларнинг вакт ва маконга кура булинган мулокоти билан фарк килувчи таълим шаклидир.

Фаолиятнинг муайян турига мос келувчи курсаткичларнинг узгариш динамикасини тадкик этиш иктисодиётнинг инновацион ривожланишида таълим муассасининг («кадрлар», «илмий», «тадбиркорлик») роли хакида мулохаза юритиш имконини беради. Муаллиф томонидан танланган курсаткичлар буйича бахолар натижаларига эга булган таълим муассасаси инновациялар бозорининг малакали кадрларга ёки инновацион товарларга (хизматларга) булган эхтиёжларини тезда таъминлаш имкониятига эга булади.

Хулоса килиб айтганда, жахонда муносиб уринга эга булиш учун мамлакатимиз олдига якин вакт ичида уз ишланмаларига таянган холда ривожланишнинг устувор йуналишларини ишлаб чикиш вазифаси куйилган. Ушбу вазифани хал этиш учун замонавий кадрлар - бозор шароитида ишлаш

учун сифатли таълим олган, жахонда кескинлашиб бораётган ракобатбардош инновацион менежерлар, маслахатчилар, экспертлар зарур. Ушбу мутахассисларнинг муваффакиятли ишлаши Узбекистоннинг юкори суръатларда ижтимоий-иктисодий ривожланишининг гаровидир.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Демченко, А. Маркетинговые инновации в условиях кризиса. / А. Демченко // Маркетинг. - 2009. - №1 -С. 44 - 50.
2. Зинов В.Г. Менеджмент инновации: Кадровое обеспечение. -М.: Дело, 2005.- 496 с.

VIII ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА УМУМИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАР”

Г.М Шадиева – Тошкент давлат транспорт университети, Иқтисодиёт кафедраси профессори, и. ф. д.
М.Ш. Солижонов – Тошкент давлат транспорт университети Корпоротив бошқарув йўналиши 1-босқич магистранти

ТРАНСПОРТ СОҲАСИДА ДАВЛАТ –ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК МЕХАНИЗМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ

Аннотация: мақолада давлат ва хусусий шерикчилик ўртасидаги муносабатларнинг энг самарали шакли сифатида давлат-хусусий шерикликнинг хорижий механизмлари ўрганиш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: Давлат-хусусий шериклик, инвестиция лойиҳалари, концессия шартномаси, инфраструктура

Аннотация: В статье освещены вопросы изучения зарубежных механизмов государственно-частного партнерства как наиболее эффективной формы взаимоотношений государственного и частного секторов.

Ключевые слова:Государственно-частное партнерство, инвестиционные проекты, концессионное соглашение, инфраструктура

Abstract: The article highlights the issues of studying foreign mechanisms of public-private partnership as the most effective form of public-private sector relations.

Keywords: Public-private partnership, investment projects, concession agreement, infrastructure.

Сўнгги йилларда йиғилган халқаро тажрибалар кўрсатиб турибдики, иқтисодий ривожланиш ва давлат (жамият) мулкини бошқариш самарадорлигини ошириш учун ресурс базасини кенгайтириш ва фойдаланилмаётган ресурсларни мобилизация қилишнинг асосий механизмларидан бири давлат-хусусий шерикчилиги (ДХШ) ҳисобланади.

Давлат-хусусий шериклик механизмидан дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида иқтисодиётнинг кўпчилик соҳаларида кенг фойдаланилмоқда.

Хусусан, давлат-хусусий шериклик ёрдамида инвестициялар йўл инфраструктураси, аэропортлар, темир йўллар, қишлоқ хўжалиги, таълим, тиббиёт соҳаларига йўналтирилган. Давлат-хусусий шериклик бўйича дунёда Буюк Британия, Германия, АҚШ давлатлари етакчи саналади. Ушбу лойиҳа бошқа мамлакатларда ҳам кенг оммалашмоқда, МДҲга аъзо мамлакатларда бундай лойиҳалар Россия Федерацияси ва Қозоғистонда ривожланган. Қишлоқ ва сув хўжалигида давлат-хусусий шерикликдан фойдаланиш бўйича Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари пешқадамлик қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида туризм, ҳудудларда замонавий ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини, аэрокосмик технологияларни жорий этиш соҳаларида давлат-хусусий шериклик муносабатларини ривожлантириш белгилаб берилди. 2019 йил Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили да қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланган уруғчилик давлат-хусусий шериклик асосида кластерларни ташкил этиш, умумий ўрта таълим тизими, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш жараёни, янги маданият ва истироҳат боғларини ташкил этиш, коммунал хўжалик ва давлат бошқарув соҳасида давлат-хусусий шериклик имкониятларидан кенг фойдаланиш вазифаси қўйилди. Бундан кўриниб турибдики, давлат-хусусий шерикчилиги ҳаётимизнинг ҳар жабҳасига кириб бормоқда.

ДХШ ва унининг механизмларини транспорт соҳасида қўллашнинг назарий методологик муаммолари МДҲ олимлари томонидан ҳам тадқиқ этилган бўлиб, уларнинг ишларида соҳани бошқаришни ривожлантиришнинг илмий-назарий ва методологик асосларини ишлаб чиқишга салмоқли ҳисса қўшилган, жумладан: МДҲ давлатлари олимларидан Варнавский В.Г [1]., Клименко А.В.[2], Королев В.А., Молчанова О.П[3]. ва бошқаларнинг илмий ишларида ДХШ шаклларини таснифлашга оид ёндашувлар тадқиқ этилган. Ўзбекистонда иқтисодчи олимлардан Н.Юсупов ва Ф.Карабаев [4] БМТ тараққиёт дастури доирасида ДХШнинг шаклланиши ва ривожланишининг айрим назарий-услубий масалаларини тадқиқ қилганлар.Шунингдек, У.Джуманиязов[5] томонидан эса ДХШ асосида уй-жой қурилиши соҳасида корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштиришга йўналтирилган изланишлар борилган.

Чет эл тажрибасига кўра, давлат билан хусусий бизнес ўртасидаги шериклик турли йўналишдаги бизнес-модель ва муносабатлардир. Тадқиқотларда бу тушунчага турли таърифлар ҳам мавжуд. Лекин, умуман олганда, бу тушунча хусусий сектор ресурсларидан умумжамият эҳтиёжларини қондиришда фойдаланиш маъносини англатади. Яъни бундай ҳамкорлик доирасида хусусий ва давлат ресурслари ҳамда активлари бирлашади, ваколатлар тақсимланади, натижада бир томоннинг куч-салоҳияти иккинчи томон учун ҳам хизмат қилади. Одатда ҳар бир ҳамкор ўз инвестициясига мутаносиб равишда фойда кўради. Бундай хусусий бизнес оддий хусусий корхонадан давлат учун хизмат кўрсатиш билан фарқ қилади. Масалан, хусусий корхона ўз маблағини таваккалчилик асосида жалб

[1] Варнавский В.Г., Клименко А.В., Королев В.А. Государственно-частное партнёрство. Теория и практика. М: Высшая школа экономики, 2010. 228 с

[2] Варнавский В.Г., Клименко А.В., Королев В.А. Государственно-частное партнёрство. Теория и практика. М: Высшая школа экономики, 2010. 228 с

[3] Молчанова О.П. Государственно-частное партнёрство в образовании: сб. научн. тр. / МГУ им. М.В. Ломоносова; [под ред. О.П. Молчановой, А.Я. Лившина]. М.: Университет книжный дом, 2009. 242 с.

[4] Юсупов Н., Карабаев Ф. Теория и практика государственно-частного партнерства. Учебный модуль. Под.редак. А.Э.Шайхова Ташкент, 2013/www.undp.uz

[5] Джуманиязов У.И. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида уй-жой қурилиши соҳасида корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштириш: и.ф.ф.д. ... дис. автореф. – Т.: ТДИУ, 2018. – 27 б

қилиши, давлат эса ҳеч қандай харажатсиз қўшимча даромад олиши ёки ортиқча тўловларсиз бирор-бир хизматни йўлга қўйиши мумкин. Шу соҳани ўрганган россиялик эксперт

Н. Агазаряннинг [1] ёзишича, давлат-хусусий шерикликнинг дунё миқёсидаги ривожи учта босқичга бўлинади. Биринчи босқичда Лотин Америкаси, Шарқий Европа, шунингдек, МДҲ мамлакатлари турибди. Улар томонидан шериклик учун ҳуқуқий ҳужжатлар ва стандартларни ишлаб чиқиш устида иш олиб борилмоқда, бу йўналишдаги бозорни шакллантиришга, биринчи навбатда жорий этиладиган лойиҳаларни аниқлашга киришилмоқда. Таҳлилчининг таъкидлашича, ушбу мамлакатлар давлат-хусусий шерикликни қай йўсинда амалга ошириш керак, бу борадаги хатарлар (риск) қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини етарлича тушунмасдан шундай ҳамкорликни йўлга қўйишга ҳаракат қилишмоқда.

Иккинчи босқич АҚШ, Канада, Янги Зеландия, Япония, Россия, Германия, Франция, Испания, Италия каби ривожланган мамлакатларни қамраб олади. Уларда давлат-хусусий шериклик тузилмаси шакллантирилган, норматив-ҳуқуқий база яратилган, янги секторлар қўшилган ҳолда бу соҳадаги лойиҳалар қамрови кенгайтирилган.

Биринчи босқични фақатгина Буюк Британия, Австралия, Жанубий Корея ва Ирландия эгаллашган, холос. Бу мамлакатларда давлат-хусусий шериклик механизми такомиллашгани, унинг ривожи йўлидаги ҳуқуқий тўсиқлар бартараф қилингани, шериклик лойиҳалари бўйича маълум оқим пайдо бўлгани, инфратузилма соҳасида бундай ҳамкорликка қўшилиш истагидаги инвесторлар сони кўпайгани кузатилади.

Транспорт соҳасидаги энг муҳим ислоҳотлардан бири транспорт хизматлари бозорини эркинлаштириш, давлат монополиясини ва чекловларни босқичма-босқич қисқартириб бориш, хорижий инвесторларга қулай шартларда давлат ва хусусий шериклик тамойиллари асосида йирик объектларни тақдим этиш каби йўналишларда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда Бунга мисол қилиб қуйидаги энг йирик ҳажмдаги лойиҳаларни келтиришимиз мумкин.

Давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳалар

Маълумки, Транспорт вазирлиги томонидан Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида **давлат-хусусий шериклик асосида 10 та лойиҳаларни** амалга оширилмоқда.[2]

Автомобиль транспорти соҳасида

Республика вилоятларидаги давлат улуши бўлган жами **13 та автостанциялардан** биринчи босқичда **9 та**сини ҳамда **7 та** *(Қорақалпоғистон Республикаси Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд,*

[1] З. Тожиева,«БПК», 3-сон, 2019 й ,Давлат –хусусий шериклик: аввал ва ҳозир 05-07-2019

[2] М. Холмухамедов Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази, https://review.uz/oz/post/transport-sohasidagi-eng-muhim-islohotlardan-biri-davlat-monopoliyasini-va-cheklovlarni-bosqichma-bosqich-qisqartirib-borish

Хоразм, Наманган хамда Тошкент вилоятларидаги) **автотранспорт корхоналарини давлат-хусусий шерикчилик** асосида тадбиркорларга бериш[1].

Авиация соҳасида

Республика ҳудудий аэропортларини давлат-хусусий шериклик механизми доирасида халқаро талаблар асосида бошқарувга бериш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш.[2]

Мазкур лойиҳа бўйича Халқаро молия корпорацияси билан республика аэропортларида давлат-хусусий шериклик механизмлари асосида бошқарувга бериш бўйича ишлари олиб борилмоқда.

Йўл хўжалиги соҳасида

“Тошкент-Андижон пуллик автомобиль йўлини қуриш” лойиҳаси бўйича **Жаҳон банки** иштирокида **“Price water House Coopers”** *(Польша)* ва **“Over Arup and Partners”** *(Буюк Британия)* консалтинг компаниялари **консорциуми** томонидан лойиҳанинг дастлабки техник-иқтисодий асоси ишлаб чиқилди.[3]

Хорижий маслаҳатчилар томонидан лойиҳани **3 та босқичда (лот)** амалга ошириш таклиф қилинди. Шу билан бирга **“Қамчиқ” довонида янги пуллик тоннел қуриш лойиҳасини** ушбу лойиҳа доирасида амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Лойиҳанинг техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар ва концепциясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни якунлаш **2020 йил декабрь ойида** режалаштирилган.

“Тошкент-Самарқанд пуллик автомобиль йўлини қуриш” лойиҳаси бўйича **Европа тикланиш ва тараққиёт банки** билан ҳамкорликда **“Спектрум” компанияси** *(Россия)* томонидан лойиҳани молиявий ва иқтисодий жиҳатдан амалга ошириш имкониятлари ўрганиб чиқилди ва тегишли ҳисоботлар тақдим этилди.

Ҳозирда Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан лойиҳанинг **дастлабки техник-иқтисодий асосларини** ишлаб чиқиш учун тендер эълон қилинган. Лойиҳанинг дастлабки техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш жорий йил якунига қадар режалаштирилган.

“**Тахтақарачи пуллик автомобиль йўлини қуриш” лойиҳаси** бўйича **Осиё тараққиёт банки** (ОТБ) билан грант маблағлари эвазига лойиҳанинг дастлабки техник иқтисодий асосини ишлаб чиқиш учун ҳамкорлик келишувига эришилди.Жорий йил май ойида лойиҳанинг паспорт ва аннотациялари ўрнатилган тартибда ОТБга тақдим этилди. Бугунги кунда ОТБ томонидан тегишли хулосалари тақдим этилиши кутилмоқда.**“Сирдарё-Бахт пуллик автомобиль йўлини қуриш” лойиҳаси Европа тикланиш ва тараққиёт банки** билан ҳамкорликда амалга оширилиши режалаштирилган. Ушбу лойиҳани **“Тошкент-Самарқанд пуллик автомобиль йўли**

[1] М. Холмухамедов Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази, https://review.uz/oz/post/transport-sohasidagi-eng-muhim-islohotlardan-biri-davlat-monopoliyasini-va-cheklovlarni-bosqichma-bosqich-qisqartirib-borish

[2] O’sha joyda

[3] O’sha joyda

қурилиши” лойиҳасининг дастлабки техник-иқтисодий асосларида кўзда тутиш ҳамда мазкур лойиҳа доирасида қуриш таклиф қилинмоқда.Бугунги кунда Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан лойиҳанинг **дастлабки техник-иқтисодий асосларини** ишлаб чиқиш учун тендер эълон қилинган. Лойиҳанинг дастлабки техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш жорий йил якунига қадар режалаштирилган ***Хулоса қилиб айтганда****, мамлакатимизда транспорт соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар иқтисодиётнинг барча соҳаларига ҳамда аҳолининг барча қатламларига сифатли ташув хизматларининг кўрсатишларини кўришимиз мумкин бўлади.*

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Варнавский В.Г., Клименко А.В., Королев В.А. Государственно-частное партнёрство. Теория и практика. М: ..Высшая школа экономики, 2010. 228 с

2.Юсупов Н., Карабаев Ф. Теория и практика государственно-частного партнерства. Учебный модуль. Под.редак. А.Э.Шайхова Ташкент, 2013/www.undp.uz

3.Джуманиязов У.И. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида уй-жой қурилиши соҳасида корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштириш: и.ф.ф.д. ... дис. автореф. – Т.: ТДИУ, 2018. – 27 б

4.. Тожиева,«БПК», 3-сон, 2019 й ,Давлат –хусусий шериклик: аввал ва ҳозир 05-07-2019

5.М. Холмухамедов Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази, https://review.uz/oz/post/transport-sohasidagi-eng-muhim-islohotlardan-biri-davlat-monopoliyasini-va-cheklovlarni-bosqichma-bosqich-qisqartirib-borish

6. Молчанова О.П. Государственно-частное партнёрство в образовании: сб. научн. тр. / МГУ им. М.В. Ломоносова; [под ред. О.П. Молчановой, А.Я. Лившина]. М.: Университет книжный дом, 2009. 242 с

Ғ.З. Убайдуллаев– Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали “Ахборот технологиялари сервиси” кафедраси доценти, и.ф.н.

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНИШИДА ИНСОН КАПИТАЛИ ҲАЖМИНИНГ ОШИШИ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация. ушбу мақолада Ўзбекистонда инновацион рақамли иқтисодиётнинг ривожланишида назарий ва амалий ёндашувларга илмий асослар берилган. Тарихий-қомусий олимларимизнинг ижодлари билан таққослаш ва таълим тизимини ривожлантиришдаги ўхшашликларга ҳамда инсон капиталининг ўсишидаги асосий мақсадга эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: Миллий инсон капитали, таълим тизими, соғлиқни сақлаш, инсон капиталига инвестициялар, таълим сифати, тарихий-қомусий олимларимизнинг ижодлари, рақамли иқтисодиёт, жаҳон иқтисодиёти, инновацион иқтисодиёт, меҳнат ресурслари, ахборот коммуникация технологиялари, ялпи ички маҳсулот, инсон капитали ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг инновацион омиллари сифатида.

Аннотация. В данной статье представлена научная база теоретических и практических подходов к развитию инновационной цифровой экономики в Узбекистане. Сравнение с работами наших историко-энциклопедистов и сходство в развитии системы образования, а также основная цель в росте человеческого капитала.

Abstract. This article presents the scientific base of theoretical and practical approaches to the development of an innovative digital economy in Uzbekistan. Comparison with the works of our historical encyclopedists and similarities in the development of the education system, as well as the main goal in the growth of human capital.

Ключевые слова: Национальный человеческий капитал, система образования, здоровье, инвестиции в человеческий капитал, качество образования, труды наших ученых-историков и энциклопедиков, цифровая экономика, мировая экономика, социально-экономическое развитие человеческого капитала. как инновационные факторы.

Keywords: Is the national human capital, the education system, health, investment in human capital, the quality of education, the works of our historians and encyclopedias, the digital economy, the world economy, the socio-economic development of human capital. as innovative factors.

Кириш. Президентимизнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномаларида.... “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Мирзо Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб, хизмат қилиши лозим” деб таъкидлаб ўтдилар. Бу бутун Ўзбекистон халқини янги ғоялар сари руҳлантирди. Чунки бундай пойдеворни яратилишининг ортида илмий салоҳият, маърифат ва таълим-тарбия бериш, инсон капиталининг юқори сифатига эришиш, инновацион иқтисодиёт ва ахборот жамиятлари асосида қонун устуворлиги ётади [1]. Шу боис, таълим-тарбия ва илм-фан соҳаси 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди[2]. Бу албатта инсон капитали ва ахборот тушинчаси, ахборот технологияларининг бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги бўлиб, бундан ташқари, ахборот коммуникация технологияларнинг ўзи айнан ахборот категориялари ва инсон капитали чорраҳасида вужудга келади, чунки ахборот оқими инсон ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олади ва дунё ҳамжамияти глобаллашуви шароитида тобора ўсиб бораётган ролни ўйнайди.

Тадқиқотнинг мақсади. Инсон капиталини бошқариш асосида минтақавий ижтимоий-иқтисодий сиёсатни такомиллаштириш. Ўзбекистон иқтисодиётида инсон капитали ва рақамли иқтисодиётнинг ривожланишидан фойдаланишнинг назарий ва услубий асосларини ўрганиш. Минтақа иқтисодиётида туб таркибий ислоҳатларни амалга ошириш учун ҳозирги

кунда ишлаб чиқариш корхоналарини техник қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш, кўп тармоқли технологияларни жорий этишга қаратилган илмий хулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Илмий моҳияти. Миллий инсон капиталининг ривож топиши унинг қиймати билан ўлчанади, турли усуллар - инвестиция, яъни таълим тарбияга, илмга, маърифатга, соғлиқни сақлашга, жисмоний ва маданий тадбирларга жалб қилинадиган сармоялар ва бошқалар билан ҳисобланади.

Ўзбекистонда иқтисодиётни инновацион ривожлантириш учун ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, юқори қувватли технологияларни жорий этиш, илмий-амалий тадқиқотлар натижалари ва ноу-хау ишланма ихтироларни тадбиқ этиш, шунингдек хорижий мамлакатларнинг илмий муассасаларининг тавсияларидан фойдаланиш ҳамда реал иқтисодиёт ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасида ҳамкорликни ўрнатиш.

Тадқиқотнинг ўрганилганлик тўғрисида.

Инсон капиталини вужудга келиши ва ривожланиши ҳар бир миллатнинг наслдан-наслга ўтиши, узоқ йиллар билан боғланиши фанда исботланган. Ўзбекистон халқи жуда кучли қомусий олимларнинг авлодидандир. Ўрта Осиёда илм-фан, таълим-тарбия, иқтисодий таълимнинг илк пойдеворини яратилишида улуғ алломаларимиз Имом Бухороий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбандий ва бошқаларнинг ҳадислардаги таълим-тарбия, маънавий ва иқтисодий ғояларни инсонлар тафаккурига сингдирилиб борилиши ҳамда Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Мусо ал-Хоразмий, Юсуф Хос Хожиб, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур каби мутафаккирларимизнинг ижодида илм-фан, таълим-тарбия ва иқтисодий ривожланишга қўшган ҳиссаси беқиёсдир[3].

Биринчи Ренессанс даври IX-XII асрларда бутун дунё тан оладиган машҳур даҳоларни етиштириб берди. Хусусан Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий сингари ўнлаб буюк алломаларимизнинг жаҳоншумул илмий-ижодий кашфиётлари умумбашарият тараққиёти ривожига беқиёс таъсир кўрсатди. Алломаларимизнинг улуғ фазилатларидан яна бири ҳамма соҳаларда билимлилиги, чет тилларни билишда тенгсиз эканликлари ҳатто тўрта-бештадан ортиқ тилларда гаплашмаган мутафаккир алломалар бўлмаган десак хато қилмаймиз. Шарқнинг улуғ олими Абу Наср Фаробий, Арасту фалсафаси таҳлилига бағишланган асарида ҳамда "Фозил кишилар шаҳри", асарида асосий масалалардан бири бўлган илм-маърифат, иқтисодий эҳтиёжларга катта эътибор берган. Унинг илмий хулосасига кўра ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, ўткир мулоҳазали, фойдали ишларга берилган, янгиликларни кашф ва ихтиро эта оладиган кишилардир[3].

Абу Али ибн Сино илм ва билим олишни маънавият ва маърифат билан ўзаро боғликликда ўрганади. У илм асло қаримайди, дунё кезади, инсонларни жаҳолат ва ғафлатдан уйғотади деган ғояни илгари суради. Ўзининг "Тиб қонунлари" асарида одамларни илму-маърифатга ва

иқтисодий-ижтимоий фойдали меҳнатга чорлайди[3].

Абу Райхон Беруний билим олишни лаззат ва бахт деб тушинади. “ Менинг бутун фикри-ёдим, қалбим - деб ёзган эди аллома,- илм олувчиларни билимини ортириш лаззатидан баҳраманд бўлишдир. Мен буни катта бахт деб ҳисоблайман”. Кишиларни илм олишга чорлайди.

Шарқ иқтисодий тафаккурининг ривожланишида Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу Билиг" номли асари ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бу асарда меҳнатга тўғри ҳақ тўлаш, меҳнатни тақдирлаш, уни қадрига етиш, моддий манфаат, таълим олиш, касб-ҳунар эгаллаш, кучли ижтимоий ҳимоя каби масалаларга катта ўрин берилган[3].

Иккинчи Ренессанс даври Амир Темур номи билан боғлиқ. Ҳақиқатдан ҳам темурийлар даври илм-фан, маданият, маънавият ва маърифат, таълим-тарбия тизимининг ривож топишини таъминлаган Шарқ Уйғониш даври эди. Соҳибқирон Амир Темурнинг илм-фан, маданият таълимни ривожланиши, иқтисодий ғоялари, унинг ишлаб чиқариш ва амалда қўлланган иқтисодий-сиёсий ғоялари муҳим аҳамиятга эга. Амир Темур “Темур тузуклари” асарида иқтисодиётни ташкил этиш, барқарорлаштириш, тартибга солиш, барқарор суръатларда юксалтириб боришнинг иқтисодий тасаввурлари жамланган.

Алишер Навоий илмий мероси шу қадар бой ва кенг қирралики, унда илмга, билим олишга, тил ўрганишга, маънавият ва маърифатга ҳамда иқтисодиёт масалаларига доир кўп қимматли ғоялар ўз ифодасини топган. Унинг илмий ва иқтисодий қарашлари "Маҳбуб-ул-қулуб" ва "Ҳамса" асарларида баён қилинган[3].

Ўрта Осиё мутафаккирлари ижодида иқтисодий мафкура ва ёшларга таълим тарбия анча ривож топган. Мутафаккирларимиз иқтисодий мероси марказида инсон ва унинг эҳтиёжларини қондириш масаласи туради. Инсоният эҳтиёжларини ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий йўналиш-ларга ажратиш мумкин.

Буюк алломаларимиз ва мутафакирларимизнинг ўтган даврларда таълим-тарбияга, меҳнат самарадорлиги ва иқтисодиётнинг ўсишига қўшган ҳиссалари қуйидаги тушунчаларда ўз ўрнини топган, хусусан: [3].

-Қуръони Карим ва ҳадислардаги илм олиш, таълим-тарбия ва иқтисодий ғояларни инсонлар тафаккурига сингдирилишига доир фикрлар;

- Абу Наср Форобий ва Абу Али ибн Синонинг илму-маърифатга ва эҳтиёжлар ҳақидаги фикрлари;

-Юсуф Хос Хожибнинг таълим-тарбия, меҳнат ва манфаат ҳақидаги қарашлари;

-Баҳовуддин Нақшбандийнинг таълим, ижтимоий-иқтисодий ва меҳнатнинг аҳамияти ҳақидаги ғоялари;

-Амир Темурнинг "Темур тузуклари"да илгари сурилган, давлатни бошқариш, солиқ тизими, аҳолини банд қилиш, таълимга ва тадбиркорларга сармоя сарфлаш, ижтимоий ҳимоя ва рағбатлантириш тўғрисидаги фикрлари;

-Мирзо Улуғбекнинг илм-фандаги ижодий фаолияти, пул ислоҳоти ва

имтиёзли солиқ тизимига доир тадбирлари;

-Алишер Навоийнинг илм олиш, меҳнатни қадрлаш, савдо, тижорат масалаларига доир тежамкорлик, фойда, мулк тўғрисидаги фикрлари, ёшларни тарбиялаш ва бошқа амалий тадбирлари;

-Бобур ишлаб чиққан иқтисодий ривожланиш ва бунёдкорликга қаратилган илмий қарашлар, солиқ сиёсати ва давлатчилик асослари борасидаги халқ манфаатлари йўлидаги тадбирлари.

Тадқиқот методлари. Тадқиқотда миллий қадриятлар, илму-маърифатни тизимли ва илмий таҳлил қилиш методларидан, алломалар маълумотларидан, замондошлар ва сафдошларнинг таърифу тавсифлари орқали солиштириш методларидан, ижтимоий-иқтисодий, тарихий тараққиётнинг ривожланиш уйғунлигини таминлаш методларидан ҳамда индукция ва дедукция каби таҳлилий методлардан фойдаланилган.

Асосий натижалар.

2017 йил 14 сентябрь куни Президентимиз қарори билан Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умум таълим мактаб-интернати ва Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишларига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ташкил этилди. 2017 йил 29 ноябрда Президент фармони билан Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди. Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида “ Ёшлар академияси” ташкил топди. Айни вақтда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилган Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агетлиги фаолият юритмоқда. Агентлик тизимида пировард натижада мамлакатимизда сифат жиҳатидан тамомила янги мактабларнинг шаклланишига, истеъдодли ўқувчилар билан ишлашнинг замонавий, инновацион методикасини яратишга имкон беради[4]. Илм-фанни мунтазам ислоҳ қилиб бориш, илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, замонавий билимга эга меҳнат бозорида рақобатга бардош бера оладиган мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар таёрлаш, илмий инфиратузилмани модернизация қилиш ишларини янги босқичга кўтариш мақсадида Президент фармонига мувофиқ “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” тасдиқланди.[5].

Минтақани рақамли трансформация қилиш, худудлардаги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, иқтисодиётнинг реал сектор корхоналари фаолиятига илғор технологияларни кенг жорий этиш, рақамли иқтисодиёт соҳасида янги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Президент фармонига мувоффиқ “ Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегияси тасдиқланди[6].

2020 йил охиригача мактабларни кенг полосали Интернет тармоғига улаш даражаси 70 фоизга етказилади. Келгусида барча мактаблар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 100 фоиз Интернет билан таъминланади[7].

Фарзандларимизнинг (IT) технологияларига қизиқишини янада ошириш ва уларнинг етук мутахассис бўлиб етишиши учун шароит яратиш мақсадида Ҳукуматимиз томонидан худудлар бўйича 2020 йилда 14 та, 2021

йилда 82 та, 2022 йилда 64 та, 2023 йилда 45 та ахборот технологиясига ихтисослашган мактаблар ташкил этилади[7].

Ахборот технологияларининг ривожланиши иқтисодиёт глобаллашувининг моддий асосини яратади. Ўзбекистон халқаро Глобал инновацион индекси рейтингида 2015 йилда 140 дан ортиқ давлатлар ичида 122-ўринни эгаллаган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилда 131 дан ортиқ дунё мамлакатлари ичида Ўзбекистон 93-ўринни эгаллади[7].

Президентимизнинг 2020 йил 28 апрелдаги "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида 2023 йилга бориб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 2 баробар, ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмини 3 баробарга ошириш вазифаси қўйилган[8]. Дунёда рақамли иқтисодиёт ўсишининг суръатлари ҳозирнинг ўзида йилига деярли 20 фоизни ташкил этмоқда. Жумладан АҚШ саноатни "рақамлаштирилиши"дан 2025 йилгача қўшимча 20 трилион доллар даромад олиши кутилмоқда. Жанубий Кореяда эса "электрон ҳукумат" ва "электрон воситачилик"нинг жорий этилиши йилига 10-15 миллиард доллар миқдорида даромад келтиряпти. Бу рақамли иқтисодиёт учун сарф қилинаётган харажатлардан 30-40 баробар ортиқдир[9].

Хулоса. Хулоса сифатида айтиш керакки, бугун Ўзбекистон жамияти катта ўзгаришлар, ислоҳотлар ўтказишга қодир мамлакатга айланди. Мамлакатимизда таълим тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли навқирон авлоднинг замонавий билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун беқиёс имкониятлар яратилган. Энг муҳими бундай ислоҳотларнинг ташаббускори сифатида майдонга ёшларимизнинг ўзи чиқмоқда. Ёшларимиз ижтимоий-маънавий фаоллиги пойдевори қурилаётган Учинчи Ренессансни реал ҳолатга айлантирмоқда

Шу нуқтаи назардан тарихимиз илм-фан, дин, санъат соҳасида юртимизда етишиб чиққан алломалар бутун дунёга донг таратганидан гувоҳлик беради. Абу Наср Форобий жаҳон фалсафаси ривожига сезиларли ҳисса қўшган бўлса, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Замаҳшарий, Хоразмий, Мирзо Улуғбек сингари алломаларимиз жаҳон илм-фанини янги поғоналарга кўтаришди. Имом Бухороий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбандий, Бурҳониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий каби улуғ уламолар бутун мусулмон оламининг фахру ифтихори ва миллатнинг мафкуравий қадриятларини тиклашда порлоқ юлдузлар ҳисобланишади.

Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, инсон капиталига индивидуал инвестициялар умумлаштирилганда, турли мамлакатларда инсон капиталига киритилган инвестиция билан аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар ўртасидаги тафовут 10 фоиздан 30 фоизгача бўлишини кўрсатди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2020 йил 30 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида ”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони.

3. Ғ.З. Убайдуллаев “Иқтисодий таълим бериш усуллари” ўқув қўлланма. Тошкент-“Фан ва технология”-2020.

4. А. Маврулов. “ Учинчи ренессанс-муносиб келажак пойдевори ”. Янги Ўзбекистон газетаси 2020 йил 6 октябрь 190-сон.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илм—фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида ”ги 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сонли фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўқитувчи ва мураббийлар – Янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир” нутқи. 2020 йил 1 октябрь, 188-сон.

8. Н.Жумаев “Рақамли иқтисодиётсиз мамлакат иқтисодиётининг келажаги йўқ”. Янги Ўзбекистон газетаси 2020 йил 30 сентябрь 187-сон.

9. Абдурахманов К.Х. “Анализ современных инновационных подходов к управлению человеческим развитием”. Научно-аналитический журнал «Наука и практика» Российского экономического университета имени Г. В. Плеханова. Т. 10, № 29, 2018 г.

А.Бектемиров – СамИСИ доценти, и.ф.н.

ХИЗМАТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ УСУЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Мазкур мақолада хизматлар самарадорлигини аниқлаш усулларини методологик жиҳатидан такомиллаштириш бўйича тадқиқот натижалари баён қилинган ва вақтни тежаш қонунининг таъсирини эътиборга олган ҳолда хизматлар самарадорлигини аниқлаш усули такомиллаштирилган.

Калит сўзлар: реляционистик, субъективистик, аксиологик, объективистик-истеъмоллик, миқдорий-истеъмоллик, миқдорий-субъективистик, миқдорий-объективистик.

Аннотация: В данной статье описаны результаты исследования по совершенствованию методологии методов определения эффективности услуг и усовершенствована методика определения эффективности услуг с учетом действия закона экономии времени.

Ключевые слова: реляционалистский, субъективистский, аксиологический, объек-тивистский-потребление, количественно-потребительский, количественно-субъекти-вистский, количественно-объективный.

Abstract: This article describes the results of a study on improving the methodology of methods for determining the effectiveness of services and improved the methodology for determining the effectiveness of services, taking into account the operation of the law of saving time**.**

Key words: relationalist, subjectivistic, axiological, objective-consumption, quantitative-consumer, quantitative-subjective, quantitative-objective st

Аҳоли турмуш фаровонлиги кўп жиҳатдан хизмат кўрсатишнинг самарадорлиги билан боғлиқ. Бунда самара ва самарадорлик тушунчаларини аниқ тавсифлаш мақсадга мувофиқ. Самара иқтисодий категория сифатида амалга оширилган хизматларнинг абсолют кўрсаткичи сифатида намоён бўлади. Самардорлик эса нисбий кўрсаткич ҳисобланади. Ҳар иккала категория бир-бири билан узвий кўрсаткич ҳибланиб, бир-бирини тўлдиради.

Хизматларнинг хусусиятлари ишлаб чиқаришдан фарқ қилиб, ишлаб чиқарилган товар ва маҳсулотларнинг истеъмол сифатини оширишга ёрдам беради. Шу нуқтаи назардан хизматлар самародорлигини аниқлаш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Худди шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда соҳада самардорликни аниқлашни методологик жиҳатдан тадқиқот объекти сифатида танлаб олинди.

Маълумки хизматлар соҳаси кенг қамровли соҳа ҳисобланади ва унинг самардорлигига таъсир кўрсатувчи омилларнинг кўлами ҳам жуда катта. Уларни тадқиқ қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бир ҳисобланади. Хизматлар самарадорлигини аниқлаш, баҳолаш, мезонларини ишлаб чиқиш, унга таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиш бўйича бир қатор йирик хорижлик[1] ва мамлакатимиз иқтисодчи олимлари[2] илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

3. ОСОБЕННОСТИ ВОЗДЕЙСТВИЯ ФИСКАЛЬНОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ЕС НА ЭКОНОМИКИ СТРАНУЧАСТНИЦ Сергеев Егор Александрович. Специальность: 08.00.14 – Мировая экономика Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук
4. https://uzbekistan2035.uz
5. Norma.uz

F.E. Jomonqulova– SamISI, “Axborot texnologiyalar” kafedrasi
dotsenti v.b., t.f.n.
N.U. Ro‘ziqulova– SamISI, Servis fakulteti Mr-120 guruh talabasi

AXBOROT KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI VA DAVLAT BOSHQARUVI, YOXUD, «ELEKTRON HUKUMAT»

Anatatsiyan: Ushbu maqola fuqarolar va davlat o`rtasidagi onlayn muloqotni ta’minlab beruvchi xizmatlar ya’ni interaktiv xizmatlar boshqacha so`z bilan aytganda esa elekitron hukumat haqidadir. Ushbu maqolani o`qib turarkansiz bevosita elektron hukumat nima? Qanday elektron hukumatni tashkil qilish mumkin? Unga qanday bog‘lanish mumkin? yoki turli mamlakatlarning elektorn hukumatga bergan tariflari haqida to`liq malumotga ega bo`lishingiz mumkin.

Kalit so`zlar: elektron hukumat, interaktiv xizmat, davlat, muloqot, fuqaro,Yevropa ittifoqi, BMT, axbort-komumikatsita xizmatlar faoliyat.

Аннотация: Эта статья об услугах элэктронного правительства ,которые обеспечивают онлайн общение между гражданами и государством. Не читаю эту статью , что такое прямое элэктронное правительство? Как к нему подключиться? Или вы можете получить подробную информацию о тарифах стран на элэктронной правительство.

Ключевые слова: элэктронное правительство,интерактивный сервис , штат , общение , гражданин , Европейского Союза , ООН ,информационные услуги.

Abstract: This article is about e-government services , in other words ,interactive services that provide online communication between citizens and state .Without reading this article what is e-government directly . How to connect to it .Or you can get full information about the definitions given to e-government by different countries.

Keywords: e-government ,interactive service , state , communication , citizen , European Union , UN , information and communication service .

Maqolamiz muqaddimasi orqali, gapni uzoqdan boshlab, axborot kommunikatsiya texnologiyalari, xususan internetning muhim iqtisodiy va ijtimoiy sohalarga allaqachon kirib kelib, o‘zining ijobiy ta’sirini ko‘rsata boshlaganiga urg‘u berdik. Ko‘rinib turibdiki, ijtimoiy soha va iqtisodiyotning turli bo‘g‘inlarini boshqarish, rivojlantirish va samaradorligini orttirish maqsadida, sohaga axborot kommunikatsiya texnologiyalarini tadbiq etish – bugungi zamon talabi bo‘lgan dolzarb masaladir. Bunday sharoitda, axborot kommunikatsiya texnologiyalarining kuchli potensialidan nafaqat ijtimoiy yoki iqtisodiy sohalar, balki, siyosiy sohada ham foydalanish, uni davlat boshqaruvi, davlat va jamiyat munosabatlari hamda, fuqarolarga davlat xizmatlari ko‘rsatish kabi muhim ijtimoiy-siyosiy jarayonlar uchun qo‘llash ayni muddao hisoblanadi. Davlat hokimiyati ichki tarmoqlari boshqaruvi (markaziy hukumat va mahalliy hokimiyatlar, davlat tashkilot va muassasalari o‘rtasidagi o‘zaro uzviylik) va davlat tashkilot va muassasalarining fuqarolar hamda biznesga ko‘rsatadigan xizmatlarining samaradorligini oshirishda axborot kommunikatsiya texnologiyalarining qulayliklari va imkoniyatlaridan foydalanish – zamonaviy ilg‘or yo‘nalishlardan biri bo‘lib, xalqaro leksikonda u «Elektron hukumat» (e-government) deb yuritiladi.

«Elektron hukumat» tushunchasi

Elektron hukumat tushunchasi dastavval XX asrning 90-yillari boshida AQSHda paydo bo‘lgan. Mazkur tushuncha, 1991 yilda, AQSHning o‘sha vaqtdagi prezidenti Bill Klinton davrida, internet va umuman axborot kommunikatsiya texnologiyalarining rivojlantirishga davlat darajasida, alohida e’tibor qaratgan paytda yuzaga kelgani ma’lum. Klinton ma’muriyati davrida davlat idoralari hujjatlari orqali OAVga tarqalgan «Elektron hukumat» tushunchasi, 1999 yildan boshlab, okean orti va Yevropaning yetakchi nashrlarida davriy ravishda va tez-tez uchray boshladi. Aynan shu davrda, «Elektron hukumat» va unga bog‘liq tamoyillar tahlil va tadqiq qilingan ilmiy ishlar ham paydo bo‘ldi. Misol uchun: Bellami Teylorning «Axborot asrida hukumat boshqaruvi» asari[2]da davlat boshqaruviga elektron axborot kommunikatsiya vositalari, xususan internetni tadbiq etishning nazariy masalalari ko‘rib chiqilgan bo‘lsa; 2002 yilda chop etilgan «Elektron hukumat strategiyasini baholash mezonlari: strategik tahlil xulosasi» nomli risola[3]da, elektron hukumatning joriy qilishning istiqbollari, uning texnik va ijtimoiy talablari asosida tahlil qilingan edi. Keyingi davrda, axborot kommunikatsiya texnologiyalari borasida rivojlangan, yetakchi davlatlar hukumatlarining maxsus qarorlari orqali amaliy ishga o‘tildi. Davlat boshqaruvi sohasiga axborot kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etishni ko‘plab nufuzli xalqaro tashkilotlar ham qo‘llab quvvatlay boshlashdi. Ularning har birida, mazkur tushunchaning o‘ziga xos talqinini ko‘rish mumkin, masalan:

1-ta’rif

Elektron hukumat tushunchasiga O’zbekiston hukumatining tavsifi[4]:

Elektron hukumat tizimi *– axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo’llash yo’li bilan yuridik va jismoniy shaxslar tomonidan davlat xizmatlari hamda davlat organlarining faoliyati natijalari to'g'risida axborot olish (almashish) tezkorligi va qulayligi sifat jihatdan yangi darajasini ta’minlovchi davlat organlarining faoliyatini tashkil qilish shakli.*

(1-ta;rifdan) ko‘rinib, turibdiki, «Elektron hukumat» tushunchasiga nisbatan nufuzli xalqaro tashkilotlarning yondoshuvida, ham umumiylik jihatlari, ham farqlar mavjud. Umuman olganda, dunyo mamlakatlarining ko‘pchiligida «Elektron hukumat» tushunchasi jamoatchilik orasida munozaralarga sabab bo‘layotganini ta’kidlash joiz. Xususan, «Elektron hukumat» so‘zining ingliz tilidagi muqobili – «Electronic government» so‘zi, ko‘pchilik o‘ylagani singari, hukumat, ya’ni, davlat boshqaruvining, ijro etuvchi markaziy hokimiyati tushunchasinigina taalluqli emas, balki kengroq ma’noda bo‘lib, ya’ni, u – davlat boshqaruvi organlarining o‘z funksiyalarini amalga oshirishda elektron axborot kommunikatsiya vositalari potensialidan keng foydalanishini nazarda tutadi. Shu tufayli, mutaxassislar orasida «elektron hukumat» dan ko‘ra, «elektron boshqaruv» tushunchasini kiritish haqida g‘oyalar ham mavjud.

Maqsad va vazifalar

Mazkur ikki tushuncha va atama yuzasidan davom etayotgan munozaralarga qaramasdan, amaliyotda ularning har ikkalasi odatda mazmunan bir-birini to‘ldiruvchi so‘zlar sifatida qo‘llanilishi kuzatilmoqda. Chunki ularning har ikkisi ham umumiy ustuvor muddaolarni ifodalaydi: Hukumat organlari va davlat

tashkilotlari faoliyatining samaradorligini yanada orttirish; fuqarolarga va biznesga koʻrsatiladigan davlat xizmatlarini interfaol usulda, zamonaviy axborot kommunikatsiya texnologiyalari vositalari orqali koʻrsatish; umuman olganda esa demokratik jarayonlarni yanada chuqurlashtirish uchun axborot kommunikatsiya texnologiyalari potensialidan unumli va keng foydalanish. Bunda «Elektron hukumat», davlat boshqaruvi sohasining alohida qismi yoki hukumatning yangicha shakli sifatida tasavvur qilinishi emas, balki, Davlat boshqaruvining anʼanaviy yoʻnalishlariga qoʻshimcha, tarkibiy qism sifatida kiritilishi nazarda tutiladi. Mazkur tamoyillarning har qanday kombinatsiyasi uchun, «Elektron hukumat»ga qoʻyiladigan quyidagi asosiy talablarni, boshqacha aytganda, elektron hukumatni joriy etishdan koʻzlangan asosiy maqsadlarni keltirib chiqarish mumkin:[1]

Jismoniy va Yuridik shaxslarga koʻrsatiladigan davlat xizmatlarining yuqori sifat darajasida operativ ravishda, yagona standartlar asosida koʻrsatilishi;

Davlat va jamiyat oʻrtasidagi oʻzaro munosabatlarda, fuqarolarning davlat hokimiyati organlarining faoliyatiga oid axborotlar bilan uzluksiz taʼminlanishi; Davlat hokimiyatining ichki strukturalarida, hukumat organlarining turli boʻgʻinlarida, tashkilot va muassasalarda idoralar aro ichki munosabatlarda samaradorlikning ortishi;Geografik faktor; hujjat aylanishi va almashinuvi kabilarda sarf-xarajatlarni minimallashtirish. Elektron hujjat almashinuvi tizimini joriy etish. Mazkur konsepsiyalarning amaliyotda oʻz aksini topishi natijasida, davlat va jamiyat munosabatlarida, davlat boshqaruvi ichki strukturalarida quyidagicha samaradorlik va qulayliklarga erishish maqsad qilinadi:Fuqarolarga va biznesga koʻrsatiladigan davlat xizmatlarida samaradorlik ortadi, yaʼni, fuqaro davlat idorasiga ariza, shikoyat yoki taklif bilan toʻgʻridan-toʻgʻri, elektron shaklda murojaat etishi va javob olishi mumkin boʻladi. Davlat xizmatlaridan foydalanishda tayyor hujjat shakllarini (blankalarni) on-layn toʻldirish va topshirish, zaruriy maʼlumotnoma, ruxsatnoma va boshqa hujjatlarni on-layn tarzda shakllantirib, yuklab olishi, chop etishi kabi interaktiv xizmatlardan foydalanishi mumkin boʻladi.

Standartlashtirilgan va avtomatlashtirilgan interaktiv xizmatlardan foydalanib, yuridik shaxs, oʻzi uchun zaruriy davlat xizmatlarida on-layn foydalanishi imkoni paydo boʻladi. Masalan, yuridik shaxs, oʻz faoliyatini yuritish uchun maxsus ruxsatnomalar (litsenziya, patent, bojxona koʻrigi kabi) olishi yoki, davlat organlariga hisobot (masalan soliq deklaratsiyalari) topshirishi uchun tegishli portaldan foydalanib, tezkor va qulay ravishda koʻzlangan maqsadga erishishi mumkin. Bunda toʻlovlarni ham on-layn usulda, internet banking yoki SMS-banking kabi xizmatlardan foydalanib amalga oshirish imkoniyati yaratiladi.Davlat boshqaruvi ichki strukturasi – vazirliklar, idoralar, tashkilot va muassasalar, markaziy, hududiy va mahalliy hokimiyatlar, orasida elektron hujjat almashinuvi yoʻlga qoʻyiladi. Idoralararo munosabatlarda yaxlit interaktiv axborot tizimini qoʻllash orqali, oʻzaro aloqa va ichki monitoring tizimi shaffoflanadi.

Masofa va vaqt faktori. Fuqaro, oʻzi uchun zaruriy davlat xizmatidan foydalanishda yoki, davlat idorasiga murojaat etishda, mazkur idora joylashgan manzilga shaxsan tashrif buyurishi, idora masʼul xodimi, masalan rahbarini qabul

vaqtini poylashi, kutib oʻtirishi kabi holatlar bartaraf etiladi.Qolaversa, bu orqali mansabdor shaxslarningtamagirlikqilish holati cheklanadi.

Qolaversa, elektron hukumatni joriy qilish orqali erishilishi koʻzda tutiladigan yana bir qancha iqtisodiy va ijtimoiy naf omillari ham mavjudki, ularni ham oʻz oʻrnida eʼtirof etib oʻtish zarur: elektron hujjat almashinuvi tufayli, qogʻoz isteʼmoli qisqaradi, yaʼni qogʻoz mahsuloti tejaladi; hujjat almashinuv tizimida vaqt tejaladi, yaʼni elektron hujjat axborot kommunikatsiya texnologiyalari orqali yuborilganda, mazkur hujjat shu lahzaning oʻzidayoq belgilangan manzilda hozir-nozir boʻladi. Davlat idorasiga murojaat etuvchi fuqaro, dastlabki zaruriy hujjatlarni toʻplamini yoki murojaatnomani bir marotaba shakllantirib, kerakli manzilga yoʻllaydi, murojaatni koʻrib chiqish va unga munosabat bildirishning keyingi bosqichlari maxsus semantik tizim asosida, avtomatlashtirilgan koʻrinishda, murojaat etuvchining ishtirokisiz amalga oshadi. Yaʼni, murojaat etuvchi fuqaro, zaruriy hujjatlar toʻplamini, yoki, murojaatnomani koʻtarib, idorama-idora sarson yurishi, murojaatni koʻrib chiqishda jarayonining kuryeri sifatida qatnashishi, bu orqali, vaqt, transport, kanselyariya va boshqa turdagi xarajatlarga tushishi oldi olinadi. Bunda murojaatni koʻrib chiqishi va unga javob berishi zarur boʻlgan idoraning mazkur murojaatga nisbatan munosabati yuqori tashkilot tomonidan nazorat qilib turiladi, agar tegishli idora qonunda belgilangan muddatda murojaatni koʻrib chiqmasa yoki unga javob bermasa, yuqori davlat tashkiloti tomonidan chora koʻrilishi mumkin boʻladi. Murojaatni koʻrib chiqish jarayoni qaysi bosqichga yetgani haqida fuqaro maxsus axborot kommunikatsiya vositalari, masalan, elektron pochta yoki SMS orqali xabardor boʻlib turishi imkoniyati yaratiladi.

Ilm-fan va texnikaning barcha yoʻnalishi kabi axborot kommunikatsiya texnologiyalari sohasi ham tinimsiz rivojlanishda ekanligini nazarda tutsak, elektron hukumat tizimi ham mazkur sohaning keyingi yangi yutuqlarini oʻzida joriy etish orqali yanada takomillashib, mukammallashib borishi tabiiy. Shunga koʻra kelajakda, elektron hukumat bizning maqolamizda nazardan chetda qolgan yoki, tasavvurimizga sigʻmagan yangicha qulayliklar va foydali xususiyatlarga ega boʻlsa ajab emas. Umuman olganda esa, xorijiy davlatlarning ayrimlarida, zamonaviy elektron hukumat rivojlanishi tendensiyalari, vaqti kelib, hattoki saylovlar tizimini ham interaktiv, onlayn koʻrinishga kelishini bashorat qilishmoqda. Balki bu tasavvur haqiqatdan yiroqdir, lekin, elektron hukumatni joriy qilish va uni takomillashtirish borasida, oʻsha xorijiy davlatlarning ayrimlaridagi ilgʻor tajribalarni, va uning rivojlanish bosqichlari bilan tanishib chiqsak foydadan holi boʻlmaydi.

Yuqorida eslab oʻtilgan barcha meʼyoriy huquqiy qonunchilik hujjatlari, Oʻzbekistonda interaktiv davlat xizmatlari hamda elektron hukumatni joriy qilish, uni rivojlantirish borasida bosqichma-bosqich, evolyutsion huquqiy poydevorni yaratishga xizmat qildi. 2013 yilda ham bu boradagi mantiqiy izchillik davom etib, aytish mumkinki, haqiqiy maʼnoda Oʻzbek elektron hukumatining huquqiy poydevorini mustahkamlagan muhim qonun hujjatlarining qabul qilinishi bilan ahamiyatli boʻldi. Xususan, bu borada, Vazirlar Mahkamasining 25-yanvar, 2013 yil, 18-sonli qarori[8] bilan, davlat boshqaruvining samaradorligi va yuridik hamda

jismoniy shaxslarga interaktiv davlat xizmatlari ko‘rsatish sifatining oshirilishini ta’minlovchi «Elektron hukumat» tizimini shakllantirish alohida ustuvor vazifa qilib belgilandi. Qolaversa, mazkur qarorda «Elektron hukumat» tushunchasiga, o‘zbek tilida rasmiy tushuntirish – ta’rif berildi:

2-ta’rif

Elektron hukumat tushunchasiga O’zbekiston hukumatining tavsifi[4]:

Elektron hukumat tizimi *– axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo’llash yo’li bilan yuridik va jismoniy shaxslar tomonidan davlat xizmatlari hamda davlat organlarining faoliyati natijalari to'g'risida axborot olish (almashish) tezkorligi va qulayligi sifat jihatdan yangi darajasini ta’minlovchi davlat organlarining faoliyatini tashkil qilish shakli.*

(2-ta’rifdan) ko‘rinib turibdiki, O‘zbekistonda, elektron hukumatni tashkil qilish borasida hukumat darajasida katta e’tibor ko‘rsatilmoqda. Buning yaqqol misoli sifatida, hukumat darajasida qabul qilingan so‘nggi muhim qarorlarni keltirishimiz mumkin. 2013 yil, 16-sentyabrdagi 250-sonli Hukumat Qarori[1] bilan, O‘zbekistonda elektron hukumat tizimini yanada rivojlantirish maqsadida, maxsus markaz – «Elektron hukumat tizimini rivojlantirish markazi» hamda, «Axborot xavfsizligini ta’minlash markazi» tashkil qilindi. Mazkur qaror bilan, O‘zbekistonda elektron hukumat tizimini rivojlantirish va qo‘llab quvvatlash, uning me’yoriy-huquqiy bazasi, uslubiy va texnologik ta’minoti va tizim uchun mas’ul tashkilotlarning moddiy texnik bazasini mustahkamlashga oid o‘ta muhim ustuvor vazifalar aniq belgilab berildi.Bundan tashqari, ushbu qaror bilan, «Elektron hukumat tizimini rivojlantirish» hamda, «Axborot xavfsizligini ta’minlash markazi» larning tuzilmasi va faoliyati tartibini belgilovchi nizom qabul qilindi.

Prezidentimizning 2012 yil sentyabr oyida Janubiy Koreyaga amalga oshirgan tashriflari mobaynida, axborotlashtirish sohasida hamkorlik to‘g‘risida o‘zaro anglashuv memorandumi imzolangan edi. Koreya Respublikasining elektron hukumat borasida BMT reytingida qatorasiga ikkinchi marotaba yetakchilik qilayotganligini maqolamizda ta’kidlagan edik. Koreyaning bu boradagi boy tajribasi, hamda mazkur davlat hamda Respublikamiz o‘rtasida o‘rnatilgan mustahkam hamkorlik aloqalari negizida, Prezidentimiz tomonidan Koreyaning axborot kommunikatsiya texnologiyalari sohasida yetakchi mutaxassislaridan biri – janob Kim Nam Sok, O‘zbekistonda elektron hukumat tizimini shakllantirish jarayoniga ko‘maklashish maqsadida, Aloqa, axborotlashtirish va telekommunikatsiyalar davlat qo‘mitasi raisining o‘rinbosari sifatida AKT bo‘yicha maslahatchi etib tayinlangan edi.

Prezidentimiz I.A. Karimov, 2012-yilda mamlakatimizni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari hamda 2013-yilga mo‘ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo‘nalishlariga bag‘ishlangan Vazirlar Mahkamasi majlisida «Elektron hukumat» tizimini shakllantirish, jumladan, biznes sohasi va fuqarolarga interaktiv davlat xizmatlari ko‘rsatish jarayonini takomillashtirish muhimligini alohida ta’kidlagan edilar. Bu esa O‘zbekistonda «Elektron hukumat» tizimini rivojlantirish uchun davlat rahbariyati darajasida yuksak e’tibor qaratilayotganligiga yorqin dalildir.

...Tasavvur yaqqolroq bo‘lishi uchun, O‘zbekistonda elektron hukumat tizimini joriy etilishining so‘nggi tendensiyalarini quyidagi ketma-ketlikda ifodalash o‘rinli bo‘lar edi:[2]

Bu borada, 2013 yilning o‘tgan 10 oylik kattagina qismida salmoqli amaliy ishlar bajarilgani va muhim natijalarga erishilganini e’tirof etish o‘rinlidir. Xususan, bu borada amalga oshirilgan eng katta amaliy ishlardan biri – 2013 yil 1-iyuldan boshlab, O‘zbekiston yagona Davlat interaktiv xizmatlari portali (yagona portal) ishga tushdi. Bungacha esa, O‘zbekiston elektron hukumat tizimining maxsus ko‘rinishi, O‘zbekiston Respublikasi Hukumati portali – www.gov.uz bazasida taqdim etilayotgan edi:

O‘zbekistonda Elektron hukumat tizimini shakllantirish va amaliyotga joriy qilish borasidagi ilk portal bu – O‘zbekiston Respublikasi Hukumati portali – www.gov.uz bazasida boshlangan edi. Hukumat portalining asosiy sahifasida, saytga tashrif buyuruvchining e’tiboriga yaqqol tashlanadigan joyda alohida ajratib ko‘rsatilgan havola-tugmalar orqali taqdim etilgan. Bu, vazirliklar, idoralar va boshqa davlat tashkilotlarining veb-saytlarida taqdim etilayotgan interaktiv xizmatlarning yaxlit majmuasini tashkil qilib, zaruriy aloqa shakllari va giperhavolalar bilan ta’minlangan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Тагаров Б. Ж. Современный подходы к определению критериев информационной экономики.// Baikal research journal. – Иркутск, 2012. - №4.С.3.[Электронный ресурс]. URL.: http://elibrary.ru/download/30837991.pdf.
2. E.F. Jomonkulova, M.K.Nizomov, N.Sh. Tojiev. Issues On Using Digital Economy In The Service Sector. International Journal of Advanced Science and Technology.Vol. 29, No. 7., (2020), pp. 2015-2019.
3. www.my.gov.uz
4. www.uzbektourism.uz/uz/interaktiv xizmatlar
5. http://uzdon.uz/uz/content/interactive/

УДК:005.95.96

Д.Ф. Байзакова– Жиззах Политехника институти катта ўқитувчиси

ТАЪЛИМ МЕНЕЖМЕНТИДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МУАММОЛАРИ

Аннотация. Мақолада таълим менежментининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш асосида рақобатбардош кадрларни тайёрлаш жараёнида учрайдиган муаммоларни аниқланган ва уларни бартараф этиш йўллари бўйича мулоҳазалар баён этилган.

Калит сўзлар: таълим менежменти, раҳбар кадрлар, инсон ресурслари, илмий салоҳият, компетенция, иқтидорли ёшлар, ижтимоий ҳамкорлик, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш.

Аннотация. В статье на основе анализа специфики образователного менеджментарассмотрены проблемы, возникающие при подготовке конкурентоспособных кадров и обсуждены пути их преодолевания.

Ключевые слова: образовательный менеджмент, руководящие кадры, человеческие ресурсы, интеллектуальный потенциал, компетенция, одарённая

молодежь, социальное партнерство, повышение квалификации и переподготовка кадров.

Abstract. Based on the analysis of the specifics of educational management, the article examines the problems that arise in the preparation of competitive personnel, and discusses the ways to overcome them.

Keywords: educational management, executive personnel, human resources, intellectual potential, competence, gifted youth, social partnership, professional development and retraining of personnel.

Таълим менежменти ўзига хос мураккабликка эга бошқарув жараёнидир. Бугунги кунда таълим тизимидақўйилаётган замонавий талаблар билан педагогик ходимларнинг шахсий ва касбий тайёргарлик даражаси ўртасидаги,таълим тизимида яратилаётган янгиликларни жорий этиш суръати билан ўқув-методик таъминот ўртасидаги номувофиқликларнинг мавжудлиги бошқарув жараёнини янада муракаблаштирмоқда.

Мазкур муаммоларнинг келиб чиқиши сабабларигатаълим менежментининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилган ҳолда ёндашамиз:

Бозор иқтисодиёти шароитида бошқарувнинг мослашувчан бўлиши, қайси соҳада бўлишидан қатъий назар фақат ва фақат кадрлар билан боғлиқ. Умуман, таълим муассасасининг ўзгарувчан шароитларга мослашувчан бўлиши, унинг кадрларининг салоҳиятига, уларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини тўғри йўлга қўйилганлигига боғлиқ. Бунда ходимларнинг ўз устида ишлаш истагининг, малака оширишга бўлган ички эҳтиёжининг мавжудлиги катта аҳамиятга эга. Таълим муассасасида инновацион муҳитнинг яратилиши, ҳар қандай янгилик, инновация ва ташаббусларнинг қўллаб қувватланиши ходимларнинг ўз устида ишлашларига шароит яратади.

Таълим менежментида инсон ресурсларини ривожлантириш масалаларитаълим олувчиларнинг шахсий ва касбий тайёргарлигини такомиллаштиришга қаратилган жараёнлар билан боғлиқ. Таълим муассасасида инновацион муҳитнинг шаклланиши, инсон ресурсларидан ривожлантиришга кенг йўл очиб беради. Бунинг учун таълим тизимида иқтидорли ёшларни аниқлаш ва улар билан ишлаш механизмини такомиллаштириш, инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш зарур. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш [1] ” га алоҳида эътибор қаратилганлиги

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947 –сонли Фармони

фикримизни тасдиқлайди. Бунда тегишли йўналиш ва мутахассисликлар бўйича рақобатбардош кадрлар тайёрлаш учун ўқув, илмий ва моддий техник базани такомиллаштириш масалаларини ҳал этиш талаб этилади.

Ўзбекистонда таълим муассасаси нафақат таълим маскани, балки тарбия маскани сифатида ҳам фаолият юритади. Шу ўринда буюк мутафаккир А.Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот ё ҳалокат, ё саодат ё фалокат масаласидир" деган фикрларини келтириш жоиздир. Бу ўз навбатида раҳбар кадрларнинг юксак аҳлоқий сифатларга эга бўлиши, маънавий баркамол шахс сифатида педагог кадрлар ва ўқувчи талабаларга ўрнак бўлиши кераклигини тақозо этади. Бунинг учун энг муҳими, жамоада соғлом рақобат муҳити, ҳамжиҳатлик руҳини шакллантириш зарур омил ҳисобланади. Қачонки жамоада ҳамжиҳатлик шаклланар экан, муаммоларни биргаликда ечиш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, энг муҳими, таълим муассасасининг умумий мақсадини шахсий манфаатлардан устун қўйиш, янгиликларни қийинчиликсиз жорий этишга шароит яратилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунига мувофиқ, таълим тизимида давлат ва жамият бошқарувининг уйғунлаштиришдавлатимизнинг таълим соҳасида асосий сиёсати ҳисобланади [1]. Жумладан, таълим муассасаларининг маҳалла ва оилалар билан ҳамкорлиги бугунги кунда давоматни яхшилаш, ўқувчи ва талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш масалаларини ҳал этишда ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бироқ, ҳар доим ҳам эмас. Глобаллашув жараёнининг жамият тараққиётига таъсири, таъбир жоиз бўлса, салбийтаъсири таълим тизимида, хусусан, ўқув-тарбия жараёнида ўз аксини топаётганини кузатиш мумкин. Яъни, ёшларнинг маънавий-аҳлоқий тарбияси ва дунёқарашида бўлаётган ўзгаришлар асосан, жамиятда: маҳалла ва оиладаги муҳит билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу вазиятни чигаллаштиришга сабаб бўлмоқда. Таълим муассасаларининг асосий истеъмолчиси ва буюртмачиси жамият экан, жамиятнинг эҳтиёжи ва талабларини инобатга олиш, таълимни бошқариш жараёнида уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, моддий ва маънавий манфатларини аниқ белгилаш асосида ижтимоий ҳамкорликни самарали йўлга қўйиш зарур. Оила, таълим муассасаси, маҳалла ҳамкорлигини ташкил этиш вазифасига шунчаки ёшларни назоратга олиш механизми сифатида эмас, аксинча, ота-онанинг ва жамиятнинг таълим муассасасига муносабатини ўзгартириш воситаси сифатида қараш лозим. Яъни асосий мақсад ёшларнинг қобилияти, эришган ютуқларини намоён қилиш орқали уларда фахр туйғусини уйғотиш, таълим муассасасидан миннатдорлик ҳиссини туйишига эришиш муҳим. Иқтисодий мустақилликка ва ўз фаолияти натижаларига тўлиқ жавоб бериш ҳуқуқини эгаллаган корхона, юқори иш самарадорлигига, рақобатбардошликка ва бозордаги мустаҳкам ҳолатга эришиши кўп жиҳатдан раҳбарнинг салоҳияти, тадбиркорлиги ва етакчилик қобилияти каби қатор фазилатларига боғлиқ.

[1]Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.- Т.: "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни, 1997. – 63 б.

Раҳбар кадрлар жамиятни ҳаракатга келтиради, халқ ичида мавжуд бўлган ижодий кучларни уйғотади, ижтимоий-иқтисодий ҳаётни жонлантиради. Ишлаб чиқариш менежментида раҳбарнинг касбий тайёргарлиги етишмаслиги сабабли яратилган сифатсиз маҳсулот учун корхона ёки раҳбарнинг ўзи моддий ва маънавий зарар кўрса, таълим менежментида сифатсиз тайёрланган кадр учун нафақат ташкилот, балки бутун бир жамият, давлат зарар кўриши мумкин. Таълим менежментида раҳбарнинг салоҳияти ёки касбий тайёргарлиги етишмаслиги туфайли йўл қўйилган биргина хато бир неча инсонларнинг тақдирини ўзгартириб юборишга қодир.

Хулоса қилиб айтганда, таълим тизимида раҳбар кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини доимий равишда тако-миллаштириб бориш, таълим менежментида инновацион технологияларни тадбиқ этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши давр талабидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Т.: “Ўзбекистон”, 2017. 8-б.

2. Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим менежменти. – Т.:Ворис-Нашриёт, 2006. – 264 б.

Н.У. Султанова– СамИСИ тадқиқотчи

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ РОЛИ ВА ПЕРСОЛНИ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНТИРИШ

Аннотация: Мақолада кадрларни бошқариш тизимини қуриш ва ташкил этишда ҳал қилинмаган муаммолар ва қийинчиликлар ҳамда кадрларини ривожлантириш стратегиялари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: персонал, стратегия, стратегик ривожланиш, персонални ривожлантириш, шахсий таълим стратегиялари, ташкилий таълим, интеллектуал капитал, стратегик қобилият, ҳиссий маданият.

Аннотация: В статье выявляются нерешенные вопросы и проблемы при построении и организации системы управления персоналом, а также стратегии развития персонала.

Ключевые слова: персонал, стратегия, стратегическое развитие, развитие персонала, стратегии личного обучения, организационное обучение, интеллектуальный капитал, стратегические способности, эмоциональная культура.

Abstract: The article identifies unresolved issues and problems in the construction and organization of a personnel management system, as well as personnel development strategies.

Key words: personnel, strategy, strategic development, personnel development, personal learning strategies, organizational learning, intellectual capital, strategic abilities, emotional culture.

Иқтисодиётни модернизациялаштириш ва ишлаб чиқаришни диверси-фикациялаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва унинг асосида аҳолини, айниқса ёшларни иш билан бандлигини таъминлаш, уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини амалга

оширишлари ва иқтисодий мустақилликка эришишлари учун қулай шарт-шароитларни яратиш, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва янги иш ўринларини яратиш, ишга жойлашишга кўмаклашишни ташкил этиш, касбга тайёрлаш ва йўналтириш тизимини жорий этиш ҳамда кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳатларнинг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Тадбиркорлик тузилмасида ходимларни бошқариш тизимини қуриш ва ташкил этишда ҳал қилинмаган муаммолар ва қийинчиликлар мавжуд. Энг муҳими, ҳар бир ходимнинг ижодий ва ақлий ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва таъминлаш; юқори интеллектуал меҳнат сифатини оширишга қаратилган шахсийлаштирилган мотивация тизимларини шакллантириш; меҳнат самарадорлигини ошириш учун юқори малакали ходимларни жалб қилиш ва рағбатлантириш; шунингдек, минтақавий ва ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда бошқарув тадбиркорлик маданияти даражасини шакллантириш. Бугунги кунда кадрлар бошқарувининг самарали тизимини яратиш, хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг рақобат муҳитида самарадорлигини ошириш учун ташкилий захираларни излаш учун етарли даражада ишлар олиб борилмоқда.

Чет эллик муаллифлар орасида Армстронг ходимларнинг стратегик ривожланиши ходимларнинг таълим ва ривожланиш истагини рағбатлантирадиган муҳитни яратишга қаратилганлигини таъкидлади. Ушбу мақсад ходимларининг стратегик ривожланишини аниқлашга мос келади. Шундай қилиб, ходимларнинг стратегик ривожланишининг асосий мақсади ходимларни ривожлантириш учун атроф-муҳитни яратиш бўлиб, турли хил ривожланиш воситаларидан фойдаланиш орқали ходимларнинг иш самарадорлигини оширишга олиб келади.

Бугунги кунда ходимларнинг стратегик ривожланишини ҳал қилувчи еттита асосий вазифа мавжуд:

- шахсий таълим стратегиясини ишлаб чиқиш;
- ташкилий таълимни такомиллаштириш ва таълим муассасасини ташкил етиш;
- ахборотни бошқариш;
- интеллектуал капитални шакллантириш;
- бошқарув ходимларининг сифатини яхшилаш;
- "ҳиссий маданиятни ривожлантириш"»;
- стратегик қобилиятни ривожлантириш.

Демак, келтирилган фикрлардан ходимларнинг стратегик ривожланишининг мазмуни юқорида тавсифланган ҳар бир вазифага мос келадиган стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан белгиланади, деб ҳисобласак муболаға бўлмайди. Ходимларнинг стратегик ривожланиши билан ҳал қилинадиган вазифалар доирасини чуқур тушуниш учун ҳар бир стратегияни батафсилроқ амалга оширишни кўриб чиқиш керак.

Шахсий таълим стратегиялари - ташкилотнинг билимларни олиш, тарқатиш ва алмашишдан иборат мураккаб уч босқичли жараён сифатида тақдим этилади. Маълумот тўғридан-тўғри ўз тажрибаси билан сотиб олиниши ёки

ҳамкасблар тажрибасидан ёки ташкилотнинг хотирасидан олиниши мумкин.

Ташкилий таълим - икки босқичда амалга оширилади: биринчи навбатда, ташкилот эришмоқчи бўлган нарсага етиб борганида ва иккинчидан, мақсад ва натижалар ўртасидаги келишмовчилик юзага келганда ва тегишли ўзгаришлар содир бўлганда.

Ахборотни бошқариш стратегияси - ахборотни бошқариш-ташкилотнинг муваффақияти учун зарур бўлган билимларни тан олиш, яратиш, сақлаш, тарқатиш ва қўллаш орқали амалга ошириладиган тизимли жараёндир. Ахборотни бошқариш стратегиялари персоналнинг ўзаро ҳамкорлиги орқали билим алмашиш жараёнини рағбатлантиради ва уларга бошқа манбалардан маълумотларга эга бўлишни таъминлайди.

Интеллектуал капитал - фойда ҳамда бошқа иқтисодий ва техник натижаларни максимал даражада ошириш учун самарали фойдаланиладиган патент, маълумотлар базалари, дастурий таъминот, савдо белгилари ва бошқаларни ўз ичига олган муайян шахслар ва номоддий активларнинг билимлари, кўникмалари ва ишлаб чиқариш тажрибаси.

Бошқарув кадрларини ривожлантириш стратегиялари - бошқарув таркибининг ривожланиши корпоратив ва ташқи ўзгариш шароитида бошқарув материалларини такомиллаштириш мақсадида қўллаб-қувватланадиган яхлит корпоратив тадбирлар тизими ҳисобланади. Бошқарув таркибини ривожлантиришнинг учта томони мавжуд:

- ривожланиши қўллаб-қувватланадиган персонал;
- бу персоналнинг устида турган менежер;
- бу персоналга тегишли бўлган ташкилотнинг бўлинмаси.

Ҳиссий маданият - ўз ҳис-туйғуларини ва бошқа одамларнинг ҳис-туйғуларини тушуниш, ўзларини ва бошқаларни рағбатлантириш, ҳис-туйғуларини бошқариш ва бошқалар билан муносабатда бўлиш қобилияти. Ҳиссий маданиятнинг тўртта елементи мавжуд.

Стратегик қобилият - энг муносиб стратегияни ва уни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳаракатлар тизимини, шу жумладан, ресурслар талабларини танлаш қобилиятидир.

Шундай қилиб, ходимларнинг стратегик ривожланиши ходимларнинг барча соҳаларини ва ўз вазифаларини, шу жумладан бошқарувни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган барча жараёнларни "қамраб олади" деган хулосага келиш мумкин. Ходимларнинг стратегик ривожланиши натижаси:

- ходимларнинг шахсий ривожланиши;
- жамоани ривожлантириш;
- ходимларнинг иш самарадорлигини ошириш;
- бошқарув тизимини такомиллаштири
- компаниянинг номоддий активлари базасини кенгайтириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдурахманова Г.Қ.Кичик бизнесда аҳолини иш билан таъминлаш. Монография. –Т.: “Иқтисодиёт”, 2014. -216 б.

2. А.О. Блегнов, О.В. Васильевская. Искусство управления персоналом. Учеб. пособие для экономических колледжей и вузов. М., «ГЕЛАН», 2001.

3. З.Я.Худойбердиев ва б. Тадбиркорлик ва ишга жойлаштириш технологияси. Ўқув қўлланма. – Т.: «ILMZIYO» 2016;

М У Н Д А Р И Ж А :

I ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ”		
Заявитдинова Н. Артиков Ш.С.	Цифровая трансформация системы государственного управления в условиях цифровизации экономики	4
Xalikova L.N. Yuldashev B.	Raqamli iqtisodiyot shakllanish sharoitida innovatsion rivojlanish muammolari	8
Хотамова Г.Қ.	Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш	10
Шакирова Ф.Б. Эшназаров О.	Рақамли иқтисодиёт шароитида темир йўл транспорти давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари	13
Джабборов Д.Б.	Цифровая экономика – состояние и перспективы в Узбекистане	16
Usmanova N.Y. Ro‘ziyev Sh., Rajabov J., Nurulloyev O.	Development of innovative and digital economy in Uzbekistan	19
Ғуломова Г.П.	Миллий инновация тизимлари концепциясининг ривожланиш босқичлари	23
Артикова Д.М. Юлдашева С.Н. Аслонов А. Фармонов А.	Особенности формиования эффективной системы государственного управления цифровой экономики	27
Бахронов Ш.А., Холбоев У.Х.	Миллий иқтисодиёт ривожланишида корхоналарнинг ўрни	30
II ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИ, ФАРОВОНЛИГИ, ЯШАШ СИФАТИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Шадиева Г.М.	Ишлаб чиқариш корхоналарида оқилона овқатланишнинг ўрни	35
Пардаев О.М., Мамаюнусов Т.О	Кластер иқтисодиётимизга ва аҳолига нима беради?	38
Олтаев Ш.С.	Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда инновацион фаолиятнинг ўрни	40
Шералиева С.А.	Инновацион – инвестиция: ҳудудий ривожланиш ва тенденциялар	43
Худойқулов У.Ч.	Самарқанд шаҳрида табиий газ етказиб бериш тартибини такомиллаштириш йўллари	46

Файзиева Ш. Ш. Юлдашева Ш.А.	Влияние построения дешевого жилья на обновленные модельные проекты в сельских местах на благополучие населения	50
Shomiev G.U.	Key performance indicators as effective method of human capital evaluation in sphere of health care service in Uzbekistan	52
Холмуродов О.Н.	Рақамли иқтисодиёт шароитида аҳоли бандлиги, фаровонлиги ва турмуш даражасини оширишда хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳамияти	55
Олтаев Ш.С.	Инновацион иқтисодиёт шароитида аҳолини меҳнат билан бандлик даражасининг моҳияти	58
Ахтамова М.Э. Еламанов А.Е.	Повышение уровня жизни населения Узбекистана в условиях инновационной и цифровой экономики	62
Muhitdinov A.B.	Xizmat ko‘rsatish sohasini rivojlantirish va samaradorligini oshirishda motivatsiyaning roli	66
Юлдашева Ш.А.	Жилищно-коммунальная система и ее роль в повышении жизненных стандартов	71
Расулова Н.Н. Фармонов А.С. Бобомуродов К.	Ҳудудларда пандемия шароитида хизматлар соҳасининг ривожланиш хусусиятлари	74
Ишонкулова Ф.А.	Причины и последствия изменения уровня занятости населения Узбекистана	78
Абдуганиев У.Х.	Роль цифровых технологий в снижении коррупционных рисков экономической безопасности	81
Абдуллаева З.М.	Рақамли иқтисодиёт шароитида аёллар бандлигини ошириш йўллари	84
Рузиева Н.Б.	Повышение эффективности отраслей сферы услуг в условиях инновационной экономики	88
Маликова Д.М.	Консалтинг хизматларининг инновацияларни жорий этишдаги аҳамияти	91
Sobirova M.R.	Oilaviy korxonalarni rivojlantirishning konseptual yo‘nalishlari	93
III ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ, РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”		
Пардаев М.Қ., Рахимов Ҳ.А.,	Инфратузилма тушунчаси, уларнинг турлари ва уларнинг туризм соҳасини ривожлантириш имкониятлари	96
Ахмедшина Ф.А.	Глобальные тенденции занятости в туризме: гендерные аспекты	100
Хасанова Г.Д. Нарзуллаева Н.Ф.	Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида туризм соҳасини ривожлантириш тенденциялари	104

Норқулова Д.З., Холиқулов А.Н. Эвадуллаев Т.Ш.	Самарқандда зиёрат туризми: имкониятлар, муаммолар ва уларнинг ечимлари	108
Turdiyeva Sh., Haydarov S.	Muzey Web saytlarining kamchiliklari va rivojlantirish yo‘llari	112
Nasimov I.X. Nuritdinov A.A.	Turizm – mamlakatimiz iqtisodiyotining kelajagi	116
Маматкулова К.А	Экотуризм: принципы, методы и подходы для поддержания экологического равновесия	119
Xamitov M.X.	Turizm va mehmonxona faoliyatini rivojlantirishda marketing strategiyalaridan foydalanish xususiyatlari	124
Tursunova G.R.	Turistik uylarning paydo bo‘lish tarixi va rivojlanishi	128
Hamdamov A.H.	Turizm sohasini rivojlantirishda raqamli texnologiyalarning ahamiyati va roli	130
Усманова С.З.	Туризмда инвестиция фаолиятини режалаштириш ва ташкиллаштириш	133
IV ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГНИ ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Турсунов И.Э., Тўхтаев А.Н.	Рақамли иқтисодиёт шароитида хизматлар соҳасида замонавий раҳбарнинг лидерлик салоҳиятини ошириш	138
Цой М.П., Муродов З.М.	Корпоративное управление и цифровая экономика – состояние и перспективы в Узбекистане	142
Xoliqulov A.N. Shomurodova Sh.	Turizm va mehmonxona xo‘jaligida marketing faoliyatini rejalashtirish	145
Abbazov B.T.	Xizmat ko‘rsatish menejmentida mehnatni motivatsiyalashning maqbul tizimini loyihalashtirish tamoyillari	148
Мухитдинов А.А.	Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда хўжалик фаолиятини трансформациялашнинг бошқарувчилик роли	152
Xolmamatov D.H Azgarov A.A.	Features of creating online questionnaires to collect information for marketing research	156
Rasulova N.N., Xudoyorova M.M.	Kontent marketingi tovar va xizmatlarni sotishning raqamli texnologiyasi sifatida	160
Аллаёров Ҳ.И. Абдурахманов С.	Рақамли иқтисодиёт шароитида биржа савдосидаги хавф-хатарлар ва уларни бартараф этиш йўллари	164

Бекмуродова Г.А.	Digital banking; тижорат банкларида маркетинг фаолияти самарадорлигини оширишда тутган ўрни	168
Xatamov A.Y.	Xizmat ko‘rsatish sohasida mutaxassis – marketologlarning kasbiy muvofiqliligini baholash va tanlashning o‘ziga xos xususiyatlari	173
Бахронов Ш.А. , Холбоев У.Х.	Банк тизимида маркетинг фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш хусусиятлари	178
Рафиқов Р.А.	Инновацион иқтисодиёт шароитида нефт-газ саноатидаги акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш йўллари	181
V ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Зайналов Ж.Р., Усмонов П.Ш., Данияров Қ.Д.	Коронавирус пандемияси шароитида туризм соҳа корхоналарини тиклаш ва ривожланти-ришни молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари	186
Хасанова Г.Д., Тожиева М.В.	Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида инвестицияларнинг ўрни	190
Маликов Т.С., Исмоилова С.Я.	Бюджетдан молиялаштириш усуллари	195
Бектемиров А., Нозимов Э.А., Умаров А.Х.	Ўзбекистон рақамли иқтисодиётида банкларнинг роли	197
Хайдаров З.Ш.	Тижорат банкларини ликвидлиги: таъсир этувчи омиллар, муаммолар ва таъминлаш йўллари	201
Хамракулова О.Д.	Инвестиции и цифровая экономика Узбекистана	205
Қодиров И., Мусаев Р.М.	Солиқ юкини оптималлаштириш омиллари	210
Бауетдинов М.Ж. Нурбоев Ш.К.	Банкларнинг инвестицион кредитлари ҳисобидан корхоналарнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш	213
Бектемиров А., Нозимов Э.А., Исмоилов О.А.	Тижорат банкларининг самарали инвестицион фаолияти – тараққиёт ва фаровонликнинг муҳим омили	215
Ахмедова А.Т.	Индустриальное развитие экономики в условиях финансово-деловой активности предприятий	220

VI ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ, АУДИТ ВА СТАТИСТИКА ФАНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Уразов К.Б., Абдурасулов Ж.	Корхоналарни қайта ташкил қилиш жараёнларини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш тартибларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш	223
Shadiyeva G.M. , Hamdamov T.R.	Rentabellik va uni oshirish yo‘llari	226
Уразов К.Б., Сиддиқов Ж.Ю.	Гилам ишлаб чиқариш жараёнининг аудит объекти сифатидаги хусусиятлари	232
Ташназаров С.Н.	Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида таълим ва малака ошириш – долзарб масала	237
Холиқулов А.Н.	Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳудудлар бўйича ривожланиш кўрсаткичлари динамикаси таҳлили	242
Мусабаева Л.А.	Практические аспекты анализа эффективности предприятия как фактор внутренней среды предприятия	246
VII ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ”		
Суюнов О.Ж.	Кадрларни касбга тайёрлашнинг инновацион усуллари	251
VIII ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА УМУМИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАР”		
Шадиева Г.М. Солижонов М.Ш	Транспорт соҳасида давлат –хусусий шериклик механизмларидан фойдаланишнинг хорижий тажрибаси	254
Убайдуллаев Ғ.З.	Инновацион иқтисодиётни шаклланишида инсон капитали ҳажмининг ошиши ва рақамли иқтисодиётни ривожланиш истиқболлари	258
Бектемиров А.	Хизматлар самарадорлигини аниқлаш усулини такомиллаштириш	264
Jomonqulova F.E. Azizov Q.N.	Axborot-kommunikatsion texnologiyalar va tizimlarning rivojlanishi	267
Усмонова Д.И., Якубова М.Б. Усманов Ф.Ш.	Роль мебельной индустрии в Республике Узбекистан и особенности мебельного рынка	270

Jomonqulova F.E. Rahmatova D.O.	«Elektron hukumat» davlat boshqaruvi sifatida	273
Eshpulatova Z.B. Sattarova S.	The main characteristics of organizing the state and companies' fiscal policy	279
Jomonqulova F.E. Ro'ziqulova N.U	Axborot kommunikatsiya texnologiyalari va davlat boshqaruvi, yoxud, «elektron hukumat»	282
Байзакова Д.Ф.	Таълим менежментида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш муаммолари	287
Султанова Н.У.	Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда кадрлар тайёрлашнинг роли ва персолни стратегик ривожлантириш	290

ҚАЙДЛАР УЧУН

Хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида ривожлантириш муаммолари

мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари

2021 йил. Қоғоз бичими А5,

Офсет қоғози. Times New Roman" гарнитураси
Босма тобоғи 18,75 б.т.
Буюртма № 10/21, Адади 80 нусха

"Наврўз полиграф" МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 18-3327 30.08.2019 йил

Манзил: Самарқанд шаҳри, Л.М.Исаев кўчаси, 38-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2021